

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**мавзусидаги ёш олимларнинг
илмий-амалий анжумани**

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент - “Иқтисодиёт” - 2009

“Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш” мавзусидаги ёш олимларнинг илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2009. - 437 б.

“Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш” мавзусидаги ёш олимларнинг илмий - амалий анжумани тезислар тўпламига Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олаётган магистратура талабалари, илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари киритилган.

Илмий-амалий анжуман тезислар тўпламида мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида амалга оширилаётган самарали иқтисодий ислохотлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар таҳлил қилинган, шунингдек ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг истиқболдаги натижаларига бағишланган илмий мақолалар жамланган.

Таҳрир ҳайъати:

иқтисод фанлари доктори, профессор Ходиев Б.Ю.,
иқтисод фанлари доктори, профессор Бекмуродов А.Ш.,
иқтисод фанлари доктори, профессор Махмудов Н.М.,
иқтисод фанлари номзоди, доцент Хакимов Р.Х.

Тақризчилар:

иқтисод фанлари доктори, профессор Болтабоев М.Р.,
иқтисод фанлари доктори Ахмедов Т.М.,
иқтисод фанлари доктори, профессор Беркинов Б.Б.,
иқтисод фанлари доктори, профессор Назарова Г.Г.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашининг 2009 йил 30 март қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

© - Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, 2009.

© - “Иқтисодиёт” нашриёти, 2009.

КИРИШ

Республикаимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилаётганлиги натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди, инфляция даражасининг пасайишига эришилди, республика иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажми ошди, ташқи иқтисодий фаолият фаол ривожланди, аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифатининг жадал ошиши таъминланмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида таъкидлаб ўтганидек: “Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратади”.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур тўпламга киритилган илмий ишлар университетимизда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, магистратура талабалари ҳамда илмий тадқиқотчиларининг илмий изланишлари маҳсулидир. Университетимизда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан узвий боғлиқ. Жумладан, иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнларини тезлаштириш, уларнинг назарий ва услубий асосларини яратиш борасида қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, илмий тадқиқот ишлари мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда илм-фаннинг устувор йўналишлари билан доимий равишда мослаштириб борилмоқда.

Илмий-амалий тезислар тўпламида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохотлар, эришилган ютуқлар таҳлил қилинган, иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, пул-кредит ҳамда солиқ-бюджет муносабатларини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бозор муносабатларини такомиллаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш каби масалалар ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган.

Иқтисодий муносабатлар тизимида валюта сиёсати

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ жараёнларни бошқариш, миллий валютанинг халқаро мавқеини белгилаш ва мамлакатнинг жорий ҳамда келажакдаги иқтисодий муносабатлар тизимида валюта сиёсати муҳим роль ўйнайди. У «кўп қиррали башорат» (иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш ва инфляцияни жиловлаш, тўлов балансининг активлигини сақлаб туриш) муҳити ҳисобланган иқтисодий сиёсатнинг асосини эгаллашда, етакчи ўрин тутди.

Валюта сиёсатининг шакли ва ўрни, мамлакатнинг валюта-иқтисодий ҳолати, жаҳон ҳўжалигининг эволюцияси, жаҳон майдонидаги ўрни билан аниқланади. Тарихий ривожланишга назар соладиган бўлсак, биринчи навбатда, ҳар қандай валюта сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагича шаклланиб келмоқда: валюта инқирозини бартараф этиш ва валюта қийматининг таъминланганлиги, валюта чекловлари, валютанинг эркин алмашинуви, валюта операцияларини эркинлаштириш ва бошқалар. Мамлакатлараро муносабатларда валюта сиёсатининг асосий жиҳати: ҳамкорлик ва келишув, яъни ривожланаётган мамлакатларни ички сиёсатига молиявий ва маслаҳат хизматлари орқали кўмак бериш.

Валюта сиёсати ҳуқуқий жиҳатдан валюта қонунлари асосида тартибга солинади. Буларга ҳуқуқий даражадаги чегараларнинг ўрнатилиши, мамлакат ичкарисида ва мамлакат ташқарисида валюта қимматликлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солиш, яна валюта муаммолари бўйича икки томонлама ва кўп томонлама, мамлакатлараро валюта келишувларини тузиш киради. Ямайка валюта келишуви ХВФ низомининг ўзгартириши билан, янги жаҳон валюта тизими йўналишини аниқлаб берди.

Валюта сиёсати амалга оширилишининг асосий йўлларида бири, давлатнинг халқаро ҳисоб-китоблари бажарилишини бошқариш ва миллий, мамлакатлараро, ҳудудлараро валюта муносабатларини амалга оширишдан иборат. Валютани тартибга солишнинг бевосита йўли қонуний ҳужжатлар ва ҳукуматнинг ижро органлари орқали амалга оширилиши ҳисобланса, билвосита йўл билан бозор агентларининг иқтисодий ҳаракатланишига, иқтисодий усуллар, хусусан, валюта-кредит усуллари билан таъсир этилади.

Ҳўжалик алоқалари умумийлаштирилиши, давлатлараро валюта бошқарилишининг ривожланишига сабаб бўлди. У қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди: айрим мамлакатлар валюта сиёсатини мувофиқлаштириш, келишган ҳолда валюта инқирозини бартараф этиш, ривожланган

мамлакатлар валюта сиёсатининг бошқа мамлакатларга мос келиши. Худудий валюта бошқарув иқтисодий интеграция бирлашмалари чегарисида амалга оширилади.

Валюта сиёсати - валюта муаммоларини ҳал этиш бўйича қарорлар тайёрлаш, қабул қилиш ва татбиқ этишдан иборатдир. Валюта муносабатларини тартибга солиш бир неча поғоналардан иборат:

1. Хусусий фирмалар, биринчи навбатда, валюта муносабатларида фаол иштирок этаётган ва йирик валюта маблағларига эга бўлган миллий ва халқаро банклар ҳамда корпорациялар киради.

2. Халқаро давлатлар қаторидаги миллий давлатлар (Молия вазирлиги, Марказий банк, валюта назорати ташкилотлари).

Халқаро тартибга солишда валюта, кредит ва молия сиёсати қуйидаги сабаблар билан шаклланган:

- Миллий иқтисодиётда валюта, кредит ва молия муносабатларининг ўзаро боғлиқлиги;

- Хўжалик муносабатларини эркинлаштириш шароитида бозор ва давлат бошқарувининг бозор томон юз тутиши;

- иккинчи жаҳон урушидан сўнг, жаҳон сиёсий ва иқтисодий майдонида асосий куч ҳисобланган АҚШ ўрнида учта асосий ҳамкорлик ва қарама-қарши марказларнинг ташкил топиши: АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония.

- жаҳондаги етакчи валюталар, кредит ва молия бозорлари, яъни сузиб юрувчи курслар, фоиз ставкалари, биржа инқирозлари ва бошқалар ўзгаришининг беқарорлиги;

- ички миллий иқтисодий сиёсат, шунингдек валюта, кредит, молия, бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлмаган ва уларнинг халқаро хўжаликдаги интеграциялашуви.

Валюта сиёсати мақсад ва шаклига кўра таркибий ва жорийга бўлинади. Таркибий валюта сиёсати — жаҳон валюта тизими таркибини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли тадбирлар мажмуи. Улар барча мамлакатларнинг мақсадларига тўғри келадиган, алоҳида валюталарни шакллантиришга қарши қаратилган валюта тадбирлари орқали амалга оширилади. Таркибий валюта сиёсати, жорий валюта тизимига ўз таъсирини кўрсатади. Жорий валюта сиёсати валюта курси, валюта операцияси, валюта бозорининг фаолияти ва олтин бозорини қисқа вақтда тезкорлик билан бошқариш. Валюта сиёсатининг қуйидаги шакллари мавжуд: дисконт, девиз сиёсати ва унинг кўринишлари — валюта интервенцияси, валюта захираларини диверсификация қилиш, валютавий чеклашлар, валютанинг алмашув даражасини бошқариш, валюта курсининг тартиби, девальвация, ревальвация.

Дисконт (фоиз ставкаси) сиёсати. Фоиз ставкаси ссуда капиталининг йиллик даромадини унинг мутлақ катталигига нисбатидан келиб чиқади.

Фоиз ставкалари таркиби асосида объектив тарзда пул бозори ставкаси ётади. Яъни, жуда кенг тарқалган ва ликвидли қисқа муддатли операциялар ставкалари тижорат банклари ўз кредит фаолиятини қайта молиялаштиришида қўлланилади. Худудий валюта бозорларининг ривожланиши билан фоиз ставкаларининг муайян турлари кўпаймоқда. Масалан, ЛИБОР (London Interbank Offered Rate — LIBOR) — Лондон банклараро маблағларга таклиф ставкаси юзага келди ва жуда кенг қўлланилмоқда. ЛИБОР ўзида Лондон банкларининг бир-бирига таъминланмаган ссудалар (1 ойдан 1 йилгача) беришнинг ўртача фоиз ставкаси. ЛИБОР АҚШ долларида қўлланилиши кенг тарқалган, лекин бу ЛИБОРнинг бошқа евравалюталарда қўлланилмаслигини англатмайди.

Халқаро ссуда капиталлари бозорининг ривожланиши билан ЛИБОР ставкасига ўхшаш бошқа ставкалар пайдо бўлди: ПИБОР (Париж), СИБОР (Сингапур), НИБОР (Нью-Йорк, Норвегия), КУБОР (Кувайт), ЛЮКСИБОР (Люксембург) ва шу кабилар. Ҳозирги даврда валюта интервенциясидан кўзланган мақсад валюта курсининг қисқа вақт оралиғида, кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларга барҳам бериш ҳисобланади.

Марказий банклар валюта курсини исталган даражада ўзгартириш имкониятига эга эмас, чунки улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайди. Шу сабабли, валюта интервенциясидан мақсад валюта курсининг кескин тебранишлари оқибатларини юмшатиш ҳисобланади. Валюта интервенцияси расмий олтин-валюта захиралари ёки Марказий банкларнинг банклараро «СВОП» битимлари ҳисобига амалга оширилади. Ҳозирги вақтда, ҳар қандай интервенциянинг охириги мақсади, валюта бозоридаги вазиятни барқарор ушлаш ҳамда валюта курслари тез тебранишининг олдини олишдан иборат. Валюта бозоридаги барқарор ҳолат, биринчи навбатда, ташқи иқтисодий алоқаларни, шу жумладан, бутун иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди.

Валюта интервенциясининг узоқ муддатли мақсадлари сифатида, ҳукумат томонидан бозордаги ҳолатни мамлакатнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари билан мослаш, хусусан, миллий валюта курсининг ошиб ёки тушиб кетишининг олдини олиш, иқтисодиётни халқаро валюта-кредит конъюнктурасининг салбий таъсиридан сақлашларини кўрсатиш мумкин. Баъзан, давлат ўз валюта курсини реал бўлмаган курс даражасида сақлашга ҳаракат қилади. Кўпгина Марказий банклар мамлакатнинг олтин-валюта захиралари билан ўтказиладиган операцияларга эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда ва камроқ харажат талаб қиладиган усуллардан фойдаланишга интиломоқда. Сўнгги йиллар давомида, етакчи мамлакатлар бир неча марта мувофиқлашган валюта интервенциясини ўтказди. Уларнинг асосий мақсади АҚШ доллари курсини тушириш ёки ҳеч бўлмаганда унинг курси ўсишининг олдини олиш эди. Бироқ ўтказиладиган операциялар суммаси нисбатан кам бўлганлиги сабабли, сезиларли ютуқларга эришилмади. Шундай бўлса-да, шу нарса аниқ

бўлдики, алоҳида мамлакатларнинг шартли интервенциясига нисбатан мувофиқлашган интервенциянинг натижаси таъсирчанроқдир.

Хулоса қилиб айтганда валютавий чеклашлар мамлакатлар ҳудудидан олтин ва валюта қимматликлари чиқиб кетишининг олдини олишда, шу асосда, хорижий валюталарга бўлган талабни тартибга солиш мақсадида қўлланилади.

Т.Б. Алиев,
МЭKM-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Молиявий-иқтисодий инқирози ва иқтисодий хавфсизлик

Маълумки, бир неча ойдан буён жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этмоқда. Ушбу инқироз йирик саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир этибгина қолмай, мустақил тараққиёт йўлини танлаб, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларни ҳам ўз гирдобига торта бошлади. Бу табиий ҳолатда ишлаб чиқариш суъратларининг пасайиши, ишсизликнинг ортиши, аҳоли турмуш даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Албатта, ушбу салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида инқироздан ҳам талофат кўришни кўзлаб ҳар бир давлат ўз иқтисодий хавфсизлигини сақлашга ҳаракат қилади.

XX асрнинг 90-йиллари бошидан иқтисодий хавфсизлик муаммоси пайдо бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда демографик ҳолат ёмонлашиб, бир томондан ишчилар сонига нисбатан нафақа олувчилар сонининг тез суръатлар билан ўсишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан фан ва техниканинг ривожланиши ушбу соҳаларга юқори малакали ишчиларнинг етишмаслигида сезила бошланган эди. Ҳозирги жаҳон инқирози тайёр маҳсулот экспорт қиладиган мамлакатларга нисбатан, хомашё экспорт қиладиган мамлакатларга ўзгача таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидан ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мақсад қилиб қўйган экан, миллий ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга асосий эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, халқ депутатлари вилоят кенгашлари сессиялари ҳамда турли халқаро учрашувлар, анжуман ва тантанали маросимлардаги чиқишлари, табриклари, шунингдек хорижий давлатларга расмий ташрифлари пайтидаги нуфузли учрашувларда хавфсизлик ва терроризмга қарши курашишга жуда катта эътибор бериб келмоқда. Масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги юртбошимизнинг маърузасида Афғонистондаги танглик ва

наркобизнес муаммосига тўхталиб, мазкур мажоро миқёслари ва потенциали, унинг бутун дунёга хавф солаётган, келтириб чиқарадиган оқибатлари ҳали тўла англаб етилмаганини қайд этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 2007 йил 16 августда Бешкекдаги учрашувида Марказий Осиё геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётган, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгаллиги туфайли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон амалда форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказидир. Яъни, бу ярим ҳалқа атрофида бутун дунё энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи роль уйнайдиган энергия захиралари мавжуд.

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан қонунсиз, савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суръатда паймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бораётганлиги маълум, бундай ходисалар давлат чегараларини тан олмайди.

Ҳар бир давлат хавфсизлиги албатта иқтисодий барқарорликка ҳам боғлиқдир. Самарасиз иқтисодиёт ёки ижтимоий низолар мавжуд мамлакатда хавфсизлик катта муаммога айланади.

Давлатлар иқтисодий хавфсизлиги асосан қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш.

3. Хусусий мулкни ҳимоялаш, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш ҳамда мулкдор ҳуқуқлари механизмларини шакллантириш.

4. Барқарор иқтисодий ўсиш асосида инсонларга муносиб ҳаёт тарзини яратиб бериш.

5. Инвестиция фаолиятни фаоллаштириш, замонавий ишлаб чиқаришини ташкил этиб, жаҳон бозорига рақобатбордош маҳсулотлар чиқариш орқали мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгартиришларини амалга ошириш.

6. Маркоиқтисодий барқарорлик, молия пул-кредит тизимлар барқарорлигини таъминлаш, миллий валютанинг қувватини ошириш.

7. Аграр секторда радикал ўзгартиришларни амалга ошириш, қишлоқда бозор механизмини ривожлантириш, деҳқонларда мулкка эгаллик ҳиссини уйғотиш.

8. Табиий, минерал хом-ашё, иқтисодий ва илмий техника потенциалидан унумли фойдаланиш, мамлакат ҳудудларини текис ривожлантириш.

9. Иқтисодиётнинг фавқулодда ҳолатларида барқарор ишлашни таъминлаш (Жаҳон иқтисодий инқирози).

10. Ташқи иқтисодий интеграцияни фаоллаштириш, хорижий капиталга кенг йўл очиб бериш, экспорт потенциалини ривожлантириш ва бошқалар.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистонни Жаҳон хўжалик ва молия-иқтисодий тармоқлари билан интеграциялашгани ижобий роль ўйнамоқда. Масалан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини оладиган бўлсак, бугун минтақанинг кенг кўламли иқтисодий, аввало, коммуникация дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишнинг янги босқичига кўтармоқда ИХТ (ЭКО) фаолияти ҳамкорликнинг савдо, транспорт, алоқа каби энг муҳим йўналишларда тabora мужассамлашмоқда. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти сиёсий-дипломатик соҳада, минтақа давлатларнинг бой табиий-энергетика манбалари, инсон ва интеллектуал ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик учун ишончли замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш учун етарли салоҳиятга эга. Бунинг исботи сифатида Ислom Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобига мурожаат этадиган бўлсак, унда хавфсизликка таҳдидлар билан бир қаторда, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Асосий эътибор географий-стратегик имкониятлар, табиий хомашё ресурслари, инсон салоҳияти ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликка берилган. Мустақиллик йилларида бу кўрсаткичларга катта эътибор берилди, шу билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши учун унинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлашимиз ҳам зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

Ташқи хавфлар:

- Ўзбекистон Республикасини рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ўтказиш бозорига айлантириш;

- мамлакатни хорижий бозорларга эркин чиқишига, савдо-сотиқ механизмларида иштироки ва замонавий технологияларга эришишга тўсқинлик;

- Ўзбекистонни Жаҳон иқтисодий тизими ва Марказий Осиё иқтисодий интеграциясига тўсқинлик қилиш;

- ташқи транспорт, ахборот ва илмий техника коммуникациялар тизими ривожланишига тўсқинлик.

Ички хавфлар:

- тоталитар тузумдан қолган иқтисодий мерос, яъни дастлабки қайта ишлов бериш соҳа ва ҳудудий номутаносиблик.
- ер-сув ва баъзи бир турдаги муҳим минерал хомашё ресурсларининг чекланганлиги;
- иқтисодиётга, айниқса баъзи ҳудудлардаги, юқори демографик аҳвол (Фарғона водийси);
- ишлаб чиқаришнинг юқори харажатлилиги, техник даражаси қолоқлиги натижасида рақобатбардош бўлмаган маҳсулот чиқариш;
- иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқий асос механизмини амалга тўла оширилмаганлиги;
- хўжалик фаолиятида эски маъмурий бошқарув тизимига хос бўлган, фикр юритиш сақланиб қолганлиги.
- иқтисодиётнинг турли соҳаларида бозор ўзгартиришларини шунингдек, шаҳар ва қишлоқ орасидаги узилишлар;
- бозор инфратузилмасининг етарли ривожланмаганлиги;
- молия, банк-кредит ва валюта тизимлари ва пул айланишида беқарорланиш хавфи.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё хўжалик ва молия-иқтисодий тармоқлари билан чуқур интеграциялашган республикамиз иқтисодиётига ҳам салбий таъсирни кўрсатаётганлигини Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтди.

Бироқ инқирознинг Ўзбекистонга бўлган таъсири унинг асосини хомашё ресурслари экспорти ташкил қиладиган давлатлар иқтисодиётига бўлган таъсиридан фарқ қилади. Йилдан-йилга Ўзбекистон экспортда тайёр, рақобатбардош маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиши ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиши кузатилмоқда. 2008 йилда Ўзбекистон жаҳоннинг 164 мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди. Умумий экспорти ҳажмида хом ашё бўлмаган маҳсулот улуши 71 фоиздан ошди. Айнан шунинг учун ташқи бозорда конъюктуранинг ёмонлашганлигига қарамай, Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматига эга бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалаётган салоҳият ва имкониятларидан далолат беради, балки экспортнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Инқироз албатта иқтисодиёти қолоқ мамлакатларга катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон эса ўз иқтисодиётининг инқирозга қарши тура олишини таъминлайди. Буни қардош давлатлар иқтисодчи олимлари ҳам

тан олмоқдалар. Масалан, Қирғизистоннинг “Аалам” газетасида (2009 йил 24 февраль №13) “Қирғизпатент” давлат патент хизмати статс-секретари, иқтисод фанлари номзоди Калнур Ормушевнинг “Ислом Каримов буюк давлат арбоби ва шубҳасиз, юксак қобилиятли менежер” мақоласида Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқироzi давридаги иқтисодий ривожланишига юксак баҳо берган.

Мақолада шундай таъкидланади “Ўзбекистон бугунги кунда стратегик вазифаларни ҳал этмоқда, самалётлар, автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда, ишлаб чиқаришни жадал тарзда модернизация қилмоқда, замонавий янги технологияларни ўзлаштирмоқда. Ўйлайманки, биз қардош Ўзбекистондан кўп нарсани ўргансак бўлади ва албатта у билан янада яқинроқ бўлишга интилишимиз керак¹”.

*А.М. Муратов, МУА-01 гуруҳ талабаси,
Ш.И. Илхомов, доцент, ТДИУ*

Акционерлик жамиятларида молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш босқичлари

Аудит жараёнида бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувларнинг текшируви энг масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади, зеро бу корхона молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини тавсифловчи асосий маълумотлар олинadиган молиявий ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичларнинг ишончлилигини таъминлаш учун хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Ушбу ишни малакали бажармасдан туриб, ҳаққоний аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш учун асосий негиз ҳисобланган ҳисобот кўрсаткичлари ишончлилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиб бўлмайди.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг аудиторлик текширувини ўтказишда ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичлар, ҳисоб регистрлари ва дастлабки ҳужжатлар аудитнинг маълумот негизи сифатида қўлланилади.

Корхона фаолиятининг аҳволи тўғрисида аксарият маълумот ҳисобот даврида пул ифодасида корхона фаолияти натижалари ва молиявий ҳолатини тавсифловчи молиявий ҳисоботда мавжуддир.

Ҳисобот даврида аудит ўтказиш учун маълумот материаллари корхонанинг ҳисоб регистрлари - Бош китоб, журнал-ордерлар ёки мемориал ордерлар, синтетик ва таҳлилий ҳисобнинг айланма қайдномалари, ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари, шахсий счётлар, таҳлилий ҳисобварақалар ва бошқалардан олинади. Бунда ҳисоб регистрларида корхонанинг молиявий ва хўжалик операциялари бўйича

¹ “Қалам” газетаси, №13, 2009 й. 24 феврал.

барча бухгалтерия ёзувлари икки ёқлама ёзиш усули билан жамланади, яъни, ҳар бир ҳўжалик операция тегишли сётларнинг дебети ва кредитида акс этилди.

Ёппасига ёки танлаб олиб текширув ўтказганда аудитор ҳисоб регистрларида бухгалтерия сётлари, қайд этилган регистрларда ҳўжалик операциялари иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб, тўғри корреспондентланганлигини баҳолаши ва келажакда тўғрилаш мақсадида, тасодифан содир этилган хатолар ва тасодикий нотўғри бухгалтерия ёзувларини (ўтказмаларини) аниқлаши лозим. Шунинг билан бир қаторда, ҳисобот маълумотлари, айниқса, корхона молиявий фаолияти натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар, унинг асосий айланма активлар миқдори, ўз молиявий ва мулкӣ ҳолатини яхши томондан кўрсатиш учун бошқа корхона ва банкларга бўлган қарзларни яшириб кўрсатиш мақсадида атайлаб содир этилган хатолар аниқланади ва булар ҳақида корхона раҳбариятига маълумот тақдим этилади.

***Ж. Худойбердиев, МУА-01 гуруҳи талабаси,
М.С. Тулаев, доцент, ТДИУ***

Молиявий инвестициялар билан боғлиқ операциялар аудити

Кўрилайётган масаланинг кўпқирралилиги молиявий инвестициялар субъектлари ва объектлари фаолиятининг турли-туманлиги ва мураккаблиги билан белгиланади. Молиявий инвестициялар бозорининг жадал суръатлар билан ривожланаётганини ушбу бозорда эмитентлар, инвесторлар ва бозор иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар тизимини бошқаришга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг кўплиги далолат беради. Бу эса ўз навбатида, меъерий ҳужжатлар асосида молия-ҳўжалик фаолиятларини юритаётган ҳўжалик субъектларининг катта қисми кўпгина ҳужжатларнинг бир-бирига зид бўлган характериға, шунингдек молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубининг айрим назарий ва амалий жиҳатларининг ишлаб чиқарилиш савиясига таъсир этади. Шу сабабли, ҳозирги кунда қимматли қоғозлар билан фаолият олиб бораётган ташкилотлар учун аудиторлик текширувини ўтказиш усуллари тақомиллаштиришга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Аудитор томонидан молиявий инвестицияларни текшириш жараёнида қўллайдиган маълумотлар негизи қуйидагилардан иборат бўлади: бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъерий ҳужжатлар; молиявий инвестициялар билан боғлиқ муомалаларни солиққа тортиш тартибини белгиловчи меъерий ҳужжатлар; ташкилотнинг ҳисоб юритиш тўғрисидаги буйруғи (ҳисоб сиёсати); молиявий ҳисоботлар ва бошқалар.

Текширилайётган масалалар бўйича етарлича далилларнинг олиниши, кўрсатилган далиллар бўйича корхонада ҳисоб юритишнинг ҳолати ҳақида

мустақил баҳолашни ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби тартибларидан чекланишларни аниқлаш имконини беради.

Аудитор, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун ва 3-сонли «Аудитни режалаштириш» Миллий аудиторлик стандартига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда, аудиторлик текширувининг услуб ва шакллари, шунингдек иқтисодий субъект билан битимнинг аниқ шартларини мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, аввало, аудиторлик текширувининг режаси ва дастури мукаммал ишлаб чиқилиши лозим. Унда корхона бухгалтерия балансининг таркибини таҳлил этишдан бошлаб, бухгалтерия балансининг актив қисмидаги молиявий инвестициялар улушини ўрганиб, текширувни танлов ёки ёппасига текшириш усулини қўллаш белгиланиб, молиявий ҳисоботларда текширилаётган объект аниқлаб олинади.

«Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»нинг жорий даврда харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар бўйича келтирилган маълумотларнинг мутаносиблигини текшириш ҳам лозим. Агар мижоз узоқ муддатли инвестицияларни қайта баҳолашни амалга оширган бўлса, у ҳолда бухгалтерия балансининг ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг резерв капитали ҳам текшириш объекти бўлиши мумкин.

Текширув объектлари аниқлаб олингандан сўнг, молиявий инвестициялар келтирилган кетма-кетлик асосида аудиторлик текширувидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Молиявий инвестициялар муомалалари бўйича бирламчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширишда, аудитор, қимматли қоғозлар муомалаларининг белгиланган меъёрий-ҳуқуқий талабларига мослигини текшириши лозим. Бунда молиявий инвестицияларнинг ҳисобга олинишида асос бўладиган бирламчи ҳужжатларга қуйидагилар киради: (а) молиявий инвестицияларнинг олди-сотди далолатномаси, (б) банк кўчирмалари, (в) омонатларнинг ўтказилганлиги тўғрисида тўлов топшириқномалари, (г) кирим касса ордерларининг квитанциялари, (д) счёто-фактуралар, (е) молиявий инвестициялар ва қатъий ҳисоб бланкаларининг инвентаризация рўйхатлари ва бошқа шу каби ҳужжатлар киради.

Текширув жараёнининг молиявий инвестициялар билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришни текширишда қуйидагиларни инобатга олиш зарур. Қимматли қоғоз қонун томонидан қатъий белгиланган расмий ҳужжат бўлиб, унинг шакли ва зарурий реквизитлари белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Қимматли қоғозларни зарурий реквизитларининг йўқлиги ёки белгиланган шаклга мувофиқ келмаслиги, унинг аҳамияти йўқолишига олиб келади.

Шунинг учун аудитор қимматли қоғоз бланкаларининг расмий текшируви, ҳамда операцияларни расмийлаштиришда ишлатиладиган

бирламчи хужжатларнинг арифметик текширувини амалга ошириши керак. Молиявий инвестициялар объектларини ҳисобга олишда асос бўлувчи хужжатларда, уларни харид қилиш мақсади ва шу объектнинг ишлатилиш муддати кўрсатилишини текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий инвестициялар сақланиши бўйича моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартноманинг мавжудлигини текширишда, асосан масъул шахс (кассир) билан корхона маъмурияти ўртасида битимнинг мавжудлигига эътибор қаратилиши лозим.

Г.А. Бекмурадова, гр. ММЮ-01, ТГЭУ

Главный фактор, смягчивший последствия мирового финансового кризиса в условиях Узбекистана

Последствия мирового финансового кризиса сегодня отчетливо проявляются во многих странах - как глубоко интегрированных в глобальную финансово-экономическую систему, так и придерживавшихся собственных моделей экономического развития.

Во многих государствах мира не достигнуты прогнозные показатели экономического роста по итогам 2008 года. Правительства сталкиваются с новыми непредсказуемыми вызовами и угрозами мирового кризиса, порождающими не только экономические, но и обширные социальные проблемы.

Кроме того, некоторые страны выбрали путь пересмотра уже принятых бюджетов на текущих год в связи со снижением мировых цен на энергоносители и прочую сырьевую продукцию. При этом необоснованно сокращаются расходы на образование и науку, сдвигаются сроки реализации важнейших социально-инновационных проектов и перспективных научных исследований.

С учетом растущей интегрированности нашей экономики в международные финансово-экономические связи, мировой кризис также может оказать негативное воздействие на экономику Узбекистана. Вместе с тем, следует отметить, что с первых же дней государственной независимости Узбекистан строго придерживался принципа необходимости оптимального государственного регулирования экономики, прежде всего, учета социальной направленности проводимых реформ, их поэтапности и подготовленности. В этой связи проводимая за истекшие годы экономическая политика правительства страны сегодня служит некой «подушкой безопасности» в условиях ползучей экспансии мирового финансово-экономического кризиса.

Уже в первые годы независимости Президентом И.А.Каримовым была определена собственная модель эволюционного реформирования экономики, получившая название «Узбекская модель перехода на

рыночные отношения», основными принципами которой являются: деидеологизация экономики, участие государства в процессах реформирования в качестве главного реформатора, верховенство закона во всех сферах жизни, реализация сильной социальной политики и поэтапность осуществляемых реформ.

Результаты, которые мы сегодня имеем, свидетельствуют о правильности выбранного нами пути. В частности, несмотря на все возникшие проблемы и трудности, республике удалось добиться в 2008 году не только стабильного функционирования экономики, но и обеспечить устойчивые темпы ее роста.

В 2008 году ВВП вырос на 9%, в предыдущие четыре года этот показатель не опускался ниже 7%. По итогам I квартала 2009 года рост ВВП составил 7,9%. Устойчивыми темпами развивались важнейшие отрасли экономики: прирост промышленности составил 12,7%, сельского хозяйства - 4,5%, строительство выросло на 8,3%, транспортные перевозки - 10,2%, сфера торговли - 7,2%.

Государственный бюджет выполнен с профицитом в размере 1,5%. В результате последовательного проведения умеренно жесткой денежно-кредитной политики удалось сдержать инфляцию на уровне 7,8%, являющимся самым низким показателем на пространстве СНГ по итогам прошлого года.

Положительные результаты достигнуты в социальной сфере. В 2008 году средняя заработная плата у бюджетников выросла более чем в 1,5 раза, а в целом по экономике - в 1,4 раза. Реальные доходы населения увеличились на 23%. В этом году среднюю заработную плату предусматривается увеличить в 1,4 раза, инфляцию сохранить на уровне 7-9%. Покупательская способность населения поддерживался также умелой валютной политикой Центрального банка Узбекистана, который в отличие от других стран региона, не допустил резкого падения курса национальной валюты, сохранив при этом уверенность не только населения, но и инвесторов, работающих на рынке республики.

Несмотря на ухудшение конъюнктуры внешнего рынка, внешнеторговый оборот страны увеличился в 2008 году на 21,4%, экспорт товаров и услуг возрос на 28,7%. Позитивные изменения происходят в структуре внешней торговли. Доля несырьевых товаров в общем объеме экспорта в 2008 году составила свыше 71%. Свидетельством является сокращение доли в экспорте хлопка-волокна с 20% в 2003 году до 12% в 2008 году. Диверсифицированная структура экспорта республики, где за последние годы обеспечена его независимость от конъюнктуры мировых цен на какие-либо товары, стала залогом солидного положительного сальдо во внешней торговле (4,1 млрд. долл.), а в последствие поддержания на оптимальном уровне размера внешнего долга по отношению к ВВП (13,3%).

Главным фактором ускорения структурных преобразований послужило создание в республике благоприятного инвестиционного климата. В развитие экономики в 2008 году за счет всех источников финансирования было вложено инвестиций в размере 6,4 млрд. долл. с ростом по сравнению с 2007 годом на 28,3%, а объем инвестиций по отношению к ВВП составил 23%. При этом половина всех освоенных инвестиций направлено на модернизацию и техническое перевооружение производства. Начало 2009 года также свидетельствует о сохранении положительной динамики в этом секторе, где рост составил 131,4% по сравнению с данным периодом 2008 года. Если обратить внимание на падение уровня иностранных инвестиций и кредитов под гарантии правительства, то существенный рост на уровне 2,2 раза прямых иностранных инвестиций и кредитов показывают устойчивость и выгодность созданного в Узбекистане инвестиционного климата.

В целом в рамках реализации инвестиционной программы за год введены в эксплуатацию 423 производственных объектов, построены и реконструированы свыше 1000 объектов социальной сферы, сданы более 7,2 млн. кв. м жилого фонда.

В условиях мирового экономического кризиса особо важное значение приобретает развитие финансово-банковской системы. Данный сектор находится под пристальным вниманием правительства, которое не допустило прилива в финансовый рынок страны фиктивного и спекулятивного капитала в виде широко обсуждаемых на западе финансовых деривативов.

В прошлом году значительно повышен уровень капитализации ведущих банков страны, совокупный капитал банков республики увеличился на 40%, а в период до 2010 года - ожидается его удвоение. Особое внимание уделяется укреплению Микрокредитбанка, главного кредитного института развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. За последние два года уровень его активов увеличился в 3,5 раза, капитализации в 2 раза, объем кредитования в 4 раза.

Уровень достаточности капитала банковской системы почти в 3 раза превышает установленные международные стандарты Базельского комитета по банковскому надзору (23% против 8%). Совокупная текущая ликвидность в 10 раз превышает объем предстоящих платежей по внешним негосударственным заимствованиям. Кроме того, Указом Президента вклады граждан в депозиты банков гарантируются без ограничения их размеров (14-слайд).

В итоге банковская система и ведущие финансовые институты Узбекистана удостоены рейтинга «стабильный» от влиятельных рейтинговых агентств мира «Мудис», «Стандарт энд Пурс» и «Фитч Рейтингс».

Узбекистан, как часть интегрированного глобального экономического пространства, уже испытывает, и будет далее испытывать негативные, все более жесткие последствия мирового кризиса. В этой связи, еще во второй половине 2008 года в Узбекистане приступили к разработке Антикризисной программы мер с учетом конкретных условий и положения дел экономики (15-слайд). В соответствии с этой программой в 2009-2014 годы планируются реализовать более 300 крупных инвестиционных проектов, сумма которых равняется 24,5 млрд. долл. 77% от этой суммы планируется направить на создание новых мощностей в экономике и социальной сфере, 23% - на модернизацию, техническое перевооружение и внедрение инновационных технологий на существующих предприятиях.

По сути дела Антикризисная программа правительства направлена на создание новых рабочих мест, на поддержание покупательской способности населения, и на их основе, на стимулирование внутреннего спроса, который будет возмещать возможное падение спроса и конъюнктуры цен на экспортную продукцию из Узбекистана. Объем же только двух государственных программ (Антикризисная программа и Программа развития и благосостояния села) по стимулированию производства, в том числе за счет иностранных инвестиций, в ежегодном исчислении составляет примерно 20% от уровня ВВП (около 6 млрд. долл.).

***Ф. Алимардонов, магистратура 2-босқич талабаси,
Б.К.Тухлиев, и.ф.н., доц., ТДИУ***

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари долзарб масалалардан ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, ўтган йилнинг устувор йўналишларидан бири “Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш”¹ ҳисобланди.

Иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш соҳасидаги янги йўналишлар:

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралдаги 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган устувор йўналишлардан бири.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010 –сонли “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги сонли Фармойиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058 сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПК-1024 сонли “2009 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметларини прогноз қилиш тўғрисида”ги қарори (8 банди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу фармоннинг асосий мақсади иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган.

Банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотишнинг (балансига беришнинг) 3та механизми жорий қилинди.

1. Банкрот корхонанинг кредиторлик қарзи таркибини 70 ва ундан ортиқ фоизини банк кредитлари ташкил этса, тижорат банклари балансига бериш.

2. Аукцион савдолари орқали тижорат банкларига сотиш (энг кўп нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган).

3. Танлов савдолари орқали – тижорат банкларига “0” (ноль) қийматга инвестиция мажбурияти шарти билан сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19- ноябрдаги Ф-4010-сонли “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги сонли Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича берилган имтиёзлар (кўмаklar) берилди. Унда белгилаб қўйилишича банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар корхоналари: қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди; уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиғларини тўлашдан озод қилинди; бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Молиявий натижалар аудитини ўтказиш тартиби

Молиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилиши ва ундаги кўрсаткичларнинг амалдаги ҳужжатларга мувофиқ мустақил ташқи аудиторлар томонидан олиб борилган экспертиза ва таҳлиллар, уларнинг ҳисоботга нисбатан билдирган фикрларига кўра аниқланади. Ташқи аудитор ўз фикри орқали корхонанинг маълум бир даврга тузилган молиявий ҳисоботини ўрганиб, ундаги кўрсаткичларнинг тўғрилиги, аниқлиги, тўғрисида хулоса беради.

Корхоналар кредиторлар, товар етказиб берувчилар, акциядорлар ва бошқа инвесторларнинг муайян иқтисодий ишончини қозонишлари учун ўз молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувдан ўтказишлари лозим. Аудиторнинг вазифаси эса корхонанинг молиявий аҳволи ва фаолият натижалари қанчалик аниқ акс эттирилганлигига ўз фикрини билдиришдан иборатдир. Аудитор ўз фикрини берар экан, кўрсаткичлардаги хатоларни аниқлаши, мумкин бўлган ҳолларда уларни тўғри айти пайтда тугатилмаган хатоларни ўз ҳисоботида акс эттириши керак. Компаниянинг молиявий ҳисоботлари юзасидан хулоса чиқаришда аудиторлар ўзларининг шахсий, ҳолис фикрларига асосланишлари лозим, чунки акциялар олди-сотдисида, кредитлар ва қарзлар беришда компанияларнинг аудиторлар томонидан текширилган молиявий ҳисоботларидан фойдаланадиган банклар, омонатчилар ва кредиторлар тақдири ўша фикрларга боғлиқ.

Аудиторлик текширувини ўтказиш муддатлари ва шартномада кўрсатилган текшириладиган корхона фаолиятининг ҳажми ва маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизматлар)нинг хусусиятларини ҳисобга олиб аниқланади. Бунда корхоналар аудиторлар ихтиёрига текширувни амалга ошириш учун зарур барча материаллар ва ҳужжатларни тақдим қилишлари ҳамда зарур шароитларни яратиб беришлари лозим. Аудиторлик текширувидан асосий мақсад нафақат молиявий ҳисоботларга нисбатан ҳолис фикр билдириш, балки корхона фаолиятида йўл қўйилган ҳамда ўз вақтида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва молиявий ҳисоботни ҳақиқий ҳолатга келтириш, шу билан бир қаторда раҳбариятга корхона фаолиятини такомиллаштириш, ундаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисида маслаҳатлар беришдан иборат.

Аудитор фойда ва зарарлар ҳисоботини аудит қилиш жараёнида 15-сонли журнал-ордер маълумотлари, молиявий натижалар бўйича машинограммалар, шунингдек, бош дафтар, баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот ва солиқ бўйича ҳисоб-китобларни синчковлик билан ўрганиб чиқади. Таҳлил учун аудит ўтказиш жараёнида олинган тушум,

реализация қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш Харажатлари маълумотларидан фойдаланиш ҳам муҳимдир. Аудитор молиявий натижаларни ҳисобга олишда 9900 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағини ўрганиб чиқади.

Акциялар бўйича дивидендлар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича кўрилган фойда ва зарарлар; пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ёки тегишли ҳисоб-китоблар билан корреспонденцияланган ҳолда мол-мулкни ижарага беришдан кўрилган фойда; пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан корреспонденцияланган ҳолда ундириб олишдан умид бўлмаганлиги учун аввалги йилларда зарарга киритилган, лекин бу йил дебиторлик қарзларини қоплаш учун келиб тушган суммалар; пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда ҳисобот йилида аниқланган аввалги йил операциялари бўйича кўрилган фойда ва зарарлар (улар ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим); инвентаризация натижасида аниқланган моддий бойликликлар камомадларини ҳисобдан чиқариш, жарималар, пеня ва неустойкалар ҳисобот йилининг зарари сифатида қаралиши лозим бўлади.

***Б.Т. Туробов, МПМ-01 гуруҳ талабаси,
Р.А. Юсупов, доцент, ТДИУ***

Миллий валюта харид қувватини ошириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари

Ўзбекистон ўз олдига энг муҳим вазифаларни қўйиб, иқтисодий ислохотларни изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданоқ, иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, унинг бир томонлама хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигидан воз кечиш ва тугалланган, истёмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўли танлаб олинди.

Ҳозирги кундаги эришилган ижобий натижаларнинг жорий нархлардаги ўсиш суръати пулнинг харид қувватини, пул муомаласи барқарорлигини ошириш имконини бермайди. Ҳозирги пайтда мамлакат пул муомаласи учун зарур бўлган товарлар ҳажмидан муомаладаги пул массасининг устунлиги, ишлаб чиқаришга нисбатан аҳоли номинал пул даромадларининг тез ўсиши, яширин инфляциянинг барча иқтисодий жараёнларга таъсирининг кучайиб бориши хосдир. Ундан ташқари пул муомаласининг кўнгилдагидек, бир маромда бормаётганлиги сабабларидан бири банкда нақд пул етишмаётган ҳолда, тадбиркорлар қўлида уларнинг тўпланиб қолиб, ўз вақтида инкассация қилиниб, банкка қайтиб

тушмаётганлигидир. Мамлакатда пул муомаласининг барқарор бўлиши учун:

- пул муомаласи қонунларини билиб, унга амал қилиш зарурдир;
- пул муомаласи қонунларида кўрсатилганидек, муомаладаги пул миқдори талабга лойиқ бўлиши керак, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир сўм пул товар ёки хизматлар билан таъминланган бўлиши керак;
- пулнинг айланиши ва унинг тезлиги маълум бир маромда бориши лозим;
- ишончли, барқарор фойда келтирувчи соҳалар ва йўналишлар ривожланган бўлиши керакки, жисмоний ва юридик шахслар бемалол капитал сарфлашлари лозим;

Буларнинг ичида пул муомаласини тартибга солиш, пулнинг харид қувватини оширишда миллий пулнинг олтин ёки товар ва хизматлар билан таъминланиши, хорижий барқарор валюталар захиралари кўпроқ бўлиши муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ривож топган даврда пул муомаласини тартибга солишда пулнинг товар ва хизматлар билан таъминланган бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда миллий пул харид қувватини ошириш ва пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Сўмнинг товар ва хизматлар билан таъминланишига эришиш.
2. Бюджет тақчиллигини тугатиш тадбирлари.
3. Сўм девальвацияси ва валюта тизимини ўзгартириш.
4. Ташқи савдо ва капиталлар оқимини эркинлаштириш.
5. Валюта-молия тизимини эркинлаштириш.

Булардан ташқари, савдо шартларини мувофиқлаштириш орқали экспорт ва импортдан олинадиган фойдани ўстириш усули ҳам мавжуд. Маълумки, Ўзбекистон пахта ва бошқа хомашёларни хорижий мамлакатларга жаҳон нархларидан бирмунча арзон нархларда сотиб, машина-ускуналар ва бошқа тайёр маҳсулотларни жаҳон нархларида сотиб олиш ҳолатлари мавжуд. Ташқи савдода нарх тизимини тартибга солиш орқали экспорт ва импортдан олинадиган фойдани ўстириш натижасида бюджет даромадларининг ўсиши ва тўлов балансининг мувофиқлашувига эришиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Биз юқорида тавсия этган тадбирлар ўйлаймизки, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва жаҳонда барқарор валюталардан бирига айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Глобаллашув жараёни ва миллий валюта сиёсати ўртасидаги
номутаносиблик муаммолари**

Ҳозирги кунда халқаро молиянинг халқаро иқтисодиётни интеграциялашуви (байналминаллашуви) ва глобаллашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ўрни ва роли ортиб бормокда. Халқаро савдо глобаллашув шароитида хўжалик фаолиятининг интернационаллашувига кўмаклашувчи, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва миллий иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришига сабаб бўлувчи сифатидаги омилларини ўзида сақлаб қолди.

Глобаллашув деганда, одатда халқаро савдо, молия ва ахборот оқими интеграциялашган бозорларнинг кенгайиши ват обора чуқурлашиб бориши тушунилади. Бинобарин, юртбошимизнинг бугунги даврга баҳо бериб: «Бутун дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари туфайли мафкуравий манзара тубдан ўзгариб бораётган XXI аср ўз шакл-шамойили, моҳият-мазмун, кенг қамровлиги билан мураккаб даврдир».

Глобаллашув моҳият жиҳатидан иқтисодиётнинг умумбашарий тус олиши, миллий иқтисодиётлар ривожланишининг ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ бўлиб қолишидир. Иқтисодий глобаллашув тарихий жараён бўлиб, инсон кашфиётлари ва технологик тараққиёт натижасидир. У жаҳон иқтисодиётида интеграциялашув жараёнларининг жадаллик билан ўсиб боришини (хусусан, савдо ва капитал оқимлари орқали) англатади.

Бу тушунча баъзан инсонлар (ишчи кучи) ва илм-фаннинг (технология) халқаро ҳудудлар бўйлаб ҳаракатини ифодалашда ҳам ишлатилади. Бундан ташқари, глобаллашув тушунчаси кенг маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳолат билан боғлиқ ўлчовларни ҳам қамраб олади. У инсон иқтисодий фаолиятининг турли даражаларида асрлар давомида амал қилиб келган ўша бозор кучларининг миллий чегараларни эътиборга олмай, узлуксиз кенгайишини англатади. Глобаллашув мамлакатларни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хусусан, солиқларни камайтириш, давлат қарзини қисқартириш ва инфляцияни жиловлаш орқали халқаро рақобатбардошликни рағбатлантиришга ундайди. Глобаллашувнинг натижаси ўлароқ, кейинги йилларда савдо кўлами ортди, капитал оқими кенгайди ва инсонлар ҳаракати сезиларли даражада ўсди. Алоқа ва ахборотлар соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлди, интернет, медиа ахборот ва фикрлар алмашувидаги ўсишларни рағбатлантирди.

Жаҳон мамлакатлари глобаллашувдан манфаат кўрса-да, унинг ўзига хос салбий томонлари ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Манфаатларнинг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланиши. Глобаллашувнинг биринчи салбий томони, ундан кўриладиган даромаднинг мамлакатлар ўртасида ва ичида тенг тақсимланмаслиги ҳисобланади. Буни қуйидаги маълумот яққол тасдиқлайди: 1980 ва 1997 йиллар мобайнида жаҳонда аҳоли жон бошига даромад ошган бўлса, 59 мамлакатда бу кўрсаткич пасайди ва даромадлар табақаланишувини ошириб юборди. Товарлар ва хизматлар экспорти 46 та мамлакатда 5 фоизга яқин йиллик ўсишга эришилган бўлса, 9 та мамлакатда мазкур кўрсаткич бўйича 1 фоиздан камроқ йиллик ўсиш қайд этилган.

Шундай ҳолат бевосита хорижий инвестициялар оқимида ҳам кузатилган. 90-йилларда бевосита хорижий инвестицияларнинг 58 фоизи ривожланган мамлакатларга йўналтирилди. Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига йўналтирилган умумий инвестицияларнинг 85 фоизи фақатгина 20 мамлакатга жойлаштирилган бўлса, бу йигирматаликнинг қуйи ўн олтитаси юқоридаги тўрттасига нисбатан камроқ улушга эга бўлди.

Портфели инвестициялар оқимида бундан-да ёмонроқ ҳолат кўзга ташланди. Бу инвестицияларнинг 93 % атиги 20 мамлакатга йўналтирилди, бундан қуйи 13 таси 7 тасига нисбатан камроқ инвестицияни жалб қилган. 9 та мамлакат учун мазкур инвестициялар оқими салбий маъно касб этган. Ахборот ва алоқа технологияларидан фойдаланишда ҳам номувофиқликлар кўзга ташланади. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги якунларида жаҳон аҳолисининг 15 фоизини ташкил этувчи индустриал мамлакатлардаги интернетдан фойдаланувчилар сони умумий фойдаланувчиларнинг 88 %ини ташкил этган. Дунё аҳолисининг 20 %ига яқинини ташкил қилувчи Жанубий Осиё халқлари орасида Интернетдан фойдаланувчиларнинг 1 %идан камроғини ташкил этган.

2. Мамлакатлар ичида манфаатларнинг нотекис тақсимланиши. Кўплаб мамлакатларда даромадларнинг табақаланишуви ошиб бормоқда. Иш ва даромадга таҳдид ошмоқда, айниқса малакасиз ишчиларга иш ва даромад топиш қийинлашмоқда, зеро, бунда корпоратив қайта тузиш туфайли мутахассисларнинг ҳам ишсиз қолиш хавфи кузатилмоқда.

3. Глобаллашув туфайли халқлар маданиятидаги ўзига хос ўзгаришлар ва уларнинг ривожланган давлатларга хизмат қилиши. Халқлар нафақат географик ва сиёсий тузилиши, балки маданияти ва миллий характерга кўра фарқланади. Миллий характер ва маданият жамият қадриятлари тизими орқали тараққий этиб боради.

4. Ожизлар устидан кучлиларнинг ҳукмронлик қилиши. Глобаллашув туфайли турли тўсиқ ва чекловларга барҳам берилади ва бу кучлиларнинг ожизлар устидан ҳукмронлик қилишига замин ҳозирлайди. Бунда қолган давлатларнинг аҳволи аввалари мустамлака бўлган давлатларникидан ёмон бўлса бўладик, асло яхши бўлмайди. Иқтисодий глобаллашув таъсирида ривожланаётган давлатларнинг кичик

компаниялари бой берилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг йирик корпорациялари ҳамма нарсага эга бўлмоқда.

Ф.Қ. Игамбердиева,
магистратура талабаси, ТДИУ

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг тутган ўрни ва аҳамияти, банклар олдида турган муаммолар (Ўзбекистон Республикаси Миллий банки мисолида)

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг тутган ўрни ва аҳамияти беъкиёсдир, шу сабабдан республикаимиз мустақилликка эришгач, Республикада банк тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди, конунлар, фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этилди. Албатта бу ишлар ўз самарасини бермай қолмади. Секин-асталик билан банклар фаолияти кенгая борди, бу жараёнлардан Ўзбекистон Республикаси Миллий банки ҳам четда қолгани йўқ. Республика Миллий банки томонидан ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий банки мамлакатимиз банк тизимининг халқаро молия бозорларидаги “Ташрифномаси” бўлиб қолди. Консерватив, пухта ўйланган сиёсатга таяниб, банкни бошқаришнинг самарали механизмларини, ўсиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу эса унга дадил ва жўшқин ривожланиб, профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида мустаҳкам обрўга эга бўлиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида Миллий банк иқтисодиёт таркибан чуқур қайта қурилишини таъминловчи лойиҳаларни молиялади. Булар, нефть ва металлларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ва республика иқтисодиётининг янги қиёфасини шакллантирувчи кўплаб лойиҳалардир.

1993 йилдан буён “The Banker” журнали рейтингига кўра, Миллий банк жаҳондаги энг катта банк муассасаларининг обрўли биринчи минглигига кирган ва ҳозирги кунда 324-ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатимиз банк шўъбаси жадал ривожланаётган шароитда Миллий банк Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб ҳисоб юритиш халқаро андозаларига мос келадиган янги ҳисобварақлар режасидан фойдаланишга ўтди. Ҳозирги вақтда Миллий банкда жорий этилаётган энг янги “Globus” автоматлаштирилган банк тизими банкка ўз бизнесини максимал даражада кенгайтириш имконини беради.

Халқаро алоқалар фаол ривожланмоқда. Ҳозирги кунда Миллий банк вакиллик тармоғи жаҳоннинг 67 мамлакатидagi 570 банкни ўз ичига олган.

Банк 2007 йилда республика молия бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаб, ривожланишда ижобий динамикага эришди. Миллий банкнинг жамлама баланси ҳажми эквивалентда 9.858 млн АҚШ долл.ни ташкил этди. 2008 йилда кредит портфели ҳажми 4.836.8 млрд сўмни ташкил этди.

Миллий банк кенг доирада юритаётган фаолият ички ва халқаро банк операцияларининг амалда барча соҳаларини қамраб олган. Банк халқаро молия ташкилотлари, хорижий банклар ва экспорт-импорт агентликлари ажратаётган кредит йўналишларидан фойдаланиш мақсадида корпоратив хизматлар кўрсатиб, улар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида аниқ ва мақсадли сиёсат юритмоқда. Хусусан: Ташқи савдо фаолияти, лойиҳаларни молиялаш, инвестицияга доир банк иши, чакана хизматлар ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз банк тизими жами активларининг 70 % дан ортиғи ва банк тизими жами сармоясининг 57 % миллий банк улушига тўғри келади. Лекин ушбу ютуқларга қарамай Республика Миллий банки олдида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳам турибди. Жумладан: Мавжуд ва потенциал мижозлар мақсад гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳамда талабларига жавоб берувчи фаол маркетинг сиёсатини шакллантириш; корпоратив мижозлар билан ишлашни кучайтириш.

Мумкин қадар кўпроқ биринчи даражали мижозларни банкка жалб этиш ва узоқ муддатли асосда бириктириб олиш; мижозлар билан ишлашнинг андозавий технологияларини ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув билан уйғунлаштиришга асосланган янги идеологиясини жорий этиш; мамлакат чакана бозоридаги пешқадамликни сақлаб қолиш, инвестиция дастурини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлатга максимал даражада ёрдам берилишини, республикаимиз экспорти қўллаб-қувватланишини таъминлаш; мижозлар кенг доирасига таяниб, активлар ва пасивлар структурасининг мувозанати ҳолатини таъминлаш, уларни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш; ресурс негизини диверсификациялаш. Жумладан, бунда ташқи молиялашдан фойдаланиш, банкнинг хорижий инвесторлар олдидаги катта обрўсидан, халқаро андозалар бўйича банк ишонччилигининг юқори кўрсаткичларидан фойдаланиб, халқаро бозорларда банк учун мақбул нархларда сармоя жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш; даромадлилик, ликвидликни ошириш, валюта ва бозорга оид хатарларни камайтириш мақсадида инвестиция портфели тузилишини мақбуллаштириш; банкни бошқаришнинг мослашувчан тузилишини барпо этиш. Бунда бошқарувнинг иқтисодий воситалари

ҳамда ваколатларни тақсимлашнинг мақбул тизимига асосланиш; банкка аҳолининг қўлидаги бўш маблағларни жалб этиш.

Агар юқорида кўрсатилган вазифалар ижобий ҳал этилса, келажакда Миллий банк янада юксак чўққиларга эришади.

Д.М. Саидов, МКФ-02 гуруҳи талабаси
Ч.А. Кулматов, и.ф.н., ТДИУ

Ўзбекистонда фонд бозорининг ривожланиш истикболлари

Ўзбекистон молия бозори мунтазам равишда такомиллашиб, унинг иштирокчилари доираси кенгаймоқда, операциялар турлари кўпайиб, меъёрлар ишлаб чиқариш жараёни давом этмоқда. Қимматли қоғозлар бозори – молия бозорининг қимматли қоғозлар эмиссияси ва муомаласи амалга ошириладиган қисми бўлиб, у орқали молиявий ресурслар ортиқча соҳалардан танқис соҳаларга қўйилади. Сармояларнинг фойдали тармоқлар ва ишлаб чиқаришларга самарали ўтиш яхши ташкил этилган фонд бозорига боғлиқ. Республикамизда қимматли қоғозлар бозори давлат ташаббуси ва қўллаб-қувватлаш асосида шаклланмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиёт мулкчилиги ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шаклларига суянган ҳолда тараққий этади. Бу иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, мулкчилигининг акциядорлик шакли бозор тамойилларига энг мувофиқлашган ҳолда самарали хўжалик юритишга имкон беради. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари бозор иқтисодиёти мамлакатлари хўжалик тузилмалари таркибида етакчи ўринни эгаллаган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотлари жараёнида ҳам барча тармоқларда корхоналарнинг бу шакли ташкил этилмоқда ва фойда юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти тизимининг молиявий механизми бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вақтинча бўш маблағларнинг айланишига кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган хусусийлаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёнини олиб бориш суръати айрим ҳолларда раҳбарлар ва тадбиркор мулкдорларнинг, талабаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билим савияси ўсишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ривожланган бозор муносабатларига кириб борар экан. Молия бозорлари ҳақидаги билимларга эга бўлишнинг ҳаётий муҳимлиги ортиб бормоқда. Молия бозорини янада чуқурроқ ўрганиш мамлакатимизда молия бозорлари ривожланишида фаол иштирок этиш имконини беради.

Ҳозирги кунда республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш, хусусан, қимматли қоғозлар фонд бозорини шакллантириш, ривожлантириш учун ҳам барча ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар фонд биржалари тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Акционерлик жамиятлари ва Акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг «Депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги махсус қонунлар республика қимматли қоғозлар бозорининг қонуний шакллантирилиши, тартибга солиши, уларнинг ҳаракатини белгилаб бериш учун қабул қилинган.

Мамлакатимизда ушбу қонунларнинг қабул қилиниши натижасида, қисқа вақт ичида фонд бозори ва унинг инфратузилмаларининг ажралмас қисми бўлган Марказий депозитарий ва иккинчи даражали депозитарийлар, реестр юритувчи, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция компаниялари, ХИФлар, бошқарув компаниялари, биржалар, брокер ва дилерлик идоралари ташкил қилинди. Қимматли қоғозлар бозори савдо капиталининг ривожланиш бўсағасида пайдо бўлган ва кўпчилик Ғарб мамлакатларида у хўжалик механизмининг энг барқарор ва йўлга қўйилган қисмларидан бири ҳисобланади. У аллақачон биржа ва биржадан ташқари савдо тизимига сингиб кетган, унинг ўз ақида ва анаъаналари мавжуд, баъзи қоидалар ва анъаналар асрий тарихга эга.

Президентимиз И.А. Каримов ҳам Фонд бозорини ривожлантириш тўғрисидаги маърузасида таъкидлаб ўтган: “Фонд бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни жадал ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламларини фонд бозорида иштирок этишга жалб қилишга алоҳида эътибор бериш зарур”.

Республикамизда ҳозирги даврда қимматли қоғозлар бозори ҳали шаклланиш, ривожланиш босқичида. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг пайдо бўлиши давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва Акционерлик корхоналарига айлантириш жараёнлари билан боғлиқ. Бу бозор бошқа барча бозорлардан, унда айланадиган товар-қимматли қоғозлар билан ажралиб туради. Ўз навбатида, уларнинг айланиши бу бозор иштирокчиларининг алоҳида таркиби, унинг фаолият юритиш тартиби, уни тартибга солиш қоидалари ва бошқаларни белгилайди.

Барча турдаги қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши орқалигина барқарор ривожланган иқтисодиётга эришишимиз мумкин. Айнан бу занжирдаги бир турнинг унчалик яхши ривожланмаганлиги бу даврнинг бузилиши ва қайсидир корхонанинг ўз қимматли қоғозларини жойлаштира олмаганлигини билдиради. Республикамизда айниқса иккиламчи бозорни янада такомиллаштиришга эришилса, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишини кўришимиз мумкин. Иккиламчи

бозорнинг ривожланиши натижасида қимматли қўғозларнинг муомалада бўлишини янада такомиллаштирган бўларди.

*М.Машарипов, МСС-10 гуруҳи талабаси
Х.Ойбекова, доцент,ТДИУ*

Ўзбекистонда солиқ тизимининг иқтисодий ислохотлар шароитидаги аҳамияти

Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган маърузасида сўзлаган нутқида: «...ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришдан иборат»¹, - деб таъкидлагани бежиз эмас.

Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири, солиқ тизимини янада такомиллаштиришдир. Айтиш жоизки, устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб бўлмайди. 2008 йилда ишлаб чиқилган Солиқ кодекси иқтисодий ислохотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб беради.

Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, назорат, рағбатлантириш, айниқса ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказиш, тўғридан-тўғри солиқлар салмоғини камайтириш ҳисобига билвосита солиқлар улушини кўпайтириш, солиққа тортишнинг ўхшаш негизига эга солиқларни бирхиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштириш, ресурсларни тежовчи ишлаб чиқаришларни рағбатлантирувчи ресурс солиқлари ставкаларини мақбуллаштириш, солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш ва бошқа захиралар эвазига солиқ солиш негизини кенгайтиришга қаратилган.

Республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг ҳозирги босқичида бозор муносабатлари тўла ҳукмрон бўлган, бозор иқтисодиёти қонунлари ва талаблари тўла амал қилинаётган ёки

¹ Каримов И.А. «2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари». // -Тошкент: Халқ сўзи, 2009 йил февраль.

иқтисодиётни бошқаришнинг тўла иқтисодий, демократик усуллари ёки тўлиқ маъмурий буйруқбозлик усуллари қўлланилмоқда деб бўлмайди. Бундай ўтиш шароитида солиқлар воситасида иқтисодий жараёнларни тартибга солиш тизимини тўғри ташкил эта олиш бозорнинг иқтисодий талабларига мослашишда, уларнинг босқичма-босқич ҳукмронлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари иқтисодиётни эркинлаштириш, давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини қисқартириш ва унинг иқтисодиётга аралашувини чеклашдан иборат. Кичик бизнесни ривожлантириш орқали хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар очиб бериш, шу билан бирга бюджет камомадига йўл қўймаслик вазифалари белгиланган. Ушбу иқтисодий вазифалардан келиб чиққан ҳолда солиқ тизимини тўғри оқилона ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим. Солиқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги янги солиқ тизими тузилиши тамойиллари ва таркибий қисмларга кўра бутун жаҳон амалиётида кенг тарқалган солиқ тизимини акс эттиради. Ушбу Солиқ кодекси солиқ тартиби, солиққа тортиш ва йиғим қоидаларини амалга ошириш шартларини тартибга солади, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, солиққа тортиш соҳасида давлат ҳуқуқи тартиботи ва қонунийликни белгилайди.

*М. Ишонқулова, МКФ-01 гуруҳи талабаси,
Б.К. Тухлиев, и.ф.н., доц., ТДИУ*

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммолари

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда давлат облигациялари бозори давлат харажатларини молиялаштириш, банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Давлат облигацияси бозори ёрдамида қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади:

- давлат бюджетининг жорий камомадини молиялаштириш;
- аввал жойлаштирилган давлат заёмларини қайта молиялаш;
- муомалада пул массаси ҳажмини тартибга солиш;
- Тижорат банклари ва бошқа молиявий институтларни юқори ликвид ва ишончли резерв активлари билан таъминлаш.

Қисқа муддатли давлат облигациялари сифатида давлат қимматли қоғозлари бозорида 1996 йилдан бошлаб, фаолият юритмокда. Қисқа муддат ичида у молиявий бозорнинг муҳим таркибий қисмига айланди.

Қисқа муддатли давлат облигациялари бозори ривожланишининг асосий сабаби у инвесторлар учун бир қатор яхши имкониятлар тақдим этди. Республика фонд биржасида бир қатор электрон тизимлар ташкил этилган. Улар облигацияларни эмиссия қилиш, сақлаш, муомаласини ва сўндирилишининг технологик даврини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида битимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини кафолатлайди.

Инвесторларда бу воситаларга қизиқиш уйғотиш учун давлат томонидан имтиёзли тартибни белгилайди (нодавлат қимматли қоғозларидан олинган фойда 15 фоизли солиққа тортилади, қисқа муддатли давлат облигациялари бўйича даромадлар эса солиққа тортилмайди). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ 1024-сон қарорига мувофиқ, қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар учун ҳақ суммасига (ялпи даромадга) нисбатан 13 фоиз миқдорида белгиланган. Давлат қимматли қоғозлар бозорининг жозибалилигини ошириш меъёрлари амалга оширилишига қарамай, бир неча муҳим масалалар ҳал этилмай қолмокда.

Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорини самарали мувофиқлаштириш жараёнлари кечаётган мамлакатимиз учун жаҳонда умумий тарзда қабул қилинган андозаларга мос келадиган, жаҳон тажрибаси билан чуқур ишлаб чиқилган, барча афзалликларни ўзига сингдирган ва шу билан бир вақтда миллий менталитетни миллий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўз-ўзини мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш зарурдир. Бу механизмда жаҳон тажрибасига кўра, асосий ролни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи нодавлат-тижорат ташкилотлари ўйнайди. Бу ташкилотлар олдида бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Республиканинг ҳозирги қимматли қоғозлар бозорида бирламчи эмиссиялар устунлик қилмокда. Иккиламчи фонд бозори ривожланиши, аввало, қимматли қоғозлар ликвидлиги паст бўлганлиги туфайли қийинчиликларга дуч келмокда. Ликвидликни ошириш учун бозорнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, қимматли қоғозларнинг муомала қилиши ва уларга хизмат кўрсатиш тизимида чиқим ва хатарларни камайтиришга ёрдам бериш, бозорнинг ахборот жиҳатидан очиқлигини кучайтириш керак.

Энг аввало, «Тошкент» РФБнинг иш стандартлари қабул қилинган халқаро стандартларга яқинлашишини таъминлаш, фонд бозорининг

асосий тузилмалари: биржа, депозитарий, ҳисоб-китоб клиринг ташкилотлари ўртасида автоматлаштирилган ҳамкорликнинг тизимини яратиш зарур.

*О.С. Зокиров, МУА-01 гуруҳ талабаси,
М.С. Тулаев, доц., ТДИУ*

Тижорат банкларида аудит ўтказиш услубияти ва уни такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси банклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида ўрнатилган тартибда амалга оширади. Банк ва мижоз ўртасидаги шартномада бошқа ҳолатлар кўрсатилмаган тақдирда тўловлар мижознинг шахсий маблағлари ҳисобидан, айрим вақтларда банк кредити ҳисобидан қопланади. Пул маблағларини қабул қилувчи ҳисобига ўтказиш, фақат пул тўловчи ҳисобидан олингандан сўнг амалга оширилади, шунингдек чек билан ҳисоб-китоб қилиш бундан мустасно. Мижоз ҳисобида пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, унга қўйилган талабларни қондириш қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда ўтказилади.

Банк шартнома шартларини бажармай туриб, қарздор кредиторга жарима тўланиши ва ҳисобланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пулларни харидор ўз вақтида тўламаган тақдирда, етказиб берувчи ва харидор ўртасида тузилган шартномага асосан харидор жарима тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банклар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаларида очилган корреспондентлик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бўйича амалга ошириладиган тўловлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган миқдордан ошиб кетса, тўловлар фақат нақд пулсиз шаклда тўловчининг ҳисобидан қабул қилувчи ҳисобига ўтказилади.

Ҳисоб муомалаларининг аудиторлик текширувини ўтказиш «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомга асосланади. Банкларда бир хил ҳужжатлар муомаласини тартибга солувчи «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низом корхоналар томонидан ҳисоб-китоб шаклини танлаш эркинлиги, уларни шартномада кўрсатиш ва банкларнинг корхона шартномавий алоқаларига аралашмаслик тамойилидан келиб чиқади. Банк аудиторлари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширувчи корхоналарни текширишда асосий аудиторлик стандартлари, ҳисоб-китоб шакллари тўғрисидаги низом ва ҳисобварақлардан маблағларни фақатгина маблағ эгасининг фармойишига кўра олиш тартибларидан келиб чиқади. Ҳисоб муомалаларини текшириш

қуйидагиларни ўз ичига олади: мижоз ҳисобварақлари бўйича муомалаларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилиши; тўлов ҳужжатларини тўғри ҳужжатлаштириш, аккредитивларнинг ўз вақтида қўйилиши; ҳамма очилган ҳисобварақлар тўғрисида ахборотни Давлат Солиқ идоралари ва Пенсия фондига ўз вақтида бериш; мижозларнинг очилаётган ва ёпилаётган ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларининг қонунийлигини текшириш ва бошқалар.

Хорижий валютада муомалаларни амалга ошириш тартиби ва хорижий валютадаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

Банкларда валюта бўйича ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия моддаларининг қайта баҳоланишини текширишда қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади: қайта баҳолаш қайдномаси, “Валюта маблағларини қайта баҳолаш” баланс ҳисобварағидан кўчирма, очиқ валюта ҳолатини юритиш бўйича ҳисобот, мемориал ордер ва баланс.

***Н.А. Махкамбоев, МУА-01 гуруҳ талабаси,
Ш. Илҳомов доц., ТДИУ***

Пул маблағлари аудитининг мақсади, вазифалари ва манбалари

Касса муомалаларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари» билан тартибга солинади. Ушбу қоидага мувофиқ, барча юридик шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт.

Касса муомалаларини юритиш учун корхона штатидан кассир ажратилади. У ўзи қабул қилиб олган пул ва бошқа бойликларни тўлиқ сақлаши учун моддий жавобгар шахс ҳисобланади.

Пул маблағларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг асосий мақсади: корхона кассасидаги миллий (5010) ва хорижий валютадаги (5020) нақд пул маблағлари, банкдаги ҳисоб-китоб (5110), валюта (5200) счётлари ва бошқа махсус (5500), пул эквивалентлари (5610) ҳамда йўлдаги пул (ўтказмалари) маблағлари (5710) счётларига доир муомалаларни аудиторлик текширувидан ўтказиб, молиявий ҳисоботнинг «Пул маблағлари» бўлими бўйича маълумотларнинг ишончлилиги ва банкдаги счётларда пул маблағларини ҳисобга олиш услубиятининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлилиги тўғрисида хулоса билдириш, уларнинг сақланиши ва

ишлатилишининг мақсадга мувофиқлиги, бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши ҳамда қонунийлигини таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- инвентаризация ўтказиш йўли билан кассадаги мавжуд пул маблағлари, қимматли қоғозлар миқдори ва суммаларининг ҳақиқий қолдиғини аниқлаш;
- касса муомалаларини ҳисобга олишда «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини амалга ошириш қоидалари»га риоя этилаётганлигини аниқлаш;
- банк муассасасидаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа махсус счётлар бўйича амалга оширилган муомалаларни текшириб чиқиш;
- ўтказилган текшириш асосида оралиқ далолатнома тузиш ва хулоса қилиш.

Фанга оид ўқув адабиётида пул маблағлари аудиторлик текширувини ўтказишнинг мақсади қуйидагича ифодаланган:

«Текширувнинг асосий мақсади - пул маблағлари оқимини акс этувчи счётларда амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги, ишончлилиги ва ҳўжаликни самарали юритиш мақсадларига мувофиқлигини аниқлашдир. Текшириш мақсадлари ва фойдаланадиган маълумот манбалари пул маблағлари турларидан келиб чиққан ҳолда фарқланади»¹.

Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олиш аудит объектини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида гуруҳлаштириш мумкин.

Кассадаги пул маблағлари ҳисобига оид муомалаларнинг аудит объектлари

Кўрсаткичлар номи	Счётлар рақами	Молиявий ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичлар	
		1-шакл	4-шакл
		Сатр рақами	Сатр рақами
1	2	3	4
Кассадаги пул маблағлари	5000	330	010-240
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари	5100	340	010-240
Хорижий валютасидаги пул маблағлари	5200	350	250-280
Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағлари	5500	360	
Пул эквивалентлари	5600	360	
Йўлдаги пул маблағ (ўтказма) лари	5700	360	

¹ Аудит: Ўқув қўлланма. // М.М. Тулаходжаева ва Ф.Г. Гуломоваларнинг умумий таҳрири остида. Т.: ЎзБАМА. 2004., 51-б.

Яна бир гуруҳ олимларнинг фикрларига кўра, ушбу муомала бўйича аудитнинг биринчи галдаги вазифаси қуйидагича, «Кассада амалга оширилган хўжалик операциялари аудит назоратида биринчи бажариладиган вазифа кассадаги нақд пуллар ҳолатини назорат ўтказилаётган кун ҳолатига далолатнома билан расмийлаштиришдир. Кассадаги пул маблағларининг аудит учун асосий манба бўлиб, кирим-чиқим касса ордерлари, касса кирим-чиқим ордерларини рўйхатга олиш дафтари, касса дафтари, кассир ҳисоботи саналади»¹.

Бизнингча, касса операциялари аудити ўтказилганда текширув мақсади қуйидагиларга риоя этилганлигини аниқлашдан иборат бўлиши керак: нақд пул ва бошқа бойликлар кассада бут сақланиши, уларни банкдан олиб келишда сақлаш шароитлари; чек дафтарчалари белгиланган тартибда сақланиши, чекдан кўчирмалар ва улар бўйича пул олиш тартиби; кассага пул кирим қилиш ва ундан пул бериш операцияларини ҳужжатли расмийлаштириш қоидалари; кассада нақд пул лимит чегарасида сақланиши ҳамда хизмат сафарлари, хўжалик харажатлари ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳисоботли пул берилиши; банклар, юридик ва жисмоний шахслардан нақд пул ва тушумлар ўз вақтида ва тўлиқ кирим қилиниши; касса операцияларини амалга оширишда касса интизомига риоя этилиши; касса операциялари ҳисоби ва касса дафтарини юритиш, кассада сақланаётган бошқа бойликлар бўйича таҳлилий ҳисоб дафтарлари юритилиши; банклардан чек орқали олинган нақд пул мақсадга мувофиқ ишлатилиши; иш куни якунлангандан кейин лимитдан ортиқ бўлган нақд пул банкларга тўлиқ қайтарилиши; ишонч қоғозлари расмийлаштирилмасдан туриб бегона шахсларга нақд пул бериш ҳолатлари мавжудлиги.

*М.А. Алиев, МУА-01 гуруҳ талабаси,
М.Х. Ходжаева, доц., ТДИУ*

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ муомалалар аудитини такомиллаштириш

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ва хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларига ўтиши саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларига таъсирини кучайтириб, барча меҳнат жамоаларини тез ишлаб чиқариш имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланишга ундамоқда. Бундай вазифани бажаришда бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили ва аудит муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда қабул қилинган қонун ва низомлар ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар халқ хўжалигининг барча корхона, ташкилот ва хўжаликларда ва ҳар хил мулкчилик шароитида назорат ва аудит ишларини яхшилашга қаратилган.

¹ Абдуллаев А., Абдуваҳобов О., Қаюмов И. Аудит асослари. Дарслик. Т.: 2003., 63-64-бетлар.

Аудиторлик фаолияти – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва шу билан боғлиқ бош профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бозордаги рақобатбардошлигидир. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш аудитининг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотилишнинг ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;
- тайёр маҳсулотнинг омборда сақланишини таъминловчи шароитларни аниқлаш;
- тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархининг аниқлигини текшириш;
- тайёр маҳсулот сотилишининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- сотилган тайёр маҳсулотдан олинган молиявий натижаларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилганлигини текшириш ва ҳоказо.

Аудитор корхоналарда аудит ўтказиш жараёнида ахборотлар манбаи сифатида бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таянади.

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотилиш аудитида қуйидагилар ахборотлар манбаи бўлиб ҳисобланади:

- тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишни ҳисобга олишга доир қонунчилик;
- тайёр маҳсулотни омборга топшириш бўйича юк хати ва далолатнома;
- товар-транспорт юк хати;
- тайёр маҳсулотлар ҳисоби карточкиси;
- солиққа тортиш мақсадида счё-фактуралар;
- шартномалар;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар бўйича қайдномалар;
- жўнатилган ва сотилган тайёр маҳсулотлар бўйича қайдномалар;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг таннархини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар;
- бухгалтерия баланси (1-шакл)нинг 170-сатри «Тайёр маҳсулот», 220-сатр «Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи» ва 670-сатри «Олинган аванслар»;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)нинг маълумотлари;
- 2010, 2800, 9000, 9100, 5010, 5110. 5210, 4010, 6310 ва бошқа счё-т маълумотлари;
- сотиш бўйича чегирма ва қайтаришлар тўғрисидаги маълумотлар;
- ноумид қарзлар бўйича харажатлар тўғрисидаги маълумотлар;
- олинган чегирмалар;
- банк ҳисоб-китоб счё-ти кўчирмалари;

- 10 ва 11- журнал-ордер маълумотлари;
- 16-қайднома маълумотлари;
- бош китоб ва бошқа бухгалтерия ҳужжатлари.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида мижозларга товар ва хизматларга эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу жараён мижознинг таклифидан бошланса, товар ва хизматларнинг дебиторлик қарзи ва пировард натижада нақд пул маблағига айланиши билан тугайди.

Товар моддий қимматликларнинг аудиторлик текшируви бухгалтериянинг материал бўлимини ўрганишдан бошланади. Унда қимматликларнинг ҳаракати ҳисобини ким юритиши (билими, стажи, қариндошлик алоқалари); ушбу участкадаги бухгалтерия қандай меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши; ушбу бухгалтер кимга бўйсунishi ва бажарилаётган ишлар ким томондан текширилиши; ҳужжат айланиш схемаси ва тўлдирилган бошланғич ҳужжатлар намунасининг мавжудлиги; ҳисобнинг ушбу бўлими бўйича ташкилий, услубий ва техник жиҳатлар томонидан ҳисоб сиёсатида асосланганлиги, оптималлиги ва мақсадга мувофиқлиги; сўтларда қимматликларнинг ҳаракат ҳисоби схемасининг мавжудлиги; материалларнинг ҳақиқий харажатлари меъёрдаги харажатлардан фарқ қилганда ички назоратнинг қандай усулларида фойдаланилади (инвентаризация, ҳужжатлаштириш. Меъёрий ҳисоб ва бошқалар); қимматликлар бўйича инвентаризация ўтказиш муддатлари ва уларнинг натижаларини расмийлаштириш тартибига амал қилинишини; моддий жавобгар шахслар билан тўғри шартнома расмийлаштирилганлиги ва уларнинг мавжудлигини; ҳужжатларни қайд этиш дафтарлари (хусусан, ишончномалар), доимий инвентаризация комиссиялар, уларнинг таркиби тўғрисидаги буйруқларнинг мавжудлиги текширилади.

Товар-моддий қимматликларнинг бутлигини таъминлаш, сақлаш шарт-шароитларига боғлиқдир. Шунинг учун текширишнинг кейинги босқичида ушбу корхонада омбор хўжалигининг аҳволи текширилади. Аудитор омборхоналарни, шу жумладан мослаштирилган сақлаш жойларининг сони ва жойлашиши, уларнинг ҳажми, қимматликларни сақлаш шароитлари, ўлчаш асбоб-ускуналари билан таъминланлик даражасини ўрганиб чиқиши лозим.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш аввалдан тузилган буюртма ва шартномалар асосида амалга оширилиши керак. Шартнома ва буюртмаларсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот омборларнинг товарлар билан тўлиб ётиши, хўжалик маблағларининг секин айланиши натижасида молиявий аҳволнинг мураккаблашишига олиб келиши мумкин.

Текшириш даврида харидорлар билан тузилган шартнома маълумотлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш дастури билан мувофиқлаштирилганлиги аниқланади. Харидорлар билан тузилган шартномалар, маҳсулот ишлаб чиқариш режалари маълумотлари асосида

ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот турлари ва ассортименти бўйича таққосланади.

Текшириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бир меъёردа амалга оширилиши аниқланади. Бунинг учун корхонада ишлаб чиқилган режа ва графиклардан фойдаланилади. Текширув вақтида мазкур режалар маҳсулот жўнатилиш муддатлари билан келишилганлиги аниқланади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бухгалтерия ҳисоби текширилганда ишлаб чиқаришдан қабул қилинган тайёр маҳсулотни ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлигига аҳамият берилади. Баъзи ҳолларда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда қабул қилинишини акс эттирувчи далолатнома ва юкхатларига тўлиқ ишлови берилмаган, технологик жараёнлари тугатилмаган, ҳужжатларда тўлиқ акс эттирилмаган буюмлар киритилади. Бундай ҳолатларни яшириш мақсадида маъсул шахслар томонидан тайёр маҳсулотнинг цехларда сақланиши бўйича сохта тилхатлар ёки бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсати мувофиқ тайёр маҳсулот жорий ҳисобда барқарор ҳисоб нархларда акс эттирилади. Бундай ҳисоб нархлар сифатида режадаги (норматив) таннарх ёки шартномавий (сотиладиган) баҳолардан фойдаланиш мумкин. Ҳисобот даврининг охирида маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан ҳисоб нархлар орасидаги фарқ аниқланади ва алоҳида ҳисобга олинади.

*Ф. Мелибаева, МСС-10 гуруҳ талабаси,
Х. Ойбекова, доц., ТДИУ*

Муддатида тўланмаган солиқлар ва мажбурий йиғимларни ундириш тизимини мукамаллаштириш

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон олдида ғоятда мураккаб вазифа – бозор шароитида хўжалик юритишнинг тамомила янги ҳуқуқий негизини яратиш кўндаланг бўлди. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида кўплаб мамлакатларда иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш сиёсати изчил олиб борилмоқда ва шунга мувофиқ, солиқ қонунчилиги ва солиқ тизими янада такомиллашиб бормоқда. Айниқса муддатида тўланмаган солиқлар ва мажбурий йиғимларни ундириш тизимини мукамаллаштириш масаласи долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсатини юритишдан мақсад — солиқ тўловчиларнинг хўжалик ва иқтисодий фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва инвестиция фаоллигига солиқлар воситасида туртки бериш, иқтисодий субъектлар фаолиятини умумиқтисодий стратегик мақсадларга эргаштиришдир.

Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январдан эътиборан жорий этилган Солиқ кодексининг янги лойиҳаси амалга киритилиши мамлакатимиз иқтисодиётини солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсатини янада юқори даражага кўтарди.

Ўзбекистонда ҳукуматнинг иқтисодётини солиқлар воситасида тартибга солувчилик сиёсатини қуйидаги аломатларига кўра таснифлаш мумкин:

1. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишларини солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсати таъсирида ривожлантиришга эришиш.
2. Муддатида тўланмаган солиқлар ва мажбурий йиғимларни ундириш тизимини қонуний равишда мукамаллаштириш орқали устувор тармоқларни солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсатини ривожлантиришга эришиш.
3. Ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларни солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсати таъсирида ривожлантиришга эришиш.

Умумиқтисодий ўсиш ва барқарорликка эришиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг устувор йўналишларини солиқлар воситасида тартибга солиш сиёсатида давлат томонидан таянч иқтисодий йўналишлар танланади. Бу тадбир қуйидаги йўналишларни ривожлантиришни ўз ичига олади: ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш; кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш; илмий-техник тадқиқотлар билан шуғулланиш ва ҳоказо. 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиз, саноатда 12,7 фоиз, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш – 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси – 7,2 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигида 4,5 фоиз ўсишга эришилиб, 3 млн. 410 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 млн. 145 минг тонна буғдой етиштирилди. Давлат бюджети ортиғи билан бажарилди, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди. Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган башорат кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.

*М. Маликов, МКФ-02 гуруҳ талабаси,
Б.К. Тухлиев и.ф.н., доц., ТДИУ*

Маҳаллий бюджетларнинг бюджет тизимидаги ўрни ва таркибий тузилиши

«Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади».

Маҳаллий бюджет бўғинлари зиммасига муҳим вазифалар юклатилган. Худудлар иқтисодий салоҳияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақиллиги ва масъулиятларининг ортиши, ҳамда шундан бевосита манфаатдор бўлган тегишли бюджет бўғинининг самарали фаолияти, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, маҳаллий бюджетлар республика маъмурий-ҳудудий бўғинлари билан боғланган ҳолда ташкил этилган.

Бюджет тизими Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган даромадлар, ҳамда умуман республикани, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради.

Шу ўринда маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари таркибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий бюджет даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

- маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрига қолдириладиган умумдават солиқлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, вақтинчалик фойдаланишга бериш асосида олинадиган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи

бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

- юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

- алоҳида олинган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳамда хорижий давлатлар томонидан қайтариб бермаслик шарти билан олинган пул тушумлари;

- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини шакллантиришдаги мавжуд муаммолар қуйидагилар:

- солиқ ва тушумларнинг йиғувчанлик даражасини пастлиги;
- боқиманда қарздорликларни йилдан-йилга ошиб кетаётганлиги;
- солиқ тўловчиларни тўлиқ давлат рўйхатига олинмаганлиги;
- корхоналарни тўла қувватда ишламаслиги;
- мавжуд ресурс салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётганлиги;
- маҳаллий хом-ашёни қайта ишлайдиган корхоналарнинг камлиги;
- янги технологияларнинг жалб этилмаётганлиги.

Қ.Номозова, МБС-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Ўзбекистон Миллий суғурта бозорининг ривожланиш истикболлари

Ўзбекистон миллий суғурта бозорини ривожлантиришга қўйилган катта қадам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида муҳокама этилиб ва 2002 йил 5 апрелда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонуни қабул қилинганлиги дейиш ҳақиқатга яқиндир.

Бу қонунда Миллий суғурта бозорини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилган, иқтисодий жиҳатдан миллий суғурта компанияларининг турли мулкчилик шаклида бўлиши ҳамда бозорда соғлом рақобат ҳақида давлат қонуни йўли билан суғурта бозорининг иштирокчилари бўлган суғурта компанияларига ҳамма соҳада имкониятлар яратиб берган.

Суғурта бозори иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади ва суғурта хизматлари ва суғурта компанияларини амалга оширади.

Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг иштирокчилари давлат суғурта компаниялари, хусусий суғурта компаниялари ва ҳамкорликдаги суғурта компаниялари ташкил этмоқда.

Давлат акциядорлик суғурта компаниялари суғурта бозорининг фаол иштирокчилари ҳисобланадилар ва улар бозордаги рақобат курашида рақобатбардош товарлар етказиб беришда харидорлар ишончини қозонмоқда. Мамлакатимиз миллий суғурта бозорини ривожлантириш ва

такомиллаштиришда қуйидаги муҳим муаммоларни ҳал этиш ҳаётий заруратдир.

- суғурта бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш;

- миллий суғурта бозорини комплекс тарзда ўрганиш ва унинг муаммоларини аниқлаш;

- суғурта бозорининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасининг ошиб бориш чораларини кўриш;

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта (бозори) мукофотлари даражасини ўрганиб бориш;

- мамлакатда инвестицияга йўналтирилган суғурта маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини таҳлил этиш;

- суғурта бозорини ўрганишда маркетинг тадқиқотларини комплекс равишда олиб бориш;

- суғурта маҳсулотларини сотишда, суғурта хизматларини бозор иштирокчилари ва харидорларга рекламани кучайтириб бориш;

- жаҳондаги ривожланган мамлакатлар суғурта бозоридаги илғор тажрибалардан республика миллий суғурта бозорида фойдаланишни йўлга қўйиш.

- ҳозирги кунда суғурта бозорини тадқиқ этиш туфайли айрим олимларнинг илмий изланишларида:

- миллий суғурта бозорини ривожлантириш иқтисодиётнинг муҳим тармоғи эканлиги исботлаб берилган;

- суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси рақамлар билан асослаб берилган;

- суғурта бозорида талаб ва таклифнинг номуаносиблиги мавжудлиги кўрсатиб берилган;

- суғурта бозори иштирокчилари ўртасидаги соғлом рақобатнинг ривожланишига салбий таъсир этувчи ҳолатлар аниқланган;

- суғурта бозори инфратузилмасининг ҳали бозор талаби даражасида такомиллашмаганлиги аниқлаб берилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда миллий суғурта бозорининг ривожланиши ва бозор иштирокчилари бўлган суғурта компанияларининг фаол фаолиятини ташкил этадиган ва бошқарадиган мутахассис кадрларни тайёрлашга давлат алоҳида эътибор бериши керак деб ҳисоблаймиз:

- суғуртачи мутахассисларни асосан олийгоҳларда тайёрлашни йўлга қўйиш ва уларни дарсликлар, ўқув қўлланмалар билан таъминлайдиган кафедралар ва суғурта марказлари очиш;

- мактаб, коллеж, институт ва университетларда “Суғурта бизнеси” фанини ўтишни амалга ошириш;

- суғурта компанияларида ишлаб турган ходимларнинг ихтисоси бўйича аттестациясини ҳар йили ўтказиш лозим;

- ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини университет қошида ташкил этиш;

- вилоят, шаҳар, туман суғурта ташкилотларида профессор-ўқитувчиларни жалб этиш йўли билан жойларда малака оширишни ташкил этиш орқали суғурта бозорини ва мамлакат суғурта тизимини ривожлантиришга мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайтириш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз ва суғурта бозорини ривожлантиришда инсон омили муҳим рол ўйнайди.

***С.О. Балтабаева, студентка гр. МУА-21,
Научный руководитель: Ф.Г. Гулямова, ТГЭУ***

Технология аудита основных средств

Аудит должен сопровождаться обязательным документированием, т.е. отражением полученной информации в рабочей документации. К рабочей документации аудита относятся: план и программа аудита; описания использованных аудиторской организацией процедур и их результатов; объяснения, пояснения и заявления проверяемого предприятия; копии документов предприятия; описания системы внутреннего контроля и организации бухгалтерского учета; аналитические документы аудиторской организации; другие документы. Примерный перечень документов, которые могут быть включены в состав рабочей документации аудитора, включает в себя: информацию об организационно-правовой форме и организационной структуре предприятия. Материалы, свидетельствующие о планировании аудита, и программы аудита: записи об изучении и оценке систем бухгалтерского учета и внутреннего контроля (описания, вопросники, схемы документооборота и проч.); анализ хозяйственных операций и остатков по счетам бухгалтерского учета; анализ существенных показателей и тенденций деятельности предприятия; записи о характере, дате проведения и объеме проведенных аудиторских процедур и результатах таких процедур; материалы, свидетельствующие о том, что работа, выполненная не аудиторами, контролировалась аудиторами; сведения о том, кем и когда выполнялись аудиторские процедуры и др.

Состав, количество и содержание документов, входящих в рабочую документацию аудита, определяются исходя из: характера проводимой работы; характера и сложности деятельности предприятия; состояния бухгалтерского учета; надежности системы внутреннего контроля.

Аудитор в ходе проверки обязан проверить соответствие проводимых операций требованиям нормативных документов и отразить в рабочей документации случаи нарушений. Он должен убедиться в том, что операции по учету основных средств:

а) выполняются с одобрения руководства как в целом, так и в конкретных случаях;

б) фиксируются в бухгалтерском учете в правильных суммах, на надлежащих счетах бухгалтерского учета, в правильном периоде времени, в соответствии с принятой в учетной политикой и обеспечивают возможность подготовки достоверной бухгалтерской отчетности;

в) в случае расхождений руководством предпринимаются надлежащие действия.

Результатом аудиторской проверки является заключение аудитора - документ, имеющий юридическое значение для всех юридических и физических лиц, органов государственной власти и управления, органов местного самоуправления и судебных органов.

Аудиторское заключение представляет мнение аудиторской фирмы о достоверности состояния учета основных средств проверяемого предприятия. Оно должно выражать оценку аудитора соответствия во всех существенных аспектах бухгалтерского учета нормативным актам Республики Узбекистан.

***С.О. Балтабаева, 2 - курс, группа МУА-21,
И.Н. Эшкuvatов, 2 - курс, группа МУА-01, ТГЭУ***

Особенности аудита основных средств

Основные средства формируют основную составляющую материально-технической базы организаций и играют важную роль в осуществлении ведущих направлений их деятельности. С развитием рыночных отношений в учете основных средств произошли существенные изменения. Эти изменения коснулись: состава и структуры основных средств; амортизации их стоимости; учета долгосрочных инвестиций; учета операций, связанных с лизингом и арендой имущества; переоценки стоимости основных средств; учета и финансирования затрат на ремонт основных средств; учета реализации и прочего списания основных фондов. Аудиторская проверка, следовательно, должна проводиться по указанным направлениям. Конкретная цель аудита основных средств – проверка правильности формирования состава, полноты и реальности учета основных средств и достоверности амортизации их стоимости.

Аудит сохранности, учета и использования основных средств требует выяснения:

- обеспечения контроля за наличием и сохранностью основных средств;

- правильности отнесения предметов к основным средствам, их группировки по классификации, принадлежности и характеру участия в производственном процессе;

- правильности оценки основных средств в учете;
- правильности оформления и отражения в учете операций по поступлению и выбытию основных средств;
- правильности начисления и отражения в учете износа и ремонтов основных средств;
- правильности и эффективности использования основных средств;
- правильности отражения данных о наличии и движении основных средств в бухгалтерском учете и отчетности.

Основными задачами аудиторской проверки основных средств является проверка законности и правильности:

- операций поступления, перемещения и выбытия основных средств;
- определение первоначальной стоимости объектов основных средств;
- их документального оформления;
- своевременное начисление, включение в издержки производства и использование амортизационных отчислений с основных средств;
- определение и использование остатка износа основных средств;
- отражение на счетах бухгалтерского учета операций по движению основных средств;
- осуществляется также проверка наличия неиспользуемого оборудования, его состояния, условий хранения и принятых мер по его реализации или передаче другим организациям;
- сохранности основных средств, наличие излишек основных средств.

Стоимость основных средств часто составляет существенную часть общей стоимости имущества организации, а ввиду долгосрочного их использования в деятельности организации основные средства в течение длительного периода времени оказывают влияние на финансовые результаты деятельности.

- қатъий пул-кредит сиёсатини макроиктисодий ва бюджет кўрсаткичлари билан мувофиқ ҳолда юритиш орқали инфляциянинг барқарор паст даражасини, миллий валюта ва унинг алмашув курси мустақкамлигини сақлаб туриш;

- пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида

тижорат банкларининг пластик карточкаларидан кенг фойдаланилишини таъминлаш чораларини кўриш;

- марказий банк томонидан пул бозорида ўтказиладиган операциялари бўйича белгиланадиган фоиз ставкаларининг иқтисодиётдаги ролини ошириш, очик бозордаги, шу жумладан иккиламчи бозордаги операцияларни янада ривожлантириш;

- банк тизимида бўлган ишончни янада ошириш, аҳоли жамғармаларини банкларга жалб қилиш ишларини янада кенгайтириш ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш;

- банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш ҳамда маблағларни инвестиция мақсадлари, биринчи навбатда, реал иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар режалаштирилиб, бундан кейин ҳам тўлалигича амалга ошириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг асосий йўналиши қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш орқали инфляциянинг барқарор паст даражада бўлиши ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Оқилона пул-кредит сиёсати пул қадрсизланишининг олдини олиш учунгина эмас, балки иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, уни дунё тараққиёти даражасига тенглаштириш ва пировард натижада халқ фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади.

Фикримизча, Республика банк кенгаши ва банк молия тармоғини эркинлаштириш ва режалаштириш институти илмий ва амалий режа асосида тадқиқотлар олиб бориши лозим. Қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш, банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш ва инфляция даражасини пасайтириш Марказий банкнинг асосий мақсадлари ҳисобланади. Ҳукумат сўмнинг талаб ва таклиф асосида шаклландиган ўзгарувчан алмашув курси амалиётини давом эттирмоқда.

Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлик даражасини зарурий меъёрларда бўлишини таъминлаш мақсадида, вакиллик ҳисоб-варақларидаги маблағларнинг мониторингини мунтазам равишда олиб боради ва барча зарур чораларни амалга оширади.

Марказий банк макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларига эришиш мақсадида, валюта бозорини тартибга солиш борасида ҳам муайян ишларни амалга ошириб боради.

Олиб бориладиган валюта сиёсати республика экспорт салоҳиятини янада оширишга, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришга ҳамда мамлакатда истеъмол нархларини паст даражада сақлаб туришга қаратилади.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан республикамиз ваколатли банкларининг ташқи иқтисодий фаолият олиб боришига енгилликлар яратиш, биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш учун улар томонидан валюта маблағларини жалб қилиш ва миждозларга кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш ҳамда банклараро валюта бозорини янада такомиллаштириш борасида зарурий чораларни амалга ошириб боради.

Марказий банк узоқ муддатда валюта бозоридаги барқарорликни таъминлаш ҳамда инфляциянинг паст даражада бўлишига шароит яратиш мақсадида, келгуси йилда миллий валюта алмашув курси девальвациясини 5,5 фоиздан ошмаган даражада бўлишига асосий эътиборни қаратади. Валюта алмашув курсининг барқарорлиги олтин-валюта захираларининг етарли даражада бўлишини таъминлайди.

Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш шакли, шунингдек унинг усул ва йўналишлари турли давлатларда турлича фарқланади. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий тизими ва давлат иқтисодий сиёсатининг стратегик йўналишларидан келиб чиқади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, турли мамлакатларда пул-кредит сиёсати нафақат амалга оширилиш шакли ва усулига кўра, балки ушбу сиёсатни амалга оширувчи органлар бўйича ҳам фарқланади. Жаҳон амалиётини кузатиб ва таҳлил қилиб, турли давлатларда пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи органлар қуйидаги хусусиятларга кўра фарқланишини кўриш мумкин.

Биринчидан, ушбу органларнинг номланиши турли давлатларда турличадир. Масалан, АҚШда - Федерал Резерв Тизими, Германия ва Қозоғистонда - Миллий банк, Хитойда-Хитой банки, Англияда-Англия банки, Ўзбекистон ва Россияда эса Марказий банк деб номланади. Улар қандай номланишидан қатъий назар, Марказий банк ҳисобланади. Бу банклар деярли барча давлатларда миллийлаштирилган ва улар давлат мулки ҳисобланади.

Иккинчидан, ушбу органлар пул-кредит сиёсатини олиб боришдаги ваколат доирасига кўра фарқланади. Марказий банкларнинг монетар соҳадаги ваколатлари унинг иқтисодиётдаги ролини белгилаб беради. Кейинги йилларда Марказий банкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда уни мамлакат ҳудудида бўлаётган иқтисодий жараёнларни тартибга солишдаги роли ҳақида мунозарали баҳслар бир неча маротаба ривожланиш йўналишларини ўзгартирди, бунинг оқибатида иқтисодиётдаги банк тизимининг биринчи поғонасида реал ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди, бу эса биринчи навбатда давлат бошқарув органларига бўлган муносабатларда намоён бўлди.

Бу муаммони таҳлил этишда асосий жиҳат – мамлакат Марказий банк сиёсатининг давлат иқтисодий сиёсати йўналишига тобелиги, яъни аниқроғи бу тобеликнинг даражасига боғлиқ. Мамлакат Марказий банк сиёсатининг давлат иқтисодий сиёсати йўналишига тобелиги, бу

тобеликнинг даражасига боғлиқ. Мамлакат Марказий банки сиёсати давлатнинг иқтисодий тартибга солиш сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлса, бундай боғлиқликни самарали деб ҳисоблаш мумкин.

*С. Сафаров,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Барқарор пул муомаласини таъминлашда тижорат банкларининг ўрни

Тижорат банклари давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган пул-кредит сиёсати бўйича ўз фаолиятини ҳар йили қабул қилинадиган «Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари» доирасида олиб боради. Асосий йўналишларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатини юритиш, мамлакат тўлов тизимини такомиллаштириш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодийнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинади.

Бир сўз билан айтганда, «барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссиясини, жами пул массасининг асосиз ўсишини чеклашдан иборатдир». Бу эса ўз навбатида иқтисодий фаолликнинг кучайишига, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш маблағларнинг тармоқларига йўналтирилаётган капитал кўпайишига шароит яратади, бундан келиб чиқиб, кўйилган ушбу вазифаларни бекаму-кўст бажариш мақсадида Марказий банкнинг тижорат банкларига берадиган кредитлари учун ўрганиладиган қайта молиялаш ставкаси инфляцияга қарши курашда асосий қуроллардан бири сифатида хизмат қилади.

Ушбу инструмент Марказий банк томонидан иккинчи даражали банкларнинг ликвидлик ҳолатини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланилади. Қайта молиялаш ставкаси Марказий банкнинг асосий фоиз кўрсаткичи ҳисобланиб, у банклараро пул бозорида тижорат банклари билан операциялар ўтказишда қўлланилади. Тижорат банкларининг депозитлари динамик ўсиш хусусиятига эга. Қисман, бу аҳоли жамғармаларига маблағ тушумларининг ўсиши билан изоҳланади. Бу ўз навбатида пластик карточкаларга асосланган тизим ҳисобланади.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш доирасида тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, электрон ҳисоб-китоб қилиш тизими кенгайтирилди. Шу муносабат билан, тижорат банклари томонидан савдо терминаллари молиявий лизинг йўли билан тақдим этиш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки савдо субъектлари муайян қисмининг молиявий аҳволи савдо терминаллари сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга имкон бермайди. Мазкур

тадбир савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида терминаллар миқдорининг кўпайишига хизмат қилган бўлар эди.

Жумладан, тижорат банкларининг ортиқча ликвид маблағларини депозитларга жалб этиш, Марказий банк облигациялари ва Давлат қимматли қоғозлари билан ўтказиладиган операциялар ҳажмини кенгайтириш орқали пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрлар доирасида бўлишига эришилди, натижада инфляция даражаси ўсишининг олди олинди. Олиб борилган самарали пул-кредит сиёсати натижасида иқтисодиётда тижорат банкларининг молиявий воситачилик роли ошиб бораётганлиги сўнгги йилларда монетизация даражасининг ўсишида ҳам кўриш мумкин. Монетизация даражаси, яъни пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатининг тобора ўсиб бораётганлиги банк тизими томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигининг ошаётганлиги, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларда банк тизимининг роли ўсаётганлиги ҳамда аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончли мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради. Ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан олиб борилган изчил ислохотлар банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишга қаратилди. Аҳолининг банклардаги омонатлари таркибида муддатли ва жамғарма омонатлари улуши ўсиб бормоқда. Бу эса банклар умумий ресурс негизининг ошиши натижасида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш учун ажратилган кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ортишига олиб келмоқда.

Шунингдек, банклар томонидан 3 йилдан ортиқ муддатга ажратиладиган инвестиция кредитларидан олинадиган даромадлар ўз капиталини оширишга йўналтирилган тақдирда, мазкур маблағлар даромад солиғидан озод этилиши ҳам банклар томонидан узоқ муддатли инвестиция кредитлари ажратиш учун муҳим туртки бўлди. Тижорат банкларининг депозитлари сўнгги йилларда инфляция даражасининг жиловланиши, тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан кредит ва депозитлар бўйича ўрнатилаётган фоиз ставкалари, банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари ҳамда давлат қимматли қоғозларининг даромадлилик даражаси пасайиб бормоқда. Банк тизимини ислох қилишнинг муҳим йўналишларидан бири – бу самарали банк назоратини ташкил этишдир. Республикамизда банкларни назорат қилиш тизими Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси тамойиллари асосида ташкил этилган бўлиб, бу масофадан назорат қилиш ва банкларда бевосита инспекция текширувларини ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисобот йилида

барча тижорат банклари фаолияти ушбу рейтинг тизими асосида инспекциядан ўтказилди ҳамда уларнинг реал молиявий ҳолати аниқланиб, тегишли рейтинг даражаси билан баҳоланди. Банк фаолиятини назорат қилиш жараёнида тижорат банкларининг активлари таркиби ва сифати, уларнинг даромадлилик даражаси, банklar томонидан активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарли даражада захиралар шакллантирилганлиги, банк капиталининг етарлилик даражаси ҳамда ликвидлилик кўрсаткичлари таҳлил қилиб борилди.

Тижорат банклари кредит портфелини соғломлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларининг кредит портфели таркибидаги муаммоли активларнинг ундирилиши устидан мониторинг ишлари давом эттирилиб, тўлов муддати ўтган кредитлар салмоғини янада камайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, молия интизомини мустаҳкамлаш, кредит операциялари бўйича таваккалчиликларни камайтириш ва салоҳиятли қарз олувчилар тўғрисида ахборот билан таъминлашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилди. Ҳозирги пайтда КАМИ томонидан тижорат банкларидан олинadиган маълумотлар – кредит, лизинг ҳамда факторинг операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги ахборотлар асосида маълумотлар базаси автоматик тарзда шакллантирилиб, қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисида маълумотлар жамланмоқда. Бу эса тижорат банкларининг салоҳиятли қарз олувчилар тўғрисидаги маълумот базасини кенгайтириб, кредит операциялари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Жисмоний шахслар учун таклиф қилинаётган банк хизматлари, омонат турларини кенгайтириш ва банklarдаги аҳоли жамғармаларини ошириш учун банк тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш ҳамда шу орқали банklarда ресурс базасини кўпайтириш ва уларни реал секторни кредитлашга йўналтириш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда тижорат банклари актив ва пасивларини бошқаришнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш ва пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш, шу жумладан корпоратив пластик карточкалар тизимини янада ривожлантириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан муомалага пластик карточкалар чиқариш ҳажмини ошириш, шу билан бирга аҳоли гавжум бўлган савдо ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларда терминаллар ўрнатиб, ҳисоб-китобларни ушбу терминаллар орқали амалга оширишни кенг тадбиқ этиб бориш зарар деб ҳисоблаймиз.

Безопасность пластиковых карточек в системе электронных платежей

Безналичные деньги изобретены недавно. Своим появлением они совершили такой же переворот, какой в прошлые столетия вызвали бумажные деньги, быстро вытеснившие металлические монеты. Бурно развивающаяся компьютерная техника наводит на мысль о том, что "электронные" безналичные деньги скоро вовсе могут вытеснить наличные. И это "скоро" уже не за горами. Парадокс однако в том, что до сих пор мало кто знает, что такое "безналичные деньги". Один из примеров безналичных платежей – это развивающаяся отрасль в наших банках, пластиковые карточки.

Пластиковая карточка - это персонифицированный платежный инструмент, предоставляющий пользующемуся карточкой лицу возможность безналичной оплаты товаров и/или услуг, а также получения наличных средств в отделениях (филиалах) банков и банковских автоматах (банкоматах). Принимающие карточку предприятия торговли/сервиса и отделения банков образуют сеть точек обслуживания карточки (или приемную сеть).

При выдаче карточки клиенту осуществляется ее персонализация - на нее заносятся данные, позволяющие идентифицировать карточку и ее держателя, а также осуществить проверку платежеспособности карточки при приеме ее к оплате или выдаче наличных денег. Традиционно авторизация проводится "вручную", когда продавец или кассир передает запрос по телефону оператору (голосовая авторизация), или автоматически, карточка помещается в POS-терминал или торговый терминал (POS - Point Of Sale), данные считываются с карточки, кассиром вводится сумма платежа, а держателем карточки со специальной клавиатуры - секретный ПИН-код (ПИН - Персональный Идентификационный Номер). После этого терминал осуществляет авторизацию либо устанавливая связь с базой данных платежной системы (on-line режим), либо осуществляя дополнительный обмен данными с самой карточкой (off-line авторизация). В случае выдачи наличных денег процедура носит аналогичный характер с той лишь особенностью, что деньги в автоматическом режиме выдаются специальным устройством - банкоматом, который и проводит авторизацию.

Пластиковая карточка представляет собой пластину стандартных размеров (85.6 мм 53.9 мм 0.76 мм), изготовленную из специальной, устойчивой к механическим и термическим воздействиям, пластмассы.

Самый старый и проверенный способ электронной коммерции - это оплата кредитной карточкой по телефону. В этом случае покупатель

заказывает на Web-сервере список товаров, которые он хотел бы купить, и потом сообщает по телефону номер своей кредитной карточки компании-продавцу. Затем происходит обычная авторизация карты, а списание денег со счета покупателя производится лишь в момент отправки товара по почте или с курьером.

Принципиально новый подход заключается в немедленной авторизации и шифровании финансовой информации в сети Internet с использованием схем SSL (Secure Socket Layer) и SET. Протокол SSL предполагает шифрование информации на канальном уровне, а протокол SET, разработанный компаниями VISA, Netscape и рядом других, предполагает шифрование исключительно финансовой информации. Применяются методы шифрования, основанные на "открытых ключах", в том числе и российский стандарт электронной подписи.

Для защиты сделок были организованы специальные центры сертификации в Internet, которые следят за тем, чтобы каждый участник электронной коммерции получал бы уникальный электронный "сертификат". В этом "сертификате" с помощью открытого ключа центра сертификации зашифрован публичный ключ данного участника коммерческих сделок. Сертификат генерируется на определенное время, и при его получении необходимо предоставить в центр сертификации документ, подтверждающий личность (для юридических лиц - их легальную регистрацию) участников сделки. Затем участники коммерции могут затребовать публичный ключ других участников и, имея "на руках" публичный ключ центра сертификации, участвовать в сделках.

Алгоритм SET позволяет добиться того, что покупатель не может расшифровать платежные реквизиты продавца, но может расшифровать все данные заказа. С другой стороны, банк не может получить данные по структуре заказа, но имеет доступ к платежным реквизитам продавца и покупателя. Это достигается с использованием двойной электронной подписи: банку посылается одна часть сообщения, а покупателю - другая. Кроме того, протокол SET описывает стандартные виды финансовых транзакций между банками, центрами авторизации и торговыми точками.

Таким образом, и практическая готовность Интернета для ведения бизнеса, и реальные обороты западного бизнеса в Интернете приводят к выводу о том, что если мы собираемся двигаться вместе с прогрессом, то и нашему бизнесу придется "переходить" в Интернет и использовать цифровые деньги в ближайшем будущем.

Однако на этом пути возникает множество проблем. Основные из них – юридические (например, связанные с уплатой налогов) и проблемы мошенничества при электронных платежах. Решать эти проблемы придется непременно, так как будущее – за описанными технологиями – передовыми достижениями мировой науки.

Бизнесда инвестиция самарадорлигини баҳолаш усуллари

Ҳар қандай лойиҳа ғоядан уни амалга оширишни бошлагунга қадар кетма-кетликда қуйидаги босқичлардан ўтади: лойиҳанинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш; бизнес-режани тайёрлаш; инвестиция босқични амалга оширишни бошлашга тайёргарлик.

Лойиҳанинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг концепцияси маркетинглар томонидан ишлаб чиқилади. Бу лойиҳа ташаббускор қатнашчилар билан биргаликда ёки раҳбарият билан биргаликда молиявий таҳлил қатнашчилари томондан ишлаб чиқилади. Ушбу босқичда экспорт баҳолаш ва йирик ҳисоб-китоблардан фойдаланилади. Мақсад бу лойиҳа стратегик жозибага эга эканлигини аниқлашдир. Бу босқичда лойиҳага раҳбар тайинланиши мумкин.

Бизнес – режани тайёрлаш. Бу босқич техник мутахассислар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва ҳоказоларнинг лойиҳани баҳолаш босқичидир. Айнан бизнес-режани тайёрлаш даврада ишнинг график режаси тузилади, лойиҳани амалга ошириш ташкилий ва ҳуқуқий чизмаси, керакли инвестициялар ва молиявий манбалар аниқланади. Салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш учун инвестициянинг самарадорлиги ҳисобланади.

Инвестиция босқичини амалга оширишни бошлашга тайёргарлик. Бу босқичда компаниянинг бюджетига лойиҳа бўйича харажатлар киради. Агар лойиҳа раҳбари тайинланмаган бўлса, раҳбар тайинланади, ишчи гуруҳи тузилади, лойиҳа қатнашчилари аниқланади, битимлар имзоланади. Лойиҳа қиймати, манбалари ва молиявий шаротлари аниқланади. Учала лойиҳа босқичидан энг аҳамиятлиси бизнес-режани ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Бизнес-режа салоҳиятли инвесторни қизиқтирадиган энг муҳим саволга келгусидаги инвестициянинг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради. Инвестиция лойиҳасининг иқтисодий самарадорлиги – бу категория инвестиция лойиҳасининг мақсадини ва унинг қатнашчиларининг қизиқишларини акс эттиради.

Муваффақиятли инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соф фойдани кўпайтиради. Бу фойда лойиҳа қатнашчилари бўлган акционерлар, корхона менежерлари, банк менежерлари ўртасида тақсимланади.

Лойиҳа самарадорлигини аниқлашнинг 2 кўриниши: лойиҳа самарадорлиги ва лойиҳа қатнашчиларининг самарадорлиги.

Лойиҳа самарадорлиги. Инвестиция лойиҳасининг бутунлигича баҳолаш самарадорлиги ижтимоий ва савдо позициялари билан бирга

ишлаб чиқилади. Берилган самарадорликни баҳолаш инвестиция манбалари ҳисобисиз ишлаб чиқилади.

Лойиҳа қанашчиларининг самарадорлиги молиялаш чизмаси ишлаб чиқилгандан кейин амалга оширилади.

Лойиҳа қатнашчилари бўлиб лойиҳани амалга оширувчи корхона ва унинг акционерлари, лойиҳани кредитлаштирувчи банклар, лойиҳа учун ускунани тақдим этувчи лизинг компанияси ҳисобланади. Жамият учун аҳамиятли лойиҳалар молиявий томондан давлат ёки маҳаллий ҳокимият ёрдами талаб қилинади. Бир қанча инвестиция лойиҳаси қатнашчиларининг мавжудлиги турли лойиҳалар устунлигида улар қизиқишларининг турли муносабатларда мос келмаслигини олдиндан аниқлайди.

Ҳар бир қатнашчида ҳар бир тўғридан-тўғри қатнашувчи учун ва самарали кўрсакичлар ҳисоби учун махсус пул оқимлари шакллантирилган. Лойиҳада қатнашиш ҳар бир потенциал инвестор учун фойдали бўлиши керак. Акционерлик компанияси учун лойиҳа самарадорлиги келгусида дивидент кўринишида олинishi мумкин бўлган даромадлар ва акцияни сотиб олишдаги харажатларни аниқлайди.

Лизинг битимларини имзолашда лизинг берувчиларнинг даромади лизинг тўловлари бўлади.

Кўп ҳолларда иқтисодий самара олиб келмайдиган лойиҳалардан узоқлашиш керак. Самарали лойиҳаларга ижтимоий тармоқдаги ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлайдиган харажатларни камайтириш сифатни оширувчи лойиҳалар бўлиши мумкин. Булар компания даромадига билвосита таъсир кўрсатади.

Инвестициялар самарадорлигига таъсир этадиган омилларни аниқлаш керак. Бу таъсир қимматли қоғозларнинг қиймати ўзгариши ҳисобига қўшимча инвестицияларни жалб қилмасдан, лойиҳани капиталлаштириш ўзгаришида намоён бўлади.

***Н.К. Калдибеков,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ***

Бозор инфратузилмасида банк тизимининг фаолияти

Бугунги кунда банк тизимининг иқтисодиётдаги ўрни бекиёс эканлиги барчага маълум. Бинобарин, бу борада Президентимиз ҳам “Иқтисодиётни ислоҳ қилишда банклар локомотив ролини ўйнаши лозим” эканлигини бежиз таъкидламаган. Зеро, эндиликда республикаимиз Марказий банки ҳам “Марказий банк тўғрисида” ва “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида” ги Қонунлар асосида фаолият юритмоқда ва банк тизимининг етакчи бўғинига айланмоқда.

Истиқлолнинг ўтган ўн етти йили Ўзбекистон учун ўзига хос ўзгаришлар даври бўлди. Ушбу даврда мамлакатимизда кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу борада мустаҳкам ва барқарор банк секторини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Мустақиллик йиллари мамлакатимиз банк сектори учун монобанк тизимидан янги, бозор иқтисодиёти талабларига мос, замонавий банк секторини, универсал банклар тизимини шакллантириш даври бўлди.

Ўзбекистонда замонавий банк тизимини яратиш босқичма-босқич амалга оширилди. Ўзбекистон банк соҳасини эркинлаштириш жараёнини сунъий равишда жадаллаштиришга уринмади, аксинча, асосий эътиборни ўтказилаётган ислохотларнинг сифати ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишига қаратди.

XXI аср бошида Ўзбекистон барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша бориб, бу тараққиёт жараёнида иқтисодиётнинг қон томири бўлган банк тизими ҳам туб иқтисодий-ҳуқуқий ўзгаришлар амалга оширилди. Чунки ҳозирги иқтисодиётнинг муҳим вазифалардан бири банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва ривожлантиришни янги босқичга кўтаришдан иборат, бунинг учун банк тизимидаги мавжуд қонун-қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати вужудга келди.

Банк тизими ҳар қандай турдаги иқтисодиётнинг марказий тизимини ташкил қилувчи унсурлардан ҳисобланади. Банк тизими вақтинчалик бўш турган пул маблағларини аккумуляция қилиш функциясини амалга оширади. Банк тизимининг муваффақиятидан иқтисодиётни самарали фаолият кўрсатиши, умуман олганда мамлакатдаги иқтисодий ўсишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк-тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб этиш ва уларни ўз номидан тўловлилик, муддатлилик, қайтариб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа шунга ўхшаш операцияларни бажаради.

Тижорат банклари фаолиятини корхона фаолиятига шу жиҳатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолияти, даромадини кўпайтиришга ва шу асосда биринчидан, ўз асосчилари акциядорлар манфаатларини, иккинчидан, ўз мижозлари манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади ва кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар юридик ва жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатади. Тижорат банклари яна қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш ва жойлаштириш билан шуғулланиши мумкин.

Банклар иқтисодий аҳволни назорат қила туриб, мижозларга турли ахборотлар, маслаҳатлар бериши мумкин. Ниҳоятда катта сармояга эга

бўлган тижорат банклари йирик инвестор сифатида чиқишлари, яъни умуман халқ хўжалиги ривожига бевосита таъсир кўрсатишлари эҳтимол туғилган таркибий қайта куриш ишларига аралашилари ва ҳатто иқтисодиёт шуббаларининг истиқболларини белгилашлари мумкин.

Мулкни бошқариш ва сармоя ҳосил қилишнинг катта миқёсдаги акциядорлик – ҳуқуқий шакли мақомини тижорат банклари олар экан, молия бозорларига жиддий таъсир кўрсатиши кўплаб ходимлар шубба фирма ва корхоналар ташкил этиш, шунингдек қатнашувчининг турли шакллари ривожлантириш асосида ўз фаолиятини анча деверсификациялаши мумкин бўлади.

Бугунги кунда, аҳолига тақдим этилаётган банк хизматлари бозори кенгайиб бормоқда. Шунга қарамасдан, кредит муассасаларининг мавқеи, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган ишончлилиги-муваффақият мезони. Ҳозирда бозордаги мавжуд вазият тобора ўзгариб бораётган бир шароитда банк маҳсулоти мижоз учун жозибадор, ҳамда мижоз талабига хос бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси банклари валюта операциялари бўйича ҳам операциялар олиб бормоқдалар. Ваколатли банклар томонидан ҳозирги валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши, ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар, халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш, резидент ва нозеридентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар, валюта бойликларини Ўзбекистондан олиб чиқиш ва жўнатиш, Ўзбекистон Республикасига валюта бойликларини олиб кириш ва жўнатиш каби операциялар амалга оширилмоқда.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, иқтисодий тараққиёт жараёни қимматли қоғозлар бозорида банкдан ташқари молия институтлари қатнашуви улушининг ортиб боришига олиб келмоқда, бунинг натижасида тижорат банклари улуши камайиб бормоқда (қимматли қоғозлар бозори субъектлари ўртасида рақобатчилик мавжуд бўлган вақтда).

Факторинг ва лизинг хизматлари каби банк хизматларининг янги турлари ўзлаштирилмоқда. Аккредитивлар бўйича хизматлар пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, омонатлар эътиборини тортадиган янги турларни жорий этиш ва бошқа хизматлар яхши йўлга қўйилмоқда”.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш доирасида тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, электрон ҳисоб-китоб қилиш тизими кенгайтирилди. Шу муносабат билан, тижорат банклари томонидан савдо терминаллари молиявий лизинг йўли билан тақдим этиш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки савдо субъектлари муайян қисмининг молиявий аҳволи савдо терминаллари сотиб олиш

билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга имкон яратади. Жами активлар ўсиши, асосан, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг қўпайиши натижаси ҳисобланади.

Кичик бизнесни ривожлантиришда, яъни кичик бизнес корхоналарини бошланғич даврда кредитларга бўлган эҳтиёжини қондиришда банкларга муқобил бўлган кредит уюшмалари ролини ошириб бориш, кредит бозорида рақобатнинг кучайишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, кредит уюшмаларини ташкил этишга меъёрий-ҳуқуқий замин яратилгандан сўнг уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда.

2008 йилда ўтган йиллардаги каби банк соҳасидаги мини-банкларнинг иштироки ошаётганлиги ва уларнинг сони тобора қўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Минибанклар қишлоқ жойлардаги аҳоли, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига банк хизматларини кўрсатишда, шу жумладан коммунал тўловларни ҳамда истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси бўйича тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратилишига қаратилмоқда. Бундан ташқари, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар самарадорлиги ва уларнинг ликвидлик даражасини оширишга эришилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида бугунги кунда республикамызда барча тижорат банклари фаолиятида ягона вакиллик ҳисобварағи тизими жорий этилган. Электрон тўлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасига доир ишларнинг якунланиши натижасида тижорат банкларида корпоратив тармоқлар ташкил этилиб, ҳисоб-китоблар тезкорлик билан амалга оширилмоқда¹.

Мамлакатимизда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимининг ўрни алоҳидадир. Марказий банк мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатишнинг, уларга банк кредитлари беришнинг соддалаштирилган тартиб-қоидаларини жорий этишни бошлаган эди. Марказий банк ўзининг бу борадаги сиёсатини такомиллаштириб бориб, 2008 йилда кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар ва кредитлар бериш тартиблари тўғрисидаги бир қатор Низомларини амалга киритди ва бунинг натижасида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ва кредитлар беришнинг соддалаштирилган меъёрий асоси вужудга келтирилди.

¹ www.Press-service.uz., www.Stat.uz.

*И. Дадабоев, ММЫ-01 гуруҳи талабаси,
Ж. Нуриддинов, МУА-01 гуруҳи талабаси, ТДИУ*

Бухгалтерия ҳисобининг шаклланган халқаро тизимлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши кўп жиҳатдан ўша давлатнинг иқтисодий даражаси ва корхонанинг ўз хусусиятларига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ривожланган мамлакатларнинг ҳисоб тизимлари бошқа ривожланаётган мамлакатлар ҳисоб тизимларини шаклланишида ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса маълум даражада ҳисоб тизимларининг бир-бирига ўхшаш бўлишига олиб келади.

Бухгалтерия ҳисобининг шаклланган халқаро тизимлари сифатида қуйидаги гуруҳларни киритиш мумкин:

- Англо-америка модели;
- континентал модели;
- Жанубий Америка модели;
- янги шаклланаётган модел (буларга бухгалтерия ҳисобининг Ислон ҳамда Интернационал моделларини киритиш мумкин).

Ушбу тизимлар бир-биридан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Англо-америка тизимининг асосий хусусиятлари инвестор ва кредиторларнинг ахборотга бўлган талабини қондириш, энг асосийси ушбу тизим амал қилаётган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби марказдан тартибга солинмайди, яъни бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш ва унинг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан давлат органлари шуғулланмайди. Ушбу тизим амал қилаётган мамлакатларга Австралия, АҚШ, Англия, Богами, Гонконг, Исроил, Канада, Малайзия, Марказий Африка мамлакатлари, Мексика, Нигерия, Голландия, Покистон ва бошқа иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар.

Бухгалтерия ҳисобининг континентал тизимига Европанинг кўпчилик мамлакатлари ва Япония киради. Ушбу тизимнинг ўзига хос хусусияти, бухгалтерия ҳисоби қонунчилик асосида тартибга солиш ва ҳаддан зиёд эҳтиёткорликни талаб этади. Ушбу тизимнинг асосий мақсади ҳукумат ташкилотларини маълумотларга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда давлатнинг аралашуви сезиларли даражада.

Бухгалтерия ҳисобининг Жанубий Америка тизими қуйидаги жиҳатлари билан юқоридаги тизимлардан фарқ қилади:

- ушбу мамлакатда инфляция даражаси юқори бўлганлиги учун ҳам бухгалтерия ҳисоби маълумотлари узлуксиз равишда қайта-қайта кўриб чиқилади;
- бухгалтерия ҳисобида солиқларни ҳисоблаш билан боғлиқ маълумотларни шакллантиришга асосий эътибор қаратилган;

- бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси давлат ташкилотларининг талаблари асосида маълумотларни шакллантириш ва етказиб бериш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш уни унификация қилишга қаратилганлигидир.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимларида янги вужудга келган моделлар бу Ислом ва Интернационал моделларидир. Ислом моделини шаклланишига Ислом қонунининг таъсири кучли бўлиб, бу таъсирни тизимнинг ўзига хос хусусиятларида ҳам кўриш мумкин. Булар:

- молиявий дивидентлар олиш тақиқланади;
- актив ва мажбуриятларни баҳолашда бозор баҳоларига асосий эътибор қаратилганлиги;
- солиқларни ҳисоблашда уларнинг маълумотлари асосий ҳисобланмайди, яъни солиқларни ҳисоблашда бухгалтерия ҳисоботларига эътибор қаратилмайди.

Бухгалтерия ҳисобининг Интернационал модели молиявий ҳисоботларни тузишда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига амал қилишни талаб қилади. Ушбу тизимга мос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш халқаро келишувлар талаблари асосида амалга оширилади;
- бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари тўлиқ амал қилади;
- бухгалтерия ҳисоби мултимиллий корпорациялар эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Юқоридаги моделларнинг ўзига хос хусусиятларидан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисобини юритишда умумий томонлари кўп, шу билан бирга фарқ қиладиган томонлари ҳам мавжудлигини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Ш.Х. Баева,
МКФ-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг роли

Барча мамлакатларда давлат мавжуд бўлишининг энг муҳим омилларининг ўз олдига турган вазифаларини бажариш учун етарли бўлган пул маблағларига эга бўлишидир. Бу борада бюджет тизимининг муҳим бўғини бўлган маҳаллий бюджетлар ўзига хос ўрин тутди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини юзага келиши Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунида кўрсатиб берилган бўлиб, унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек маҳаллий тўловлар ва

солиқсиз тушумлар маҳаллий бюджетларнинг биринчи даромад манбаи ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари манбаи бўлган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа ресурсларни қайта ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ундирилади. Бюджет тизими бўғинлари ўртасида умумдават пул ресурсларини тақсимлаш асосида маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, манбалар ва даромадларни ҳудудий шакллантириш тамойиллари амал қилади.

Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари бириктирилган ва тартибга солинадиган даромадлари акс этади. Бу бюджет субъектига тегишли маблағлар доимий равишда, қатъий белгиланган ҳиссада ёки тўлилигича маҳаллий бюджетга келиб тушувчи маблағлардир. Бириктирилган даромадлар асосини маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, қатъий ҳиссада ва доимий равишда маҳаллий бюджетларга бериладиган умумдават солиқларидан ўтказмалар ташкил этади.

Солиқ қонунчилигига кўра маҳаллий бюджетларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бириктирилади. Ушбу солиқлар бўйича солиқ ставкаларини, қоидага мувофиқ ҳукумат органи белгилайди, айрим ҳолларда маҳаллий ҳукумат органлари баъзи солиқ ёки йиғимларнинг ставкаларига ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бундан ташқари маҳаллий ҳукумат органлари ҳам солиққа тортиш ставкаларини белгилайдилар, лекин уларнинг миқдори белгиланган тартиб-қоидалар билан чекланган бўлади.

Ғарбий Европа давлатларининг маҳаллий бюджетларида тўғри солиқлар салмоқли ўринни эгаллайди. Уларнинг бириктирилган даромадлардаги салмоғи 70-75 фоизни ташкил этса, эгри солиқлар 3-4 фоизни ташкил этади, бошқа солиқ ва даромадлар эса 20-25 фоизга тўғри келади. Бу мамлакатларда маҳаллий солиқлар кўп ҳолларда солиқлар таркиби ва уларни ҳисоблаш усули бўйича мураккаб тизимни акс эттиради.

Маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда бошқа тўловларни ўз ичига олади. Уларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи, ободончилик ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси, газдан фойдаланиш солиғи, тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни рўйхатдан ўтказиш йиғими ва бошқа солиқлар киради. 2003 йилдан бошлаб маҳаллий ҳокимият органларининг жавобгарлик ва манфаатдорликларини ўз вақтида молиялаштирилиши, ажратмаларнинг тўлиқ ҳажмда белгиланган бюджетларга келиб тушишини таъминлаш мақсадида бир нечта солиқ тушумлари маҳаллий бюджетлар ихтиёрига бириктирилди.

Республикамизда иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Умуман олганда республикамизда молия тизими ролини ошириш, унинг таркибида маҳаллий бюджетлар мустақиллигини кенгайтириш мақсадида Президентимиз таъкидлаганидек, кейинги йилларда маҳаллий солиқлар таркибидаги тиббиёт, таълим ва спорт объектларини сақлаш харажатлари корхоналарнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилди, савдода илгари тўлаб келинган учта тўлов ўрнига эса ягона солиқ тўлови жорий этилди ҳамда қатор бошқа солиқ тўловлари ва имтиёзлари унификация қилинди. Ички бозорда талабни рағбатлантириш учун озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари учун 2012 йилнинг 1 январигача бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Бу барча амалга оширилаётган чора-тадбирлар бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ролини ошишига ва уларнинг мустақиллигини кенгайтишига олиб келади, чекка жойларда ишлаб чиқариш ва иш ўринларини ташкил этилишига ҳамда ҳудудий иқтисодиётни ривожланишига имкониятлар яратиб беради, ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулот ва товарлар билан таъминланишига ёрдам беради..

*А. Каримов,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Валюта рискни самарали бошқариш масалалари

Бозор иқтисодиёти корхона, жамоа ташкилотлари, кооперативлар, банклар ва фуқароларга ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта хўжалигини мустақил тарзда амалга ошириш имкониятини юзага келтирди. Ҳеч кимга сир эмаски, бозор иқтисодиёти риск билан боғлиқ. У билан банкирлар ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳоли ҳам тўкнашади. Бироқ кўпгина ҳолларда рискни камайтириш, олдини олиш ва ҳаттоки ундан қочиш мумкин.

Молиявий рискларни камайтиришда банклар муҳим ўрин тутди. Ташқи иқтисодий фаолиятларни қайта қурилиши, халқаро алоқаларнинг кенгайтиши бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқ тарзда ўзгартиришларини тақозо этади. Уларнинг хўжалик фаолиятларига валюта курсларининг тебраниши сезиларли таъсир кўрсатади.

Банк тизимини эркинлаштириш, алоҳида олинган корпоратив банклар фаолиятини универсаллаштириш шароитида, банк рискларини ҳисоблаш ва баҳолаш муаммоси амалий аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, тижорат банклари фаолиятида доимо учраб турадиган валюта рисклари хусусида тўхтаб ўтиш аҳамиятга мувофиқ. Валюта рискларининг мавжудлиги валюта бозорларида валюта операцияларини амалга оширилиши, трансмиллий корхоналарни барпо этиш орқали, банк операциялари бозорини байналминаллашуви, шу

жумладан улар фаолиятини диверсификациялаш билан боғлиқ. Шу сабабдан, рискка бир қатор омиллар сезиларли таъсир кўрсатади.

Буларга мисол қилиб, географик, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, демографик ва бошқа омилларни кўрсатиш мумкин.

Валюта rischi деганда, ташқи иқтисодий фаолият жараёнида айирбошлаш курсларини ўзгаришидан ёки бошқа турли валюта операцияларини амалга оширилишида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар (ёки даромад олиш) тушунилади. Валюта riskлари юзага келишининг асосий сабаби валюта курсларини ўзгариши ҳисобланади. Бундай ўзгаришлар ҳамма шахсларга, ишбилармон фирмалар ва давлат таркибларига ҳам таъсир кўрсатади.

Бу шунга боғлиқки, кўпгина ҳолларда уларнинг фаолияти экспорт-импорт операциялари билан боғлаш ва шу сабабли кредиторлар ва қарз олувчилар, инвесторлар ва чайқовчилар, хўжалик субъектлари ўз бизнесларини миллий (ички) валютага нисбатан бошқа (хорижий) валюталарда амалга оширишни маъқул кўрадилар. Валюта riskига ташқи савдо, кредит, валюта операциялари, ҳамда фонд ва товар биржаларида амалга оширилаётган операцияларда миллий валюта курсига нисбатан хорижий валютани курсини ўзгариши билан боғлиқ, валюта йўқотишлари хавфи киритилади. Валюта riskининг ҳажми валюта сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ, шу сабабли у битим имзоланган ва тўловни амалга ошириш муддати ўртасидаги вақт оралиғига бевосита боғлиқдир.

Экспортчи учун (сотувчи) курсдан йўқотишлар тўлов валютаси курсини тушишигача бўлган муддатда битим имзолаб қўйган бўлса юзага келади, чунки олинган тушум маблағларига экспортер камроқ миллий пул маблағларни олиши мумкин. Импортчи эса (харидор), баҳо валютасини курсини оширишдан зарар кўриши мумкин, чунки харид қилиб олиши учун энди кўпроқ миллий валюта маблағларини харажат қилиши лозим.

Халқаро амалиётда ташқи иқтисодий фаолиятда юзага келадиган ҳар қандай риск экспортчи (сотувчи)нинг бўйнига тушади. Миллий молия бозорларида riskларни маълум сезиларли миқдорда башорат қилиш мумкин, ҳудудий ва халқаро молия бозорларида эса, бундан фарқли ўлароқ сезиларли даражада мушкул ҳисобланади.

Валюта riskини уч турга бўлиш мумкин: биринчиси, пул ўтказишда юзага келадиган риск хорижий валютада ифодаланган (мисол учун, хориждаги филиалнинг ҳисоботлари) фирма ёки банкнинг молиявий ҳисоботлари натижаларини миллий валютага ўтказиш (мисол учун, фирманинг молиявий ҳисоботлари консолидация қилиш вақтида); иккинчидан, транзакция (битимлар) rischi тўловни келажакдаги бир санада амалга оширишда миллий валютанинг қийматини ёки битимнинг даромадлилиги ноаниқлигини акс эттиради. Бунга мисол қилиб, импортчига кредит тақдим этилган ҳолда импортчи валютасида товарларни экспорт қилиб олиши учун хизмат келади; учинчидан, иқтисодий риск келажакда валюта айирбошлаш курсларининг

ўзгариши натижасида хорижий валютада ифодаланган фирма актив ва мажбуриятларининг миллий валютадаги қийматининг ўзгаришидир. Бунга мисол қилиб, фирманинг хорижий бўлинма ва филиалларининг активи ва мажбуриятларини кўрсатиш мумкин.

Барқарор сиёсатни амалга ошириш мақсадида тижорат банклари доимий равишда ўз мижозларидан айирбошлаш курсининг кутилмаган ўзгаришларидан юзага келадиган зарарларни олдини олиши учун уларни суғурталашни тавсия этадилар. Банклар ўз мижозлари қатори рискларни минималлаштириш манфаатини кўзлайдилар. Фоиз рисклари ҳолатида халқаро банклар ва фирмалар одатда айирбошлаш курсининг башоратлашига жуда кўп вақтлари ва ҳаракатларини сарфлайдилар. Айирбошлаш курсларини башоратлаш миллий (ички) фоиз ставкаларини баҳолашдан анча мураккаб ҳодиса эканлигини исботлаб берди. Бунга асосий сабаб ҳар қандай давлатда ички фоиз ставкаларига нисбатан айирбошлаш курсларининг жуда кўп миқдордаги мураккаб ўзгарувчанлик хусусиятига эга эканлигидир.

Айирбошлаш курслари ва фоиз ставкаларини башоратлашга қизиқиш ва ўз навбатида хорижий валюталар позициясини «очиқ» қолдириш суғурталамаслик корпоратив ғазначиликда юқори бўлиб турибди, бу эса баъзида ҳалокатли натижаларга олиб келади. Тижорат банкларидаги валютани айирбошлаш бўлинмалари ҳам одатда очиқ позицияларни ушлаб туришга ҳаракат қиладилар: «узун» позицияни (хорижий валюта захираларини кўпайтирадилар) ёки «қисқа» позицияни (хорижий валюта захираларини камайтирадилар) қолдирадилар. Бу ҳолат одатда банк иқтисодчиси ёки бош валюта диллери томонидан тайёрланган ва юқори раҳбарият томонидан маъқулланган «боғлиқ» валюта башоратлашга асосланган мақсадли рискларни қабул қилишдир, у эса ўз навбатида банк учун катта хатар келтиради.

Иқтисодий риск мазкур валюта рискининг учинчи кўриниши бўлиб, мультимиллий фирма учун энг муҳим риск ҳисобланади ва фирманинг актив қийматида айирбошлаш курсининг ўзгаришининг узоқ муддатли таъсирини ўлчайди. Валюта иқтисодий рискни ўлчаниши мушкул вазифадир. Чунки, валюта курсининг ўзгариш самарасини бир вақтнинг ўзида нисбий инфляция суръатлари (унинг асосида ётган ва ҳар бир валюта билан боғлиқ) пул оқимларига таъсирини олдини олиш тўлақонли таҳлилсиз мумкин эмас.

Фирмага валюта курслари ўзгаришларини иқтисодий таъсири инфляция суръатларидаги курс ўзгаришлари фарқларининг тўлиқ қопланганлигига боғлиқ. Агар (нарх назоратига, монетар сиёсат ўзгаришига ва бошқалар) ҳақиқий валюта курси (ўз навбатида, нисбий нархлар) ўзгарса, у ҳолда нисбий нархлар ўзгариши охир-оқибатда фирманинг узоқ муддатли рақобатли рискин аниқлаб беради. Бунда қатъий белгиланган валюта курси тартиби сузиб юрувчи курслар тартибига нисбатан валютанинг катта рақобатли рискига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, банклар алоҳида амалиёт бўйича (валюта келишуви, ҳимоя келишуви, олтин келишуви, мультивалюта келишуви, кафолатлар

кўлланилиши, форвард битимлари ва своп битимлари) валюта рискларини тартибга солишда турли услубларни қўллаш йўли орқали валюта амалиётларидан хатарларни камайитиришга ҳаракат қилишлари зарурдир.

*С.А. Тоштемиров,
МКФ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Давлат бюджети танқислигини келиб чиқиш сабаблари ва уни молиялаштириш манбалари

Дунёнинг барча давлатлари ривожланиши тарихи мобайнида маълум бир даврда давлат бюджети танқислиги муаммосига дуч келишган, яъни давлат харажатларининг даромадларидан ошиб кетиши муаммосини ҳал этиш зарурати туғилган. Давлат бюджети танқислиги одатда нобарқарор иқтисодиёт шароитида юзага келади. Унинг юзага келишига бир қанча омиллар таъсир этади. Масалан, иқтисодиётда рўй берган инқироз ўз навбатида мамлакат фуқаролари ва компанияларнинг даромадларини пасайшига олиб келади. Бу ўз навбатида давлат бюджетига келиб тушадиган асосий даромад манбаи солиқларнинг камайишига сабаб бўлади, бу эса давлат бюджети танқислигининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётида вужудга келган иқтисодий инқироз ўз таъсирини давлат бюджети даромадлари қисмига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўплаб давлатлар ўз бюджет харажатларини қайта кўриб чиқиб қисқартиришга мажбур бўлишмоқда.

Вужудга келган давлат бюджети танқислигини молиялаштиришнинг бир қанча манбалари мавжуд, мисол тариқасида Марказий банк кредитлари ва давлат қимматли қоғозларини молия бозорида жойлаштиришдан тушган маблағларни келтириш мумкин. Жаҳонда давлат бюджети танқислиги 2-3% даражасида мақбул ҳисобланади. Республикамизда бу кўрсаткич 1995 йилгача юқори даражада сақланиб келди, лекин оқилона молиявий сиёсат туфайли кейинги йилларда нафақат бу кўрсаткичнинг пасайишига, балки профицит кўрсаткичига ҳам эришилди. Агар дефицит 1995 йил ЯИМга нисбатан 2,9 % ни ташкил этган бўлса, 2008 йил бу кўрсаткич 1,5 % профицит билан якунланди. Бу яна бир бор бюджет соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг тўғрилигидан далолат беради.

Дефицитнинг мавжуд бўлиши инфляция ва бошқа иқтисодий категориялар сингари иқтисодиётнинг ажралмас бир қисмидир. Шунингдек давлат ташқи қарзларининг ўсиши ҳам бюджетнинг танқислигини ўсишига сабаб бўлади. Бу ҳолатни Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида қуйидагича келтириб ўтдилар, “2009 йилнинг 1 январигача Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг

13,3 % ни ташкил этди ва бу кўрсаткич, халқаро мезонлар бўйича, “Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат деб ҳисобланишини таъкидламоқчиман”, - деб айтиб ўтдилар. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, республикамиз ташқи қарзлари ҳажми ЯИМга нисбатан юқори эмас ва бу ўз навбатида йирик микдордаги фоиз тўловларни тўлашга зарурат йўқлигини билдиради.

Дефицитни молиялаштиришнинг яна бир манбаларидан бири бу давлат ихтиёридаги мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағларни дефицитни қоплашга йўналтиришдан иборатдир. Ҳозирги пайтда республикамизда давлат мулкни бошқариш қўмитаси бу фаолиятни самарали бошқариб келмоқда.

Бюджет соҳасини ислоҳ қилиш республикамизда ҳозирда давом этмоқда ва биз учун янги ғазначилик тизими жорий этилди. Бу ўз навбатида бюджет маблағларини янада самарали сарфланишини назорат этиш имкониятини беради, бу эса бюджет танқислиги билан бевосита боғлиқ.

***Ж. Йўлдошев, МКФ-01 гуруҳ талабаси,
Б.Тухлиев., доц., ТДИУ***

Давлат бюджети тақчиллигини олдини олиш тадбирлари

Давлат бюджети тақчиллигига тааллуқли концепциялар - бу тақчилликнинг амал қилиши билан боғлиқ асосий принцип ва анъаналар, шунингдек уларни тартибга солиш, молиялаштириш манбалари билан таъминлаш билан боғлиқ чоралар.

Бу муаммони ҳал қилиш бўйича жаҳонда бир-бирига зид бўлган бир қанча концепциялар мавжуд:

- 1) ҳар йили баланслаштириладиган бюджет;
- 2) циклик асосда баланслаштириладиган бюджет;
- 3) функционал тақчиллик.

Куйида биз бу концепцияларни алоҳида кўриб чиқамиз.

«Ҳар йили баланслаштириладиган бюджет» концепцияси бўйича бюджет ҳар йили даромад ва харажат қисмининг тенглик шарти билан тузиши керак.

30-йиллардаги «Буюк депрессия»гача бу турдаги бюджет тузилиши давлат молиясининг асосий мақсадларидан эди. Аммо, кўпгина иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, баъзи иқтисодий ҳолатларда ижобий ёки салбий ҳолатдаги қолдиққа эга бўлган бюджетнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир (ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши). Бундай ҳолатда солиқ тушумлари автоматик равишда қисқаради. Ҳукумат бюджетни баланслаштиришга ҳаракат қилиб:

- солиқларни ошириши мумкин;
- давлат харажатларини қисқартириши мумкин;

- ҳар иккала чораларни биргаликда амалга ошириши мумкин.

Юқоридаги чоралар жиловловчи, якка ҳолда иқтисодиётда ялпи талабни янада қисқартирувчи чоралар ҳисобланади. Бунда ҳар йили баланслаштирувчи бюджет инфляцияни тезлаштиради.

Иқтисодий кўтарилиш жараёнида пул даромадлари ва ўз-ўзидан солиқ тушумлари ҳам ортади. Ҳосил бўлган бюджетдаги ижобий қолдиқни йўқотиш учун бундай ҳолатда ҳукумат:

- солиқ ставкаларини пасайтиради;
- давлат харажатларини оширади;
- юқоридаги иккаласини биргаликда амалга оширади.

Бу учала чора ҳам иқтисодиётда инфляция босими ортишига олиб келади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар йили баланслаштириладиган бюджет механизми иқтисодий самарали эмаслиги келиб чиқади. Юқорида кўриб ўтилган камчиликларига қарамасдан, дунёнинг кўпгина давлатларида «ҳар йили баланслаштирилувчи бюджет» ғояси қўллаб-қувватланади. 70-йиллар охири, 80-йиллар бошларида Франция конституцияси бўйича бюджетни баланслаштириш айтиб ўтилган ва унда тақчилликнинг бўлиши тақиқланган. Дастлаб бу принцип яхши самара берган, аммо тақчилликсиз бюджетни таъминлаш жуда катта қийинчиликларни келтириб чиқариши бошқа йўللارни қидиришга мажбур қилган. Бюджет йили учун баланслаштирилган бюджет тузилган ва қабул қилинган, йил охирига оз муддат қолганда қўшимча бюджет қабул қилинган. Дастлаб қўшимча бюджетдаги тақчиллик унча катта бўлмаган, аммо йилдан-йилга бу сўмма йириклашиб борди. Баланслаштирилган бюджет бу давлатда вақт синовини енгиб ўта олмади. Аммо Франция тажрибаси бу ғоя тарафдорларига етарлича хулоса бермади ва бу ғоя тарафдорлари АҚШда ўз ривожини топди. 1985 йилда Грэма-Ридмана-Холлингса қонуни қабул қилинди, бунга кўра, федерал бюджет тақчиллиги ҳар йили қисқартириб борилиб, 1993 йилга келиб уни тўлиқ баланслаштириш кўзда тутилган эди. Бу қонун АҚШда ҳам кўзда тутилган натижаларни бермади.

Циклик асосда баланслаштириладиган бюджет ғоясини С.Пеланд фикри билан қуйидагича қисқача тушунтириш мумкин: «Давлатнинг молиявий сиёсати имкони борица иқтисодий ритм билан синхрон равишда амалга оширилиши керак. Кризис ва депрессия йилларида юзага келган тақчиллик иқтисодий ўсиш даврида ҳосил бўлган профицит (ижобий қолдиқ) ҳисобидан қопланиши керак. Аммо бу ерда асосий муаммо шундаки, иқтисодиётдаги кўтарилиш ва пасайиш ўзининг чуқурлиги ва давом этиши билан бир-бирига мос тушавермайди. Масалан, узоқ давом этувчи ва чуқур пасайиш улкан бюджет тақчиллигини келтириб чиқаради, ундан кейин келадиган қисқа ва унча катта бўлмаган ривожланишдан ҳосил бўладиган ижобий сальдо билан қопланмайди ва бюджетнинг циклик тақчиллигини келтириб чиқаради.

Функционал тақчиллик концепциясининг ғоячиларидан бири Р. Линдхольм “Умум молиянинг эски ғояси бюджет баланслаштирилиши керак деб уқтирса, янги қоидалар – бюджет иқтисодиётни баланслаштирилиши керак” - дейди. Функционал молия ғоясига кўра бюджетни ҳар йили ёки циклик асосда баланслаштириш бирламчи эмас, балки давлат молиясининг асосий мақсади давлат бюджетини эмас, иқтисодиётни ноинфляцион, тўла бандлик асосида баланслаштиришдан иборат.

Юқорида кўриб ўтилган концепциялардан қайси бири Ўзбекистон Республикаси учун бугунги кунда туғри келади?

Умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда «функционал молия» ғояси кўпроқ туғри келади, чунки давлат ўз мақсадларига эришиш учун харажатларни тақчилли молиялашга эҳтиёж сезади ва шу йўл билан ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш ва иқтисодиётни тўла барқарорлаштиришга эришиш мумкин.

*Х. Махмудова,
МКФ – 01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Давлат бюджетининг мақсадли фондлари ва уларнинг вазифалари

Бюджетнинг жорий харажатлари – бюджет харажатларининг бир қисми бўлиб, давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бюджет муассасаларининг жорий фаолиятини таъминлашга давлат томонидан бошқа бюджетлар ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларига маблағ ажратиш, дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар шаклида ёрдам кўрсатиш учун ажратилади. Капитал харажатлар – бюджет харажатларининг инновация ва инвестиция фаолиятини таъминлайдиган қисми ҳисобланади. Унга тасдиқланган инвестиция дастурига мувофиқ ишлаб турган ёки янгидан ташкил этиладиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар киради. Бу инвестициялар бюджет кредитлари тарзида ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат.

Харажатларнинг муҳим бандларидан бири-коммунал хизмати тўловлари ҳисобланади. Унга бино ижараси ҳақи, иситиш, ёритиш, сув таъминоти ва бошқа коммунал хизмати харажатлари киради. Улар натурал кўрсаткичларга (кубатура, бинолар, майдонлар ва бошқалар) қараб режалаштирилади. Касалхона харажатларида иш ҳақи анча катта салмоқни ташкил этади (жами харажатларнинг 60 % дан кўпроғини). Иш ҳақи тиббиёт ходимларининг ҳар бир тоифаси бўйича алоҳида (врачлар, ўта ва кичик тиббиёт ходимлари, шунингдек маъмурий-хўжалик ва бошқалар)

ҳисоблаб чиқилади. Иш ҳақи харажатларини ҳисоблаб чиқариш учун қуйидаги кўрсаткичлар зарур:

1. Ҳар бир тоифа бўйича ходимлар лавозими сони.
2. Ҳар бир ходимлар тоифаси учун ўртача ставкаси.

Тиббиёт ходимларининг тоифаси учун лавозимлари сони корхона томонидан мустақил ишлаб чиқиладиган штатлар жадвалига кўра, тиббиёт ходимлари ҳар бир ўртача иш ҳақи ставкаси тарификация маълумотлари асосида белгиланади.

Тиббиёт ходимларини тарификациялаш муассаса раҳбари буйруғи билан махсус ташкил этиладиган комиссия томонидан 1 октябрь ҳолати бўйича ҳар йил ўтказилади. Врачларнинг ставкаси миқдори муассаса тури, унинг жойлашган ўрни (шаҳар ёки қишлоқда), эгаллаган лавозими, малакасига боғлиқ бўлади. Кичик тиббиёт ходимларига иш ҳақи ставкаси штат жадвалига қараб, эгаллаб турган лавозимига кўра белгиланади. Касалхона раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бўлинма раҳбарлари бўлган врачларга, шунингдек ўрта тиббиёт ходимларидан бўлган раҳбарларга иш ҳақи ставкалари ушбу муассаса раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича қайси гуруҳга киритилганлигига қараб аниқланади. Гуруҳнинг белгилаш кўрсаткичлари:

а) касалхона тури – руҳий (психология), руҳий-асаб (психология) гиёҳвандлик (наркология);

б) ўринлар сони (сметалар бўйича).

Даромад ва харажатлар сметаси қўшимча таълим ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш сметаси тузилади. Унда (иш ҳақидан ташқари) мукофот пули тўлашга, бир марталик ёрдам кўрсатиш ва бошқаларга харажатлар акс эттирилади. Биз туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришар эканмиз, ўзимиз учун чиқарган ягона хулосамиз шуки, бозор иқтисодиётини куриш шунчаки мақсад эмас, барча иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсади – инсон учун муносиб ҳаёт тарзи ва турмуш шароитларини яратишдан иборатдир. Ўз навбатида, аҳолининг энг ночор ёрдамга муҳтож қатламларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ислохотлар муваффақиятли гарови, бошланган қайта куриш ва янгиланиш жараёнини орқага қайтаришга йўл қўймайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилади.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида биз жами аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Шу тамойилга содиқ қолган ҳолда республика ҳукумати вазиятни назорат қилиш ва ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш бўйича ўз вақтида қатъий чора тадбирларни кўрди. Бу эса аҳоли турмуш тарзини кескин пасайиб кетишини бартараф этишда муҳим роль ўйнади, республикада тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишнинг муҳим омили бўлди. Бу ишда давлат томонидан тартибга солишнинг турли усуллари ва тартиб-қоидаларидан фойдаланилади. Хусусан, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва турли нафақалар. Компенсация тўловларини мунтазам

ошириб бориши билан бевосита пул тўловларидан, шунингдек имтиёзлар ва турли дотациялар кўринишидаги билвосита тўловлардан кенг фойдаланилади. Масалан, ислохотларнинг биринчи босқичида энг кам иш ҳақи ва пенсиялар солиқдан озод қилинди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатлари қисман бюджет маблағлари ҳисобидан қопланди.

Кўпгина турдаги кундалик эҳтиёж истеъмол товарлари ва хизматлар нархларидаги фарқлар давлат томонидан тўланди. Айни пайтда, бир қатор қўшимча ижтимоий имтиёзлар – бошланғич мактаб ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болаларга бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабалар учун имтиёзли овқатланиш ва бошқалар амалда бўлди.

Коммунал хизматларнинг айрим турларига ҳақ тўлаш бўйича ҳам имтиёзлар жорий этилди. Ижтимоий ҳимоя тадбирлари тизимида у устувор йўналишларидан бири – нархларнинг эркинлаштирилиши ва инфляция даражасининг ўсиши муносабати билан энг кам ва ўртача даромадлар даражасини мунтазам ошириб бориш бўлди. Бу тадбир амалда аҳолининг барча қатламларига дахлдор бўлиб, ислохотларнинг биринчи босқичи давомида кенг қўлланилди ва ҳозир ҳам амал қилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи муҳим йўналиши республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ноозик-овқат товарлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўйича тадбирлар ташкил этди.

Э. Ғаниев,
МКФ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Ижтимоий соҳага йўналтирилган бюджет харажатлари таҳлили ва уларни режалаштириш (башоратлаштириш)

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминот, аҳолининг саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими, кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият бериш натижасида 113 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва қайта таъмирланди. Шу билан бирга 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал қайта таъмирланди. Шулар қаторига 184 та болалар спорт иншооти, 26 та қишлоқ врачлик

пункти ва 7242 минг кв м. турар жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди¹.

Айниқса, Жаҳон молиявий инқироз кечаётган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ислохотларни «ижтимоий ларзаларсиз» якунлаш бевосита ижтимоий соҳага жиддий ёндашишни талаб этди. Чунки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор механизмининг самарали ишлашини, аҳоли турмуш даражасининг юқори булишини ва кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, энг аввало, инсон манфаатларини кузлайди. Бутун ислохотлар жараёнида республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига жуда катта аҳамият берилди.

Президентимиз Ислом Каримов, “Барча ислохотларнинг - иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир”, - деб таъкидлайди. Ушбу вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш давлат молия, бюджет сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Чунки ҳар бир инсоннинг ёки бирор ижтимоий гуруҳнинг, колаверса, миллатнинг ижтимоий манфаатлари доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи жамият тизимининг муносабатларида ва Давлат бюджети харажатларида намоён бўлади.

- Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий соҳа ривожининг ҳозирги замон муаммоларини тадқиқ этиш;

- ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлашда давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- ижтимоий маданий соҳалар харажатларининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

- ижтимоий соҳа харажатларини шакллантириш ва молиялаштириш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

- ижтимоий соҳалар харажатларини башоратлаштириш ва молиялаштиришнинг такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Республикамизда давлат молия тизимида олиб борилаётган узгаришларнинг марказида республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа харажатларини шакллантириш ва

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. Халқ сўзи 2009 й. 14 февраль.

молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги такчилликни усишига таъсир кўрсатувчи омилларни олдини олиш, иш ҳақи ва нафакаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш масалалари туради.

*Р. Саматов,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Иқтисодий ўсишда пул-кредит сиёсати

Маълумки, иқтисодиётни тартибга солишда давлат бош ислохотчи вазифасини ўтайди. Бироқ, давлатнинг ушбу функциясини маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги давлатнинг иқтисодиётдаги гегемонлиги тушунчаси билан адаштирмаслик керак. Бозор иқтисодиётининг асосий қоидаси шуки, давлат иқтисодиётнинг ривожини учун турли сиёсатларни амалга оширади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат сиёсатининг асосий кўринишлари монетар ва фискал соҳаларда амалга оширилади.

Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш. Валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат. Пул-кредит сиёсати икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Биринчи йўналиш—кредит экспанцияси бўлиб, бу сиёсат пул-кредит эмиссиясини рағбатлантириш йўли билан олиб борилади, яъни ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетган ҳолда конъюнктурада ривожланишга эришиш мумкин. Иккинчи йўналиш—кредит рестрикция сиёсати бўлиб, у иқтисодий ўсиш даврида пул-кредит эмиссиясининг қисқаришига асосланади. Пул-кредит сиёсатининг икки хил кўринишга ажратиш мумкин. Биринчиси, «юмшоқ» пул-кредит деб аталувчи сиёсат бўлиб, уни яна «қадрсиз пуллар» сиёсати деб ҳам аташади.

Бунда Марказий банк: а) очиқ бозорда давлат қимматли қоғозларини тўловни аҳоли ҳисоб рақамларига ва тижорат банклари захираларига ўтказиш орқали сотиб олади. Бу тижорат банклари кредитлаш имкониятларини кенгайтириши ва пул массасининг ошишини таъминлайди; б) ҳисоб ставкаси фоизини пасайтиради, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини кенгайтиради ва паст фоиз ставкаларида ўз мижозларини кредитлаш хажмини оширади; в) банкларнинг мажбурий захира меъёрларини пасайтиради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторининг ошишига ва иқтисодиётни кредитлаш имкониятларининг кенгайтишига сабаб бўлади.

Демак, юмшоқ пул-кредит сиёсати пул массасини ошириш ва фоиз ставкаларини тушириш орқали иқтисодиётни рағбатлантиришга йўналтирилди. Иккинчиси, «қаттиқ» пул-кредит сиёсати бўлиб, у қиммат пуллар сиёсати деб ҳам номланади. Бунда Марказий банк: а) очик бозорда давлат қимматли қоғозларини сотадими, натижада уларга тўлов аҳоли ҳисоб рақамларидаги ва тижорат банклари захираларидаги маблағларнинг камайишига сабаб бўлади. Бу эса ўз-ўзидан тижорат банклари кредитлаш имкониятларининг пасайишига ва пул массасининг камайишига олиб келади; б) ҳисоб ставкаси фоизини оширади, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини пасайтиради ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларини ошишига олиб келади. Бу пул массаси ҳажмининг ўсишини ушлаб туради; в) банкларнинг мажбурий захира меъёрларини кўтаради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторни пасайтиради ва пул массаси ҳажмини чегаралайди.

Демак, қаттиқ пул-кредит сиёсати рестриктив характерга эга бўлиб, пул массаси ўсишини чегаралайди ва у инфляцияга қарши сиёсат сифатида қўлланиши мумкин. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўнгги йиллардаги инфляцияга қарши қаратилган сиёсатини келтириш мумкин.

Пул-кредит орқали тартибга солиш механизми кўп ҳолларда мамлакатда банк фаолиятини ташкил этиш шакллари ва Марказий банкнинг ваколатларига боғлиқ. Марказий банк ўзининг ваколатлари доирасидан келиб чиқиб мамлакатда пул-кредит сиёсатини усул ва дастаклар орқали олиб боради. Пул-кредит сиёсати усуллари дейилганда Марказий банк томонидан пулга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизми тушунилади. Пул-кредит сиёсати усуллари-икки турга бевосита ва билвосита турларга ажратилади. Бевосита усуллар эса, ихтиёрий равишда бозор орқали пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш усуллари дидир.

Билвосита усуллар, Марказий банкка пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш, пул массаси, молия бозорини самарали тартибга солиш, давлат кредитини тақсимлаш ва пул-кредит орқали бошқариш жараёнларига аралашувини камайтириш имконини беради. Шунингдек, улар молия бозорининг ривожланиши ва кенгайишига, банкларнинг воситачилик ролини ошириш, капитал қўйилма ва молиявий жамғармалар ҳажмининг кўпайишига қўшимча қулайликлар яратади.

Бевосита усуллар эса, молия бозорида рақобатни бўғиб қўяди, молия соҳасининг ривожланишини сусайтиради, молиявий воситачилик ролини пасайтиради, қатор банклар устидан назоратнинг ўрнатилиши натижасида алоҳида тармоқ ва ҳудудларда кредитлаштириш самарасини пасайтиради, молиявий ресурсларнинг назорат қилиб бўлмайдиган яширин иқтисодиётга ёки хорижга чиқиб кетишига олиб келади.

Инвестициялар ва банкларнинг инвестиция сиёсати

Ривожланган иқтисодиётда тижорат банклари ўз фаолиятини доимий равишда ўсиб боровчи рақобат шароитида амалга оширадилар. Улар ўзаро ва бошқа кредит-молия муассасалари билан шу жумладан, охириги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан рақобатлашадилар. Қаттиқ қўл рақобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инвестиция фаолияти ҳисобланади. Инвестиция - бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларга узоқ муддатга қўйилган маблағлардир. Тижорат банклари кредити инвестициясидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, банк кредит берганда банк маблағларини нисбатан қисқа вақт ичида фойдаланишга беради ва кредит суммаси ҳамда у бўйича фоиз ставкасини ўз вақтида қайтаришни талаб этилади. Инвестицияда эса қўйилган маблағлар (қўйилмалар) ҳали ўз эгасига қайтиб келишидан олдин узоқ давр мобайнида банкка маблағ (даромад) олиб келишини билдиради.

Иккинчидан, банк кредитида кредит муносабатларини юзага келтириш бўйича ташаббус қарз оловчи томонидан ўртага ташланадиган бўлса, инвестицияда эса қимматбаҳо қоғозлар бозорида активларни сотиб олишга интилувчи тижорат банки ташаббус кўрсатади.

Учинчидан, банкнинг кредит шартномасида банк кам миқдордаги кредиторлар орасида асосийдир. Инвестиция шартномаларида эса тижорат банки қўплаб кредиторлардан биридир.

Тўртинчидан, банк кредитида банк ва қарз оловчи бевосита кредит шартнома орқали боғланган бўлиб, уларнинг фаолиятига ҳеч қим аралашмайди. Инвестицияда эса турли қимматли қоғозлар орқали корхона, ташкилотларнинг фаолияти билан банкнинг фаолияти боғланиб кетади.

Тижорат банклари томонидан инвестиция фаолияти олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини (банкнинг фаолияти бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти) таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестиция сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда асосий роль ўйнайди. Банкларнинг инвестиция фаолияти турли хил қимматли қоғозлар, оддий ва имтиёзли акциялар, облигациялар, давлат қарздорлик мажбуриятлари, депозит сертификатлари, вексель ва бошқаларга маблағларини қўйиш орқали амалга оширилади. Алоҳида олинган давлатларда банклар тизимининг ривожланиши ва банклар ўтказадиган операцияларнинг турлари ва кўламига қараб уларнинг

инвестиция фаолияти турли йўналишларга қаратилган бўлиши ва шу операциялар турлари бўйича олинadиган даромад салмоғи ҳам турли хил бўлиши мумкин. Масалан, Америка банклари амалиётида давлатнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларига инвестиция қилиш одатда кам даромад келтиради, аммо улар юқори ликвидлиликка эга ва улар бўйича тўланмаслик rischi нолга тенг бўлиб, бозор ставкасининг ўзгариш rischi ҳам кичик бўлган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Европа мамлакатларига фаолият кўрсатувчи инвестиция банклари мавжуд эмас. Ғарб мамлакатлари типидagi инвестиция банклари функцияларини, моҳиятан, ўрта ва узoқ муддатли инвестиция лoйиҳаларини кредитлашни амалга оширувчи бир нечта йирик банклар бажармоқда.

Ҳозирги шарoитда тижoрат банкларининг Ўзбекистон иқтисoдиётини янги технологик базаларга молиялаш бўйича роли сезиларли даражада oшиб бoрмоқда. Узoқ муддатли дастурларни молиялаштириш банклар томонидан корхoнанинг жoрий фаoлиятини назoрат ва таҳлил қилишни амалга ошириш имконини беради, бунга ҳамма корхoналар тайёр эмас. Банклар корхoна инновацион фаoлиятининг молиявий таъминoти ва стратегияларини ишлаб чиқишнинг ҳамда янги ташкилий тузилма доирасидagi илмий ташаббусларнинг бевoсита фаoл иштирокчисига айланади. Банклар томонидан инвестицияларни молиялаштиришни кенгайтириш учун асос бoр, чунки инвестиция сифатидa фoйдаланса бўладиган oзми-кўпми бўш пул маблағлари мавжуд. Бирoқ тижoрат банклари бир нечта қийин муаммoлар билан тўқнаш келишмоқда. Инвестициялар билан ишлай туриб, улар саноатдagi инвестиция лoйиҳаларини молиялаштиришни амалга оширувчи хусусий ташкилотлар тизимининг амалда ягона иштирокчиси бўлиб кoлмоқда. Бундан ташқари, инвестиция лoйиҳалари ва уларни тайёрловчи корхoналар, маркетинг марказлари йўқ; бoр бўлса-да, уларнинг фаoлияти кoниқарли даражада эмас. Салоҳиятли қарз oлувчилар ёки кредит институтлари самарадoрлиги ҳақида маълумoтлар йиғувчи кредит-рейтинг бюрoлари ҳам мавжуд эмас, инвестиция фондлари етарлича ривoжланмаган. Натижада банкларнинг инвестиция лoйиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишдagi сарф-харажатлари ҳаддан ташқари катта. Бундай вақтда тижoрат банкларининг инвестиция соҳасидagi фаoлиятини кенгайтириш уларга катта эркинлик ва ҳуқуқ бeрилишига, узoқ муддатли қўйилмалар самарадoрлиги ошиши ва қисқа муддатли молиявий операциялар дарoмадлигининг камайиш тенденциясини сақланиши, давлат инвестиция сиёсатининг хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилганлиги, кризис даврини бoшдан кечираётган банк тизимини барқарoрлаштириш каби oмилларга бoғлиқ.

Ички ва ташқи аудитнинг хусусиятлари, уларнинг ташкилотларда тутган ўрни

Бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда аудиторлик ташкилотларининг тутган ўрни муҳим ҳисобланади. Бизга маълумки, корхоналарнинг фаолияти мураккаб операция ва жараёнларни ўз ичига олади. Шунга асосан корхона фаолияти давомида содир бўлаётган барча ўзгаришларни узлуксиз равишда кузатиб бориш ва назоратни таъминлаш анча қийин масала ҳисобланади. Ушбу муаммоларни ечими ички ва ташқи аудитни ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ички аудит - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоиди ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти.

Ташқи аудиторлар ўз текширувини амалга ошираётганда кўп жиҳатдан ички аудит натижаларига таянадилар. Ички аудит бошқарув назоратининг узвий боғланган муҳим бўғинидир. Йирик корхоналарда раҳбариятнинг юқори бўғини субъект фаолияти ва қуйи раҳбарият тизимида оид кундалик назорат билан шуғулланмаслиги, шунингдек, ички назорат тизими раҳбарияти томонидан қониқарсиз ташкил этилганлиги оқибатида ички аудитга эҳтиёж туғилади. Ички аудит айнан ушбу фаолият тўғрисида маълумот беради ва корхона бўлим бошқарувчилари ҳисоботларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

Ички аудитнинг мақсади - корхоналарда тўлиқ фойдаланилмаган имкониятларини аниқлаш, захиралар камомадини олдини олиш, корхона ходим ва ишчиларининг ўз вазифаларини аниқ ва пухта бажаришларини текшириш ва уларга ушбу масалаларни режалаштиришларига ёрдам бериш, корхона ичидаги керакли маълумотларни амалга ошириш ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори 2-илова “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида” ги Низомда ички аудитнинг вазифалари белгилаб қўйилган. Унга кўра ички аудитнинг вазифалари - текширилаётган субъект ички тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя қилинишини текшириш ва раҳбарият томонидан қарор қабул

қилинишидаги фойдаланилган маълумотлар аниқ эканлигини тасдиқлаш, ички назорат тизими самарадорлиги кўрсаткичлари ҳаққонийлигини текшириш ва уларни таҳлил этиш, тизим назорат ишларини бажарилишини тасдиқлаш, корхона ҳисоб-сиёсатига амал қилиш ва конфиденциалликка қаратилган чора-тадбирларни бажарилишини текшириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг тўғрилигини текшириш, шунингдек, бошқарув маълумот тизими томонидан тақдим этиладиган маълумот сифатига баҳо бериш, корхонанинг жорий ва келажақдаги бизнес-режасини тузишга ёрдам бериш ва корхона фаолиятига тегишли маслаҳатлар бериш ички аудитнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ички аудиторлар ўзлари ишлайдиган корхоналар фаолиятини текширадилар ва қонунан корхона маъмурияти таркибига кирадилар. Корхона раҳбари ички аудит натижаларига асосан керакли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалда татбиқ этиш имкониятига эга бўлади. Ички аудит ўтказиш хулосаларига асосланиб иш фаолиятини давом эттирган ташкилотлар корхона фаолиятининг ривожланишига келажақдаги белгиланган ишларни янада самаралироқ, хатоларсиз ва аниқ қўйилган мақсадга эришишга олиб келади.

Кейинги йилларда республикамызда амалга оширилаётган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида аудиторлик хизматларига бўлган талаб янада ошмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари маърузасида аудиторлик фаолияти ҳақида қуйидаги фикрлар таъкидлаб ўтилгани бу соҳадаги амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар ўз натижасини бераётганини кўришимиз мумкин: "...2008 йилнинг биринчи ярмида Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш дастури, суғурта, аудиторлик, лизинг ва баҳолаш компаниялари, кредит уюшмалари ва тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, моддий ресурсларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши туфайли бозор инфратузилмаси янада ривожланди. Аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, аудиторлик ташкилотлари масъулиятини кучайтириш ва кўрсатилаётган аудиторлик хизматларининг сифатини ошириш чоралари кўрилди".

Х.С. Султонхўжаева, ТДИУ ассистенти, ТДИУ

Қимматли қоғозларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш бирдан-бир мақсад бўлмай, балки Конституцияда белгилаб қўйилганидек, давлат ўз фаолияти инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаган ҳолда, ижтимоий адолат ва қонуниятини

таъминлаш асосида амалга ошириш асосий қонуннинг мустаҳкамланишига, шу билан бирга жамият ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Республикамизда бозор иқтисодиётини юзага келиши катта эътиборни талаб этадиган, узоқ давом этадиган жараён бўлиб, жуда катта харажатларни ва саъйи ҳаракатларни тақозо этади.

2008 йил якунлари бўйича Республика ялпи ички маҳсулоти ҳажми 9% га, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 % га, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 4,5 % га, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 % га, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми 10,2 % га, савдо соҳаси 7,2 % га, хизматлар ҳажми 21,3 % га ошган. Давлат бюджети профицит билан ижро этилган, инфляция даражаси башорат даражасидан ортиқча бўлмаган. Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 28,3 % га, шу жумладан, бевосита хорижий инвестиция ва кредитларнинг 71,2 % га ўсишига сабаб бўлган. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 48,2 % га, хизматлар соҳасининг салмоғи 45,3 % га ўсган. Ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо 1,8 баравар кўпайган. 2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошган.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан тубдан ўзгартирилаётган корхоналар ва янги объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига жалб этиш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнини амалга оширишда ҳудудлар ролини ошириш, қимматли қоғозлар бозори ва депозитар тармоқлар, унинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг бўш пул ресурсларини акциялаштириш жараёнига инвестиция, хусусийлаштириш фондларига жалб қилиш керак бўлади. Иқтисодиётда субъектлар ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланишга қўшимча хом ашёлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, бу хўжаликлар активлари ошишидан далолат беради. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, молия активлари иқтисодиётда аҳоли фирма ва ҳукумат жамғармалари ва уларнинг реал активлари учун инвестициялар бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли аҳамиятлидир. Бизнинг фикримизча, қимматли қоғозлар билан савдо биржасида ҳам, биржадан ташқарида ҳам мазкур бозор иштирокчиларининг ўзлари ишлаб чиққан ва қонуний тартибда мустаҳкамланган тамойиллар асосида амалга оширилиши керак. Булар қуйидагилар:

- қимматли қоғозлар бозорида тузиладиган битимнинг ихтиёрийлиги;
- аниқ юзага келган талаб ва таклиф асосида нархларни белгилаш;
- қимматли қоғозлар бозорига оид қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;

- қимматли қоғозлар, уларнинг элементлари, нархлари, биржа ва биржадан ташқари битимлар ҳақидаги ахборотларни мажбурий равишда ошкор этиш;
- сармоядор ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш;
- қимматли қоғозлар бозорида товламачилик ва найрангбозликнинг таъқиқланиши ва таъқиб этилиши.

Инвестор ўз инвестиция портфели мониторингини амалга оширади ва ўзи учун қизиқиш йўқолган қоғозлардан халос бўлиб, кераклигини сотиб олади. Яқин вақтларгача брокерлик фаолияти билан ҳар қандай жисмоний шахс шуғулланиши мумкин эди. Лекин бозорнинг ривожланиши брокерлик хизматларига талабни ошириб, рақобатни кучайтирди. Натижада малакали мутахассисларга талаб кучайди. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори янада ривожланиши учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- қимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш учун қимматли қоғозлар бозорида маркетмейкерлар ва котировканинг ролини ошириб, ахборотни етарли даражада очиклигини таъминлаш керак;
- қимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш учун маблағларни конвертация қилиш ҳолатини ва қимматли қоғозлар бўйича даромадларни киритиш лозим. Бу хорижий инвесторларининг инвестиция портфелларини ички бозорга жалб этади, улар бу орқали бозорни қўллаб-қувватлаб, унинг ликвидларини оширадилар;
- қимматли қоғозлар иқтисодий субъектларини ривожланиши учун капитал маблағларига зарур бўлган талабларни қондиришни таъминлайди;
- қимматли қоғозлар пул муомаласи айланмасини тезлаштиришга таъсир этиш орқали унинг инфляция даражаси пасайишига ёки олдини олишга олиб келади.

У.М. Ахунжонов,
МКФ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Корхоналарда дебиторлик қарзлари муаммоси

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиётида энг характерли жиҳат шундан иборатки, бу тизимда мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, шу асосда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасида кўпгина мустақил субъектлар вужудга келади ва уларнинг сони кундан-кунга ортиб бораверади. Айни жараёнда ҳар бир субъект ўз фаолиятида бошқа турли хўжалик субъектлари билан ўзаро иқтисодий алоқаларни олиб боради. Бу жараён оддий кўринишда бирор ишлаб чиқариш субъекти ишлаб чиқаришни ташкил этишда хомашё етказиб берувчилар билан алоқаси ва тайёр маҳсулотни сотишда турли воситачилар билан алоқаси шаклида ифодаланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабат муаммолардан ҳоли эмас. Шулардан энг кўп учраётгани дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатлардир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда фаолият олиб бораётган бирор хўжалик юритувчи субъект дебиторлик қарзларидан ҳоли эмас. Аксарият дебиторлик қарзлар ҳамкорлар ўртасидаги маҳсулот, иш ва хизматлар бўйича мулк ҳуқуқининг биридан иккинчисига ўтиши бўйича шартнома муддати ва ушбу ҳуқуқ учун тўлов муддатларининг мос келмаслигидан ҳосил бўлади.

Бундан бошқа дебиторлик қарзлар ортиқча тўланган солиқлар, ортиқча ундирилган йиғимлар, пенялар ва берилган бошқа пул маблағлари ҳисобидан келиб чиқади. Ўзбекистон Статистика қўмитасининг республикада фаолият юритаётган барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати бўйича берган маълумотларига кўра 2007 йилда корхоналар айланма маблағларининг ўртача 50,5 фоизи дебиторлик қарзларига тўғри келади. Ушбу қарздорлик иқтисодиётнинг баъзи тармоқ корхоналари, хусусан коммунал хизмат кўрсатувчи субъектлар айланма маблағларида 89,5% кўрсаткичга эга.

Албатта, дебиторлик қарзларининг ортиши ҳар доим ҳам корхоналар иқтисодиётида салбий ҳолат эмас. Агар дебитор ишончли бўлса ва тўловларни амалга оширишда интизомли бўлса, бундай дебиторларда қарз мажбуриятларининг вужудга келиши яқин келажакда сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар бўйича тушумлар ва мос равишда фойданинг кўпайишини англатади. Лекин аксарият ҳолларда дебиторлик қарзлар қарздор субъект учун қўшимча, мутлақ бепул айланма маблағ ҳисобланганлиги сабабли, қарздор тўловни муддатида амалга оширишга шошилмайди. Айни пайтда қарз берувчининг айланма маблағларида етишмовчилик ва унинг тўловга жорий қобилятининг йўқолиши ҳолати юзага келади. Дебиторлик қарзлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат шуки, ушбу қарзлар хўжалик юритувчи субъектнинг жорий молиявий ҳисоботида акс этиб, хўжалик фаолияти фойдаси ва рентабеллигини пасайтиради. Шу билан бирга молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларда хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғрисида салбий фикр уйғотиши мумкин. Бу ҳолат инвесторларнинг корхона фаолиятига қизиқишини, кредит берувчи ва лизинг компанияларининг корхона билан ҳамкорлик қилишга рағбатини қайтариши билан хўжалик юритувчи субъектнинг бугуни ва эртаси учун зарар келтиради.

Дебиторлик қарзларининг вужудга келиши билан боғлиқ кейинги муаммо қарздор томоннинг хўжалик фаолиятида банкротлик ҳолати, унинг тугатилиши ёки суд томонидан ундирилишини мавжуд эмас, деб топилиши қарз берувчининг ўз ҳақини ундирилишини қийинлаштиради. Аксарият ҳолларда қарз берувчининг даъвогар сифатида судга мурожаат этиши ҳам қарз берувчи учун қўшимча харажатлар юклайди.

Юқоридаги кўриб ўтилган салбий оқибатларни олдини олиш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ҳисоб ва кредитга сотиш сиёсатини мукамал ташкил этиши тавсия этилади. Бунда қуйидагиларга алоҳида этибор қаратиш зарур.

- йил боши ва йил охирига қарз маблағлари миқдорини ўзгаришини кузатиб бориш;

- дебиторлик ва кредиторлик муносабатлари чегарасининг оптимал тарзда белгиланганлигини баҳолаш;

- дебиторлик қарзи рискин аниқлаш ва баҳолаш, унинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини аниқлаш ва мақбул чегарасини ўрнатиш интизомини белгилаш;

- сотув ҳажми ва дебиторлик қарзлари миқдори ўртасидаги рационал муносабатларни топиш, кредитга мол чиқаришни ортишини мақсадли баҳолаш, тўловни тезлаштиришда нарх чегирмалари чегарасини ўрнатиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар дебиторлик қарзлари билан боғлиқ муаммоли натижаларга дуч келмасликлари учун ушбу қарзлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиши ва ўзаро алоқалар муддати ҳисобини мунтазам текшириб туриши зарур.

М.О. Мирзохидова, МУА-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Кредит бериш механизмининг такомиллаштириш

Банк-мижоз-кредит муносабатларида банкнинг соғлом фаолиятига салбий таъсир этувчи ва банк акциядорлари, кредиторлари, шунингдек, мижозлари манфаатига хавф солувчи муаммо, бу ҳар қандай банк муассасасининг «оғриқли» жойи ҳисобланган муаммодир, яъни бу қарздор мажбуриятининг бажарилмаслиги оқибатида, банкларда қайтарилиш муддати ўтиб кетган кредитлар ва устама фоизларнинг юзага келишидир. Бундай кредитлар муаммоли кредитлар деб ҳам таърифланади. Хўш банк-мижоз-кредит муносабатларини тартибга солувчи қоидалар амалдаги қонун ва меъерий ҳужжат талаб ва қоидалари асосида белгиланиб, кредит муносабатлари кредитлашнинг асосий тамойиллари, яъни тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик, мақсадлилиқ ва ниҳоят қайтарилиш тамойилларига асосланган ҳолда белгиланаётган бўлсада, банклар фаолиятида кредит амалиётидан йўқотишлар қандай ҳолатда ва қандай омиллар натижасида юзага келмоқда? Буни аниқлаш учун муаммоли кредитларнинг юзага келишида асосий ҳисобланган омиллар ҳаракатининг таъсир доирасини аниқлаш муҳимдир. Муаммоли кредитларни ижобий ҳал этиш ечимини қидиргандан кўра, муаммоли кредитларни юзага келтирувчи омилларнинг салбий таъсирини бартараф этиш чорасини кўриш самаралироқдир.

Банкларда ўз вақтида ундирилмаётган кредит маблағлари ва уларга ҳисобланган фоизларнинг мавжудлиги куйидаги ҳолатлар натижаси деб баҳолаш мумкин:

- Банк ходимининг қарз олувчи хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиши учун малака ва тажрибаси етишмаслиги.

Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларининг ўз вақтида ундирмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир. Чунки, хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит йиғмажилди доимо қўшимча назоратни талаб этади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги натижасида малака ва тажрибасиз ходимлар хулосаси асосида кредитларнинг молиявий ахволи ночор корхоналарга кредит берилишига олиб келмоқда.

- Банк кредит қўмиталарининг расмийчилик учунгина иш юритиши, шунингдек, ўз ваколатли ва масъулиятли вазифасига совуққонлик билан қараши.

Банк кредит қўмитасининг расмийчилик учунгина иш юритишининг кредит амалиётларига салбий таъсир этиши. Айнан «Банк кредит қўмитаси» кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролини бажаради. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит Комиссиясининг 1995 йил 10 июл 12-10-76 сонли мажлис баёнига асосан, Республика Марказий банки томонидан тайёрланган «Кредит қўмитаси тўғрисидаги» Низом талаблари ҳозирда тижорат банк кредит қўмиталари томонидан амалда фақатгина расмийчилик юзасидангина бажарилиш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда. Мазкур Низом талабига кўра, кредит қўмиталари қўмига кредит нозири томонидан тақдим этилган кредит йиғмажилдидаги ҳужжатларни тўла таҳлил этгачгина қарор қабул қилишлари, қарор қабул қилинганда ҳам юз фоиз овоз берилгандагина кредит бериш учун қарор қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

- Банк-мижоз-кредит муносабатларида яқдил хулосанинг мавжуд эмаслиги.

Банк муассасаларида муаммоли кредитларни вужудга келишидаги салбий сабабларнинг яна бири, бу «кредитор» ва «қарз олувчи» муносабатларида яқдилликнинг йўқлигидадир. Банк муассасалари банклараро рақобатда нафақат ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки етакчи банклар қаторидан жой олиш мақсадида, шунингдек, мижозлар кўнглига қараш мақсадида, деярли кун бўйи уларга хизмат кўрсатиш тартибини жорий этмоқдалар. Натижада, кун бўйи мижоз топшириги билан банд бўлган банк ходимлари мижозларнинг хўжалик фаолиятини таҳлил этиш билан шуғулланишга вақт ажратиши қийин кечмоқда. Бу эса банк учун

мижознинг хўжалик фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқармоқда.

Банклар учун кредит расмийлаштириш жараёнида ҳам, кредит маблағидан фойдаланиш жараёнида ҳам асосий эътиборни қарздор томонидан тузилган бизнес-режани таҳлил этиш ва таҳлил этиб боришга қаратишлари лозим. Лекин бизнес-режаларга кредитор томонидан ҳам, қарз олувчи томонидан ҳам кредит амалиёти учун талаб этиладиган расмий бир ҳужжатдек ёндашадилар.

- Банк-мижоз-кредит муносабатларини тартибга солувчи шартномаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан тузимлаётганлиги.

Ўз ҳуқуқларини яхши билмаслик натижасида томонлардан бирининг манфаатларига зид бўлган ҳолларда кичик бизнес, деҳқон-фермер ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқи поймол этилиш ҳолатларини акс эттирувчи шартномалар ҳам учрамоқда. Айнан мана шундай тартибда кредит шартномалари тузилиши банк-мижоз уртасидаги кредит амалиётлари натижасида вужудга келган можароларда банк учун узининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

- Қарздор устидан етарлича мониторинг ўрнатилмаганлиги.

Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга ошириб борилиши, яъни қарздорнинг молиявий хўжалик фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомила чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлик динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши бизнес-режа кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда таҳлил этиб борилиши белгиланган бўлса-да, банклар томонидан бу талаблар деярли бажарилмай, муаммоли кредитлар юзага келиш хавфини вужудга келтирмоқда.

Мажбурият ижросининг лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун белгиланган амалдаги қонун талаблари қай даражада мукамал тузилган бўлмасин, юзага келаётган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишда мураккаб вазиятлар, асосан, учинчи шахсларнинг солидар ёки субсидиар жавобгарлиги асосида мажбурят ижросини таъминлашнинг кафиллик, гаров усулларида фойдаланиш жараёнида юзага келмоқда. Мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш ва амалдаги қонун талабларига ўзгартиришлар киритиш таклифлари иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил натижасидагина самарали бўлиши мумкин. Бунинг учун банк ходимлари муаммоли кредитларни юзага келтирувчи омиллар таъсирини бартараф этиш учун ўз ҳуқуқий ва иқтисодий билим ва тажрибаларини орттириб боришлари, шунингдек, илмий изланишлар олиб боришлари давр талабидир.

Лизинг муомалаларининг иқтисодий мазмуни ва уларнинг зарурати

Ўзбекистон иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви ва тадбиркорликнинг ривожланиши асосий капитални янгилаш учун қўшимча молиявий ресурслар қидириш ва излаб топишни талаб этади. Умуман, миллий иқтисодиёт ва хусусан, янги шаклланаётган тадбиркорлик тузилмалари ички молиявий ресурсларининг чекланганлиги инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий манба ва усуллари излаш заруратини келтириб чиқаради. Шундай манба ва усуллар сифатида жаҳон амалиётида хорижий капиталнинг кўчиб юришига асосланган, қўшма корпоратив мулкчиликнинг яратилишини келтириш мумкин. Булар хорижий кредит линиялари давлатлараро қарзларни жалб қилиш асосида лизинг муносабатларини йўлга қўйилишини келтириш мумкин. Шунингдек лизинг асосида янги технология ва асбоб-ускуналарни фойдаланиш учун олиб туриш амалиёти бунинг далилидир.

Лизинг фан-техника тараққиёти ҳамда хусусий, гуруҳий ва ижтимоий манфаатларни уйғун равишда бирга қўшиш талабларига тўла-тўқис жавоб беради. Молиявий қийинчиликлар шароитида лизинг тадбиркорларнинг энг янги технология ва замонавий асбоб-ускуналардан баҳраманд бўлишига имкон беради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда лизинг бизнеснинг алоҳида бир тури сифатида қаралади. У лизинг маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари учун, шунингдек шу турдаги бизнес билан шуғулланаётган молиявий воситачилар учун ҳам муҳим бўлган бир қанча вазифаларни ҳал этади.

Ички ва ташқи бозорлар учун қаттиқ рақобат шароитида асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятларигина эмас, айни вақтда мазкур асбоб-ускуналар истеъмолчиларига қўйиладиган молиявий шартлар, шунингдек қўшимча хизматлар ҳам тобора аҳамиятли бўлиб боради. Истеъмолчиларнинг бундай қўшимча талабларини қондиришга молиялаштиришнинг истиқболли усули бўлган лизинг тўла-тўқис хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг шу янги усулини яқин келажакда кенг жорий этиш, шунингдек хориж тажрибасидан тўғри фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда, лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳиятини чуқурроқ англаб олиш муҳим масаладир. Лизинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг табиати, мазмуни ва замонавий бозор иқтисодиётида бажарадиган вазифаларини ҳар томонлама ўрганиш эса миллий иқтисодиётда уни кенг оммалаштириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш имконини

беради. Лизингни вақтинча бўш турган ёки жалб этилган молиявий маблағларни инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолиятининг бир тури деб таърифланади.

Ғарб мамлакатларида лизинг хизматлари бозори лизинг шартномаларининг шакл ва моделлари хилма-хиллиги билан ва лизинг операцияларини тартибга солувчи турли юридик меъёрлари билан ажралиб туради. Замонавий бозор иқтисодиётида лизинг хизматларининг илмий асосланган таснифланиши шу шакллардан ҳар бирининг вазифаси ва муҳим тафовутларини ҳамда уларнинг ўрнини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, лизингнинг таснифлари билан танишиб чиқдик ва уларнинг турлари кўп эканлигини кўрдик. Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларида кенг қўлланиладигани бу молиявий лизингдир. Бу тур энг кўп қўлланиладиган, қулай ва кенг тарқалган ҳисобланади.

*Ш.Х. Баева, МКФ-02 гуруҳ талабаси,
Д.Б. Яхёева, катта ўқит., ТДИУ*

Мамлакат иқтисодиётини молиявий соғломлаштиришда давлат бюджетининг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг молия тизими қайтадан ташкил этилди, бюджет даромад ва харажатлари йўналиши республикамиз мустақил давлат сифатида фаолият юритаётган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган бўлди. Давлат бюджети мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди, иқтисодиётнинг ривожланиши, мудофаа қобилияти ва бошқа талабларни таъминлайди.

Давлат бюджети умумдавлат пул маблағлари фондининг асоси бўлиб, жамиятнинг умумий пул маблағлари фондида асосий ўринни эгаллайди. Давлат бюджети моҳияти жамият ва хўжалик тизимининг характери билан, бозор иқтисодиётидаги иқтисодий қонунларнинг таъсири ва давлатнинг табиати ҳамда вазифалари билан белгиланади. Давлат бюджети молия тизимининг бош бўғинидир, у давлатнинг асосий фойда ва харажатларини умумлаштиради, бюджет орқали доимо ресурслар жалб этилади ва улар маълум мақсадлар учун йўналтирилади. Президентимиз таъкидлаганидек, 2009 йилдаги устувор вазифалардан бири мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича кризисга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатлари ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Республикаимизнинг 2008

йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига кўра шунитаъкидлаш лозимки, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари мувозанатлашганлигисақлаб қолинди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси башоратдаги кўрсаткичдан юқори бўлмади ва 7,8 фоизни ташкил этди. 2009 йилда ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам 1,4 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7 - 9 фоиз даражада сақлаб туриш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бюджети давлатнинг марказлашган пул маблағлари фондини ташкил этиш ва фойдаланиш жараёнини кўрсатувчи пул муносабатларини билдиради, миллий даромад ва ЯММни (ялпи миллий маҳсулот) қайта тақсимлашнинг асосий қуроли бўлиб хизмат қилади. Давлат бюджети орқали ЯММнинг 50 фоизга яқини қайта тақсимланади, тармоқлараро ва ҳудудларда молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ҳам давлат бюджети орқали амалга ошади. Иқтисодий ислохотлар даврида давлат бюджетининг маблағлари иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестицияларни молиялаштириш, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларини сақлаб туриш ва бошқа харажатлар учун йўналтирилади.

Иқтисодий категория сифатида турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш давомида юзага келувчи иқтисодий муносабатлардир ва унинг асосида доимо моддий ва номоддий ишлаб чиқаришни акс эттиради. Ҳозирги даврда бюджет республика иқтисодиётининг барча тармоқларини пул маблағлари билан таъминлаб берувчи асосий молия режаси бўлиб, маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, иқтисодиётга турли инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, солиқларни ўз вақтида белгиланган миқдорда ундириш, булар ҳаммаси давлат бюджети даромадларини ошишига олиб келади.

Иқтисодий ислохотлар даврида давлат бюджети турли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдида қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборат. Бюджет ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа ва юридик меъёрлардан ташкил топади. Белгиланган тартибда кўриб чиқилган ва тасдиқланган бюджет давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий режасига айланади.

Давлат бюджети, унинг даромад ва харажатлари жамиятнинг иқтисодий категориялари билан боғлиқ, чунки давлат бюджети жамиятда

яратилган ижтимоий маҳсулот қийматининг тақсимланиш жараёнида моддий шаклига эга бўлади. Бюджет муносабатлари жамият иқтисодий тузилишининг ажралмас қисми бўлиб, унинг амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариш учун зарурий моддий-молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш шароитида давлат бюджети иқтисодий категория сифатида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимида иштирок этиши билан бирга аҳолининг маълум қатламлари манфаатларини ҳам ўзида акс эттиради. Давлат бюджети мамлакатнинг асосий молия режаси бўлиб, иқтисодиётнинг қай даражада ривожланаётганини кўрсатиб беради, бюджет ёрдамида миллий даромаднинг бир қисми ва айрим ҳолларда эса миллий бойлик иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар ва ижтимоий соҳалар ўртасида қайта тақсимланади.

*Л.А. Эшонкулов,
МУА-10 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи аудити

Бугунги кунда корхона фаолиятининг муҳим ва унга баҳо берадиган мезон кўрсаткичларидан бири бу - фойдадир. Фойдага таъсир этувчи омил эса бу таннарх ёки маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларидир. Шундай экан, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи аудитини тўғри йўлга қўйиш, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти молиявий-иқтисодий кризисни бошдан кечирмоқда. Унинг салбий оқибатларини бартараф этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу борада Юртбошимиз И.А Каримов 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасида “2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида” қилган маърузасида бир қанча устувор вазифалар белгилаб ўтилди. Жумладан, тежамкорликнинг қатъий тартибини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича вазифалар юклатилди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари ва солиққа тортиш ҳисобини тартибга солувчи асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 – февралдаги 54- сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом бўлиб ҳисобланади. Аудитор харажатлар билан боғлиқ хўжалик операцияларини текширишда асосий эътиборни

юқоридаги низомга риоя қилинишига қаратиш керак чунки, низомда харажатларни гуруҳлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари кўрсатилгандир. Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг текшируви босқичлари, текширувга маъсул аудитор ва ўтказиладиган текширувнинг муддати аудиторнинг ишчи режаси ва дастурида кўрсатиб ўтилади.

Шунингдек, аудитор томонидан маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказишда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- ишлаб чиқаришга харажат қилинган хомашёлар, материаллар, ёқилғилар, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи мойлаш материалларини баҳолашнинг тўғрилиги;

- белгиланган харажат сметалари, лавозим маошлари, тариф ставкалари, ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофатлаш ҳақидаги Низомга риоя қилиш устидан назоратнинг таъминланганлиги;

- ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамда ҳисобдан ўчирилишнинг асосланганлиги ва уларни камайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар;

- асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблашнинг тўғрилиги;

- товарлар ва бошқа қийматликлар табиий камайтилишини ҳисобдан ўчиришнинг тўғрилигига ва ҳ.к.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига кирувчи харажатлар аудит назоратидан ўтказилар экан, тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатиш аудитор зиммасига юклатилган. Чунки маҳсулот таннархини аниқлашда уларнинг мавсумийлиги, маҳсулот тури харажатлари бир-биридан фарқ қилади.

Аудитор харажатларнинг сарф-харажат моддалари бўйича уларнинг мақсади ва вужудга келиш жойларига қараб гуруҳланиши ҳамда бевосита ёки билвосита йўл билан маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ҳар бири турига олиб борилишини билиши зарур. Иқтисодиёт тармоқларида сарф – харажатлар таркиби турлича ва тегишли тармоқ йўриқномалари ва услубий тавсиялари билан белгиланади.

Шундай қилиб, корхона ва ташкилотларда маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик назоратидан ўтказиш, биринчидан, харажатлар ҳисобини тўғри юритилишини таъминласа, иккинчидан, корхона бошқарув қарорлари ва истиқболли режаларини амалга оширишга таянч манба ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари

Хўжалик юритувчи субъектда ва унинг айрим олинган бўлимларида ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг умумий тизимида таннарх кўрсаткичи асосий ўрин тутди. Чунки таннархнинг таркиби уни ташкил қиладиган тегишли харажатларнинг йиғиндисидан иборат.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти молия-иқтисодий кризисни бошдан кечираётган бир вақтда унинг салбий оқибатларини олдини олиш, иложи борица экспортга йўналтирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бизнинг устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бу борада Президентимиз И.А. Каримовнинг 28 ноябрь 2008 йилда “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Унда металлургия соҳаси, пахтага ишлов бериш соҳаси ва бошқа саноат тармоқларида технологик жараёнларни оқилонлаштириш, материал сифими ва энергия сифимини камайтириш, шунингдек, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини қисқартириш ҳисобидан маҳсулот таннархини камида 20 % га қисқартириш чоралари баён этилган. Хорижий иқтисодчиларнинг фикрларига кўра, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни ўзлаштириш, бунинг ҳисобига энг кам чиқим билан сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирларини вақтида кўриб қўйган мамлакатлар вужудга келган кризисдан энг кам нобудгарчилик билан чиқадилар. Шундай экан, энг кам чиқимли ва сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун харажатлар ҳисобини тўғри юритиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” га мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

– ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи таркиби саноатникдан анча фарқ қилиб, уруғлик, ўғит, ем-хашак қиймати, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришга кетган харажатлар ҳам киритилади. Шу хўжаликнинг ўзида етиштирилган уруғлик, ем-хашак ва бошқа маҳсулотлар ўз таннархига кўра баҳоланади. Сотиб олинган уруғлик, ем-хашак, минерал ўғитлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни олиб келишга кетган харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Қурилиш ташкилотларида тайёрланган маҳсулот таннархини аниқлаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб бунда, харажатларнинг энг кўп қисми қурилиш материаллари ҳисобига тўғри келади, бу маҳсулот таннархини аниқлашда қилинган сарф-харажатлар қийматини битказилган бинонинг кв/м миқдорига тақсимланади. Харажатларни доимий равишда пасайтириб бориш корхона фойдасини оширишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Демак, чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришда замонавий ва кам чиқиндилли технологиялардан фойдаланиб хомашё харажатларини камайтириш хўжалик юритувчи субъектнинг фойда билан ишлашини таъминлайди.

***Н.А. Жураева, МУА-01 гуруҳ талабаси,
Илхомов Ш.И., доц., ТДИУ***

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг босқичлари

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни текширишда аудитор, авваламбор, товар-моддий бойликлар (ТМБ) сотиб олиниши учун асос бўлган дастлабки хужжатлар мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини аниқлайди. Масалан, мол етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматларни амалга ошириш бўйича тузилган

шартномалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ амалга оширилганлиги текширилади. Сўнгра мол етказиб берувчилар ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарганликлари, ёки улар корхона олдида қарзи вужудга келган санаси текширилади. Субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабларига тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларига атайин риоя этмаган ҳолда амалга оширган келишувлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ундан кейин аудитор ва унинг ёрдамчилари 6-сонли журнал-ордер, 6010-сонли “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счет машинограммалари ва ҳисоб ҳужжатлари кўрсаткичлари бўйича бевосита ҳар бир мол етказиб берувчи билан (ёки танлаб олиб) амалга оширилган ҳисоб-китоб операцияларини текширадилар. Амалга оширилган операция санаси ва тавсифи, олинган ТМБ бўйича нарх-наволар тўғри қўлланилганлиги ва улар тўлиқ кирим қилинганлиги, мол етказиб берувчиларнинг счет-фактураларида ҚҚС асосли равишда кўрсатилганлиги аниқланади.

Агар ТМБ қабул қилинган бўлиб, лекин уларга тегишли ҳужжатлар бўлмаса (счет-фактурасиз мол етказиб бериш), мол етказиб берувчилардан счет-фактуралар талаб қилинганлиги аниқланади. Аудитор мавжуд бўлган талаб хатларини ўрганиб чиқиши лозим. Шунингдек, 19-сонли БХМС талабларига мувофиқ мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар инвентарланганлиги, шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга жарима даъволари йўлланилганлиги, ҳисобланган ва олинган жарима суммалари асосланганлиги, мол етказиб берувчиларнинг дебиторлик қарзлари даргумон қарзлар захираси ҳисобига тўғри ўтказилганлиги аниқланади. Лозим бўлса, ТМБ ва ҳисоб-китобларнинг назоратли инвентаризацияни, текшириладиган корхона ва мол етказиб берувчининг ҳужжатлари ва регистрларини муқобил солиштиришни амалга ошириш керак.

Ҳисоб регистрларида счетлар тўғри корреспонденцияланганлигини назоратдан ўтказиш керак. “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счетнинг кредити бўйича ёзувлар 0800, 1000, 1500, 1600, 4300-сонли ва бошқа счетлар гуруҳининг дебети бўйича ёзувлар билан солиштирилади. “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счетнинг дебети бўйича ёзувлар “Миллий валютадаги пул маблағлари”, “Ҳисоб-китоб счет”, “Касса”, “Мамлакат ичидаги валюта счетлари”, “Аккредитивлар” ва бошқа счетлар бўйича кредит суммалари билан солиштирилиши лозим. Синтетик ҳисоб кўрсаткичлари таҳлилий ҳисоб кўрсаткичлари билан, оборотлар бўйича якуний кўрсаткичлар ҳамда “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” счетнинг қолдиғи Бош китоб ва баланс кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Аудитор олинаётган ТМБ, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сифати ва миқдори бўйича даъволар ўз вақтида тақдим этилишига, шунингдек, нарх-наволар ва тарифларга риоя қилмаслик, ҳисоб-китоб ҳужжатларида арифметик хатолар аниқланиши, тортиш ва ўлчаш натижасида келиб чиқадиган камчиликларни текширувига алоҳида эътиборини қаратиши лозим. Даъволар нафақат мол етказиб берувчиларга, шунингдек, транспорт ташкилотларига – юк йўлда йўқотилганлиги учун, банкларга - ҳисоб-китоб ва валюта счетларидан нотўғри чиқарилган ёки киритилган суммалар бўйича тақдим этилиши мумкин. Даъволар ёзма равишда, даъво суммаси ва керакли исботлар кўрсатилган ҳолда, факс ёрдамида ёки буюртмали хат билан йўлланилади. Даъвога жавоб ёзма равишда 30 кун муддатда олинishi шарт.

Аудитор даъво қилиш муддати ўтган даъволар мавжудлиги ва улар бўйича тўловлар амалга оширилмаганлиги сабабларини аниқлаши керак. Маълумки, ТМБлар олингандан кейин улар бўйича тўлов муддати 90 кундан ошмаслиги лозим. Уч ой муддат ўтгандан кейин у шубҳали деб тан олинади ва шубҳали қарзлар резерви бўйича ҳисобдан чиқарилади, аммо “Харажатлар таркиби бўйича Низом” нинг 1-иловасига мувофиқ, резерв суммаси солиққа тортиладиган фойдага киритилади.

Б. Ахраров,
ММБ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорининг бозор иқтисодиётидаги роли ва ўрни

Уистон Черчель “...бозор иқтисодиёти кўп нуқсонларга эга, лекин инсоният ундан яхшироғини ўйлаб топган ёки ихтиро қилган эмас”, - деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ҳам бозор иқтисодиёти йўлида босқичма-босқич дадил қадам ташлаётган экан, жамиятнинг барча соҳаларида туб ислохотлар олиб бормоқда.

Республикаимизда олиб борилаётган иқтисодий ўзгаришлар учун бюджет маблағлари ҳам, аҳоли қўлидаги сармоялар ҳам камлик қилади. Бунинг учун катта ҳажмдаги инвестициялар керак. Инвестицияларни эса молия ва қимматли қоғозлар бозори орқали олиб келиш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг иқтисодий ўсишида молия бозори ва қимматли қоғозларнинг роли бениҳоя катта. Молия бозори ва қимматли қоғозлар жамғармаларни тармоқлар ўртасида тақсимлашга, инвестордан истеъмолчи қўлига ўтишга хизмат қилади ва шу орқали капитални бир шаклдан иккинчи шаклга (товар, унумдорли капитал, пул) айланишини тезлатишга олиб келади.

Жамиятда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бир қатор омиллар таъсирини ошириш керак. Булар:

- бозорнинг даромадлиқ даражаси;
- солиқ сиёсати;
- кутилаётган даромадни олишда хатар (риск)ни пасайтириш ёки олдини олиш;
- бозор структура ва функционал ташкил этишни бошқариб бориш;
- инвесторларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- бозорни ва унинг иштирокчиларини пинҳоний кучлардан (мафиядан) ҳимоя қила билишдир.

Бизнес ва ҳукумат одатда қимматли қоғозлар бозорида соф қарз олувчилар (қарз беришга нисбатан кўпроқ қарз оладилар) сифатида намоён бўлади. Аҳоли, айниқса хусусий тадбиркорларни эса турли сабабларга кўра даромадлари кундалиқ харажатларига нисбатан ортиқ бўлади. Шунинг учун қимматли қоғозлар бозорининг асосий вазифаси омонатларнинг ҳар иккала томонини ҳам қаноатлантирадиган баҳода мумкин қадар тўлиқ тез сармояга айлантиришни таъминлашдир.

Яъни шунини таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар товарнинг энг мураккаб турларидан бири саналади, шунинг учун ҳам қимматли қоғозлар бозори хизмат кўрсатиш бозорининг профессионал қатнашчилари — брокерлар, дилерлар, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари ва банклар томонидан амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш корхона ва ташкилотлар учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Уларга ишлаб чиқариш ва моддий-техника базасини ривожлантириш учун банк ссудаларидан фойдаланмасдан туриб пул ресурсларини жалб қилиш имкониятини беради, чунки барқарор бўлмаган иқтисодиёт ва пулнинг кадрсизланиши шароитида банклар қисқа муддатли кредитлар беришни афзал кўради. Қимматли қоғозлар аҳоли учун катта аҳамиятга эга, улар пулларини қўлда ушлаб турмасдан, қимматли қоғозлар олиб, уларга эғалик қилиш йўли билан ўз жамғармалари ҳисобига даромад оладилар ва корхоналарни бошқаришда иштирок этадилар.

Хусусий сектор томонидан чиқарилаётган қимматли қоғозлар таркибида турли нодавлат ишлаб чиқариш корхоналари, тижорат банклари, инвестиция банклари, фондлар ва бошқаларнинг қимматли қоғозлари алоҳида ўрин тутаяди. Халқаро қимматли қоғозлар хориж субъектлари томонидан чиқарилади ва уларнинг қиймати ҳисобланадиган валюта ва эмитентлари бўйича бўлинади.

Қимматли қоғозлар бозор воситаларининг иқтисодий табиатидан келиб чиқиб, уларни мулкка эғалик кредит муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозларга ва эркин фонд бозорининг қимматли қоғозларига ажратиш мумкин.

Мулкка эғалик муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар акциялардир. Қарз мажбуриятларининг турли хил шакллари ифодаловчи қимматли қоғозларга облигациялар, корхона ва банк векселлари, хазина

вексельлари, депозит ва жамғарма сертификатлари ва бошқа кредит муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар киради.

Фонд бозорининг эркин восита сифатида айланадиган облигацияга банкнинг махсус қимматли қоғозлари киради. Бизнинг мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори эндигина шаклланиб бормоқда. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, кўпгина тармоқ ва корхоналар ҳозирги кунда саноатни юксалтириш учун, тўлаш қурбини тиклашга, ускуналарни замонавий талаблар асосида янгилашга, сармоя маблағларга муҳтождирлар, шунинг учун ҳам уларга сармоя маблағлари, айниқса чет эл сармоясини жалб этиш учун, корхона ва тармоқлар қимматли қоғозлар бозоридан, унинг воситачиларидан фойдаланишни ўрганиш зарур.

Қимматли қоғозларга эгалик қилиш ва улар билан савдо-сотик қилишда иштирок этиш, аҳолининг даромадларини кўпайтиради, унинг моддий фаровонлигини оширишга кўмаклашади, шунингдек, жамиятнинг асосий ҳаракатланувчи кучи бўлган инсоннинг фаолиятини фаоллаштиради. Қимматли қоғозлар бозори, бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган мулкчиликни шаклланишига кўмаклашади.

*А.А. Абдурахимов,
МКФ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Молиявий ва макроиқтисодий барқарорликнинг ўртасидаги узвийлик муаммолари

Ҳар қайси давлатнинг олдида турган энг муҳим иқтисодий вазифаларидан бири бу миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва шу орқали турли ижтимоий-иқтисодий мувозанатларни сақлашга эришиш, натижада иқтисодий ўсиш динамикасини ўстиришга шарт-шароит яратишдан иборат. Макроиқтисодий барқарорлик бу мамлакатда ялпи ички (миллий) маҳсулотнинг реал ўсиши, инфляция, валюта курси, ишчизлик даражаси, тўлов баланси ва шу каби кўрсаткичларнинг мувозанати бузилмасдан, иқтисодиётнинг барқарор ҳолда ривожланиши, уни таъминлашда молиявий барқарорлик катта аҳамиятга эга. Молиявий барқарорлик эса, мамлакатда валюта курси, фоиз ставкалари, банк тизими, молия, пул ва валюта бозорларининг, солиқ-бюджет соҳасининг жиддий тебранишларга учрамасдан ўзаро алоқадорликда ривожланишидир. Бунда молиявий барқарорликнинг энг асосий шартларидан бири миллий валюта курси бошқа хорижий валюталарга нисбатан барқарор бўлиши лозим. Жаҳон иқтисодий амалиётидан маълумки, ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, инфляция даражасини жиловлаш ва уни секин пасайтириш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдек масъулиятли мақсадга қисқа вақтда эришиб бўлмайди. Шунингдек, макроиқтисодий

барқарорликка эришиш учун ҳар доим ҳам қисман амалга ошириладиган ислохотлар ёки алоҳида пул-кредит ва фискал сиёсатнинг таъсири етарли бўлмайди, албатта. Бунинг учун ҳукумат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган қатор тузилмавий ва иқтисодий ислохотларни қамраб олувчи макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури мажмуаси ишлаб чиқилишини ҳамда уни муваффақиятли амалга оширилиши зарур. Бизнинг фикримизча молиявий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларни ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш зарур: институционал ислохотларни изчил амалга ошириш, нархларни эркинлаштириш жараёнини давлат томонидан назоратга олиш, молия тизимини ислоҳ этиш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг конвертациясини доимий таъминланиши, замонавий тўлов тизимини самарасига эришиш, қимматли қоғозлар бозорини таъминлаш, иқтисодий сиёсатнинг ва молия тизимининг очиқлигини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнини чуқурлаштириб бориш, ташқи савдо баланси бўйича ижобий қолдиқни таъминлаш ва шу кабилардир.

Маълумки республикамиз МДХ давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб молиявий ва макроиқтисодий барқарорликка эришиб, ўтган 2008 йилда ҳам бундай жараён сақланиб қолинди. Яъни ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 9 % ни, бюджет профицити тахминланишига инфляциянинг ўртача 7 - 8 % да бўлиши, ташқи савдо балансида эса ижобий қолдиққа эришилди. Ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган молиявий инқироз шароитида молиявий барқарорликни таъминлаш ва унинг макроиқтисодий барқарорлик таъсирини оширишда молиявий сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида қаралиши лозим:

1) пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни қатъийлигини ошириш, пул айланиши тезлигини оширишни таъминлаш омиллар таъсирчанлигини ошириш;

2) мамлакат тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш учун экспортни рағбатлантиришга қаратилган имтиёзларни кенгайтириш ва импортни тартиблаш. Бунга бож тўловлари ва импортдан олинadиган солиқларни ундириш механизминини қайта кўриб чиқиш;

3) валюта курсининг бошқа давлатлар валютасига нисбатан барқарорлигини таъминлаш;

4) табиий монополия характерига эга бўлган корхоналарнинг товар(хизмат)ларининг нархини давлат томонидан чекловларни ошириш;

5) бюджетдан сарфланадиган харажатларни инвестицияга йўналишини ошириб бориш;

6) корхоналарнинг молиявий сиёсатида харажатларни амалга ошириш жараёнини давлат томонидан тартибга солишни кучайтириш;

7) жаҳон бозорида нархларнинг тебранишларидан келиб чиққан ҳолда экспорт ва импорт жараёнини доимий назоратга олиш;

8) вақтинча муддатга маданий тадбирларга сарфланадиган маҳаллий бюджет харажатларини ихчамлаштириш ва шу кабилар.

*А.А. Халилов,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Монетар сиёсат тартибини қўллашнинг хорижий тажрибаси

Бугунги кунда бутун дунёда монетар сиёсатнинг энг муҳим мақсади баҳоларнинг барқарорлигини таъминлашдир деган нуқтаи назар устунлик қилади. Жаҳон тажрибаси инфляциянинг юқори суръати беқарорликни кучайтириши, узоқ муддатга бизнесни режалаштиришни қийинлаштириши, нақд пуллардаги жамғармаларни қадрсизлантириши, пулга талабни камайитириши, миллий валютани хорижий валютага алмаштирилиши орқали иқтисодий ўсишни секинлашувидан далолат беради.

Пул-кредит сиёсатининг мақсади сифатида инфляция даражасини мўлжал қилиб олиш (инфляцион таргетлаш) монетар сиёсатни такомиллаштиришнинг йўналиши сифатида қаралмоқда. Монетар сиёсат юритаётган Марказий банклар баҳоларни барқарорлаштириш учун оралиқ мақсадларни танлаш жараёнида ўз мамлакатлари иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга оладилар. Бундай танлов монетар сиёсатнинг уч асосий тартибига таянади: монетар таргетлаш; валюта курсини таргетлаш; инфляцияни таргетлаш. Ўтиш даври иқтисодиётига эга бир қатор давлатлар монетар таргетлаш тартибини қўллашади. Словения, Руминия ва Словакияда инфляция билан курашда пул таклифини тартибга солиш асосланган стратегия муваффақиятли бўлди. Словенияда асосан давлат бюджетининг баланслашганлиги ва консолидациялашган бюджет профицитли бўлганлиги монетар таргетлашнинг муваффақиятини таъминлади.

МДҲга кирувчи кўпчилик давлатларда монетар сиёсат Халқаро Валюта Фондининг дастурларига асосланади. Бу дастурларда пул массасини тартибга солиш кўзда тутилади, оралиқ мўлжал эса соф халқаро резервлар, соф ички активлар ва ҳукуматга соф кредитлар ҳисобланади. Масалан, Россия ва Туркманистонда монетар сиёсатнинг расмий номинал лангари бўлиб резерв пуллари ҳисобланади. Қозоғистон ва Қирғизистонда амалиётда тез-тез резерв пуллари таргетланади. Арманистон, Азарбайжон, Грузия ва Молдовада резерв пуллари қўшимча равишда соф ички активлар ҳамда соф халқаро резервлар ҳам таргетланади.

Ўтиш иқтисодиётига эга кўпчилик давлатларда монетар таргетлашни пул-кредит сиёсатнинг номинал лангари сифатида танланишига сабаб бу тартибнинг ўтиш даври иқтисодиётида юқори самарадорлигидадир. Пул агрегатларини тартибга солиш Марказий банкка қисқа муддатда ўз

мақсадларига эришиш имконини беради. Молия бозори яхши ривожланмаган мамлакатларда пул таклифи ўзгаришининг инфляцияга таъсири қисқа муддатда кузатилади. МДҲга аъзо мамлакатларда пул воситаларидаги ўзгариш билан инфляция даражаси ўзгариши орасидаги вақт 3-6 ойни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда эса бу вақт 1,5-2,5 йилни ташкил этади.

Бошқа муқобил вариант валюта курсини таргетлаш бўлиб, бунда номинал лангар вазифасини қайд этилган валюта курси ёки валюта коридори ўйнайди. Амалиётда миллий валюта курси эркин конвертацияланадиган ёки барқарор хорижий валютага боғлаб қўйилади. Валюта курсини таргетлаш инфляцияни тезда барқарорлаштириб, баҳолар даражасини мамлакатдаги миллий валюта билан боғлиқ даражага яқинлаштиради. Бу тартиб кичик очик иқтисодиёт учун самарали бўлиши мумкин.

Бугунги кунда валюта курсини таргетлаш Венгрия, Болгария, Латвия, Литва, Македония, Руминия, Словения, Эстония, Беларусь ва Украинада кенг қўлланилади. Бундай монетар тартиб қайд этилган мамлакатларда инфляция суръатини пасайтириш имконини бери. Масалан Болгария 1996 йилда очик иқтисодий инқирозни бошдан кечирди. 1997 йилда инфляция суръати 1082 % га чиқди. Бу вазиятдан чиқиш учун ҳукумат ХВФ ёрдамида валютани таргетлаш тартибини киритишга қарор қилди. 1997-2003 йиллар давомида бу мамлакатда инфляция 2 % даражасигача пасайди. Валютани таргетлаш тартиби Эстонияда инфляция даражасини йилига 10 % дан пастга тезда тушириш имконини беради. Аммо Литва ва Латвия тажрибасида бу тартибни қўллаш муваффақиятли бўлди. Литвада истеъмол баҳолари 1992 йилги 1020 %дан 2003 йилда -0,8 фоизга тушди. Шу даврда Латвияда баҳолар даражаси 951,2 %дан 3,3 % гача пасайди. Литва миллий валютасини АҚШ доллари, Латвия эса СДР (қарз олишнинг махсус ҳуқуқи специальные права заимствования) га боғлаб қўйди. МДҲ га аъзо мамлакатлардан Беларусь, Украина ва Туркменистон валюта курсини расмий номинал лангар сифатида қўллашади. МДҲ га қирувчи бошқа мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам, валюта курсини расмий номинал лангар деб эълон қилмаган.

Кейинги йилларда кўпчилик саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар инфляцияни таргетлашни афзал кўришмоқда. Ўтиш иқтисодиётига эга айрим давлатлар ҳам бу амалиётни қўллаш бошлашди. Инфляцияни таргетлаш учун Марказий банк инфляция динамикасини башорат қилади ва инфляциянинг режалаштирилган даражасини (мақсад тутилган миқдорий мўлжални) белгилаб олади. Инфляциянинг башорат қилинган даражаси ва ўрнатилган мўлжал ўртасидаги фарқ Марказий банк монетар сиёсатни қай даражада ўзгартириши кераклигини кўрсатади. Инфляцияни таргетлаш пайтида қўтилган мақсадга эришиш марказий банкнинг расмий мажбурияти ҳисобланади.

Амалиётда инфляцияни таргетлаш ўзини самарали монетар сиёсат тартиби сифатида кўрсатди. Кўпчилик мамлакатларда бу стратегия иқтисодий ўсишга салбий таъсир этмасдан баҳолар даражасини паст кўрсаткичларда барқарорлаштириш имконини берди.

Аммо, фискаль мақсадларнинг устун қўйилиши, инфляцияни тўғри башорат қилишдаги қийинчиликлар, ички молиявий бозорнинг яхши ривожланмаганлиги, иқтисодиётнинг “доллар”лашиш даражаси юқори эканлиги ва банк тизимининг беқарорлиги ўтиш даврида инфляцияни таргетлаш тартибини қўллаш йўлидаги жиддий тўсиқ ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик мустаҳкамланиши, ички молиявий бозорларнинг ривожланиши ва ишончли банк тизими шакллантирилиши билан инфляцияни таргетлашни монетар сиёсатнинг самарали тартиби сифатида қўллаш имкони юзага келади.

Мамлакатимизда банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтиришда уларнинг капиталлашуви даражасини ошириш муҳим роль ўйнайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорда асосан банкларнинг низом жамғармасини кўпайтириш ва инвестиция ресурси базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2007 йилда банкларнинг устав капитали 2 бараварга оширилиб, 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 365,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Ушбу устувор йўналишга кўра тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобига 3 йилдан ортиқ муддатга инвестиция мақсадлари учун берган кредитлардан қолган фоиз даромадидан солиқ тўлашдан озод этилди. Бу эса инвестиция мақсадларига ажратиладиган банк кредитларининг кўпайишига, ишлаб чиқаришни техник қайта қуrolлантириш мақсадларига хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, монетар сиёсат, унинг воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун Марказий Банк иқтисодиётнинг пулга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш билан бир қаторда, истеъмол товарлари нархининг ўсишини олдини олишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини амалга ошира боришни яқин истикболдаги вазифаси деб билмоқда. Бунда амалга оширилган чора-тадбирлар миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва тижорат банкларининг молиявий воситачилик ролини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилади.

Основные направления повышения эффективности государственного и муниципального финансового контроля

Для системы государственного и муниципального контроля характерны глубина и разносторонность, многообразие средств непосредственного воздействия на подконтрольные органы управления, их должностных лиц. Нет ни одной отрасли управления, в которой бы не осуществлялся этот контроль.

Деятельность всех его органов направлена на борьбу не против кого-то, а на борьбу за утверждение на всей территории Российской Федерации строгого и объективного контроля за финансовыми средствами, принадлежащими всему обществу.

С принятием более десяти лет назад Конституции Российской Федерации открылась возможность организовать принятый во всех демократических странах внешний независимый от исполнительной власти контроль за управлением государственными финансовыми ресурсами.

Аксиома, которую нет нужды доказывать: эффективное управление не бывает без эффективного контроля. Если мы ставим задачу построить эффективное демократическое правовое государство, если мы хотим искоренить коррупцию в стране - нам не обойтись без качественных законов и строгой дисциплины их соблюдения, без действенного и повсеместного осуществляемого финансового контроля. Эффективность государства во многом определяется эффективностью его деятельности в бюджетно-финансовой сфере, в частности тем, как оно распоряжается финансовыми и материальными ресурсами, которые общество доверило ему в управление. От этого зависят и темпы экономического роста страны, и возможности государства обеспечивать социальные потребности населения, и многое другое.

Современное состояние государственного и муниципального контроля в Российской Федерации отличается такими чертами, как:

- разнообразие видов государственного и муниципального контроля;
- множественность органов, осуществляющих государственный и муниципальный контроль при значительных различиях в их правовом статусе;
- большой объем нормативных правовых актов, регулирующих организацию и процедуру государственного и муниципального контроля.

Установление строжайшей дисциплины в распоряжении финансовыми средствами на каждом уровне бюджетной системы есть главное направление деятельности органов государственного и

муниципального финансового контроля и, прежде всего, контрольно-счетных органов.

Для реализации этой важнейшей задачи законодатели должны наделить контрольно-счетные органы соответствующими правами и полномочиями. Контрольно-счетные органы принесут государству гораздо больше пользы, если сведут к минимуму финансовые нарушения, добьются идеального порядка в управлении общественными финансовыми и материальными ресурсами, сделают все, чтобы это управление было максимально рациональным и эффективным. При этом важно контролировать не только процесс, ушедший в прошлое, но и моделировать будущее, предупреждать потери финансовых средств еще на стадии планирования бюджетов, осуществлять превентивный (упреждающий) контроль.

Второе направление деятельности контрольно-счетных органов - это повышение эффективности государственного управления. Это направление тесно связано с предыдущим, поскольку трудно говорить об эффективности там, где нет дисциплины и должного порядка. Необходимо добиться, чтобы каждый государственный чиновник распоряжался вверенными ему государственными ресурсами не только в рамках закона, но и максимально эффективно, по-хозяйски, строго ориентируясь на достижение конкретных, значимых для государства результатов, и тщательно продумывая оптимальные пути их достижения. Рачительный хозяин никогда не потратит свои средства, не определив четко результат, который он желает достигнуть этим расходом.

Важным элементом внешнего, контроля получившим широкое распространение в деятельности большинства органов финансового контроля, в т. ч. входящих в международную организацию высших контрольных органов (ИНТОСАИ), должен стать аудит эффективности как бюджетных расходов, так и в целом управления финансовыми и материальными ресурсами. Он должен дополнить традиционный финансовый аудит в части оценки эффективности, результативности и экономичности бюджетных программ и их влияния на социально-экономическое положение страны и отдельных регионов. Аудит эффективности призван охватить весь спектр деятельности государства, полный круг бюджетных операций - от отдельных бюджетных программ до деятельности государственных и муниципальных органов, организаций и даже отдельного чиновника, а также концентрировать внимание на отдельных бюджетных программах и государственных или муниципальных организациях. Он должен быть нацелен на разработку конкретных рекомендаций по совершенствованию и реализации программ деятельности проверяемых объектов, направленных на повышение эффективности использования ими государственных и муниципальных средств. Его развитие связано с повышением роли государственных и муниципальных финансов в

экономике развитых стран, результативностью деятельности органов государственного и муниципального финансового контроля, а также с возрастанием степени публичности и прозрачности бюджетного процесса.

Контрольно-счетные органы, на наш взгляд, должны более активно (гласно) выступать за внедрение более прогрессивной, хорошо зарекомендовавшей себя во многих зарубежных странах «результативной» модели бюджета. Для этой модели характерны ориентация на конечные результаты, стремление полно и комплексно оценить затраты, получить больший результат на единицу затрат.

Для того, чтобы аудит эффективности стал действенным инструментом бюджетного контроля, предстоит большая и кропотливая работа по созданию необходимых условий, прежде всего - формирование соответствующей правовой и методологической базы. Одновременно необходимо расширить законодательно полномочия органов финансового контроля по проведению внешнего аудита и ревизий всех бюджетов, а также получателей помощи из бюджетов.

Значительным резервом повышения деятельности бюджетно-финансового контроля являются взаимодействие и координация деятельности органов государственного и муниципального контроля. Совместное проведение контрольных мероприятий и обмен информацией, согласование планов работы позволит перейти от периодических проявлений сотрудничества к постоянным действиям.

Положительно зарекомендовала себя совместная деятельность на основе Соглашений между государственными контрольными органами и представительными органами власти городов и районов. Последние, зачастую не имея возможности создать полноценные контрольные органы, пользуются возможностью совместно проверять вопросы финансового порядка, соблюдения законодательства и исполнения отдельных законов. Однако эти действия не имеют под собой нормативной базы, что не позволяет рассматривать даже вопросы использования дотационных средств, выделяемых из вышестоящих бюджетов.

Для качественной оценки социальной эффективности использования бюджетных средств нужно решить проблему недостаточности ведомственного финансового контроля в системе исполнительной власти и слабость взаимодействия органов внешнего и внутреннего финансового контроля. Невозможность надежной опоры на результаты внутреннего финансового контроля приводит к значительным затратам сил и средств органов финансового контроля на проведение финансового аудита.

Перед органами финансового контроля весьма остро стоит вопрос недостаточной эффективности управления государственными и муниципальными предприятиями, когда в большинстве случаев деятельность предприятий не ориентируется на результат, а контроль за их финансово-хозяйственной деятельностью и перечисление части прибыли в бюджеты

отсутствует. В существующем виде институт представителей государства в органах управления акционерных обществ и ревизионных комиссиях не оправдывает себя, не реализуются все имеющиеся возможности получения доходов от использования государственного и муниципального имущества.

Одним из важнейших элементов работы финансово-контрольных органов является достижение высокого качества собственных контрольных мероприятий. Вот почему они должны стремиться к тому, чтобы анализировать качественные параметры расходования государственных и муниципальных средств и прежде всего их социальную результативность.

Органы финансового контроля должны взять на особый контроль результативность осуществления социальных программ. Государство только тогда будет эффективным, когда результативность деятельности каждого органа власти, каждого должностного лица будет оцениваться не столько по количеству потраченных средств, сколько по достигнутым результатам.

Рассмотренные предложения по внесению изменений в организационное и правовое обеспечение деятельности контрольно-счетных органов расширят их возможности при проведении бюджетно-финансового контроля. Независимость и координация действий других контрольных органов позволят более объективно подходить к вопросам распределения и использования бюджетных средств, что немаловажно для государства в период острого дефицита средств.

Д.Ш. Хусанова, гр. МКФ-01, ТГЭУ

Основные положения финансовой политики

Финансовая политика подразделяется на государственную финансовую политику и политику отдельно взятой хозяйственной структуры. Финансовая политика выражает интересы тех, кто её организует. Финансовая политика, определяемая и проводимая со стороны государственных органов в отношении организаций микроэкономического уровня через законодательную и нормативную базу, а также бюджетную, банковскую, налоговую системы и правоохранительные органы, называется государственной финансовой политикой.

Основными формами регулирования финансов со стороны государства являются: направления бюджетных средств на наиболее важные объекты финансирования; регулирование тех или иных экономических направлений процессов через государственную систему налогообложения; регулирование конкурентоспособности отечественных товаров и внешнеэкономических финансовых потоков посредством изменения таможенных платежей; участие в регулировании стабилизации курса отечественной валюты по отношению к устойчивым иностранным валютам с помощью Центробанка и валютных резервов; другие формы.

Финансовая политика, определяемая и проводимая работодателями организации в интересах данной организации через финансовые отношения и механизмы называется финансовой политикой организации.

Управление финансами осуществляется не ради самого управления, не ради финансовой науки, а для достижения целей и выполнения задач, поставленных финансовой политикой. Управление финансами есть процесс реализации финансовой политики.

Финансовую политику организации определяют учредители, собственники, организует финансовое руководство. Исполнителями финансовой политики являются финансовые службы, производственные структуры подразделения и отдельные работники организации. Обобщая сказанное, сформулируем основное определение финансовой политики. Финансовая политика организации является составной частью её экономической политики и выражает совокупность мероприятий по организации и использованию финансов для осуществления своих функций и задач, качественно определенного направления развития, касающегося сфер, средств и форм его деятельности, системы взаимоотношений внутри организации, а также позиций организации внешней среде.

Финансовая политика задаёт направление финансовой деятельности и, используя имеющиеся возможности и средства, оказывает влияние на финансовые процессы, чтобы они развивались в указанном направлении. Финансы, а значит, и финансовая политика неизбежно связаны с распределением и перераспределением денежной формы вновь создаваемого продукта. Более того, финансовая политика есть искусство перераспределять денежную форму стоимости, а значит должна быть направлена на создание условий для увеличения базы распределения - финансовых ресурсов (капитала) организации.

Финансовая политика - есть искусство влиять на объект управления финансами - хозяйственную систему и её деятельность. Поэтому финансовая политика бывает направлена на централизацию доходов объекта финансового управления в специальных фондах финансовых и кредитных ресурсов, которыми располагает субъект финансовой политики - учредители и руководство (работодатели).

Финансовая политика заключается в постановке целей и задач финансового управления, а также в определении и использовании методов и средств их реализации, в постоянном контроле, анализе и оценке соответствия происходящих процессов намеченным целям. Финансовая политика проявляется в системе форм и методов мобилизации и оптимального распределения финансовых ресурсов. Финансовая политика определяет выбор и разработку финансовых механизмов, способы и критерии оценки эффективности и целесообразности формирования, направления и использования финансовых ресурсов в управлении.

Объектом финансовой политики является хозяйственная система организации, а также любые виды и направления хозяйственной деятельности в их взаимосвязи с финансовым состоянием организации и финансовыми результатами. Объект финансовой политики представляет всю совокупность, на которую воздействует финансовая политика.

Составляющие элементы объекта финансовой политики, с которыми она взаимодействует, образуют предмет финансовой политики. Предметом финансовой политики являются внутрифирменные и межхозяйственные финансовые процессы, отношения и операции, включая производственные процессы, образующие финансовые потоки и определяющие финансовое состояние и финансовые результаты, расчётные отношения, инвестиции, вопросы приобретения и выпуска ценных бумаг.

К основным составляющим финансовой политики в области ценных бумаг относят способы увеличения акционерного капитала, размещение акций, допуск к котировке акций на фондовой бирже, а также распределение выпуска акций среди акционеров компании.

Г.З. Ходжаева, соискатель, ТГЭУ

Понятие валютных операций и их классификация

В своей деятельности коммерческие банки привлекают денежные средства предприятия, физических лиц, высвобождающиеся в процессе хозяйственной деятельности, и предоставляют их во временное пользование другим экономическим субъектам, нуждающимся в дополнительных средствах.

Согласно Закону «О валютном регулировании и валютном контроле» к валютным операциям относятся:

а) приобретение резидентом у резидента и отчуждение резидентом в пользу резидента валютных ценностей на законных основаниях, а также использование валютных ценностей в качестве средства платежа;

б) приобретение резидентом у нерезидента либо нерезидентом у резидента и отчуждение резидентом в пользу нерезидента либо нерезидентом в пользу резидента валютных ценностей, валюты Республики Узбекистан и внутренних ценных бумаг на законных основаниях, а также использование валютных ценностей, валюты Республики Узбекистан и внутренних ценных бумаг в качестве средства платежа;

в) приобретение нерезидентом у нерезидента и отчуждение нерезидентом в пользу нерезидента валютных ценностей, валюты Республики Узбекистан и внутренних ценных бумаг на законных основаниях, а также использование валютных ценностей, валюты

Республики Узбекистан и внутренних ценных бумаг в качестве средства платежа;

г) ввоз на таможенную территорию Республики Узбекистан и вывоз с таможенной территории Республики Узбекистан валютных ценностей, валюты Республики Узбекистан и внутренних ценных бумаг;

д) перевод иностранной валюты, валюты Республики Узбекистан, внутренних и внешних ценных бумаг со счета, открытого за пределами территории Республики Узбекистан, на счет того же лица, открытый на территории Республики Узбекистан, и со счета, открытого на территории Республики Узбекистан, на счет того же лица, открытый за пределами территории Республики Узбекистан;

е) перевод нерезидентом валюты Республики Узбекистан, внутренних и внешних ценных бумаг со счета (с раздела счета), открытого на территории Республики Узбекистан, на счет (раздел счета) того же лица, открытый на территории Республики Узбекистан;

Коммерческие банки могут осуществлять вышеуказанные операции только при наличии соответствующей лицензии Центрального банка Республики Узбекистан. Банки, получившие лицензию на валютные операции, называются уполномоченными банками.

Банк в соответствии со своим уставом и лицензией на ведение международных операций принимает средства в иностранной валюте на счета государственных, акционерных, арендных и иных предприятий, объединений и организаций и совместных предприятий (в дальнейшем именуемых "предприятия").

Система использования пластиковых карточек (VISA, American Express, Tomas Kuk) получила свое развитие и в коммерческих банках на территории Республики Узбекистан. Коммерческие банки могут осуществлять операции с Республики Узбекистан пластиковыми карточками как для узбекских, так и для иностранных граждан, заключив соответствующий договор с уполномоченными банками.

*А. Атаханов,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Пул-кредит сиёсатидан фойдаланиш механизми

Монетар сиёсат ўзида мураккаб ўтиш механизмини мужассамлаштиради. Унинг барча звеноларидаги ишнинг сифати, сиёсат мақсадларини фойдалигига боғлиқ.

Пул-кредит сиёсатига ўтиш механизмини 4 та бўғинга ажратиш мумкин:

1) марказий банк сиёсати мутаносиблигида ўтказилиши натижасида ҳақиқий пул таклифи ҳажмини ўзгариши;

- 2) пул бозорида фоиз ставкасининг ўзгариши;
- 3) жами харажатлар фоиз ставкаси динамикаси билан реакцияга кириши;
- 4) ялпи талаб ўзгариши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши.

Пул таклифни ўзгариши ва ялпи таклифни тақсимланиши орасида, ҳамда яна иккита оралиқ табақа, сўнгги натижага жонли таъсир этиш орқали ўтказди. Фоизнинг бозор ставкаси ўзгариши иқтисодий агентлардаги активлар портфели таркиби ўзгариши оқибатида юз беради. Бу эса ўз навбатида Марказий банкнинг кенгайтирилган пул сиёсати натижасида қўлида керагидан кўпроқ пул йиғилиб қолиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Ҳаммага маълумки, бу ҳол бошқа кўринишдаги активлар сотиб олишга кредитнинг арзонлашувига ва фоиз ставкасининг тушишига олиб келади. Бироқ, пул бозорининг реакцияси пулга бўлган талаб характериға боғлиқдир. Агарда пулга бўлган талаб фоиз ставкаси ўзгаришига етарлича сезгир бўлса, унда пул массасининг кўпайишиға фоиз ставкасининг унчалик катта бўлмаган ўзгариши сабаб бўлади ва тескариси: агар пулга бўлган талаб фоиз ставкаси ўзгаришиға суст равишда сезгир бўлса, унда пул таклифининг ошиши фоиз ставкасининг анчагина тушишиға олиб келади.

Узатувчи механизмнинг ҳар қандай бўғинидаги камчилик пул сиёсати натижаларига салбий таъсир этиши ҳаммага аёндыр. Масалан, пул бозоридаги фоиз ставкасидан унчалик катта бўлмаган ўзгариши ёки якуний талабни ташкил этувчиларнинг фоиз ставкаси динамикасига реакциянинг йўқлиги пул массаси ўзгаришлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми арафасидаги боғлиқликни йўқотади.

Узатиш механизми ишнинг сифатидан ташқари пул сиёсатини амалга оширишда бошқа қийинчиликлар мавжуд. Марказий банк томонидан мақсадли параметрлардан бирини қўллаб-қувватлаш учун, фоиз ставкасини пул бозорида ўзгаришлар содир бўлганда бошқа параметрларни ўзгартиришни талаб этади, бу эса доим ҳам иқтисодиётнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир этмайди. Бу ҳолат қуйидагича тушунтирилиши мумкин.

Марказий банк инвестицияларни барқарорлаштириш мақсадида фоиз ставкаларини маълум даражада ҳамда унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмиға таъсирини ушлаб туради. Аммо, қандайдир сабаблар билан иқтисодиётда ўсиш содир бўлса ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ошса, бу ўз навбатида пулга бўлган трансакцион талабнинг ошишиға олиб келади. Ўзгармас пул таклифи шароитида фоиз ставкаси ошиб боради, демак, уни олдинги даражада ушлаб туриш учун Марказий банк пул таклифни ошириши мумкин. Бу эса ўз навбатида ЯММ ўсишини рағбатлантириш, ҳамда шунинг билан бирга инфляцияни келтириб чиқариши мумкин.

Пулга бўлган талабнинг тушиши ва қисқариши кузатилганда Марказий банк фоиз ставкаларининг тушишини олдини олиш учун пул таклифини камайтириши лозим. Бироқ, бу якуний талабнинг тушишига олиб келиб, иқтисодиётдаги тушкунликни кучайтиради холос.

Пул-кредит сиёсатини юритишда, яъни билвосита таъсирларни ҳам инобатга олган маъқул. Масалан, Марказий банк пул таклифини ошириш керак деб ҳисобласак, у қимматли қоғозлар бозорида облигацияларни сотиб олиш билан пул базасини кенгайтириш мумкин. Аммо пул таклифининг ошиши билан бир пайтда фоиз ставкаларининг пасайиши бошланади.

Пул-кредит сиёсати бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсат билан боғлиқ. Агар Марказий банк алмаштириш курсини ҳимоялашни ушлаб туришни мақсад қилиб қўйса, амалиётда ички пул сиёсатини бошқариш мумкин бўлмайди, валюта резервлари ошиши ёки қисқаришига ўхшаб, алмаштириш курсини автоматик ушлаб турилиши иқтисодиётда пул массасини ўзгаришига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтиш иқтисодиётида инфляцияни, ишсизлик даражасини кескин пасайтириш, кредит миқдори ва пул массасини назорат қилиш учун дастлаб пул-кредит сиёсатининг бевосита усулларида фойдаланилади. Чунки режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки пайтларида ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида албатта турли номутаносибликлар вужудга келади. Ушбу номутаносибликлар инфляция даражасининг ўсиши ва ҳатто шиддатли тус олиши, молиявий ресурслар ва бюджет тақчиллиги, ўзаро қарзлар ҳамда давлат харажатлари ўсиши, ишсизлик муаммоси, тўлов баланси мувозанати бузилиши ва бошқа шакллarda намоён бўлади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок айнан бозор муносабатларига мос банк тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди ҳамда етарли даражада ҳуқуқий ва иқтисодий асос яратилди. Шунингдек, мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун қатор иқтисодий ва тузилмавий ислохотлар амалга оширилди.

Бевосита усуллардан биринчиси кредитларни миқдорий чеклаш бўлиб, бу усулнинг мазмуни тижорат банклари Марказий банк белгиланган кредитлар берилиши меъёрини оширишлари мумкин эмас. Амалиётда Марказий банк мамлакатдаги турли банкларга кредитлар берилиши ўсишининг энг юқори суръатини белгилайди. Демак, кредит орқали тартибга солишнинг бу усули берилган кредитлар суммасига миқдорий чекловларни ўрнатишни билдиради. Берилган кредитларга миқдорларни белгилаш банк фаолиятига таъсир қилишнинг бевосита усули ҳисобланади. Банк кредитларни ўзларининг анъанавий мижозларига, яъни

йирик корхоналарга беришга ҳаракат қилади. Ўрта ва кичик фирмалар эса ушбу сиёсатнинг асосий «жабрдийдалари»га айланади.

Кредитлашни микдорий чегаралаш усули бир қатор камчиликларга эга. Улардан энг асосийси, шуки, бу усул, биринчидан, банк тизими умумий фаолиятини ёмонлашувига олиб келади.

Иккинчидан, кредит чекловлари банк ишида рақобатни сусайтиради, чунки банк захираларнинг қўшимча суммасини Марказий банкнинг фойсиз ҳисоб варағида музлатиб қўйишга мажбур бўлади. Шунинг учун бу усулдан фойдаланиш ҳозирги кунда кенг тус олмаган, баъзи бир давлатларда эса умуман бекор қилинган.

Марказий банк тижорат банкларига турли меъёрларни ўрнатади. Уларга тижорат банки капиталининг етарлилиги меъёри, баланс ликвидлилиги меъёри, бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп микдори меъёри ва бошқалар киради. Санаб ўтилган меъёрлар тижорат банклари томонидан амалга оширилиши мажбурий ва уларни тижорат банклари керакли даражада сақлаб туришлари лозим. Шу билан бирга Марказий банк тижорат банкларига мажбурий бўлмаган баҳолаш меъёрларини ўрнатиши мумкин. Бу меъёрларни тижорат банкларига зарур даражада сақлаб туриши тавсия этилади.

Тижорат банклари томонидан банк қонунчилиги, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари бузилганда, шунингдек улар ўз фаолиятида бошқа жиддий камчиликларга йўл қўйсалар ва бу орқали банк акционерлари, омонатчилари, мижозлари ҳуқуқлари камситилса, Марказий банк тижорат банкларига маъмурий таъсирнинг энг оғир чораларини кўради ва бу банкларнинг тугатилишига сабаб бўлади.

А.А.Низамов, студент гр. ММНП-10, ТГЭУ

Развитие фондового рынка в системе корпоративного управления в Узбекистане

Полномасштабное создание акционерных обществ как организационно-правовой формы ведения бизнеса и внедрения принципов корпоративного управления являются одним из условий экономического развития республики. Важную роль в процессе реформирования отечественной экономики играет фондовый рынок. С его помощью обеспечиваются мобилизация свободных средств населения, предприятий, организаций и направление их на развитие различных сфер экономики. Общеизвестно, что именно эффективный фондовый рынок является ключевым механизмом развития рыночной экономики, поскольку предоставляет возможность привлечения инвестиций и перераспределения капитала.

Следует отметить, что в Узбекистане фондовый рынок пока только начинает приближаться к выполнению своих макроэкономических функций. Несмотря на относительно высокие темпы развития отечественного рынка ценных бумаг, его капитализация остается все еще недостаточной для использования всех преимуществ современных инструментов фондового рынка. В настоящее время можно уверенно говорить о формировании в Узбекистане современной инфраструктуры рынка ценных бумаг. Не вызывает сомнения и жизнеспособность этого рынка. Тем не менее международный опыт свидетельствует о необходимости постоянной адаптации сложившейся образовательной инфраструктуры к требованиям развивающегося рынка.

Несмотря на имеющийся массив законодательства по регулированию рынка ценных бумаг, следует признать, что правовое обеспечение в данной сфере не в полном объеме обеспечивает эффективный правовой режим его функционирования. Имеющиеся недостатки в первую очередь связаны с отсутствием действенных механизмов обеспечения применения действующего законодательства. Однако здесь важно заметить, что нормотворческий процесс в сфере правового регулирования корпоративного сектора носит непрерывный характер. Так, в числе последних правовых инициатив можно привести постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию рынка ценных бумаг» от 27 сентября 2006 года, направленное на обеспечение прозрачности и устойчивости функционирования рынка ценных бумаг, внедрение современных информационных технологий, актуализацию привлечения инвестиций, совершенствование системы корпоративного управления. Настоящим постановлением был детализирован порядок выпуска облигаций, повышены требования к отчетности исполнительных органов акционерных обществ, установлен ряд налоговых преференций относительно доходов акционеров по дивидендам и др.

Несомненно, указанные процессы требуют соответствующего экономического, правового и институционального обеспечения. Все это проявилось в формировании отлаженной системы корпоративного управления, регулируемой соответствующими нормами законов. Было положено начало формированию в республике корпоративного права как новой для отечественной юриспруденции отрасли права, ориентированной на урегулирование отношений в сфере деятельности акционерных обществ. Становление корпоративного управления находится еще на начальном этапе, поэтому надо четко определить предмет и методы правового регулирования, фундаментальные принципы и обеспечить дальнейшее развитие корпоративного права как самостоятельной отрасли права, так как корпоративное право, в первую очередь, призвано максимально защищать права и законные интересы акционеров.

Общепризнанно, что акционеры действительно являются владельцами средств корпорации, однако они не управляют этими средствами, а в результате сохранность и доходность их имущества зависят от уровня совершенства корпоративного механизма. Таким образом, акционеры, в сущности, не имеют прямого контроля за использованием и распоряжением имуществом корпорации, что, в свою очередь, создает условия для нарушения прав и законных интересов акционеров путем обмана.

Эффективность системы корпоративного управления зависит от доверия общества, а его невозможно получить без своевременного предоставления полной и надежной информации. Соответствующий режим раскрытия информации служит главной предпосылкой реализации акционерами своих прав, защиты их законных интересов и является одним из основных способов корпоративного контроля. Для совершенствования отечественной системы корпоративного управления необходимо создать гибкий механизм инвестирования средств отечественных инвесторов в экономику страны, широко внедрять общепринятые международные стандарты корпоративного управления в практику работы отечественных акционерных обществ, создать надежные правовые механизмы по защите прав инвесторов, обеспечить высокий уровень информационной прозрачности корпоративного сектора, законодательно разработать и внедрить систему сбора, анализа и контроля информации акционерных обществ, что позволит вести оперативный учет, обрабатывать и передавать информацию по электронным каналам, анализировать и принимать, при необходимости, оперативные меры по пресечению нарушений законодательства.

Ш.А. Худайбергенова, гр. МКК-21, ТГЭУ

Перспективы секьюритизация кредитного портфеля коммерческого банка

Финансовый сектор Узбекистана в данный момент переживает существенный рост объемов банковского кредитования. При этом ресурсы, привлечённые на срок свыше трех лет, составляют примерно 4 - 5 % банковских пассивов, что обуславливает замедленное развитие долгосрочного кредитования, а особенно ипотеки. В докладе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2006 году и важнейшим приоритетам углубления реформ в 2007 году была подчеркнута необходимость банкам выступать инициаторами и активными участниками по созданию финансово-промышленных групп и важнейшей задачей по

реформированию банковской системы должна стать для банков реализация комплекса мер по увеличению своих активов, и активное их размещение на фондовых рынках для привлечения свободных денежных средств населения, субъектов предпринимательства и потенциальных инвесторов, включая зарубежных.

Развитие эффективных механизмов рефинансирования кредитов может стать одним из способов преодоления нехватки долгосрочных финансовых ресурсов в составе пассивов банков. Секьюритизация - один из таких механизмов, который является одним из инновационных методов финансовой инженерии.

Секьюритизация, в широком смысле, представляет собой структурированную сделку, которая преобразовывает потоки будущих платежей в обращающиеся на рынке ценные бумаги. В узком смысле – это выпуск ценных бумаг, обеспеченных денежными потоками от определенных активов. Потоки платежей для секьюритизации должны быть, во-первых, делимыми от инициатора секьюритизации, во-вторых, прогнозируемыми по срокам и объемам, в-третьих, более или менее регулярными и, в-четвертых, однородными, если таких потоков много. Исходя из данных требований, можно сказать, что кредитный портфель банка, а также лизинговый портфель лизинговой компании, где банк и лизинговая компания преобразовываются, в финансово-промышленную группу, из которого в своё время банк формирует пул - является идеальным актом для секьюритизации.

При классической секьюритизации первичный кредитор (оригинатор) формирует пул кредитов, однородных по некоторым признакам, и переуступает (продает) его специально созданному юридическому лицу, которое финансирует покупку с помощью эмиссии ценных бумаг, обеспеченных будущими платежами по кредитам. Таким образом, оратор получает капитал, привлеченный от инвесторов на фондовом рынке. В сделке секьюритизации также участвует обслуживающий агент (зетсег), который принимает платежи от должников, ведет работу с теми из них, у которых возникла задолженность по кредиту, а также обращает взыскание на залог по обеспеченным кредитам. За эту работу зетсег получает от 8РУ комиссию. В роли сервисного агента может выступать и сам оратор.

8РУ обычно создается как бесприбыльная организация, однако, если в процессе его работы прибыль образуется, она передается оратору по заранее определенной схеме. В сделках секьюритизации 8РУ юридически не зависит от оратора, и не несет ответственности перед его кредиторами, что обеспечивает независимость выплат по ценным бумагам от финансового состояния оратора.

Для защиты интересов инвесторов в сделках секьюритизации также участвуют специальные трасты, которые контролируют

распределение денежных потоков от секьюритизируемых активов. Кроме того, может назначаться резервный сервисный агент на случай неисполнения основным сервисным агентом своих обязательств по обслуживанию пула кредитов. Таким образом, можно сформулировать основные принципы классической секьюритизации: действительность продажи активов; защищенность специально созданного юридического лица от банкротства; жесткий контроль инвесторов над денежными потоками. Кроме классической схемы секьюритизации существует также «синтетическая» секьюритизация, при проведении которой пул кредитов не продается специальному юридическому лицу, а лишь выделяется на балансе банка-оригинатора. При синтетической секьюритизации происходит передача риска, связанного с активом, а не самого актива. Изоляция секьюритизируемых активов от риска банкротства банка-оригинатора в этом случае происходит путем отделения пула кредитов от общей конкурсной массы при банкротстве originатора и закрепления в законодательстве первоочередного права держателей ценных бумаг секьюритизации (инвесторов) на данный пул активов по сравнению с другими кредиторами originатора. Положительные моменты, которые влечет за собой секьюритизация для банка-оригинатора:

- 1) Привлечение дополнительного финансирования.
- 2) Улучшение показателей баланса (при классической секьюритизации): повышение доходности на собственный капитал банка при соблюдении требований к достаточности капитала; снятие рисков с баланса банка; перевод долгосрочных кредитов на другое юридическое лицо.
- 3) Диверсификация источников финансирования путем получения доступа к рынкам капитала.
- 4) Расширение круга потенциальных инвесторов.
- 5) Снижение стоимости финансирования по сравнению с выпуском обыкновенных облигаций, если кредитное качество секьюритизируемых активов выше кредитного качества баланса банка в целом.

*Ф.А. Аллаяров, соиск. ИМИТ
Г.Н. Абдугафарова, БМА*

Совершенствование банковского аудита на основе информационных технологий

Действующие национальные стандарты аудита определяют лишь общий подход к его проведению, масштаб проверки, виды отчетов аудиторов, вопросы методологии, а также основные принципы, которым должны следовать аудиторы. Однако стандарты не регламентируют

конкретные действия, приёмы, процедуры, применяемые в процессе проведения проверки. Они могут быть различными в зависимости от объекта проверки, и их рациональность определяется самими аудиторами. Этой цели служат внутренние стандарты аудита.

Для достижения высокого качества оказываемых аудиторских услуг аудиторы и аудиторские фирмы на основе национальных стандартов должны разрабатывать свои внутренние стандарты, учитывающие специфику работы аудиторской фирмы и раскрывающие содержание конкретных процедур проведения проверки, сбора аудиторских доказательств, их документирования, политики взаимоотношений с клиентами, внутреннего контроля и внутренней отчетности фирмы, прав и обязанностей сотрудников, требований к уровню их образования и квалификации и др. Объектом проверки финансовых результатов коммерческого банка являются бухгалтерские отчеты, представляющие собой конечный финансовый результат, выявленный за отчетный период на основании бухгалтерского учета всех видов услуг и оценки статей бухгалтерского баланса и отчета о финансовых результатах, принятых в соответствии с национальными стандартами бухгалтерского учета и финансовой отчетности в Республике Узбекистан. Целью аудиторской проверки конечных финансовых результатов и их использования является формирование мнений о достоверности конечного финансового результата.

Для достижения этой цели необходимо использовать возможности современных информационных технологий и автоматизированных систем.

Автоматизированные системы аудиторской деятельности должны состоять: из экономико-математических, организационных и информационных моделей, отражающих аудиторские процессы; технических, программных, информационных и других средств.

Внедряемые в настоящее время информационные системы «Автоматизированные системы анализа финансового состояния коммерческого банка» (АСАФС КБ) и «Интегрированная информационно-аналитическая система коммерческого банка» (ИИАС КБ) достаточно полно выполняют эти требования.

АСАФС КБ, используя данные автоматизированного рабочего места бухгалтера, выполняет следующие функции: вычисление отчетных показателей анализа финансового состояния коммерческого банка; просмотр и редактирование результатов отчетных показателей в диалоговом режиме; формирование файла данных для передачи в вышестоящий уровень банка.

ИИАС КБ – это система учета, планирования, контроля анализа данных о затратах и результатах деятельности подразделений коммерческого банка для оперативного принятия на их основе различных

управленческих решений в целях оптимизации финансовых результатов деятельности банка и каждого его филиала.

Все данные в этой системе сведены для оперативного извлечения в одно информационное хранилище. В системе предусмотрено: обеспечение ввода данных из различных источников; проверка логической корректности и полноты вводимой информации.

Б.А. Рахматуллаев, ассист., ТДИУ

Солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ сиёсатининг самарадорлиги мамлакатда оптимал солиқ муносабатларининг вужудга келиши ва ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигини таъминлаш натижасида рақобатбардош товарлар ва хизматлар бозоришаклланиши билан белгиланади.

Солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида солиқ ставкалари камайиши иқтисодиётдаги солиқ юкининг пасайишига олиб келди. Биз қуйидаги 2000 - 2008 йилларда юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи, ягона ижтимоий тўлов ва ягона солиқ тўлови ставкаларини ўзгариш динамикасини кузатамиз. Солиқ ставкалари қуйи томон ўзгариш тенденциясига эга бўлиб, юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи ставкаси 2000 йил учун 31 % бўлса, 2009 йилга келиб ушбу солиқ ставкаси 10 % қилиб белгиланди, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкаси 2000 йил учун 15,2 % бўлса, 2009 йилга келиб ушбу солиқ ставкаси 8 % қилиб белгиланди, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 2000 йилда 40 % қилиб белгиланган бўлса, бу ставка 2009 йилга келиб 24 % гача туширилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати ва амалдаги солиқ тизимини ҳамда, ривожланган хорижий мамлакатларда юритилаётган солиқ сиёсатининг илғор тажрибаларини таҳлил этиш натижасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Ҳозирги давр давлат бошқаруви тизимида солиқларнинг функциялари ўзаро алоқадорлиги таъсирида намоён бўлмоқда. Улар давлат қурилиши, тадбиркорлик ва ижтимоий функциялари бозор иқтисодиётига мос равишда амал қилмоқда, қуйидаги омиллар солиқ сиёсатини баҳолашда қўшимча омил сифатида қўрилиши керак:

- иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий омили бўлиши;
- солиқ сиёсатида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилаётган амалдаги имтиёзлар тизими ҳудудлар иқтисодиётга таъсирини аниқлаш омили бўлиши;
- бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари ўртасида солиқ юкининг тўғри тақсимланаётганлиги самарали натижасини бермоқда. Аммо солиқ юкини ҳудудларни иқтисодий тармоқлар орасида тақсимлаш омили бўлиши;
- солиқ сиёсатинининг амалдаги ҳолати ва солиқ тушумларини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда мамлакатимизда эгри солиқлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан катта миқдорни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, уларнинг умумий ҳажми яққол ўсиш томонга йўналтириш учун юқоридаги омилларни ҳисобга олиш;
- солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш механизмини янада соддалаштириш омили.

Р.Р. Ризаев,
МСС-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Солиқ тизимини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари

Бозор муносабатларига ўтиш давридаги мураккаб иқтисодий шароитда давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш механизмида солиқларнинг ўрни ниҳоятда бекиёс. Иқтисодиётнинг самарали ривожланиши ҳозирги иқтисодий тараққиётда кўп даражада давлат томонидан иқтисодий жараёнларни бошқаришни тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йиллариданоқ давлат иқтисодиётни тартибга солишда солиқлардан ушбу концепцияга асосланган ҳолда фойдаланди. Иқтисодий ислохотлар бошланган даврдан буён ўтган вақт мобайнида республикаимизда иқтисодий ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий шу жумладан солиқ соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Бугунги кунда солиқ тизимини оптималлаштириш иқтисодий ислохотларнинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Жаҳон тараққиётида давлатларнинг иқтисодий тузуми, иқтисодий, сиёсий ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатлари ҳолатининг турлича бўлиши, ўз навбатида ҳар бир давлатда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрнини солиқларнинг таркибий тузилиши, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатини, солиқлар бажарадиган функциялардан фойдаланиш

шароитлари, солиққа тортиш тамойиллари, солиқ имтиёзлари таркиби ва улардан фойдаланиш самараси, солиқ юки даражасининг ҳам турлича бўлишини тақозо этади. Бинобарин, бундай шароитда солиқ тизимини оптималлаштириш жараёни ҳам турлича бўлиши табиий ҳолдир.

Солиқ тизимини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқишда мамлакатда солиқ муносабатларининг шаклланиш ҳолати ҳам муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиётига тобора мослашиб бораётган республикамиз учун солиқ муносабатлари ўзига хос тартибда, айтиш мумкинки бироз мураккаб шаклланиб бормоқда.

Бугунги кунда республикамизда солиқ тизими воситасида иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий йўлларида бири бу солиқларнинг фискаллигини ошириш эмас, балки солиқ тўловчилар сонини кўпайтиришга ва уларнинг эркин даромад олишларига имконият яратишдир. Солиқларни тартиблаш воситасида иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир этишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади. Аввало, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатнинг самарали эмаслигини таъкидлаб, уларни такомиллаштириш йўллари таклиф этамиз:

1) солиқлардан берилаётган имтиёзларнинг самарасини аниқлаш, уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсири жиҳатидан аҳамиятини белгилаш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиш мақсадида уларни икки гуруҳга бўлиб олдик. Биринчиси ижтимоий имтиёзлар. Булар асосан солиқ тўлаш имкониятига эга бўлмаган, инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган солиқ тўловчиларга берилади. Уларнинг бир қисмига имтиёз сифатида қарашнинг ўзи нотўғри, чунки уларни тақдим этиш ёки этмаслик бюджет даромадлари миқдорига таъсир этмайди. Ҳозирги пайтда иккинчи гуруҳ, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ имтиёзларга кўпроқ аҳамият берилиши лозим. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ рағбатлантирувчи имтиёзлардан самарали фойдаланиш келажакда ижтимоий имтиёзлар учун манбадир. Бир томондан хўжалик субъектларининг ижтимоий соҳаларга харажатлари кўпайса, иккинчи томондан бюджетдан ижтимоий харажатлар учун манба вужудга келади;

2) солиққа тортишнинг иқтисодий самарадорлигини пасайтирадиган ҳолатлардан бири бу - солиқ қонунчилигини тез-тез кўриб чиқилиши тадбиркорлик фаолиятининг ёмонлашувига олиб келади. Бунинг устига бундай ўзгаришлар йилнинг ўрталарида тез-тез кузатилади ва тадбиркорларнинг режаларига салбий таъсир кўрсатади.

3. республикада иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг аниқ концепциясини, йўналишини ишлаб чиқиш зарур, Бу йўналишнинг асоси миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлайдиган ва амалда натижа берадиган имтиёзларни жорий этишга асосланиши керак;

4. ҳозирги иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш омиллари давлат харажатларининг асосий йўналишларини ўзида акс эттириши лозим. Шу сабабларга кўра, мамлакатимизда солиқ тизимини иқтисодий ҳуқуқий жихатдан янада такомиллаштириш муаммоси юзага келди.

Бундай такомиллаштиришнинг бош йўналиши – ўз-ўзини молиялаштириш бўлиб, бу зарурат тадбиркорлик ривожланган мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам муайян даражадаги мувофиқлаштиришни талаб этади;

- бизнинг назаримизда солиқ сиёсати стратегиясини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга риоя этилишини таъминлаш лозим:

- солиқ тизимини барқарорлаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектларни тармоқ нуқтаи назаридан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар адолатлилик тамойили асосида солиққа тортиш;

- тенг даромад даражасига эга бўлган солиқ тўловчиларнинг турли тоифалари учун солиқ юкини тенглигини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш)да банд бўлган тадбиркор ва истеъмолчиларга бир хил шарт-шароитни юзага келтириш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш тамойилларига тўла мос келади ва солиқ тизимини оптималлаштириш натижасида макроиқтисодий барқарорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади.

*А.А. Сиддиқов,
МСС-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Солиқ тўловчиларга солиқ турлари бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш

Замонавий жамиятда солиқлар иқтисодий ва ижтимоий масалаларни тартибга солишда давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширувчи муҳим воситадир. Солиқларга бозор иқтисодиётининг ички ҳаракатлантирувчи кучларидан бири сифатида бунинг асосини ҳам худди шу ҳолат билан боғлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар бюджетни даромад билан таъминловчи асосий манба ҳисобланиб, уларнинг шаклланишида солиқ тўловчилар, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг ўрни бекиёсдир. Мамлакатимизда кейинги йилларда солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва

самарали солиқ сиёсатини юритиш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши, кўп жиҳатдан, уларнинг давлат бюджети билан бўладиган солиқ муносабатларига бевосита боғлиқ. Бу муносабатларда солиқларнинг фискаллик функциясига устуворликнинг берилиши, хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Шу боисдан, солиқ сиёсатида солиқларнинг рағбатлантирувчилик функциясига алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Солиқ сиёсатининг вазифаси – бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан – корхоналарни мамлакатимиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборатдир»¹.

Шундай экан, бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда, бозор учун муваффақиятли ишлаётган корхоналарни рағбатлантиришга эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Ҳозирги шароитда солиқ тизимининг ёки юридик шахслар фаолиятида солиқларнинг олиниши жараёнида асосий ўрин эгаллайдиган, солиқларнинг ажралмас қисми ҳисобланган солиқ имтиёзларига мурожаат қилганимизда, юридик шахслар фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича улар фаолиятини ривожлантириш, уни корхоналар манфаати йўлида ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар берилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Лекин шу билан бир қаторда амалдаги солиқ қонунчилигида ҳеч қандай самара бермайдиган, аниқ бир мақсадни кўзламайдиган манзилсиз, шу билан бирга солиқ тўловчилар ўртасида тенгсизлик, адолатсизликни юзага келтирадиган солиқдан имтиёзлар ҳам борки, бизнинг фикримизча бу имтиёзлар бекор қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, солиқдан тўлиқ озод қилинадиган солиқ тўловчиларга имтиёзлар берилиши, солиқларни ўз вақтида ва тўлалигича тўлаб келаётган виждонли солиқ тўловчиларда солиқдан тўлиқ озод этилган шахсларга нисбатан норозичилик уйғотиши мумкин ва албатта виждонли охир-оқибатда солиқни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб келаётган солиқ тўловчида ҳам солиқни тўламаслик, камроқ тўлаш ёки қандай қилиб қонуний йўл билан солиқдан имтиёзга эга бўлиб олиш, солиқдан қочиш мақсадида қонунчиликдаги айрим йўл қўйилган камчиликлар (лазейка) ни излаб топишга ундайди. Иккинчидан, солиқдан имтиёз нотўғри берилиши корхоналарнинг ишлаб чиқаришга қизиқишини сўндириб, иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтириб юбориши мумкин. Бундай имтиёзларга Солиқ кодексининг 158-моддаси 1-бандида кўрсатилган «ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари»

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари – Т.: Ўзбекистон, 1998. 52 бет.

ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминлаш-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно» бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғидан озод этилади.

Албатта, бу имтиёзга танқидий ёндашув республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам таъминланган ва ночор қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилларига зид келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, бундай шароитда республика Меҳнат ва иш билан бандлик вазирлиги ва Ногиронлар уюшмаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда республикамизнинг ҳар бир вилоятида ногиронларни иш билан банд қилиш мақсадида улар учун ишлаб чиқариш корхоналари тузишса ва ушбу корхоналар барча имтиёзларга эга бўлса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биринчидан, бу имтиёз жуда ҳам манзилли бўлган бўлур эди. Иккинчидан эса, ушбу корхона ҳақиқатда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб, ўз маҳсулотлари билан республикамизнинг иқтисодий салоҳиятига оз бўлса ҳам ўзининг ҳиссасини қўшган бўлар эди.

А.А. Рахимов, соиск., ТГЭУ

Социально-психологические аспекты управления персоналом банка

Банковский менеджмент - научная система управления банковским делом и персоналом, занятым в банковской сфере. Он базируется на научных методах управления, конкретизированных практикой ведения банковского дела.

Банковская деятельность представляет собой специфичную сферу бизнеса, определяющую особенности мышления и поведения, занятых в нем работников, что неизбежно отражается на содержании банковского менеджмента. Банк представляет собой, прежде всего общественный институт, в котором сосредоточены денежные вклады многих клиентов (юридических и физических лиц), поэтому банковский бизнес ориентируется не только на получение прибыли, но и на обеспечение сохранности взятых займы денежных средств, т. е. на надежность и доверие вкладчиков. Менеджмент банка характеризуется эффективностью организации и руководства банком в постоянно изменяющихся условиях. Менеджмент является важным инструментом устойчивости банка, его неуязвимости при любых внешних потрясениях. Одним из основных частей банковского менеджмента является управление персоналом банка, которое направлено на рациональное использование знаний и опыта

банковских служащих, как необходимое условие обеспечения эффективности банковского дела.

Оно включает: мотивацию труда, организацию труда сотрудников банка, расстановку кадров, систему подготовки и переподготовки банковских кадров, механизм оплаты труда, поощрений и стимулирования, организацию контроля, систему продвижения по службе, принципы общения в коллективе. Научной основой управления персоналом является психология и деловая этика, позволяющая найти дифференцированные подходы к каждому сотруднику, планировать служебную карьеру и организовать материальное стимулирование.

Для успешной реализации системы управления банковским персоналом требуются следующие:

- мотивация труда персонала и творческая инициатива включающая в себя создание руководством банка, с одной стороны, таких условий труда, чтобы персонал банка работал с полной отдачей, был заинтересован в работе, а с другой — чтобы творческая инициатива, разработки, предложения персонала банка поощрялись руководством банка. В результате повышается эффективность банковской деятельности и растет прибыль;

- организационная культура банка, предусматривающая два аспекта. С одной стороны, — это культура обращения персонала банка при обслуживании клиентов по пассивным и активным операциям, а также финансовым услугам. С другой - организационная культура внутри самого банка, т.е. создание благоприятных бытовых условий для персонала банка (наличие хороших помещений, ресторана или столовой, системы отдыха для персонала, автостоянки и т. д.);

- влияние управления персоналом на деятельность банка и его организацию, что осуществляется через ежегодный анализ и оценку работы банковского персонала с точки зрения расширения операций и увеличения прибыли. Обычно такая оценка производится руководством при подготовке ежегодного баланса и при отчете перед акционерами банка на годовом собрании. Результаты такой оценки могут приводить и, как правило, приводят к изменению кадровой политики, так как персонал является важной производительной силой банка.

Ш. Мусурмонов, МБС-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Суғурта маҳсулотларини сотишда маркетинг ва рекламанинг ўрни

Суғурта компанияларида маркетинг ишини ташкил этиш учун қуйидаги тамойиллар ҳос ҳисобланади: аввало бозорни иқтисодий ҳолатини ва компаниянинг фаолиятини имкониятларини чуқур ва ҳар

томонлама ўрганиш; суғурта бозорини сегментлаш; суғурта хизматлари кўрсатишнинг харидор талабларига аниқ жавоб бериши; янгиликлар киритиш; режалаштириш.

Юқорида санаб ўтилган тамойилларга мувофиқ қуйидагилар маркетингнинг асосий вазифалари бўлади:

- бозорни тадқиқ қилиш ҳолати таҳлили ва башорати;
- маркетинг стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- суғурта хизматлари сиёсатини амалга ошириш;
- нарх-наво (дистрибуцион) сиёсатини амалга ошириш;
- қўшимча суғурта сиёсатини амалга ошириш;
- талабнинг шаклланиши ва хизматлар кўрсатишини рағбатлантириш;
- маркетинг хизматлари тузилмасини шакллантириш;
- маркетинг фаолиятини назорат қилиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назаридан ижтимоий-сиёсий ғояларни ва моддий нормаларни ташвиқот қилиш жараёнида шунингдек, аҳолининг оқилона эҳтиёжлари ва эстетик дидларини шакллантиришга фаол таъсир ўтказишнинг қудратли воситаларидан бири тижорат рекламасидир.

Маълумки, бозор шароитида тижорат рекламаси кишиларнинг дидини тарбиялаш талабини ўстириш ва айни вақтда товарларга бўлган талабни актив шакллантиришга қаратилгандир.

Бу халқ истеъмолининг яхшиланишига олиб келади.

Суғурта брокерлари суғурта маҳсулотларини сотишни савдо корхоналари ва ташкилотларида реклама ишларини режалаш, ташкил этиш унинг самарали бўлишини таъминлайди.

Суғурта брокерлари суғурта маҳсулотини сотиш бўйича реклама режала савдо корхоналари ва ташкилотларида ри 1 йилга тузади. Бу режада реклама акциялари реклама чора-тадбирлари ва реклама компанияларини ўтказиш ойлари аниқ кўрсатилган бўлади. Умуман маҳсулотларни сотиш бўйича тижорат рекламаси қатор талабларга жавоб бериши лозим.

1. реклама маълум мақсадга, маълум категория ва харидорларга мўлжалланган бўлиши;

2. реклама қилинадиган товар бозор талабларига жавоб бериши ва харидорлар талабини ўзида мужассамлаштирувчи бўлиши;

3. реклама фақат қатъий талабларнигина эмас балки ахлоқ ва эстетик норма талабларига жавоб бериши;

4. реклама ҳаққоний бўлиши керак, у реклама қилинаётган товар ва хизматлар ҳақида тўғри маълумот бериши;

5. реклама қилинаётган товарга конкурент (рақобат) бўлган товар

ҳақида нотўғри маълумот бермаслиги;

6. реклама мавсумий талаб эҳтиёжларига жавоб бериши;

7. реклама доимо ва мунтазам равишда ўтказиб турилиши лозим.

Ўз навбатида бозор муносабатлари даврида тижорат рекламаси харидорлар товарларни истеъмол қилишнинг энг оқилона усулларида хабардор қилиниши, унга ёрдам кўрсатиши лозим. Рекламанинг бу вазифаси истеъмолчига бўлган янги муносабатни аҳоли ҳақида унинг эҳтиёжлари ва соғлиғи тўғрисидаги ғамхўрликнигина ифода қолмай, балки муҳим иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир.

Суғурта маҳсулоти маркетингни бошқаришда жараёни ҳисобга олиши ва у нималардан ташкил топганига ҳам эътибор бериши керак:

- бозор имкониятлари таҳлили;
- мақсадли бозорни танлаш;
- маркетинг комплексини ишлаб чиқиш;
- маркетинг чора – тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш.

Суғурта маҳсулоти баҳосини бошқаришда маркетинг муҳити деганда фирма, корхона ёки унинг юқори ташкилотлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий омиллар мажмуи тушунилади.

***Ш.М. Мусурмонов, У. Жўраев,
МБС-01 гуруҳ талабалари, ТДИУ***

Транспорт суғуртаси - соҳа ривожланишининг янги даври

Мустақил Ўзбекистоннинг муҳим ютуқларидан бири суғурта бозорининг шаклланиши, давлатнинг суғурта соҳасидаги монополияга барҳам бериши бўлди. Истиқлол йилларида республикамизнинг суғурта бозорида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Маълумки, самарали суғурта тизимининг мавжудлиги мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асоси ҳисобланади. Бугунги кунга келиб суғурта фаолиятини тартибга солувчи таъсирчан қонунчилик тизими яратилган бўлиб, ушбу тизим умумий қонунчилик, махсус суғурта қонунчилиги ҳамда қонуности ва идоравий меъёрий ҳужжатлар мажмуасини ўз ичига олади. Табиийки, амалдаги қонунчилигимиз республикамизнинг тобора ривожланиб бораётган суғурта бозорини тартибга солишни таъминлаш учун мунтазам такомиллаштирилиб борилиши, суғурта бозорининг турли йўналишларига оид қонунлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича режали ишлар амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон суғурта бозорини янада ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида яқин ва узоқ хориж мамлакатлари ҳамда иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда қонун ҳужжатларини қабул қилиш зарурати туғилди. Ўзбекистоннинг суғурта қонунчилигини

халқаро суғурталаш амалиётига мувофиқлаштириш зарур. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилнинг 21 апрелида имзолаган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун расман эълон қилинганидан олти ой ўтгач, 2008 йил 22 октябрида кучга кирди ва бу йўналишдаги тадбирларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон суғурта бозорида бугунги кунда 31 та суғурта компанияси фаолият юритиб келмоқда. Айнан шу компанияларнинг 9 тасига транспорт эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга лицензия берилди.

Айтиш керакки, юртимизнинг иқтисодий юксалиши баробарида халқимизнинг турмуш даражаси ҳам ўсиб борди. Аҳоли фаровонлиги ўсиб, хусусий автомобил эгалари сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса миллий автомобилчилик саноатининг самарали фаолияти юртимизда транспорт воситаларининг сони ва турлари йилдан-йилга ошиб боришига, бу эса, ўз навбатида йўллар интенсивлигининг ўсишига сабаб бўлди.

Натижада йўл-транспорт ҳодисалари сонининг ортиши, улар туфайли мол-мулкка зарар етиши, йўловчи ва пиёдаларни бахтсиз ҳодисаларга учраши эҳтимоли ошиши кузатилади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларини ҳал этиш биринчи навбатда, инсонлар ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган. Бу ўринда муайян ижтимоий кафолатлар, йўл ҳодисаларини тартибга солишнинг аниқ механизми талаб этилади. Автомобиль эгалари жавобгарлигини мажбурий суғурталаш мана шу кафолатларни таъминлайди.

“Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида” ги янги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳам йўл-транспорт ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва саломатлигига, шунингдек жабрланганларнинг (учинчи шахснинг) мол-мулкига зарар етказилган тақдирда зарарнинг ўрни қопланишини кафолатлайдиган тизимни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур қонун ижроси бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга доир махсус қарор қабул қилинган бўлиб, у фуқароларнинг соғлиғи ва мол-мулкани ҳимоя қилишга, яъни юртимизда тинчлик-хотиржамликни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Қарорда республикада транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Янги қонунда автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича бир қанча тартиб тамойиллар белгиланган. Жумладан, унга кўра, транспорт воситалари эгалари транспорт воситаларидан фойдаланиш чоғида ўзга шахслар ҳаёти, саломатлиги ва (ёки) мулкига зарар етказиш бўйича фуқаролик жавобгарлигини суғурталашлари мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Шуниси эътиборга лойикки, транспорт воситаси эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини автомобилга эгалик ҳуқуқи юзага келган вақтдан кейин ўн кун ичида суғурталаши лозим.

Республика ҳукумати томонидан транспорт воситалари эгаларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича, суғурта суммаси 3 минг АҚШ доллари эквиваленти қилиб белгиланди.

Яна бир эътиборли томони шундаки, ушбу тартиб нафақат юртимиз фуқароларига, балки хорижлик ҳайдовчиларга ҳам тааллуқлидир. Чунончи хорижий автомобилчилар, агар мажбурий суғурталаш бўйича халқаро суғурта полисига эга бўлмаса, ўз фуқаролик жавобгарликларини автомобиллардан Ўзбекистон ҳудудида муваққат фойдаланиш муддатига, бироқ 15 кундан кам бўлмаган даврга, суғурталашлари лозим бўлади.

Мажбурий суғурталаш тезлиги 20км./соатдан ошмайдиган транспорт воситаларига, икки, уч ғилдиракли велосипедларга, двигатели 50 куб.см. гача бўлган мотоциклларга, ҳайвонлар қўшилган араваларга, Ўзбекистон Қуролли кучлари транспортлари ҳамда мажбурий суғурталашнинг халқаро полиси мавжуд бўлган тақдирда, хорижий давлатларда рўйхатдан ўтган автомобилларга жорий қилинмайди.

Умуман олганда, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни жорий этиш республика бўйича умумий суғурта мукофотлари 1,3 баравар кўпайишига олиб келади ва суғуртанинг бу тури, яъни мажбурий суғурталаш юртимизда одатий тус олиб, суғурта қилдирувчилар манфаатларига бирдек хизмат қилади.

Республикамиз суғурта бозорининг ривожланиши ва ислоҳ этиш босқичида ушбу тадбирни қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш ва ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ижобий натижалар бермоқда. Ўзбекистон суғурта компанияларининг яқин истиқболдаги асосий вазифаси эса жисмоний ва юридик шахсларнинг сифатли суғурта хизматларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш бўлиб қолди.

*Д.А. Ганиев,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Ўзбекистон Республикаси – халқаро молия муносабатларнинг фаол иштирокчиси

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига кириб боришида, унинг ҳудудий ва глобал даражадаги рақобатбардошлиги бўйича устунлиги, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш билан кўп жиҳатдан боғлиқ.

Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар бўйича қизгин мунозараларнинг мавжудлигига қарамасдан, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда, ҳукумат, мамлакатнинг географик, ишлаб чиқариш ва технологик ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарасини инобатга олмоқда. Халқаро меҳнат тақсимотини кучайтириш, халқаро хўжалик иштирокчиларидан юқори даражадаги рақобатбардошликни талаб этади.

Шу жиҳатдан, жаҳон хўжалигида Ўзбекистон қўшни МДХ мамлакатларидан ўзининг қуйидаги халқаро устуворликлари билан ажралиб туради:

- қадимий бой маданият, тарихий ва диний ёдгорликлари халқаро туризм саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятларни юзага келтиради;

- қулай табиий иқлим ва табиий бойликлар, ишлаб чиқариш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида рақобатбардош муҳитни шакллантиради;

- Буюк ипак йўлида жойлашганлиги халқаро интеграцияда Европа билан Осиёни боғловчи «кўприк» вазифасини бажаришга етарлича имкониятни вужудга келтиради;

- Ўзбекистон Республикаси етарли даражада малакали мутахассислар билан таъминланган. Замонавий технология ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этиш, ушбу соҳадаги имкониятларни кенгайтиради;

- мамлакат ҳукумати томонидан ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва экспортни рағбатлантириш сиёсатини юритилиши.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатларидаги иштирокида, халқаро Молия институтлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Халқаро Валюта фонди, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро Ривожланиш ассоциацияси, Халқаро Молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликка аъзо бўлиши тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

ХВФ ва Жаҳон банки каби ташкилотлар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, нафақат республикани жаҳон бозорига интеграциясини тезлаштирди, балки амалга оширилаётган таркибий ислохотлар ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш самарасини оширди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида олинган кредит ва қарзлар, асосан, қисқа муддатли бўлиб, ички бозорни истеъмол товарлар билан тўлдиришга қаратилган бўлса, кейинги йилларда ҳукумат мазкур қарзларни жалб этиш соҳасини таркибий қайта қуриш бўйича маълум ишларни олиб бормоқда.

Хорижий инвестициялар сонининг амалдаги ортиши ва сифат даражаси, амалга оширилаётган давлат инвестиция дастури ҳақида

маълумот беради. Унинг мақсади миллий ва хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини оптимал даражада ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Хорижий капитал оқимини рағбатлантириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга хизмат кўрсатувчи молия-валюта инфратузилмасини ташкил этишга боғлиқ. Молия-валюта инфратузилмаси хўжалик субъектлари билан жаҳон пул-капитал бозори ўртасидаги алоқаларни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу инфратузилмаларни ташкил этиш, қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

- банк тизимини такомиллаштириш;
- ички суғурта хизматлари соҳасини ривожлантириш;
- ички валюта бозори фаолиятини яхшилаш;
- лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- аудит ва маслаҳат хизматлари бозорини ривожлантириш;
- миллий товарларни халқаро бозорлар томон ҳаракатини ташкил этиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасини халқаро ҳамкорлиги ва иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди ва у мамлакатни халқаро бозорга қўшилишининг асосини ташкил этади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий ривожланиш тамойиллари Ўзбекистон собиқ Иттифокда йирик республикалардан ҳисобланиб, аҳолисининг сони бўйича 3-ўринни ва ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича 5-ўринни эгаллаб келган.

Республика табиий ресурсларга бой, саноатда ва қишлоқ хўжалигида етарли даражада ривожланган айрим ишлаб чиқаришларга эга. Масалан, Ўзбекистон табиий газ қазиб олишда дунёда 9-ўринда, олтин қазишда 7-ўринда, олтингугурт кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда ҳамда пилла етиштиришда 7-ўринда туради.

Юқоридаги табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, республиканинг халқаро молия муносабатлари ва жаҳон хўжалиги интеграцияси мажмуи аниқ белгиланган мақсадлар ва уларни амалга оширишга қаратилган асосий тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва уни жаҳон бозорида муносиб ўринни эгаллашини таъминловчи бўғинларни аниқлаш;

Иккинчидан, иқтисодиётнинг экспорт бўғинида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланиш;

Бу усуллар қуйидагилардир:

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли фоизлар бўйича кўп муддатли кредитлар ажратиш, мўлжалланган инвестицияларни суғурталаш;

- экспорт килувчиларга миллий ишлаб чиқариш ва унинг хорижий рақобатчилари ишлаб чиқариши харажатлари ўртасидаги фарқни қоплаш;
- давлат томонидан республикага илғор технологиялар, тажрибалар, билимларни кириб келиши учун субсидиялар ажратиш;
- экспорт ва импортни лицензиялаш ёки четга мол чиқаришга ва четдан уни олиб келишга рухсатномалар бериш;
- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи, хориждан келтирилган хом-ашё ва материаллар, асбоб-ускуналар ва жихозлар улушини босқичма-босқич камайтириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, халқаро молия соҳасидаги сиёсат миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлаш, ички нархларни жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш мақсадида баҳолар ислоҳотини тугаллаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий-ҳукуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутди.

Ўзбекистон учун асосий стратегик мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизими интеграциясига қўшилиб боришини таъминлаш;
- экспорт салоҳиятини ривожлантириш;
- импорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- инвестиция сиёсатини такомиллаштириш;
- хориж сармояларини жалб этиш;
- экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш зоналари ва эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш;
- ташқи иқтисодий фаолият инфратузилмасини ривожлантириш.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви муҳим таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

А.А. Тиллаходжаев, ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторлар иштирокининг айрим шакллари

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга ошириш давомида давлат активларини сотишнинг янги, мослашувчан механизмлари жорий этилди¹:

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-407 от 10 июля 2006 года «Об углублении процессов разгосударствления и приватизации в 2006-2008 годах».

- давлат активларини инвесторнинг инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан нолга тенг сотиб олиш қиймати бўйича сотиш. Таъкидлаш жоизки, нолга тенг сотиб олиш қиймати бўйича сотилган рентабеллиги паст, зарар кўриб ишлайдиган, иқтисодий ночор корхоналар бўйича ҳукумат томонидан бюджетга тўловлар бўйича ўтган йиллардаги умидсиз қарзлардан, жумладан, улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималардан кечиб юбориш амалга оширилмоқда.

- иқтисодиётнинг асосий тармоқлари йирик стратегик корхоналарининг давлат активларини сотиш халқаро тендерлар ташкил этиш воситасида амалга оширилади. Ушбу корхоналарнинг давлат активлари қоидага кўра, қатор вазирликлар ва идоралар раҳбариятидан таркиб топган Давлат тендер комиссиясининг қарори бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларнинг иштирок этиш шакллари ҳақида гапирганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Хорижий инвесторлар хусусийлаштириш жараёнида юқорида санаб ўтилган усуллар билан сотиладиган мулкнинг давлат улушини харид қилиш йўли билан иштирок этиши мумкин. Асосан, инвесторлар хорижий инвестицияли корхоналар ташкил этишдан манфаатдор, чунки бундай корхоналарга кўпроқ солиқ имтиёзлари берилади.

Хорижий инвестицияли корхоналар - низом капиталида хорижий инвесторнинг улуши 30 %дан кам бўлмаган, низом фонди эса 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган корхонадир. Бундай 30 %лик улушни хусусийлаштирилган корхонада фонд бозорида сотиладиган акциялар пакетидан сотиб олиш, сўнгра бу корхона Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида хорижий инвестицияли корхона сифатида қайта рўйхатга олиш мумкин. Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёни шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар (ҚК) ташкил этиш шаклида ҳам амалга оширилади.

Агар афзалликлар ҳақида батафсилроқ фикр юритадиган бўлсак, инвесторлар томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун хорижий инвесторларнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига технологик асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар ва бутловчи қисмлар олиб кириш шаклида хусусийлаштириш жараёнига киритиладиган инвестициялар инвесторнинг инвестиция мажбуриятларини қабул қилган пайтидан бошлаб, инвестиция даври мобайнида божхона божлари тўлашдан (божхона расмийлаштириш учун йиғимларни истисно қилганда) озод этилади.

Бундан ташқари, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш, хорижий инвесторларни жалб этиш учун қўшимча рағбат яратиш мақсадида акциялар назорат пакетини сотиб

олмайдиган, бироқ корхоналарга катта инвестициялар киритадиган инвесторларга Давлат тендер комиссиясининг қарори билан профессионал бошқарувчи компанияларга бошқарувга берилиши мўлжалланган акциялар давлат улушини бошқариш ҳуқуқи танловдан ташқари берилиши мумкин.

О.Э. Ашуров,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Халқаро валюта муносабатлари

Ташқи савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик, хорижга кредит ҳамда қарзларни бериш ва олиш, валюта ва валюта активларини сотиб олиш билан боғлиқ битимларни амалга оширишда иштирок этадиган барча фаолиятга валюта муносабатлари деб қаралади.

Валюта муносабатининг айрим элементлари - антик даврда - Қадимги Греция ва Қадимги Римда - қарзга пул тўлашга берилган тилхат ва пул алмаштириш шаклида пайдо бўлган. Кейинги босқич, Япон, Антверпен ва Ғарбий Европани бошқа савдо марказларида “вексель ярмаркалари” ривожланиши билан юзага чиққан. Бу даврда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, валюта ёрдамида амалга оширилган. Феодализм даврида ва капиталистик ишлаб чиқариш ривожланишида, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими банклар орқали ривожланди. Ўтган асрга келиб эса, халқаро муносабатлар ўзининг мутлақо янги кўринишини бошдан кечирди. Шундай қилиб, халқаро валюта муносабатлари ривожланиши, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши, жаҳон бозори ташкил этилиши, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашуви, жаҳон хўжалигининг таркибий тузилиши ҳамда хўжалик муносабатлари байналминаллашувининг натижасидир.

Валюта муносабатлари иштирокчиларига қуйидагилар киради: давлат (ҳукумат, Марказий ва давлат банклари), халқаро ташкилотлар, юридик шахслар (тижорат банклари, корхоналар: импорт ва экспорт қилувчилар, биржалар) ва жисмоний шахслар (брокерлар, чайқовчилар ва сайёҳлар).

Замонавий ташқи иқтисодий алоқаларда, шу билан бирга валюта муносабатларида сиёсат ва иқтисодиёт, дипломатия ва тижорат, саноат ва савдо уйғунлашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Халқаро валюта муносабатларининг давлат томонидан шакллантириладиган ҳуқуқий-ташкилий шакли валюта тизими дейилади. Миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта тизимларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Миллий валюта тизими деганда маълум давлатни, бошқа давлатлар билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўллайдиган усуллари, инструментлари ва миллий органларнинг умумий йиғиндиси тушунилади. Миллий валюта тизими нисбатан мустақил ва фаолият доираси миллий чегаралардан чиқсада, у мамлакат пул-кредит тизимининг таркибий қисми

ҳисобланади. Миллий ва жаҳон валюталар тизимлари алоқаси ва ривожланиши, уларнинг элементларида намоён бўлади.

Худудий валюта тизими - миллий ва жаҳон валюта тизимларининг оралиқ элементи ҳисобланиб, у мамлакатлар худудий гуруҳи интеграциясига хизмат қилади. Бунга мисол қилиб, Европа валюта-иқтисодий иттифоқини келтириш мумкин. Жаҳон валюта тизими - бу, алоҳида олинган миллий иқтисодиётни жаҳон ҳўжалиги билан боғловчи механизмдир. Халқаро келишувлар, иккиёқлама ва кўпёқлама шартнома ва актлар, жаҳон валюта тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Жаҳон валюта тизимининг асосий мақсади - экспорт ва импорт учун тўловлар, товар, капитал, хизматлар ва бошқа фаолият турларини амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш орқали самарали воситачилик қилиш, шунингдек халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантириш учун, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда қулай муҳит яратишдан иборат.

Жаҳон валюта тизими ёрдамида иқтисодий ресурсларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчиши ёки аксинча, ушбу жараён чегараланиши, миллий иқтисодиёт мустақиллиги чекланиши ёки кенгайиши, иқтисодий муаммолар (масалан, ишсизлик, инфляция) бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиши мумкин. Жаҳон валюта тизими алоҳида фаолият юритиш ва тартибга солиш механизмларига эга ва жаҳон ҳўжалигининг глобал мақсадларини кўзласада, у миллий пул ва худудий валюта тизимлари билан чамбарчас боғланган. Жаҳон валюта тизими халқаро пул муносабатлари ташкил топишининг тарихий шакли бўлиб, у давлатлараро шартномалар орқали мустаҳкамланган.

Жаҳон, худудий ва миллий валюта тизимлари доирасида, қуйидаги молиявий операциялар амалга оширилади:

1) валюта конвертирланиши - миллий валютани хорижий валютага алмаштириш;

2) тижорат банклари ва биржаларда валюта олди-сотди операциялари. Бу валюта дилинги дейилади. Ҳозирги кунда, операцияларнинг асосий қисми нақд пулсиз ҳолда амалга оширилади. Бир банкдан бошқасига пул ўтказиш вакиллик ҳисобварақлар орқали амалга оширилади. Банклараро амалиётда ЛОРО (сиз бизда) ва НОСТРО (биз сизникида) ҳисобварақлари мавжуд;

3) тижорат банкларининг депозит-кредит деб номланувчи, валюта маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ операциялари. Бу операциялар - ўзаро кредитлаш, ўз ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш, кредитларни тақдим этиш, расмийлаштириш ва мониторинг билан боғлиқ банклараро операциялардир;

4) ташқи савдо операцияларида, халқаро амалиётда қабул қилинган турли шаклдаги ҳисоб-китобларда банк хизмати кўрсатиш;

5) олтин ва фонд инструментлари (мулкчилик титуллари, облигациялар, иккиламчи молиявий инструментлар ва х.к.) сотиш ёки сотиб олиш мақсадида, молия бозорида амалга ошириладиган операциялар. Бу операцияларнинг барчаси инвестиция мақсадларида, шунингдек чайқовчилик ёки хежерлаш (сугурта) мақсадларида амалга оширилади. Банклар ушбу операцияларни ўз номидан ёки мижоз топшириғига кўра амалга оширади;

1) кредит (дебит) карточкаларининг эгаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар;

2) банк халқаро трансфертлари (дивиденд, фоиз, пенсия тўлови, алимент, хадялар, сайёҳларга хизмат кўрсатиш ва х.к.) амалга ошириш.

Замонавий валюта тизими, унинг ҳам ҳудудий (географик жиҳатдан), ҳам вақт жиҳатдан (кечаю-кундуз ишловчи валюта бозори), ҳам технологик жиҳатдан (ахборот технологиялари ва тармоқларининг яхлитлиги) глобаллашганлиги билан тавсифланади.

Жаҳон валюта тизимининг энг асосий хусусияти шундаки, у ҳар доим ўзгариб, ривожланиб туради. Бу ўзгаришларнинг умумий сабаблари - жаҳон ҳўжалигини ривожлантиришдаги халқаро ҳамкорлик кучайиши, товар ишлаб чиқариш ва бозорларнинг байналминаллашувидир. Бугунги кунда уни тартибга солиш механизмларининг доимий ўзгариши ва валюта тизимининг барқарорлиги, валюта тизимининг эволюцияси билан қанчалик мос тушишига боғлиқ.

*А.Н. Таджиев,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Халқаро молия муносабатларини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида амалга оширилган тадбирлар натижасида очиқ иқтисодиётни шакллантириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Чет эл инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда халқаро молия муносабатларини тартибга солиб туради, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва рағбатлантириш тартибини белгилаб беради. Хусусан, ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари ва тартиблари «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига мувофиқ, мулкчилик шаклларида қатъий назар, ташқи иқтисодий алоқалар

иштирокчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулклари ҳимоя қилинади.

«Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳўжалик жамоалари ва ширкатларида, банклар ва суғурта ташкилотларида хиссадорлик асосида иштирок этиш, яъни мулкларни акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш, шунингдек ерга (жумладан, ижарага олинган ерга) ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бу қонуннинг чет эллик сармоядор ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонунлари инвестиция шароитини ёмонлаштириб қўядиган бўлса, у ҳолда чет эллик инвесторларга нисбатан ўн йилгача бўлган муддатга инвестициялар амалга оширилиб турган пайтда амалда бўлган қонунлар татбиқ этилади. Шу билан бирга, қонунда чет эл инвестициялари миллийлаштириилмаслиги кафолатланади, шунингдек уларни мажбуран сотиб олиш ҳам мумкин эмас, лекин табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар (хайвонлар ўлати) юз берган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда чет эллик инвесторларга тўланадиган компенсация келтирилган зарарга баробар бўлиши назарда тутилади.

Хорижий сармоядорларнинг ўз инвестицияларини ихтиёрий равишда суғурта қилиш ҳуқуқи инвесторларни ўз мулкларининг экспроприация қилинишидан, мамлакат маъмурларининг суғурта ташкилоти билан инвестор ўртасидаги шартномавий муносабатлари аралашувидан, миллий ва бошқа валюталар алмаштиришни ҳамда уларни мамлакат ташқарисига чиқаришни чеклашлардан ва бошқа хатарлардан муҳофаза қилишни таъминлайди. Хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни лицензияларсиз хорижга чиқариш ва эҳтиёжлари учун четдан маҳсулот келтириш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, шахсий эҳтиёжлар учун четдан республикамизга келтириляётган мол-мулкларга бож тўлашдан озод қилинган.

1996 йилда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга қаратилган энг муҳим тадбирлардан бири бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан 2008 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар биринчи навбатда, ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштиришга, экспорт-импорт операцияларида тариф ва нотариф бошқариш усуллари тартибга солишга ва такомиллаштиришга қаратилган.

Фармонда кўрсатилган муддатдан бошлаб, рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида эркин муомаладаги валютага

экспорт қиладиган корхоналар учун бир қатор қўшимча имтиёзлар бериш жорий этилган. Ташки иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритганда, бу ерда албатта халқаро битимлар тўғрисида ҳам бироз тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, иккита ёки бир нечта халқаро муносабатлар қатнашчиларининг ҳар қандай биргаликдаги фаолияти, келишилган, ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида халқаро битимлар тузилади ва улар қуйидаги турларга бўлинади:

– умумий тусдаги битимлар. Ушбу битим икки давлат ўртасида тузилган халқаро битим бўлиб, ўз ичига муносабатлар асоси, дипломатик муносабатларни ўрнатиш ҳақида битимдир. Унда иқтисодий муносабатлар алоҳида бўлим сифатида ажратилиб кўрсатилади.

– махсус битимлар. Бу битимлар асосан, иқтисодий масалалар бўйича икки ёки кўп томонлама тузиладиган битимлардир.

Республиканинг жаҳон хўжалиги тизимида шахдам қадамлар билан кириб бориши учун, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий алоқалари ўрнатилиши ташқи фаолиятнинг бошқарув тизимини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Ушбу кўриниш республика ташқи сиёсати олдида қўйилган икки муҳим ҳолат билан боғлиқ:

Биринчидан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташқи иқтисодий муносабатлар учун ўзининг мустақил сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши учун жавобгар бўлган махсус ташкилотлар тузиш тақозо этилди.

Иккинчидан, Республикада миллий иқтисодиётни тубдан ўзгартириб, қайтадан ишлаб чиқиш, яъни қайта кўриш жараёни туфайли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари кенгайди, уларга турли соҳада ташқи иқтисодий битимларни тузишда кенгрок ҳуқуқлар берилди. Ушбу соҳадаги шартномаларни, битимларни фақат давлат идоралари эмас, балки мулкчиликнинг бошқа шаклларида асосланган турли бирлашмалар, корхона-ташкилотларга ҳам тузиш имконияти берилди. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда республикада ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро молия муносабатларини бошқариш тизими шаклланимда ҳамда унинг таркибига кирган ташкилотлар фаолияти такомиллаштирилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг тармоқ ташкилотлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар, йирик корхона ва ташкилотларнинг махсус бўлинмаларидан ташкил топган. Улар тармоқ идора, корхона ва ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади, хорижий шериклар билан шартнома ва битимлар тузади, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари ичида божхона божлари ва тарифлари жуда муҳим ҳисобланади. Халқаро молия муносабатларини тартибга солишнинг билвосита, эгилувчан усуллари сифатида турли солиқ турлари ҳам кенг қўлланилади. Бунда фақат ташқи солиқ тизимидаги эмас, балки ички солиқ тизимидаги солиқ турларидан ҳам фойдаланилади.

Фақат ташқи иқтисодий битимларни тартибга солишда қўлланиладиган солиқларга импорт ва экспорт солиқлари киради. Халқаро молия муносабатлари ички солиқлар тизими ёрдамида ҳам тартибга солинади. Давлат маҳсулот савдосидан олинган фойдага, пул капиталидан даромадларга, капиталнинг қўшимча ўсишига, қимматли қоғозларга, ортиқча фойдага ва бошқаларга солиқларни белгилаб, ўзининг ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун қулай ёки ноқулай шароитларни яратиши мумкин.

Халқаро молия муносабатларини тартибга солишда, эгилувчан иқтисодий воситалар қаторига экспортни рағбатлантириш, Ўзбекистонда кенг қўлланилаётган валюта тушумларидан ярим ажратмалар ва сотилиши мажбурий бўлган валюта тушумлари ҳиссасини киритиш мумкин. Жаҳон амалиётида халқаро молия муносабатларини тартибга солишнинг билвосита усулларига қараганда, бевосита усулларида кенгрок фойдаланилади. Бевосита усулларни юқорида, ўзининг мазмунига кўра, иқтисодий, маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий кўринишга эга эканлигини айтиб ўтган эдик. Асосан, лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий тусдаги бевосита усуллар ичида энг кенг тарқалгани ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатларини такомиллаштириш ва жаҳон ҳўжалигидаги ўзига хос ўрнини топишида, ташқи иқтисодий алоқалар эркинлаштирилишида қуйидаги инфратузилмаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга: халқаро молия муносабатларни амалга оширишнинг ахборот ва илмий-услубий таъминоти; ташқи иқтисодий фаолиятнинг савдо алоқаларини эркинлаштиришда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш; халқаро молия муносабатлари соҳасида мутахассис кадрларни тайёрлаш.

У.Ф. Баратов,
ММЮ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Халқаро ҳисоб-китобларда олтиннинг демонетизацияси

Тарихан жаҳон пули вазифасини олтин ва кумуш бажариб келган бўлса-да, Париж валюта тизими (1867йил) доирасида фақатгина олтин жаҳон пули сифатида қабул қилинган. Бироқ, демонетизация натижасида олтиннинг аҳамияти бир мунча камайди. Олтин демонетизацияси олтинни пул вазифаларини бажаришдан аста-секин маҳрум этиш жараёнидир.

Демонетизация жараёни, XIX аср охиригача бир неча юз йил давом этган кумуш демонетизацияси каби узоқ муддатли жараёндир.

Олтин демонетизацияси объектив ва субъектив сабаблар билан изохланади:

- олтин пуллар замонавий товар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермайди;

- кредит муносабатлари ривожланиши билан, кредит пуллар - банкнота, вексель, чеклар аста-секин олтинни аввал ички пул муомаласидан, кейин эса, халқаро валюта муносабатларидан сиқиб чиқарди;

- олтин муомаласининг давлат томонидан тартибга солиниши - унинг демонетизациясини тезлаштиради;

- субъектив омиллар сифатида АҚШнинг валюта сиёсатини кўрсатиш мумкин.

АҚШ валюта сиёсатининг стратегияси долларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида, олтинни жаҳон валюта тизимининг асоси сифатида дискредитация қилишга йўналтирилган эди. Биринчи Жаҳон урушидан сўнг, молия маркази Европадан Америкага кўчди ва бу АҚШ долларининг етакчилигини кучайтирди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин, АҚШ ўзининг йирик валюта-иқтисодий салоҳиятига таяниб, “доллар олтиндан яхшироқ” шиори остида, доллар ҳукмронлиги учун курашни бошлаб юборди.

Олтин демонетизациясини тезлаштириш йўли билан доллар етакчилигини мустаҳкамлашга йўналтирилган АҚШ тактикаси, аниқ вазиятга боғлиқ равишда ўзгарар эди. Урушдан кейинги вайронгарчилик шароитида Ғарбий Европа ва Японияда олтиннинг аҳамияти ошди ва АҚШ ўзининг йирик олтин захираларидан (1949 йилда 24,6 млрд. долл. ёки капиталистик дунё расмий олтин захираларининг 75 %и) таянч сифатида фойдаланди. Чет эл Марказий банкларида долларнинг олтинга алмаштирилиши йўлга қўйилди, бу эса, унинг курси барқарорлашишига имкон берди. АҚШ таъсири остида, долларнинг етакчи мавқеини сақлаб қолиш мақсадида 35 йил давомида (1934-1971) расмий баҳолар микёсда ҳамда валюта паритети учун асоси сифатида хизмат қилган олтиннинг пасайтирилган расмий баҳоси (31,1035 граммга тенг бўлган 1 унция олтин 35 долларга тенг) ушлаб турилди. Давлат аралашуви таъсирида олтиннинг расмий баҳоси ва ҳақиқий баҳоси ўртасида сезиларли фарқ ҳосил бўлди. ХВФ Низомида долларнинг олтин таркибини ва унинг захира валютаси сифатидаги мавқеини сақлаб қолиш мақсадида, аъзо давлатларни олтин билан ҳукумат операцияларини фақат расмий баҳода амалга оширишга мажбур қилинди.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан АҚШнинг халқаро мавқеи нисбатан пасайди. АҚШ долларининг қадрсизланиши, олтиннинг реал захира активи сифатидаги мавқеи ўсишига имкон берди. Шундай бир шароитда, ХВФ

АҚШ таъсири остида АҚШ долларининг рақиби-олтин демонетизациясини тезлаштириш сиёсатини кучайтирди.

Олтин демонетизациясининг икки жиҳати фарқланади: юридик ва ҳақиқий. Ямайка валюта ислоҳоти натижасида демонетизацияга юридик яқун ясалди. ХВФнинг ўзгартирилган низомида валюта курси ва паритетини аниқлашда олтинга ихтиёрий таяниш истисно қилинган, олтин паритети ва олтиннинг расмий баҳоси бекор қилинди. Олтиннинг расмий баҳоси бекор қилиниши муносабати билан Марказий банкларга олтин захираларининг 31 август 1975 йил ҳолатига бўлган даражасини икки йил давомида ошириш таъқиқлаб қўйилди. Бироқ, ХВФ низомида олтин халқаро захира активи сифатида тўғридан-тўғри рад қилинмаган. Ҳақиқатда, олтин демонетизацияси яқунланмаган. Олтиннинг аҳамияти тўғрисидаги масала қонуний актлар ва қатъий қарорлар билан эмас, балки товар ишлаб чиқариш, жаҳон ҳўжалиги ва валюта муносабатларининг реал шароитлари билан ечилади.

Олтин демонетизацияси жараёнининг давомлилиги ва қарама қаршилиги, унинг баҳолар даражасида хилма-хиллигини вужудга келтиради. Айрим иқтисодчилар демонетизация юз бераётгани йўқ ва олтин пулнинг классик вазифаларини бажаришда давом этмоқда, деб ўйлайди. Бошқалари эса, олтин бутунлай демонетизацияланган ва фақатгина қимматбаҳо хомашё кўринишидаги товар бўлиб келмоқда, деб ҳисоблашади. Яна бошқалари олтин демонетизацияси шиддатли давом этаётгани, аммо тугалланмаган деб ҳисоблашмоқда.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, валюта муҳитидаги олтиннинг аҳамиятидаги ўзгаришларни кўриб чиқамиз:

Биринчидан, кредит пуллар олтинни ички ва халқаро муомаладан сиқиб чиқарди. Олтиннинг тўғридан-тўғри товарларга айирбошланиши тўхтатилди, баҳоларни олтинда белгилаш бекор қилинди. У товар ишлаб чиқарувчилар иқтисодий алоқаларида тўлов ва муомала воситаси сифатида тўғридан-тўғри хизмат қила олмади. Аммо, олтин иқтисодий айланмадаги ўзининг муҳим аҳамиятини: фавқулодда жаҳон пуллари, халқаро кредитлар таъминоти, бойлик манбаи сифатида сақлаб қолмоқда. Олтиннинг халқаро валюта муносабатларидаги иштироки кредит пуллар алмашган ҳолда, унинг ҳақиқий айирбошланиши амалга ошириладиган махсус бозорлар - олтин бозорларида йиғилган.

Иккинчидан, олтин муомаладан чиқиши билан, пулнинг хазина функцияси янги ҳолатлар билан тавсифланади. Хазиналар вақтинчалик пул муомаласини тартибга солувчи сифатида ишлатилмай қўйди. Чунки, олтин кредит пуллар каби, автоматик тарзда, хазинадан муомалага ва аксинча ҳаракатлана олмайди.

Лекин, бу ўзгаришларга қарамай, олтиннинг бу вазифаси сўниб қолмади: муҳим ўзгаришларга қарамасдан, олтиннинг ички ва жаҳон бозори билан алоқаси сақланиб қолди. Хазина давлат (1998 йил июл

ҳолатига 33,8 минг т.) ва алоҳида шахслар (25,4 минг т., ХВФ баҳоси бўйича), Марказий банклар, давлатнинг молиявий органларида ва халқаро валюта кредит ташкилотларида жамланган расмий олтин захиралари, халқаро активлар сифатида миллатлараро аҳамиятга эга.

Олтин демонетизациясини тезлаштириш сиёсатига қарамай, АҚШнинг олтин захиралари энг кўп миқдорда бўлиб (8,138 минг т.), расмий захиралар бўйича кейинги уч ўринда турувчи мамлакатлар (Германия, Швейцария ва Франция) захираларига тенг. Олтин захираларининг ҳажми мамлакатнинг валюта-молиявий мавқеини кўрсатади ва унинг кредитга лаёқатлилигини аниқловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ётақчи давлатлар ўнлиги олтинни (жаҳон олтин захираларининг 85 фоизини) асосий сақлаб турувчилари ҳисобланади. Олтин захиралари нотекис (АҚШ - 8,138 минг т., Германия - 3 минг т., Швейцария - 2,6 минг т., Франция - 2,5 минг т., Италия - 2 минг т.) тақсимланган. АҚШнинг расмий олтин захираларидаги ҳиссаси 1950 йилда 75 фоиз (20,3 минг т.) дан 1998 йилда 28 фоиз (8,138 минг т.) га тушди, Ғарбий Европа мамлакатлари, айниқса ЕИнинг ҳиссаси эса 16 фоиздан (4,8 минг т.) 52 фоизга (15 минг т.) ўсди. Япония жуда кам олтин захираларига эга бўлса-да, 1948-1992 йиллар давомида 3 т.дан 754 т.га кўпайди ва шу даражада сақланиб келмоқда.

Расмий олтин захираларининг бир қисмини халқаро ташкилотларда (ХВФ - 3,2 минг т., Европа валюта институти (1998 йилдан Европа Марказий Банки) - 2,86 минг т.га яқин, Базелдаги Халқаро ҳисоб- китоблар банки - 0,21 минг т.) сақлаш доимий ҳолга айланиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти расмий олтин захираларининг 18 фоиз (4,9 минг т.)га яқини 120 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида нефтнинг баҳоси кўтарилиши муносабати билан нефть экспорт қилувчи давлатлар (ОПЕК) ташкилоти аъзоларининг олтин захиралари бир мунча ўсган бўлса-да, аммо кейинги йилларда бу кўрсаткичнинг сезиларли қисқариши кузатилмоқда. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар жуда кам олтин захираларига эга.

Жаҳон олтин бозорларига олтинни энг кўп етказиб берувчи давлатлар қаторида Жанубий Африка Республикасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, Жанубий Африка Республикаси ҳозирги кундаги ҳажмда яна 25 йил мобайнида олтин етказиб бериб туриши мумкин.

Ғарб мамлакатларида давлатлар ва шахсий хазиналар ҳажми (60 минг т. дан ортиқ) ярим асрдан кўпроқ вақт давомида қазиб чиқарилган олтинга тенг. Ўзбекистон Республикаси дунёдаги энг кўп олтин қазиб чиқарувчи 10 мамлакатлардан бири ҳисобланади. Республиканинг йиллик олтин қазиб чиқариш қуввати 75-80 тоннани ташкил этади. Холбуки, бу кўрсаткич Қозғистон Республикасида 35-40 тоннани, Арманистон Республикасида

эса атиги 2,5-3,0 тоннани ташкил этади. Япония, Австрия, Италия каби мамлакатлар олтинни жаҳон бозорларидаги харидори сифатида иштирок этадилар. Чунки, олтин инфляцияга қарши самарали жамғариш воситаси ҳисобланади.

*Н.К. Худойберганова,
МУА-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Ҳисоб-китоб ва кредит муомалалари аудитининг мақсади ва манбалари

Хўжалик юритиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар турли корхоналар ва ташкилотлар, яъни: мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, харидорлар ва буюртмачилар, турли дебиторлар ва кредиторлар, моддий жавобгар шахслар, банклар, солиқлар бўйича бюджет, инвесторлар ва бошқалар билан ҳар хил ҳисоб-китоб муносабатлари ўрнатадилар. Корхона ва ташкилотлар ҳисоб-китобларни пул ўтказиш йўли, нақд пул тўловлари ҳамда мобода ҳисоб-китоблар тизим ичида амалга оширилса ўзаро ҳисоб-китоб йўли билан амалга оширадилар. Ҳисоб-китоблар ҳолати устидан самарали назорат ўрнатишни ташкил этиш ҳисоб-китоб ва шартномавий интизомни мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш имкониятини яратади, айланма маблағларнинг юқори даражада айланувчанлигини таъминлайди ва бунинг натижасида молиявий ҳолат барқарорлашади.

Ҳисоб-китоб, кредит операциялари аудитидан мақсад ҳисоб-китоб операциялари ҳисоби тўғри юритилаётганига баҳо бериш, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар қонуний равишда вужудга келганлигини тасдиқлаш, уларни қоплаш ҳақиқийлиги ва мумкинлигини аниқлаш, кредитдан мақсадга мувофиқ ва тўлиқ фойдаланилаётганлигини, уни ва ундан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида қайтарилаётганлигини аниқлашдан иборат.

Кредит операциялари аудитини асосий манбаси қуйидаги меъёрий ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”. 1996 йил 29 август;
2. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”. 1997 йил 24 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август;
4. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 26 май (янги таҳрири);
5. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом”. 1998 йил 8 октябр, 496-сонли;
6. 21-сонли Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС). «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик

фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш тўғрисида йўриқнома». 2000 йил 1 июн;

7. Ўзбекистон Республикасининг бошқа БХМСлари;

8. маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлар таркиби ва молиявий натижалар шаклланиши тўғрисида Низом;

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда 54-сон билан тасдиқланган. (ЎзР ВМ нинг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли, 16 июндаги 270-сонли, 15-октябрдаги 444-сонли қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар билан);

10. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитларлашни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 16 марта 675-сон билан рўйхатга олинган;

11. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларни ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитларлашни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 8 февралда 892-сон билан рўйхатга олинган;

12. умумдавлат солиқларини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисида қўлланма;

13. маҳаллий солиқлар ва тушумларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисида қўлланма;

14. вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларини қоплаш учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида Низом;

15. ҳисобнинг ушбу бўлимига тааллуқли синтетик ва таҳлилий ҳисоб регистрлари;

16. корхонанинг молиявий ҳисоботлари..

Ҳисоб-китоб ва кредит операциялар аудиторлик текширувини юқори савияда ва муваффақиятли ўтказиш учун назорат усули ва услубиётини тўғри қўллаш, илғор тажрибалар ютуқларидан фойдаланиш лозим. Модомики, ҳар бир аудиторлик текшируви вақт бўйича чегараланганлиги муносабати билан, аудитор ҳар доим аудиторлик текшируви мақсадини тўғри ва аниқ белгилаши, текширув ўтказиш объектларини хатога йўл қўймасдан танлаб олиши, ўз ҳаракатларини аниқ режалаштириши, самарали аудиторлик муолажаларини қўллаши ва ҳаққоний хулоса чиқариб бериш учун керакли далилларни тўплаши лозим. Маълумки, ҳар қандай аудиторлик текшируви мақсадларини муваффақиятли амалга ошириш учун аудит ўтказиш жараёнининг асосий босқичлари бажарилишини таъминлаш керак.

Хронология международного финансового кризиса

Как нам известно, мировой финансовый кризис начался в середине 2007 года с кризиса на рынке жилья США. Из-за падения цен на рынке недвижимости бумаги связанные с ипотекой, начали обесцениваться, что привело к потерям инвесторов в эти активы. К примеру в августе 2008 году британские частные акционеры потеряли из-за кредитного кризиса 48 млрд. фунтов стерлингов (около 73 млрд. долл.).

По фактам, можно сказать, что это не первый и не последний финансовый кризис в мире. На фоне последних финансовых кризисов в развивающихся странах, в особенности мексиканских кризиса 1994 - 1995 гг. и его «эффекта текилы» в Латинской Америке и других странах, азиатского кризиса 1997 - 1998 гг., распространившегося на Россию и Бразилию, появилась теория, что финансовые кризисы (как валютные, так и банковские) имеют тенденцию распространяться на другие страны как заразная болезнь. Однако, с исторической точки зрения, ничего нового здесь нет. В XIX в. и первой половине XX в. мир пережил несколько международных финансовых кризисов, которые по силе не уступают и даже превосходят недавние потрясения.

До Второй мировой войны разразились следующие крупные финансовые кризисы: 1825, 1837-1838, 1847, 1857, 1866, 1873, 1890-1893, 1907-1908, 1914, 1920-1921 и 1929-1933. В послевоенный период при Бреттон-Вудской валютной системе произошло несколько валютных кризисов, связанных с приверженностью стран к фиксированному курсу национальной валюты. Банковских кризисов было мало, и они не имели широкого экономического эффекта.

Финансовый кризис в 1825 г. Кризис 1825 г. часто рассматривается как первый в истории международный финансовый кризис. Борьба за независимость стран Латинской Америки в начале 1820-х гг. привела к массивному притоку капитала из Великобритании для финансирования разработки золотых и серебряных рудников и государственного долга новых независимых республик. Это также привело к экспортному буму. Эти заморские события вкупе с бурным ростом высокотехнологических компаний индустриальной революции и увеличением денежной массы послевоенного периода привели к спекулятивной мании на Лондонской фондовой бирже. Растущий торговый дисбаланс и исчерпание золотых резервов Банка Англии вынудили банк увеличить учетную ставку летом 1825 г. Крах фондового рынка в октябре спровоцировал декабрьскую банковскую панику, которая вскоре распространилась на континент. Банк Англии, более всего обеспокоенный собственными золотыми резервами, не предпринял никаких действий по прекращению паники, результатом

чего явились массовые банкротства и последующая экономическая рецессия. Кризис распространился на Латинскую Америку, так как заморские кредиты не были пролонгированы, а сокращение инвестиций и экспорта уменьшило доходы бюджетов и вызвало дефолты по государственным долгам во всем регионе. Странам Латинской Америки понадобилось более трех десятилетий, чтобы реструктуризировать свои долги и возобновить приток иностранного капитала.

Финансовый кризис в 1836 - 1838 гг. Этот кризис был преимущественно англо-американским делом. В 1836 г. Банк Англии начал поднимать учетную ставку в ответ на сокращение международных золотых резервов, вызванное неурожаем кукурузы и оттока капитала в США, где был бум на рынке хлопковых плантаций. Последующий крах фондового рынка в декабре 1836 г. распространился на Париж. Последствия для США были тяжелыми. Уменьшение кредитования хлопкового бизнеса в Новом Орлеане вылилось в банковскую панику, которая через корреспондентские отношения распространилась на Нью-Йорк. Широкомасштабная паника привела к сбою национальной платежно-расчетной системы, который продолжался почти год. Этот кризис распространялся через каналы рынка капитала и платежного механизма.

Финансовый кризис в 1847 г. Этот кризис был спровоцирован коллапсом спекулятивного бума на рынке акций железнодорожных компаний в Лондоне. Как и в предыдущих случаях торговый баланс Великобритании ухудшался, а Банк Англии ответил увеличением учетной ставки. Далее конец бума на рынке акций привел к банковскому кризису, который через международный кредитный рынок распространился на Германию и Голландию.

Финансовый кризис в 1857 г. Этот кризис начался в Соединенных Штатах. Бум железнодорожных акций, подпитываемый открытыми в Калифорнии золотыми месторождениями и притоком британского капитала, прекратился в августе 1857 г. Это по уже известной схеме спровоцировало банковский кризис 1857 г. с массовыми банкротствами. Осенью кризис распространился в Англию, а оттуда на континент с серьезной паникой в Гамбурге в декабре. В соответствии с Киндлбергером этот кризис ощущался также в Южной Америке, Южной Африке и Дальнем Востоке.

Финансовый кризис в 1873 г. Кризис 1873 года рассматривается как крупный международный финансовый кризис. Предпосылкой для кризиса был кредитный бум в Латинской Америке, подпитываемый из Англии и с континента, и спекулятивный бум на рынке недвижимости в Германии и Австрии, подпитываемый выплатой французских репараций после Франко-Прусской войны. Австро-германский бум закончился крахом фондового рынка в Вене в мае. Фондовые рынки в Цюрихе и Амстердаме

также обвалились. В США банковская паника началась после сильного падения акций на Нью-Йоркской фондовой бирже и банкротства Джей Кука, главного финансиста и президента Объединенной Тихоокеанской железной дороги. Из Германии в Америку кризис перекинулся из-за отказа германских банков пролонгировать кредиты. Так как американская и европейская экономики впали в фазу рецессии, экспорт стран Латинской Америки резко сократился, что привело к падению доходов государственных бюджетов и новой волне дефолтов в этой части света.

Финансовый кризис в 1890 г. Кризис ознаменовал окончание бума потока кредитного капитала из Англии и континента в Аргентину и Уругвай для финансирования строительства железных дорог и другой инфраструктуры. Большую часть этих кредитов получили аргентинские провинциальные банки, которые не были достаточно финансово устойчивыми. Кризис разразился после того, как крупный английский Банк Баринг (House of Baring) объявил себя неплатежеспособным 8 ноября 1890 года. Банк Англии предотвратил панику, путем санации Баринга за счет кредитов предоставленных Банком Франции и Российским центральным банком. После окончания кредитования Аргентины, Уругвая и Бразилии кризис распространился на Латинскую Америку.

Финансовый кризис в 1893 г. Кризисы в США и Австралии в 1893 г. были связаны с кризисом Баринга и общей понижающей тенденцией на мировых товарных рынках. Обычно панику в США в 1893 году связывают с принятием Серебряного Пакта Шермана, который разрешал свободное ценообразование на рынке серебра. Инвесторы, ожидая, что после принятия этого пакта США отойдет от золотого стандарта, стали выводить капитал из страны. Сокращение денежного предложения и коллапс фондового рынка вызвал банковский кризис. Австралийскому кризису предшествовал бум на рынке недвижимости, который финансировался в основном за счет внутренних кредитов. Непосредственной причиной паники стали падающие цены на экспортные товары и закрытие трех крупных банков. Кризис был также усугублен изъятием британских депозитов.

Финансовый кризис в 1907 г. Кризис 1907 г. имеет много признаков более ранних экономических кризисов, но по международному масштабу и жестокости он, вероятно, является сильнейшим за всю эру золотого стандарта. Этим кризисом было поражено 9 стран. Спровоцирован он был Банком Англии, который в 1906 году поднял учетную ставку с 3,5 до 6,0% для пополнения своих золотых резервов. Это событие вызвало отток капиталов из США. Крах фондового рынка в Нью-Йорке произошел в начале 1907 года, деловая активность пошла на убыль. В октябре кризис ликвидности трастовых компаний распространился на коммерческие банки. Резкое сокращение объема денежной массы привело к подрыву национальной платежно-расчетной системы и затяжной экономической

рецессии. Из США и Англии кризис распространился на Францию, Италию и ряд других государств.

Финансовый кризис в 1914 г. Начало Первой мировой войны ознаменовалось сильным международным финансовым кризисом. Этот кризис, в отличие от других, не распространялся из центра на периферию, а начался практически одновременно в нескольких странах после того, как воюющие стороны стали ликвидировать иностранные активы. Это привело к краху на всех рынках, как товарных, так и денежных. Банковская паника в США, Великобритании и некоторых других странах была смягчена своевременными интервенциями центральных банков.

Финансовый кризис в 1920 - 1922 гг. Послевоенная дефляция и рецессия связана с банковскими и валютными кризисами в нескольких странах (Дания, Италия, Финляндия, Нидерланды, Норвегия, США и Великобритания). В отличие от кризисов девятнадцатого века здесь не было четких каналов международного распространения.

Финансовый кризис в 1929 - 1933 гг. Крах фондового рынка на Уолл Стрит в октябре 1929 г. перешел в величайшую в истории всемирную депрессию. Спаду мирового производства 1929-1933 гг. предшествовало падение товарных цен в развивающихся странах. Бум фондового рынка в США в 1928 г. отвлек поток капиталов из Европы и Латинской Америки и спровоцировал несколько валютных кризисов в ряде стран (Австралия, Аргентина, Бразилия, Уругвай) в начале 1929 г. Крах на Уолл Стрит, ускоренный ужесточением монетарной политики Федеральной резервной системы был немедленно отражен в виде фондовых кризисов по всему миру. История международного распространения Великой Депрессии хорошо известна. Спад в США в 1929 г. перешел в депрессию в 1930 г. и 1931 г. после того, как ФРС провалила несколько попыток предотвратить банковскую панику. Из-за последующего падения цен и мирового производства некоторые страны-заемщики сначала отказались платить проценты по своим долгам, а затем объявили дефолты, что привело к прекращению международного кредитования в 1931 г. В это же время продолжающиеся в Соединенных Штатах депрессия и дефляция спровоцировала банковские и валютные кризисы в центральной Европе и отказ Великобритании от золотого стандарта. «Заражение» происходило через потоки золота, денежной массы и бегство капитала. Приверженность многих стран к золотому стандарту сыграла роль «золотых кандалов», препятствуя монетарным властям увеличить предложение денег в экономике.

Хусусий корхоналар ҳисоб-китоби аудитини такомиллаштириш

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти шароитида хусусий корхоналар бўйича бир қанча иқтисодий ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Шу жумладан хусусий тадбиркорлик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш мақсадида 2003 йиллар Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонун, тадбиркорлик субъектлари тоифаларини аниқлаш бўйича хусусий корхоналарининг 2004-2006 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси тўғрисидаги кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги Президент Фармонлари ва уларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини киритиш мумкин. Қабул қилинган чора-тадбирлар ҳозирги кунда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда ва барқарор иқтисодий ривожланиш учун алоҳида эътибор берилмоқда ҳамда хусусий корхоналар иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминлашда хусусий корхоналарга молиявий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда.

Сўнгги йилларда хусусий корхоналарда асосан нодавлат секторга қарашли корхоналар фаолият олиб бораётган бўлса-да, уларга зарурий бўлган молиявий маблағлар тижорат банклари томонидан таъминланиб келишмоқда. Таъминланаётган молиявий маблағлардан фойдаланиш хусусий корхоналар корхонасида муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Хусусий корхоналар иқтисодий барқарорликка эришиши учун молиявий ҳолати ҳисоб-китоблари, ресурслардан ҳамда молиявий маблағлардан фойдаланиш даражаси қай аҳволда эканлигини билиши зарур. Шундай экан бугунги кунда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чуқурлаштирилиши натижасида корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, аудиторлик текширувлари ўтказиш, ҳамда ҳисоб-китобларни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат бериш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизматнинг янги шакли – аудиторлик фаолиятига эҳтиёж янада кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан республикада аудиторлик фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Шу билан бир қаторда хусусий корхоналар аудиторлик текширувларидан ўтказилмоқда.

Аудиторлик текширувлари хусусий корхоналарда:

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари;

- молиявий ҳолати;
- пул маблағлари ҳисоб-китоблари;
- асосий воситалар билан ҳисоб-китоблар;
- солиқ ташкилотлари билан ҳисоб-китоблар;
- банк билан ҳисоб-китоблар;
- кредит ресурслари ҳисоби;
- бошқа корхоналар билан ҳар хил муомалалар бўйича ҳисоб-китоблар қай даражада юритилиши ўрганилиб, тегишли хулосалар берилиб хусусий корхоналарни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида хусусий корхоналар ўзларининг иқтисодий камчиликларини кўрсатиб корхона молиявий ҳолатини ривожлантирмоқда.

Хусусий корхоналар аудиторлик текширувлари орқали бир қанча иқтисодий барқарорликка эришиш йўллариини ҳамда молиявий ҳолатини яхшилашга оид бўлган чора-тадбирларни билиб олади.

Аудиторлар хусусий корхоналарни молиявий ҳолати бўйича ўрганиб, барча текширилган натижалар бўйича таништиради ва тегишли хулосалар берилади.

Хусусий корхоналар қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширади: кредит муомалалари; пул маблағлари; банк муомалалари; солиқ ташкилотлари билан ҳисоб-китоблар; бошқа корхоналар билан ҳисоб-китобларни амалга оширади. Буларнинг қай даражада ҳисоб-китоб қилиниши хусусий корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқ. Агар хусусий корхоналарда ушбу ҳисоб-китоблар бўйича бирор бир хато ва камчиликка йўл қўйилса, хусусий корхоналарда иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун аудиторлик текширувларини ўз вақтида амалга ошириб туриш мақсадга мувофиқ бўлади. Аудиторлик текширувлари орқали хусусий корхоналар ҳисоб-китобларида тегишли хулоса ва таклифларни қабул қилиб кейинги корхона фаолиятидаги ҳисоб-китобларида хато ва камчиликларини тузатиб, иқтисодий барқарорлиги ва корхона рентабиллигини оширади ҳамда корхонада бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларини ҳам, бошқа ҳар хил ҳисоб-китобларини самарали бажариш имкониятлар ҳам ўрганиб олади.

***С. Жонқобилов,
МБС-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ***

Шахсий суғуртанинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари

Маълумки суғуртанинг вужудга келиши қадимги Рим империяси даврига бориб тақалади ва дастлабки суғурта жамиятлари айнан Рим империясида ташкил этилган ҳамда давр ўтиши билан ривожланиб борган. Суғуртанинг ҳуқуқий асослари расман 1446 йили Европа мамлакатларида

суғуртага тааллуқли дастлабки қонунлар орқали қабул қилинди ва Лондон ҳамда Париж шаҳарларида Гольштейн ва Элизабет номли суғурта жамиятлари барпо этилди ва фаолият кўрсатди.

Суғурта турлари орасида шахсий суғуртанинг келиб чиқиши инсон ҳаётига, меҳнат қобилиятига ва соғлиғига зарар етганда ҳар хил таваккалчиликлардан ҳимоялаш шакли сифатида фойдаланилиб келинган.

Шахсий суғурта Рим империяси даврида пайдо бўлиб истеъфога чиқарилган “легионерлар” ва “роҳиблар” шахсий суғурта жамиятларини тузиб унга хоҳловчилар ҳатто куллар ҳам аъзо бўлишган. Суғурта жамиятининг аъзолари суғурта бадалларини мунтазам тўлаб боришган, суғурта жамияти аъзоси вафот этган тақдирда, уни дафн қилиш харажатларини жамият ўз ҳисобидан тўлаган.

Италияда шундай суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатганки уларнинг ёрдамида камбағал табақаларни оиласида 3 та қизи бўлса, шуларни узатишда суғурта жамияти қизларнинг сепига етадиган пулни йиғиб бериш орқали камбағалларга моддий ёрдамни амалга ошириб келган.

Шахсий суғурта ва унинг ривожланишига XVII асрда Франческо Тотти фамилияли Венециялик шифокор давлат заёмини чиқариш ғоясини олға сурган. Гап шундаки заём чиқаришда суғурта қатнашчилари бир неча гуруҳга бўлинган бўлиб, ҳар бир иштирокчи белгиланган суммага кўра, аъзолик бадалларини тўлаб, заёмлар чиқарилган. Шахсий суғурта асосчиси Ф. Тотти ҳисобланади.

Шахсий суғуртани қуйидагича таснифлаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- таваккаллик ҳолатига кўра ҳаётни суғурталаш;
- меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича суғурталаш;
- тиббий суғурталаш бўйича;
- жамоа тартибида шахслар сонига қараб суғурталаш;
- суғурта таъминоти даврига кўра қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли;
- суғурта қоплаш суммасини тўлаш шаклига кўра, бирданига тўланадиган ва рента шаклида тўланадиган суғурта суммасини тўлаш;
- суғурта бадалларини тўлаш шаклларига кўра, бадалнинг бирданига тўланиши билан суғурталаш ва йиллик бадални тўлаш асосида суғурталаш.

Фуқароларни вафот этишдан суғурталаш шахсий суғурта турига киради: вақтинчалик суғурталаш; ҳаётни суғурталаш; мулк баҳосидан чегириш; капитал ва рента суғуртасидан иборат ҳисобланади.

Ҳорижий мамлакатларда ҳаётни суғурталаш жамғарма деб аталади. Уларда суғуртачи мукофот ўрнига капитал ёки рента суммасини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Жамғарма суммасида тиббий текширув ва суғурталанувчининг соғлиғи ҳақида маълумот талаб қилинади. Шунга биноан қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши мумкин: мукофотни қайтармаслик шарти билан капитални аста-секинлик билан тўлаш бўйича

суғурталаш; қоплаш суммасини тўлаш шарти билан капитал суғуртаси; рента бўйича суғурталаш; рента бўйича маълум бир даврга суғурталаш.

Аҳоли ҳаётини суғурталаш 16 ёшдан 70 ёшгача шартнома асосида суғурталаш амалга оширилади. Биринчи гуруҳ ногиронлари билан ва рухий касаллар билан суғурта шартномаси тузилмайди. Аҳоли ҳаётини аралаш суғурталаш шартномалари 1 ойдан 6 ойгача тузилиши ҳам мумкин ёки 1 йилдан 3 йилгача, ҳатто 10 йил ҳамда 15-20 йилга мўлжаллаб шартнома тузилиши мумкин. Болаларни суғурталаш муддати 18 ёшгача ҳисобланади. Демак, 10 ёшда бола суғурталанса 18 ёшда суғурта қоплаш суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Қуйидаги ҳолларда суғурталанувчига суғурта қоплаш суммаси тўланмайди:

1. суғурталанувчи қасддан ўз-ўзини ўлдирса;
2. суғурталанувчи ўз-ўзига қасддан тан жароҳати етказганда;
3. суғурталанувчи маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарганда ёки транспортни бошқаришни бошқаларга бериб авария содир этса суғурта товон пули тўланмайди;
4. суғурталанувчи суғурта ҳодисасини ўзи қасддан уюштира ёки содир этса суғурта қоплаш суммаси тўланмайди.

Дунёдаги шахсий суғурта тизими ривожланган мамлакатлар орасида. Япония пешқадамдир. Японияда ҳаёт суғуртаси бўйича маблағлар 1,645 трлн. долл.ни ташкил қилганлиги ҳақиқатдир. Шахсий суғуртанинг ривожи бўйича Швейцарияда 1,635 трлн. долл. маблағ мавжуд ҳисобланади. Германиянинг суғурта тизимида шахсий суғурта ҳиссаси 37 %ни ташкил этади, медицина суғуртаси 12 %ни, мулкӣ суғурта эса 51 %ни ташкил қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам шахсий суғурта бўйича қонунчиликни такомиллаштириш зарурати туғилди:

- республикада университетларида суғуртачи кадрларни суғурта йўналишларига мослаб тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш.
- аҳолининг суғурта бўйича саводхонлигини оширишни йўлга қўйиш. Мактаб, лицей, коллеж, институт, академия ва университетларда суғурта иши фанларини ўқитишни жорий этиш орқали мамлакат суғурта тизимини ривожлантириш мумкин.

*А. Рустамбеков,
МСС-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Эгри солиқларнинг иқтисодиётни тартиблашдаги роли

Эгри солиқлар баҳога ёки тарифга устама сифатида белгиланадиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлардир. Эгри солиқларга тортишда давлат товар ёки хизматларнинг сотилиши пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига ўз ҳуқуқларини даъво қилиш билан аслида янги

қийматнинг тақсимланиши иштирокчиси бўлиб қолади. Эгри солиқлар тўғри солиқлардан фарқли равишда тўловчининг даромади ёки мол-мулки билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Товарлар, одатда шахсий истеъмол товарлари, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасининг пуллик айланмаси, томоша кўрсатадиган ва транспорт корхоналарининг патталари ва шу кабилар солиққа тортиш объекти бўлади. Эгри солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам кенгайиб бормоқда.

Маълумки, давлат иқтисодиётни тартибга солишда бир қатор воситалардан фойдаланилади. Бундай воситаларга нархлар орқали таъсир этиш, фоиз ставкасига таъсир этиш орқали пулга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш, айрим соҳаларга давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, бож сиёсати орқали ички бозорни ҳимоялаш, корхоналарнинг молиявий сиёсатига таъсир этиш орқали уларнинг харажатларини тартиблаш, санация жараёнини ўтказиш орқали молиявий соғломлаштиришни амалга ошириш, шунингдек солиқлар воситасида иқтисодиётга таъсир чораларини амалга ошириш ва шу кабилардир. Иқтисодиётни эгри солиқлар орқали тартибга солишнинг муҳим хусусияти шундаки, бунда солиқларнинг фискал ва тартибловчилик функциялари кўпроқ намоён бўлади.

Харидор-истеъмолчи эгри солиқларнинг тўловчиси бўлади. Товарнинг соҳиби ёки хизматлар кўрсатадиган шахс аслида солиқ йигувчи ҳисобланади. Эгри солиқларнинг анчагина қисми мулкдор томонидан товар ёки хизматларнинг нархига қўшилади. Давлат корхоналари ва монополиялар солиқнинг бутун суммасига нархларни ошириш бўйича жуда катта имкониятларга эга. Тармоқ ичидаги рақобат юксак бўлганида ва талаб барқарор бўлмаган ҳолда солиқнинг муайян ҳиссаси товарнинг ишлаб чиқарувчиси ва сотувчи томонидан тўланади. Эгри солиқларнинг асосий тўловчиси пировард оқибатда истеъмолчилар бўлади. Эгри солиқлар даромадлилик, оилавий аҳволни ҳисобга олмайди. Ҳамма фуқаролар ўз даромадларининг миқдоридан қатъий назар, бундай солиқларни тўлайдилар, чунки эгри солиқларга тортиладиган турмуш учун зарур бўлган товарларни истеъмол қиладилар ва хизматлардан фойдаланадилар.

Эгри солиқларнинг ставкалари қатъий (товар ўлчамининг бирлигига) ва фоизли (товарнинг нархига муайян ҳиссада) бўлади. Фоизли ставкалар давлат учун кўпроқ фойдалидир, чунки нархлар ошганида солиқ тушумлари ҳам кўпаяди. Солиқ ставкаларининг оширилиши уларнинг товарларнинг нархидаги ҳиссаси ортишига олиб келади. Эгри солиқлар акцизлар, давлатнинг фискал монополиялари ва божхона божларини ўз ичига олади. Акцизлар ундирилиш усулига қараб яқка тартибдаги (пиво, шакар, бензин ва ҳоказо) ва универсал (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) турларга бўлинади. Улар асосан хўжалик актларидан ва айланмалардан, молиявий операциялардан келиб чиқади.

Республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни белгилловчи меъёrlарни аниқлаш муаммоси асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Солиқларнинг айрим турлари нисбати жамиятнинг ривожланишига қараб ўзгарди. XIX аср ва XX аср бошида ундирилиши усусли соддалиги билан ажралиб турадиган эгри солиқлар асосий аҳамият касб этган эди. 20-йиллардан бошлаб кўпгина мамлакатларда тўғри солиқлар кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Фикримизча эгри солиқлар орқали иқтисодиётни тартибга солишда эгри солиқларнинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Эгри солиқлар солиқларнинг фискал вазифасини бошқа солиқларга нисбатан кўпроқ ўзида мужассам этади. Яъни, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетида эгри солиқларнинг ҳиссаси 50 % дан кўпроқни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан эгри солиқни тўловчилар сони бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан жуда кўп бўлса, бошқа томондан фойда олиш ёки олмаслигидан қатъий назар айланмасига эга бўлган солиқ тўловчилар ушбу солиқларни тўлашга мажбурийлигидир.

2. Эгри солиқларнинг яна бир муҳим хусусияти. Истеъмолни тартиблашда муҳим омиллардан бирини бажаришидир. Эгри солиқлар маҳсулот таннархига киритилиши сабабли маҳсулотларни нархига таъсир этиш орқали охир оқибатда истеъмолни тартиблашга хизмат қилади. Эгри солиқларнинг бундай хусусияти асосан акциз солиғида ўз аксини топади. (Акциз солиғи орқали алкаголли ва тамаки маҳсулотлари нархи оширилиши назарда тутилади).

3. Эгри солиқларнинг асосий хусусиятларидан бири миллий иқтисодиётни ҳимоялаш воситасида кенг фойдаланишдир. Бунда миллий иқтисодиётда товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарлари интервенциясидан ҳимояланади ва уларнинг барқарор ишлаши таъминланади.

4. Эгри солиқлар бозор тан олмайдиган харажатларни кўпроқ амалга оширувчи солиқ тўловчиларни иқтисодий жазолайди.

Ш.Ш. Ахророва, ТДИУ

Юридик шахсларда ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби

Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби 1997 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 39-сон ва 97-101-сонли йўриқномасига асосан амалга оширилади. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар ер солиғи тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Белгиланган тартибда берилган ер учун

солиқ ер участкасидан фойдаланилгани ёки фойдаланилмаганидан қатъий назар тўланади. Белгиланган тартибда ягона солиқ тўланадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналар ер солиғи тўловчилари ҳисобланмайди.

Юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ерлар;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) корхоналар, бинолар ёки иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;

4) корхоналар бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Ер участкаларининг маъмурий ва саноат марказларига нисбатан жойлашишига қараб қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги оширувчи коэффициентлар қўлланилади:

- Тошкент шаҳри атрофида 20 км.лик доирада - 1,3;
- вилоят маркази атрофида 15 км.лик доирада - 1,2;
- туман марказлари атрофида 10 км.лик доирада - 1,15;
- бошқа шаҳарлар теварак-атрофида 5 км.лик доирада - 1,1.

Ер участкаларигача бўлган масофа шаҳарлар ва туманлар марказлари маъмурий чегарасидан автомобиль йўллари бўйича аниқланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг функционал вазифаларига мос келадиган энг катта коэффициент қўлланилади.

Бир аҳоли пункти ёки қишлоқ хўжалик корхонаси ва ташкилоти атрофида қандай қисми қайси зонага киришига қараб, уларни бутунлай шаҳар атрофидаги зонага киритиш ёки мазкур зонадан бутунлай чиқариб ташлаш таклиф этилади. Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари маъмурий чегарасида жойлашган конлар ва очиқ конлар билан банд бўлган ерлар учун ер солиғи шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларида жойлашган юридик шахслар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициенти қўлланилиб тўланади. Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолат бўйича мустақил ҳисоблаб чиқилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги ДСИга жорий йилнинг 1 февралига қадар белгиланган шакллар бўйича тақдим этадилар. Бир неча юридик шахснинг умумий мулки бўлган иморатларга хизмат қилишга мўлжалланган ер участкаси учун солиқ шу мулк эгаларининг ҳар бирига шу иморатлар умумий майдонидаги улушига қараб ҳисобланади.

Кўп каватли уй-жойнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахс ер солиғини шу уй эгаллаб турган умумий майдон ва мазкур юридик шахс

фойдаланадиган ишлаб чиқариш хоналари улушидан келиб чиқиб ҳисоблайди. Ўрмон, балиқчилик, овчилик корхоналари, шунингдек машина-трактор парклари солиқ солиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарига тенглаштирилади.

Солиқ тўловчи каерда жойлашганидан қатъий назар ер солиғи ер участкаси қайси туман ёки шаҳар ҳудудида бўлса, шу туман ёки шаҳар маҳаллий бюджетига ўтказилади. Ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида бўлса, солиқ худди шу тартибда тўланади.

Ер солиғини ҳисоблаш формуласи :

$$ЕСС = ЕМ \times СС \times Оқ$$

бу ерда, ЕСС - ер солиғи суммаси;

ЕМ - солиққа тортиладиган ер майдони;

СС - балл-бонитетлигига қараб белгиланган солиқ ставкаси;

Оқ - оширувчи коэффициент.

Юридик шахслар (к/х корхоналаридан ташқари) солиқни йилнинг ҳар чорагида, барабар улушда чоракнинг иккинчи оyi 15-кунигача тўлайди. Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун тўлаш муддати ўтгандан кейин олган бўлса, шу давр учун солиқ тўлаш муддати навбатдаги чорак учун солиқ тўлаш муддати бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ер солиғини бир йилда бир марта - ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар тўлайди. Солиқ тўловчи ортиқча солиқ тўлаган бўлса, бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи бўлмаса, солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан ортиқча тўланган пул солиқ тўловчига 30 кун ичида қайтарилади. Хулоса қилиб айтганда, ер солиғи бўйича юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоби бухгалтерия ҳисоби “Бюджет билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварагининг “Ер солиғи бўйича ҳисоблар” илова ҳисобварағида юритилади ва давр харажатларига қўшилади.

Ж.Р. Ибодуллаев,
МСС-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартибини такомиллаштириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб моҳияти тўлақонли бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг тадбиркорлик субъектлари билан бўладиган иқтисодий муносабатлари солиқлар орқали амалга оширилади. Бунда давлат бюджетига пул маблағларини йиғиш солиқлар орқали, хўжалик юритувчи субъектлар даромадларининг бир қисмини бюджетга олиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Фойданинг солиққа солиш объекти сифатидаги афзаллиги давлатнинг юз бераётган ўзгаришларга тезкор таъсир кўрсатиш имкониятидир (фойданинг ўсишини рағбатлантириш ёки жиловлаш). Солиқ солиш объекти сифатида фойдани танлаш алоҳида корхонада ўта юқори фойданинг пайдо бўлишини қайд этиш, бунинг сабабларини аниқлаш ва зарур ҳолларда солиқ солишнинг тартибга солувчи механизмдан фойдаланиш имконини беради. Ялпи тушумлар ҳам, ялпи даромад ҳам бундан кучли бошқарувчи кучга эга эмас.

Фойданинг солиқ солиш объекти сифатидан яна бир афзаллиги амалга оширилаётган харажатларни давлат томонидан мониторинг қилинишидир. Фойда даромадларнинг харажатлардан ортиқ бўлиши сифатида аниқланади. Солиқ тўловчида кўпинча харажатларни сунъий кўпайтириш истаги ва бу билан фойдани камайтириш пайдо бўлади. Солиқ солиш амалиётида “солиқ таннари” деган тушунча қўлланилади, у таркибига кўра ўзининг иқтисодий эквивалентидан анча фарқ қилиши мумкин. Фойданинг солиқ солиш объекти сифатидаги афзалликларини белгилаб олиб, энди унинг камчиликларини ҳам кўриб чиқамиз. Биринчидан, бу фойда солиғининг паст фискаллиги бўлиб, солиқ базасига фақат қўшимча маҳсулотни киритиш билан белгиланади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ислохотларнинг илк йилларида солиқлардан тушумлар жуда паст бўлади, бу умумий рентабеллик даражасининг пасайишига боғлиқ. Бунда алоҳида корхоналар ва тармоқлар рентабеллиги бу каби мамлакатларда кучли дифференциацияланган бўлиб, бу солиқларнинг минтакалар бўйича тушишини ҳам юқори даражада дифференциациялайди. Фойда, шунингдек ишлаб чиқаришнинг мавсумий тусига ҳам боғлиқ. Қатор иқтисодчиларнинг фикрича, бундай далиллаш солиқнинг фойдага нисбатан эмас, балки даромадга нисбатан қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фойданинг иккинчи камчилиги уни маъмурлашнинг мураккаблигидир.

Республикамизда фойда солиғининг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсирини тадқиқ этиш натижасида фойда солиғига тортиш механизмини такомиллаштиришда қуйидаги йўналишларда ислохотлар олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади:

– Таҳлиллар ривожланган мамлакатларда фойда солиғи ставкаларининг мамлакатимиздаги асосий солиқ ставкаларига нисбатан анча юқорилигини кўрсатади, лекин солиққа тортиладиган даромад қайта қўшиладиган харажатлар ҳисобига ҳақиқий олинган фойдага нисбатан ставка юқори даражани ташкил этмоқда.

– Корхоналарнинг инвестиция фаолиятини кучайтириш ва янги технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган имтиёзлардан кўзланган натижаларга эришиш учун уларнинг белгиланган муддати етарли эмас.

– Амалдаги солиқ қонунчилигига асосан жами даромаднинг таркибига валюта ҳисобварақлари бўйича ижобий курс фарқи киритилган ҳолда, бу ижобий фарқ корхонанинг солиққа тортиш мақсадида даромад эмас, балки мамлакатдаги инфляция даражаси натижасида кўрилган зарарни компенсация ёки индексация қилиниши деб қараш лозим.

*Қудратов Ж., гр. МЭКТ – 01,
Каримова Д., д.э.н., проф., ТГЭУ*

Этика и мораль преподавателей и студентов как фактор повышения уровня образования

XXI век – век стремительных скоростей, век информации и информационных технологий, когда основными факторами человеческого развития становятся интеллектуальные ресурсы, высокие технологии и современные знания.

Кардинальное повышение уровня и качества всей системы образования и подготовки кадров является основным направлением государственной политики нашей страны.

Государственная политика в области подготовки кадров предусматривает становление разносторонне развитой личности - гражданина через систему непрерывного образования, неразрывно связанную с интеллектуальным и духовно-нравственным воспитанием человека. Здесь реализуется одно из главных конституционных прав гражданина - право на образование, проявление творческих способностей, интеллектуальное развитие, профессиональный труд.¹

Дальнейшее формирование системы духовно-нравственного и патриотического воспитания, гражданского становления молодого поколения невозможно осуществить без улучшения уровня этики и морали преподавателей и студентов.

Этика познается и формируется в процессе внутренней работы человека над собой, с целью определения своего места в социуме и выработки системы принципов поведения в нем. Формирование этики совершается постоянно в течение всей жизни: решаются нравственные проблемы, которые, во-первых, актуальны, а во-вторых, неповторимы (индивидуальны).

Мораль охватывает нравственные взгляды и чувства, жизненные ориентации и принципы, цели и мотивы поступков и отношений. Мораль проводит границу между добром и злом, совестью и бессовестностью, честью и бесчестьем, справедливостью и несправедливостью, нормой и ненормальностью, милосердием и

¹ Национальная Программа по подготовке кадров

жестокостью и т. д. Мораль формируется главным образом в результате воспитания, в меньшей степени - в результате действия механизма сопереживания или адаптационного процесса.

Для улучшения состояния этики и морали преподавателей и студентов необходимо решить имеющиеся проблемы. Приведем некоторые из них:

1. Взаимоотношения между студентами и преподавателями не основаны на взаимоуважении и сотрудничестве.

2. У студентов и преподавателей многих вузов отсутствует чувство корпоративности, т.е. они идеологически не связаны с вузом.

3. Недоверие администрации вузов к преподавателям и студентам (например, дополнительные проверки посещаемости во время занятий и др.). Мы понимаем причины подобных явлений как вынужденные действия администрации, вызванные недостаточным уровнем морали и этики некоторых преподавателей и наличием определенной доли зависимости студентов от преподавателей.

4. Отсутствие независимого органа для защиты прав, как и студентов, так и преподавателей.

5. Отсутствие мониторинга объективного и адресного финансирования научных и других работ преподавателей и студентов.

6. Нерациональное использование ресурсов и интеллектуального потенциала преподавателей и студентов (например, преподавателя назначили на административную должность, хотя у него огромный потенциал для научных работ или использование студентов для выполнения каких-либо не учебных и не научных работ).

7. Превалирование у некоторых преподавателей личных интересов над интересами студенчества, высшего образования и государства в целом.

Для решения имеющихся проблем в области этики и морали преподавателей и студентов авторы предлагают разработать единый и образцовый для всех преподавателей и студентов вузов «Кодекс чести преподавателей и студентов». Основой такого «Кодекса чести» должны являться общечеловеческие и национальные ценности, отраженные в актуальнейшем произведении Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова «Юксак маънавият – энгилмас куч».

В ходе практического применения «Кодекса чести преподавателей и студентов» появится возможность устранить такое отрицательное явление как, растрата дорогостоящего времени занятий для нравоучений и призывов к порядку отдельных студентов, в течение которого тратится не только учебное время почти всей группы студентов, но и здоровье как преподавателя, так и студентов, не «заслуживших» подобные нравоучения. Также, необходимо отметить, что для повышения уровня этики и морали профессорско-преподавательского состава и студентов требуются не

сколько дополнительные затраты в виде «тьютерства» и т.д., сколько уделение большего внимания:

а) степени наличия (или отсутствия) у претендентов на все преподавательские должности (от ассистента до профессора), тем более управленцев всех уровней управления в вузах определенного набора морально-этических норм при прохождении ими конкурсов по замещению вакантных должностей;

б) степени наличия у абитуриентов и студентов указанных свойств.

При этом, мы считаем, приоритетным выполнение требования «а», так как высокоморальный, обладающий высокими этическо-нравственными нормами преподаватель сможет повлиять своими поступками на недостаточно воспитанного студента.

Необходимо отметить, что высокий уровень морали и этики преподавателей и студентов вузов будет способствовать получению добавочного эффекта, включая финансовое, моральное удовлетворение преподавателя своим трудом, а студентов процессом познания, развития их творческих способностей, пополнения своего главного богатства – интеллектуального потенциала. Это в итоге будет способствовать не только кардинальному повышению качества подготовки молодых специалистов, но и распространению ими высоких идеалов, культуры, этики, морали.

Эффективность воспитания высокоинтеллектуальных, творчески мыслящих граждан своей страны невозможно точно посчитать. Подсчет невозможен по причине предполагаемого (мечтаемого) соблюдения и распространения будущими молодыми специалистами высокого уровня этики и морали по месту их будущей работы и в жизни.

Здоровые, с точки зрения морали и этики студенты (в будущем специалисты, руководители, государственные деятели, родители) - это залог успеха и процветания отдельно взятых хозяйствующих субъектов, семей, общества и страны в целом.

Ж. Қудратов,
МЭКТ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Аҳолининг иқтисодий секторлари бўйича бандлиги таркиби ва унинг динамикаси

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган. Мазкур ислохотлар йўналишларидан бири корхона ва объектлардаги давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг бош мақсади иқтисодийда

давлат секторининг улушини камайтириб, аксинча нодавлат секторининг улушини кенгайтиришга қаратилган. Бунда, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишига катта эътибор берилаётганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу борада ижобий натижаларга эришилди ва уни жадвалда акс эттирилган кўрсаткичлар мисолида кўришимиз мумкин.

Хукумат томонидан чет эллик ишбилармон доиралар ва сармоядорларга кенг имкониятлар ҳамда зарур кафолатлар берилаётганлиги, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар сони ортиб боришини таъминламоқда. Бунинг натижасида мазкур корхоналарда банд бўлганлар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2004 йилда чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарда 100 минг киши ёки жами бандларнинг 1,0 фоизи банд бўлган бўлса, 2007 йилга келиб уларнинг сони 147 минг кишига етди, яъни 1,5 мартага кўпайган.

Нодавлат мулкчилик шакллари, хусусан хусусий мулкчилик шаклига кенг имкониятлар берилаётганлиги мазкур мулкчилик шаклида банд бўлганлар сони ортиб бораётганлигидан далолат беради. Жумладан, 2004 йилда хусусий мулкда банд бўлганлар сони 5664 минг кишини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 7226 минг кишига етди ва жами бандларнинг 67,3 фоизини ташкил қилди.

Хусусий мулкда банд бўлганларнинг салмоқли қисмини шахсий меҳнат фаолиятида банд бўлганлар ташкил этади, яъни 2004 йилда шахсий фаолиятда банд бўлганлар сони 3503 минг кишидан 2007 йилда 4176 минг кишига ёки 19,2 фоизга ўсган. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, таҳлил этилаётган даврда фермер хўжаликларида банд бўлганлар сонига энг катта ўсиш кузатилган, яъни 2004 йилда фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 734 минг кишидан 2007 йилда 1343 кишига ўсган. Бошқача қилиб айтганда, фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 2004-2007 йилларда 83,0 фоизга ўсган. Бунинг асосий сабаби фермерларга давлат даражасида эътибор берилаётганлиги билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатларининг чуқурлашаётган шароитида Ўзбекистонда давлат ва нодавлат секторида иш билан банд бўлган аҳоли сони мунтазам ортиб бормоқда.

**Ж. Усаров, талаба,
Х.Х. Абдураманов, и.ф.н., ТДИУ**

Аҳолининг иш билан бандлигини оширишнинг устувор йўналишлари

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиёти ижтимоий самарадорлигининг пировард натижаларини белгиловчи омиллардан бири аҳоли бандлиги ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақилликка эришиш ва

бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш билан меҳнатнинг ихтиёрийлиги, меҳнат фаолиятининг турлари ва шакллари танлашнинг иқтисодий эркинлиги, ишга жойлаштиришга муҳтож фуқаролар ва фаол иш қидираётган ишсизларни давлат қўллаб-қувватлаши таъминловига асосланган бандлик сиёсати амалга оширилмоқда. Республикада қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадли ва мажмуали дастурларининг кетма-кет амалга оширилиши туфайли 2007 йилда қўшимча 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, улардан 154,8 минги – кичик корхоналарда, 106,2 минги – юридик шахс бўлмаган хусусий тадбиркорлик соҳасида, 72,9 минги – фермер хўжаликларида, 200 минги – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил этилди. Шунингдек, касаначиликда 212,1 мингта иш ўрни, улардан – 106 минги корхоналар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилди. Республикада 2007 йилда иқтисодиётда аҳолининг бандлик даражаси 70,7 % ни ташкил қилди. Бу кўрсаткични республикада бўйича таҳлили унинг Жиззах вилоятида 60,5 % ни, Навоий вилоятида 80,9 % ва Тошкент шаҳрида 80,8 % ни ташкил қилганини кўрсатади. Ўзбекистон вилоятлари бўйича аҳолининг бандлик даражаси бундай фарқланишига табиий-иқлим ва демографик омиллардан ташқари иқтисодиёт ва саноатнинг шаклланган тармоқ таркиби, иқтисодий ислохотларни ўтказиш жараёнлари ва улар туфайли иқтисодиётда юз бераётган таркибий ўзгаришлар таъсир қилади.

Шу билан боғлиқ ҳолда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон аҳолисининг бандлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигидан бўшаган ходимларни тўлиқроқ банд қилиш учун иқтисодиётнинг ноқишлоқ хўжалиги ва ноишлаб чиқариш тармоқларини, деҳқон ва фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатишнинг янги шакллари ташкил этиш.

2. Молиялаштириш манбаларини кенгайтириш мақсадида қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлардан, шунингдек давлат бандлик жамғармаси маблағлари ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш.

3. Корхона, ташкилот ва фирмаларнинг кадрларга бўлган талабларини ҳисобга олувчи кадрлар стратегияси маркетингини ташкил қилиш; бутун меҳнат фаолияти давомида малакасини оширадиган кўп профилли «мослашувчан ходим» концепциясини олиб бориш; устанинг ўқувчини тайёрлашда ва ўз навбатида, «устоз–шогирд» усули бўйича ўқувчиларга муайян касбни эгаллашда ёрдам беришдан моддий манфаатдорлигини ошириш.

4. Хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, иш ўринларини ташкил қилишда иқтисодий механизмлардан фойдаланиб; анъанавий халқ

хунармандчилиги билан боғлиқ айрим корхоналарда «умрбод ёллаш» тизимини қисман жорий қилиб; янги техника ва технологияни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини мукаммаллаштириб бандликнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш.

5. Ўз-ўзини банд этиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, бандликнинг фаол сиёсатини олиб бориш.

Юқорида берилган таклиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлиги шароитларида иқтисодий фаол аҳоли бандлиги ва инсонларнинг фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

К.Ю. Ирискулов,
МЭКТ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишига янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни барпо этиш, қишлоқда аввало ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича кенг чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишдир. Ҳозирги маълумотларга қараганда Ўзбекистон аҳолисининг 50 %га яқини қишлоқ жойларида истиқомат қилади, бу аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ошириш муҳим масалалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ислохотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан бири деб қаралмоғи кераклигини уқтириш билан бирга, халқимизнинг туб манфаатлари ҳимояси одамларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, уларда тадбиркорлик руҳининг ривожланишига ёрдам беришини алоҳида таъкидлаганди. Жумладан: "Халқимизнинг ўзи туғилган, киндик қони тўкилган жойга ниҳоятда меҳрли бўлиб, боғланиб қолганини, яъни "дайди" бўлиб кўчиб юриш одати йўқлигини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқда одамларни иш билан таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарнинг тез ривожланиши қишлоқ хўжалигида ислохотларни тезлаштириш имконини беради", - деган эдилар.

Сўнгги йилларда республикамиз қишлоқларида аҳолининг йиллик ўсиши ўртача 2-2,5 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкалардаги иқтисодийнинг ишчи кучи ортиқча бўлган айрим тармоқларда бугун яширин ишсизлик (корхоналарда мажбурий таътилдагилар) мавжудлиги сир эмас.

Президентимиз ташаббуси ва ҳукуматимиз томонидан иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичиданоқ ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик асосий вазифалардан бири қилиб қўйилганди. Бунга муайян даражада муваффақ бўлинди ҳам.

Республикамизда дастлаб 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди. Ҳар бир туманда ана шундай биржа вужудга келди. Ишсизларни рўйхатга олиш ва уларнинг касбини ўзгартириш механизми яратилди, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш тизими йўлга қўйилди. Натижада, расман рўйхатга олинган ишсизлар меҳнат ресурсларининг кутилганидан ҳам анча фоиз камроғини ташкил этди. Бу республикамиз шароитида ислохотлар биринчи босқичининг ижобий натижаси эди...

Аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини авж олдириш, уларга ортиқча ишчи кучларини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар барпо этиш бугун ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Негаки, сўнгги йилларда мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй бериб, айниқса, ўтиш даври ларзалари таъсирида кам таъминланган, даромади паст оилалар қийналиб қолгани устига, аниқроғи, айрим оилаларнинг аъзолари ишсиз қолгани ва боз устига маълумоти ҳамда касби йўқ кишилар ўта қийналиб қолганликлари сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон тажрибасига кўра ҳам қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш бу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли эканлиги эндиликда барчага маълум. Давлатимиз раҳбари ўзининг "қишлоқ истиқболи юрт истиқболи" асарида (Президент асарлари тўплами, 3-том, 119-бет, Тошкент, 1996 йил.) даъват билан айтдиларки: "Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шуни тушуниб етиши керакки, одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар ҳузурига қишлоққа олиб бориш керак! Бунда 20,60 миллион доллар турадиган гигант фабрикалар эмас, балки ихчам, керак бўлганда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти турини тез ўзгартира оладиган корхоналар қуришга аҳамият бериш лозим".

Хуллас, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш қишлоқда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, хусусан, маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни қишлоқ заминига

жойлаштириш маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли хил мулк эгалари олдига асосий вазифа қилиб қўйилгани тасодифий эмас.

Бугунгача хизмат кўрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туманлар марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уларни посёлкалар, қишлоқлар, хаттоки энг олис овулларда ҳам ташкил этиш эҳтиёжи зарурати тобора ортмоқда. Зеро, хизмат кўрсатиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганлигини, жамиятнинг ривожланаётганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

*Абдулкасимова М.Ф.,
МИО-10 гуруҳи талабаси,
Расулев Д.М., проф., ТДИУ*

Симсиз коммуникация технологиялари - электрон тижоратга таъсир этувчи омил сифатида

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг барча жабхаларига симсиз коммуникация технологиялари кириб бормоқда, бу эса ўз навбатида жамиятнинг замонавий технологиялари тезкор жорий этилишига туртки бўлмоқда. Турли хил симсиз қурилмаларни кундалик ҳамда профессионал ҳаётимизда учратишимиз мумкин. Масалан: уяли телефонлар, пейджерлар, қўл компьютерлари ёки шахсий сонли ёрдамчилар (Personal Digital Assistants), шахсий компьютерлар (ШК) ва бошқа телефон, пейджер, компьютерларга қўшиладиган симсиз қурилмалар. Электрон тижоратнинг ривожланишида замонавий технологиялар катта аҳамиятга эга. Ушбу бизнеснинг тараққий этилишига тўсиқ бўладиган омиллардан бири ҳам жамиятнинг технологик савияси етарли эмаслигидир. Яъни, янги технологиялар тўсатдан жамиятга жорий қилиниши билан ундан самарали фойдаланиш мумкин эмас, шунинг учун аксинча бундай технологиялар босқичма-босқич жорий қилиниши керак.

Симсиз комуникация технологияларида турли тўлқинлардан фойдаланилади, бугун симсиз узатишларнинг энг кенг тарқалган тури – радио-телевидение тармоқларидир. Радио - телевидение тармоқларида электромагнит тўлқинлар орқали маълумотлар узатилади. Электромагнит тўлқинлар частоталар билан фарқланади, яъни тўла тўлқин ёки даврларнинг секунддаги сони тўлқин частотасини беради, бирлиги Герц. Тўлқинларнинг бир фарқловчи параметрларидан яна бири тўлқин узунлигидир. Бу тўлқиннинг бир фазада бўлган иккита нуқта орасидаги энг қисқа масофа ҳисобланади. Қуйида кундалик ҳаётимизда кенг тарқалган тўлқинларнинг турлари келтирилган:

– юқори энергияли, қисқа узунликдаги, юқори частотали тўлқинлар - гамма, рентген ва ультрабинафша нурлари;

– ўртача энергияли, ўртача узунликдаги, ўртача частотали тўлқинлар – кўриш ёруғлиги, инфракизил тўлқинлар;

– паст энергияли, узун узунликдаги, паст частотали тўлқинлар – микротўлқинлар, радио тўлқинлари.

Симсиз коммуникация технологиясининг муҳим кўринишларидан яна бири - симсиз локал тармоғи (LAN – local area network), бунда бир неча ШКларни ўзаро ҳамда принтерга улаб ҳужжатларни симсиз узатиш, чоп этиш мумкин. Бу жуда қулай ҳисобланиб турли биноларни боғлашда бир қанча техник муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, сунъий йўлдош орқали маълумотларни дунёнинг исталган ерига юбориш мумкин ва шулар кабилар.

АҚШ ва глобал симсиз электрон тижорат бозори турлича баҳоланмоқда. Кўпгина таҳлиллар кейинги 3-5 йиллар ичида симсиз қурилмалар, симсиз электрон тижорат хизматларига талабни ҳамда симсиз интернет фойдаланувчилари сони ҳам ўсиши башорат қилинмоқда. Мисол учун The Intermarket Group тадқиқотчиларининг башоратига кўра, АҚШ да симсиз Web – фойдаланувчилар сони 2000 йил 2 млн., 2009 йилда 98 млн.гача ўсади.

Симсиз электрон тижорат хизматининг келажакда ривожланиб бориши, таклиф қилинаётган симсиз технологиянинг фойдалилигига боғлиқ. Симсиз технологияларнинг айрим самарали томонлари:

1. Тезкорлик (Immediacy). Симсиз коммуникациялар - бу тезкор, яъни улар ҳар пайт ва ҳар ерда тезкор талабни қондира олади. Электрон тижорат эса симсиз қурилмалар орқали тезда хизмат таклиф қила олади. Айтайлик, сизга кинога чипталар керак, аммо сиз йўлда кетяпсиз, кассага киришга вақтингиз йўқ. Шунда сиз симсиз қурилмангиздан фойдаланиб, чипталарни «on-line» хизматидан сотиб олишингиз мумкин бўлади.

2. Шахсийлашган (Personalization). Симсиз қурилмалар шахсийдир, сабаби бир қанча кишилар уяли алоқа телефонлари ёки симсиз қурилмаларга эга бўлишади. Симсиз қурилмалар шакли, ранги ва ҳоказо шартлари билан ҳар бир харидорнинг талабини қондира олади. Кўпгина фойдаланувчилар уларни ўз шахсийлашганликларни кенгайганлиги сифатида кўради. Симсиз қурилманинг шахсийлашганлигидан фойдаланиб, электрон тижоратни харидор дидига мос равишда маълумотларни етказиш мумкин.

3. Жойлашганлик (Localization). Симсиз фойдаланувчиларнинг айна вақтда жойлашган жойларига қараб, ўша ердаги харидорни қизиқтирувчи товар ва хизматларни таклиф қилиш мумкин. Масалан, харидор сайр қилаётган кўчада таниқли ресторан жойлашган ва бу ҳақида маълумотни осонлик билан Интернетдан олиши мумкин бўлади.

Бугун Ўзбекистонда ҳам симсиз технологиялар кенг қўлланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Мисол тариқасида Ўзбекистоннинг уяли алоқа операторлари 3G технологиясидан

фойдаланиб, видео, овоз, мультимедиа маълумотларини ҳамда Интернетга тезкор ва сифатли уланишни таъминлаб бермоқдалар. Бундан ташқари аҳолига замонавий технологияларни кенг тарқатиш мақсадида Интернет провайдерлар Wi-Fi технологиясидан фойдаланиб, истироҳат боғи ва қахвахоналарга бепул хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил қилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиздаги замонавий технологияларга бўлган талаб ва қизиқиш мавжудлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида электрон тижорат ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

*А.К. Сарибоев, МИО-01 гуруҳ талабаси,
Н.И. Мавлютов, ТДИУ*

Олий ўқув юртларида шахсий компьютерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

Ўқув жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни бошқариш самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртининг ўқитиш тизими бўйича танлаган стратегияси ва тактикасига чамбарчас боғлиқдир. Изланишлар шуни кўрсатадики, ўқув жараёнларини компьютерлаштириш ва бошқариш ҳар доим ҳам бу йўлда ажратилган маблағлар билан мос келмайди. Шунинг учун максимал самарадорликка эришиш учун бир қанча талабларга риоя этиш лозим.

Энг аввало, олий ўқув юртининг барча бўлимларида компьютер технологияларининг кераклилик даражасинг ўрганиб чиқиш ва уларни гуруҳлаш лозим. Натижада биз қуйидаги гуруҳларга эга бўламиз:

1-гуруҳ: Ҳозирги замонавий компьютер воситаларини ва амалий дастурларни ўргатадиган, илмий изланишлар ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган лаборатория текширувларини олиб борадиган махсус факультетлар.

2-гуруҳ: Мутахассислик ва умумтушунчаларни шакллантириш бўйича дастурларни ўргатадиган умумуниверситет факультетлари.

3-гуруҳ: Нашриёт бўлими ва кутубхона.

4-гуруҳ: Олий ўқув юртининг асосий бошқарув бўлимлари (бухгалтерия, маркетинг, кадрлар бўлими ва бошқалар).

5-гуруҳ: Деканатлар, кафедралар, жорий ва ҳисобот ҳужжатлаштиришларни юритувчи бўлимлар.

Шахсий компьютерларнинг сифатининг ошиши, бунга тенг равишда йилдан йилга компьютерлар нархи пасайиши, бу техник воситалар ва дастурий маҳсулотлар оптимал ишлатиш даври қисқаришига сабаб бўлмоқда ва ушбу кўрсаткич ҳозирда ўртача икки йилни ташкил этмоқда. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, аслида асосий техник воситаларнинг

ишлаш даври икки йилдан ортиқ муддатни ўз ичига қамраб олади. Техник воситалардан бу қадар қисқа муддат фойдаланишнинг сабаби, унинг маънавий эскиришидир. Техник воситалар жорий модернизация қилиш, яъни процессорни алмаштириш ёки қўшимча хотира қўшиш ўзини иқтисодий оқламайди. Бу билан бирга мавжуд техник қурилмаларнинг янгиси билан ҳам тўғри келмаслигини инобатга олиш лозим.

Амалиётга татбиқ этилаётган техник воситаларни танлаш, уларнинг техник даражаларини аниқлаш мақсадида бозорда маркетинг тадқиқотини олиб бориш лозим. Нафақат ички, балки ташқи бозорларни ҳам ўрганиш лозим. Қўзланаётган техник воситаларнинг тавсифини ўрганиб чиқиш, фойдаланган ёки фойдаланаётган корхона, ташкилотлардан экспертлар хулосасини олиш лозим. Техник воситаларни танлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- ахборот-коммуникацион воситаларнинг ишончлилиги;
- ходимларни қайта тайёрлашга кетадиган маблағлар;
- электр қуввати иқтисод қилиниши;
- фойдаланишнинг оддийлиги;
- сервис хизматларининг мукамаллиги;
- бўлимдаги техник воситанинг ишлаши учун зарур бўладиган майдон;
- ташқи муҳитга таъсири (товуш шовқини, чиқарадиган иссиқлик миқдори ва ҳ.к.).

Юқорида эътироф этилганидек, компьютер техник воситаларни олий ўқув юрти бўйича тўғри тақсимлаш, ҳамда бу техник воситаларни танлаш ва жорий этишда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, шахсий компьютерларни танлашда унга қўйиладиган талабларни ҳам инобатга олиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

*Б.Р. Мирзаев, гр. МИО-01,
А.А. Мусалиев, доц., ТГЭУ*

Концепция построения систем электронного документооборота

В любой современной организации документ является основным способом представления информации. Неоспорима важность сохранности и умелого использования информационных ресурсов организации для успешного ведения бизнеса. Способность принять верное решение и вовремя отреагировать на ситуацию, гибко реагировать на все изменения рынка зависит не только от таланта и опыта руководителей. Эффективность управления организацией зависит и от того, насколько разумно в нем организовано управление документооборотом. Фактически, малоэффективное использование накопленной информации (или, еще хуже, ее утрата) может привести к потере всего бизнеса. Ведь вовремя не

полученная информация или документ - это, прежде всего, потерянные деньги, время и упущенные возможности. Вследствие этого, в любой организации, где ведется активная работа с различными документами, рано или поздно встает проблема систематизации, обработки и безопасного хранения значительных объемов информации. Важную роль в оптимизации деятельности предприятия любого размера и профиля деятельности играют современные системы электронного документооборота (СЭД).

По мнению аналитиков, электронный документооборот включает: создание документов, их обработку, передачу, хранение, вывод информации, циркулирующей в организации на основе использования компьютерных технологий. Под управлением электронным документооборотом в общем случае принято понимать организацию движения документов между подразделениями предприятия или организации, группами пользователей или отдельными пользователями. При этом, под движением документов подразумевается не их физическое перемещение, а передача прав на их применение с уведомлением конкретных пользователей и контролем за их исполнением.

Документ в СЭД. Документ — основная единица информации, и все существование системы документооборота посвящено хранению документа, его свойств и истории его жизни, а также собственно обеспечению его жизнедеятельности.

Понятие СЭД. СЭД обеспечивают процесс создания, управления доступом и распространения больших объемов документов в компьютерных системах, а также обеспечивают контроль над потоками документов в организации. Часто эти документы хранятся в специальных хранилищах или в иерархии файловой системы. Типы файлов, которые, как правило, поддерживают СЭД, включают: текстовые документы, изображения, электронные таблицы, аудиоданные, видеоданные и Web-документы. К общим возможностям СЭД относятся: создание документов, управление доступом, конвертация данных и обеспечение безопасности данных.

Назначение СЭД. Главное назначение СЭД — это организация хранения электронных документов, а также работы с ними (в частности, их поиска, как по атрибутам, так и по содержимому). В СЭД должны автоматически отслеживаться изменения в документах, сроки исполнения документов, движение документов, а также контролироваться все их версии и подверсии. Комплексная СЭД должна охватывать весь цикл делопроизводства организации — от постановки задачи на создание документа до его списания в архив, обеспечивать централизованное хранение документов в любых форматах, в том числе, сложных композиционных документов. СЭД должны объединять разрозненные потоки документов территориально удаленных предприятий в единую

систему. Они должны обеспечивать гибкое управление документами как с помощью жесткого определения маршрутов движения, так и путем свободной маршрутизации документов. В СЭД должно быть реализовано жесткое разграничение доступа пользователей к различным документам в зависимости от их компетенции, занимаемой должности и назначенных им полномочий. Кроме того, СЭД должна настраиваться на существующую организационно-штатную структуру и систему делопроизводства организацией, а также интегрироваться с существующими корпоративными системами.

Пользователями СЭД. Основными пользователями СЭД являются крупные государственные организации, предприятия, банки, крупные промышленные предприятия и все прочие структуры, чья деятельность сопровождается большим объемом создаваемых, обрабатываемых и хранимых документов.

Задачи СЭД. В общем случае система электронного документооборота должна помогать в решении следующих задач:

- повышение эффективности управления бизнес-процессами (потоками задач и потоками информации) за счет улучшения исполнительской дисциплины, оптимизации контроля выполнения задач и анализа деятельности организации;

- сокращение непроизводительных затрат рабочего времени сотрудников и финансовых издержек на расходные материалы;

- создание единого информационного пространства предприятия (координация работ и коллективное взаимодействие);

- электронный архив (корпоративное хранилище документов и информации), документооборот (автоматизация канцелярии или делопроизводства), управление документами и знаниями (база знаний);

- обеспечение надежности учета и хранения документов;

- организация эффективной защиты информации.

- Крайне желательно, чтобы система документооборота обеспечивала:

- эффективное взаимодействие сотрудников в рамках работ по документам;

- мгновенный поиск информации (по любому из полей регистрационной карточки, по тексту файла и т. д.);

- контроль выполнения работ, инициируемых документами и заданиями; удобство настройки системы уведомлений и напоминаний, которая поможет руководителям оперативно отслеживать состояние работ, сотрудникам правильно организовывать свою работу, и, таким образом, улучшить исполнительскую дисциплину в организации.

- проводить мониторинг состояния выполняемых процессов и анализ загрузки персонала за счет формирования различных журналов и отчетов;

- долговременное хранение документов организации;
- разграничение прав доступа сотрудников к информации.
- поддержку работы в организациях с территориально-распределенной структурой управления, что позволяет организовывать сквозную работу над документами и заданиями между главным офисом и территориально удаленными филиалами.
- конфиденциальность работы с документами всех сотрудников, распределение прав доступа в соответствии с их должностными обязанностями и статусом в организации или возможность формирования в системе пользовательских ролей, что позволяет организовать работу в режиме временного или постоянного замещения одного сотрудника другим.
- гибкий, доступный предметному специалисту механизм проектирования маршрутов документов, поручений, заданий, т.е. настройки бизнес-процессов.

*У.Ф. Талипов, гр. МИО-01,
А.А. Мусалиев, доц., ТГЭУ*

Информационные технологии в совершенствовании систем документооборота

Основное содержание работы большинства органов управления — это выработка управленческих решений, протекающая в форме работы с документами. Поэтому эффективность осуществления ими своих функций в значительной степени определяется системой работы с документами, принятой в организации.

Существующие системы документации, характерные для неавтоматизированных информационных систем (ИС), отличаются большим количеством разных типов документов; большим потоком объемов документов и их запутанностью; дублированием информации в документах и работ по их обработке и, как следствие, низкой достоверностью получаемых результатов. Обработка документов в таких системах занимает более 40 % времени работников управления.

По данным обследования, проводившегося Siemens Business Services в ряде компаний (опубликованы в журнале iBusiness, № 4, 2000 г.):

- 30% времени рабочих групп тратится на поиски и согласование документов;
- 6% документов безвозвратно теряются;
- каждый внутренний документ копируется до 20 раз;
- на 20-25% возрастает производительность труда персонала при использовании электронного документооборота;

– стоимость архивного хранения электронных документов на 80% ниже в сравнении с их бумажными копиями.

Традиционная система делопроизводства основана на централизованном контроле документов на всех стадиях их исполнения, обладает рядом важных достоинств. Однако при больших объемах обрабатываемых документов все равно возникают проблемы, неизбежные при работе с бумажными документами:

- длительные процедуры передачи документов внутри организации;
- возможность утери информации о местонахождении документов;
- отсутствие эффективного контроля как за работой отдельных работников, так и за деятельностью организации в целом со стороны вышестоящих органов и общества;
- высокие издержки на инфраструктуру хранения и движения бумажных документов;
- высокая трудоемкость рутинных операций в деятельности чиновников и нехватка времени на подготовку качественных решений.

Зачастую эти проблемы приводят к неоправданно затянутым срокам рассмотрения вопросов, неэффективности работы и плохой управляемости организации.

Существуют два возможных подхода по применению информационных технологий для решения этой проблемы:

- повышение эффективности существующих процедур работы с документами (автоматизация делопроизводства);
- переход к электронному документообороту.

Этапами эволюции системы электронного документооборота являются:

1. Бумажный: традиционные технологии документооборота.
2. Электронное делопроизводство: электронная канцелярия; Автоматизация делопроизводства масштаба предприятия.
3. Электронный документооборот: электронный документооборот; документооборот в территориально-распределенной системе организации.
4. Управление документами: от делопроизводства к управлению работой персонала с документами; системы нового поколения.

Автоматизация делопроизводства основана на том, что при регистрации бумажного документа он полностью или частично переводится в электронную форму, и дальнейшая работа ведется в основном с электронными регистрационными карточками и представлениями документов.

Идея электронного документооборота состоит в том, что для документов вообще не создается бумажных версий. Это позволит значительно поднять эффективность и снизить издержки по сравнению со смешанным документооборотом.

Необходимо иметь в виду, что переход на чисто электронный документооборот и делопроизводство (ЭДД) потребует значительного времени. Но внедрение систем автоматизированного делопроизводства уже сейчас создает хорошие технологические предпосылки для перехода к электронному документообороту, так как в таких организациях сотрудники постепенно отвыкают иметь дело с бумагами (оборот бумаг замыкается на канцелярии, архиве и экспедиции), и в них исчезает технологическая необходимость.

Важность внедрения таких систем определяется не только задачей повышения эффективности работы отдельных органов управления. Без эффективно функционирующих внутриведомственных систем работы с документами невозможна ни автоматизация межведомственного обмена документами, ни построение порталов для взаимодействия с хозяйствующими субъектами.

Следует отметить, что существуют множество систем электронного документооборота классов CRM, BRM, EDMS и их разработкой занимаются множество компаний. Основными лидерами систем электронного документооборота на мировом рынке являются: компания IBM – система Lotus Domino; компания Microsoft - система Share Point; компания Dokumentum - система Dokumentum.

Среды отечественных систем электронного документооборота следует отметить: «Germes» (Baek Technologies), «Fido docflow» (Fido Biznes), «Docflow» (Intelligent Solutions).

***У.С. Юсубалиев, магистрант группы МИО-31,
Науч. руководитель: Т.И. Сарсатская, доц., ТГЭУ***

Электронная платёжная система WebMoney в Узбекистане

WebMoney Transfer - крупнейшая и самая распространенная в отечественном сегменте интернета электронная платежная система, построенная на основе электронных кошельков, начала свою деятельность в ноябре 1998 года.

Почему именно WebMoney?

1. WebMoney - самая первая система электронных расчетов в Узбекистане

Так как система WebMoney в Узбекистане с 1998 года, можно сделать вывод, что она проверена временем.

2. Зарегистрироваться в системе без труда может каждый желающий

Процесс регистрации очень прост и нет никаких требований к регистрируемому человеку, главное, быть внимательным при заполнении полей и, вопреки своим принципам, всё же прочитать пользовательское соглашение.

3. Система отличается великолепной скоростью проведения платежей. Операция перевода занимает всего несколько секунд.

4. WebMoney очень широко известна в сети

С её помощью можно оплатить покупки на гораздо большем количестве сайтов, нежели, используя другие платежные системы.

5. Неоспоримым преимуществом является очень низкая комиссия за транзакцию (другими словами за операцию перевода денег или платеж)

Комиссия составляет всего 0.8%.

6. Нужно отметить ещё и простоту ввода и вывода средств

Большое количество обменных пунктов, позволяющих без проблем ввести деньги в систему или вывести деньги из системы, а так же большое количество пунктов продаж скретч-карт, предназначенных для пополнения электронных кошельков.

7. WebMoney позволяет оценить надежность получателя средств

В системе разработан алгоритм аттестации пользователей, который позволяет дать предварительную оценку о том, насколько можно доверять владельцу того или иного счета (WMID или WM идентификатора).

8. Также можно определить "денежную активность" любого счета

Так называемый бизнес-уровень (BL или Business-Level) позволяет увидеть, насколько активно используются средства счета (чем больше BL, тем активнее участник).

9. Система отличается высокой степенью защищенности

Алгоритмы работы со счетами WebMoney имеют повышенные показатели защищенности. Для шифрования данных используется самый стойкий алгоритм RSA, для передачи данных используется самый надёжный протокол SSL. Для авторизации и доступа используются всевозможные сертификаты и ключи.

10. И, наконец, очень полезной функцией оказывается встроенная система обмена сообщениями между пользователями

Можно предварительно обсудить условия сделки и быть уверенным в том, что именно этот человек в ней участвует.

Насколько же надежна работа системы и сама система? Вероятно, даже более надежна, чем работа коммерческих банков. WebMoney является не более, чем технологической компанией, обеспечивающей механизм передачи титульных знаков между пользователями и получающей за это комиссионное вознаграждение в размере 0,8% от суммы каждой операции. Компания не выдает кредиты, не играет на рынке ценных бумаг, а выполняет только расчетные и технологические функции.

Для проведения расчетов в системе используются учетные единицы, называемые *титульными знаками*, которые являются для пользователя аналогом денег. Система мультивалютная и поддерживает несколько видов титульных знаков (WMR, WME, WMZ, WMU, WMY), которые выступают эквивалентами разных валют:

- WMR - эквивалент российских рублей на R-кошельках ,
- WME - эквивалент Евро на E-кошельках,
- WMZ - эквивалент долларов США на Z-кошельках,
- WMU - эквивалент украинских гривен на U-кошельках,
- WMY - эквивалент узбекского сумма на Y-кошельках.

Подводя итоги, можно отметить: Webmoney - на сегодняшний день лидирующая компания на рынке электронных платежей, с развитой системой сервисов и наибольшей аудиторией пользователей. Стоимость перевода с WM-кошелька на WM-кошелек составляет всего 0.8% от суммы операции и не зависит от расстояний. Стоимость перевода одинакова как для отправки денег Вашему соседу по дому, так и в Соединенные Штаты Америки. При этом, регистрация бесплатная и нет какой-либо периодической абонентской платы за пользования сервисом. В отличие от многих подобных систем, Webmoney имеет подробные комментарии и разъяснения для пользователей - юридических лиц и индивидуальных предпринимателей.

*М. Насыров, гр. МИО-21,
А.А. Мусалиев, доц., ТГЭУ*

Интернет как наиболее перспективный инструмент маркетинга

Процессы развития глобальных информационно-коммуникационных технологий очень динамичны в настоящее время, а их возможности для общества и экономики еще только начинают масштабно использоваться. В настоящий "коммуникационный" этап своего развития главной задачей сети Интернет является помощь в поиске желательных партнеров и предоставление средств для организации с ними нужного вида коммуникаций с необходимой интенсивностью. Результаты последних исследований показали, что использование Internet-технологий может принести реальную экономию и прибыль.

Прежде всего, необходимо акцентировать, что Интернет - это только один из маркетинговых инструментов, т.е. еще один маркетинговый канал в общем комплексе маркетинга предприятия. Его маркетинговые возможности можно обозначить, рассмотрев обобщенно производственный цикл предприятия любой сферы деятельности:

1. Изучение рынка, информационный маркетинг.
2. Производство товара или услуги.
3. Реализация.
4. Сервис и послепродажная деятельность.

На каждом из этих этапов в большей или меньшей мере Интернет предоставляет предприятию дополнительные возможности по улучшению своего бизнеса, дополнительные козыри перед конкурентами, не

пользующимися Сетью.

Для солидной фирмы основными инструментами для продвижения товаров и услуг в Интернете эффективнее иметь собственные вэб-сайт с родственным и брэндовым именем, уникальным дизайном, подробным и красочным представлением себя и своих предложений, возможно и в виде электронного магазина. После создания сайта надо заставить его работать, т.е. сделать его известным целевой аудитории. Иначе это будут выброшенные деньги. Коротко перечислим основные инструменты Интернет-маркетинга, с помощью которых можно решать эту задачу.

- Размещение (индексирование) сайта в поисковых системах, каталогах и рейтингах.

- Реклама на сайтах тематических и посещаемых.

- Контекстная реклама.

- Участие в баннерообменных сетях.

- Обмен кнопками, баннерами, ссылками.

Далее приведены меры, полезные не только фирмам, имеющим свой вэб-сайт. Даже имея только выход в Интернет можно помещать информацию о фирме и ее предложениях в он-лайновые:

- каталоги

- доски объявлений

- прайс-листы и базы данных

- новостные сайты

- форумы

- предоставлять информацию интересным изданиям и проектам.

Более того, Интернет можно активно использовать для продвижения своих предложений и своего имени через Сеть даже имея только e-mail, используя, например:

- Direct-mail (не переходящий в спам).

- Телеконференции.

При этом пользователям открываются и возможности получения информации, например через подписку на рассылки (новостные, профессиональные, дискуссионные), новости серверов и др. Однако, чем выше уровень использования Интернет у фирмы, тем больше у нее маркетинговых возможностей.

Реклама на самых посещаемых сайтах - наиболее эффективна. А формы такой рекламы на сайте возможны самые разные: баннеры и кнопки на отдельных или на всех страницах, текстовая и баннерная реклама в рассылке, вэб-страничка в Web-Каталоге (что позволяет иметь свое представительство в Интернет на посещаемом сайте при минимальных финансовых затратах!), и др. Полезную и интересную для посетителей (потенциальных клиентов) информацию можно разместить за подписью фирмы в различных разделах и т.о. способствовать положительному имиджу фирмы. Это пример возможностей для представителей бизнеса.

В идеале Интернет-сайт должен превратиться для компании в инструмент создания добавленной стоимости. Он должен предоставлять дополнительный сервис именно клиентам, в первую очередь уже имеющимся. Любая сфера бизнеса, которая подразумевает непосредственный контакт с потребителем, может воспользоваться новыми технологиями. При этом фирменный сайт превращается в инструмент постоянного сопровождения клиента, от момента появления у него заинтересованности в товарах и услугах до оказания послепродажного сервиса, то есть он действительно становится средством увеличения добавленной стоимости. Любой сайт имеет неограниченные возможности развития и как инструмент маркетинга, и как инструмент сервиса. На нем удобно организовывать персонализированный сервис, ориентированный на конкретные ниши целевой аудитории и даже на обслуживание отдельного заказчика. Некоторые технологические предпосылки для создания сетевых представительств даже небольших фирм уже созданы. Фактически веб-сайт стал товаром с некоторыми стандартными характеристиками. Конечно, предприятие может создать для себя не функциональный, а рассчитанный на престижное потребление продукт. Все сказанное не исключает создания профессиональными веб-студиями многофункциональных и специализированных проектов, брендов за достаточно высокую плату.

*Б. Абдуллаев, МИКП-02 магистри
Ф.А. Акрамова, п.ф.н., доц., ТДИУ*

Аниқлаштирилган мақсадли технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар кадрлар тайёрлаш тизимининг мукамал бўлишига, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланишга қаратилган. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахс – фуқарони шакллантиришни кўзда тутди. Ўз навбатида бу фан, техника, илғор технологиялар асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш, ривожлантириш масаласини юзага келтириб чиқаради.

Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзуидаги нутқида батафсил ёритиб берилган. Унга кўра, таълим тизимида янги юксак вазифаларни амалга ошириш орқали шахсни шакллантириш масаласи ҳал этилади. Таълим тизимида киритилган янгиликлар орқали шахснинг фаоллигини ошириш, унинг янги хусусиятларини, қобилият қирраларини кашф этиш ва ривожлантириш таълимга қўйилган шарт бўлиши билан бирга, таълим

тизимида мутлақо янги йўналиш – педагогик технологияларни ўзгача жиҳатларини кўришга олиб келди. Педагогик технологияларга ўтиш учун ушбу вазифаларни белгилаб олиш зарурати кўринди: диагностика, режалаштириб олиш, аниқ мақсадни белгилаб олиш. Анъанавий ўқув жараёнида асосан ўқитувчи шахси, унинг маҳоратига аҳамият берилади. Бунинг учун унинг тажрибали бўлиши, касбий малакага эга эканлиги муҳим ҳисобланади. Педагогик технология қўлланилишида эса ўқув жараёнини лойиҳалаш орқали педагог катта педагогик тажрибага эга бўлмаса ҳам, юқори самарага эриша олиши мумкинлиги кўринади. Шунинг учун ўқув жараёнини ташкил этишда ўқув мақсадларини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолаш ишини енгиллаштиради ва бу жараёнга ойдинлик киритади. Шунинг учун педагогик технологияларни қўллашдаги биринчи қадам сифатида аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқишга эътибор бериш, бу жараёнда эса ушбу изчилликка диққатни қаратиш муҳим:

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш.
2. Гуруҳларга ажратиш.
3. Ўқув мақсадларини назорат иши ва тест вазифаларига ўтказиш.
4. Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш.
5. Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш.
6. Дастурли таълим.

Педагогик технологиялар анъанавий таълимдан фарқ қилади. Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилашда, баҳолашда ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади. Аниқлаштирилган мақсадли лойиҳа ўқитувчи аниқ тушунчалардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун аниқ ва мавҳум тушунчаларни ажрата олиши керак. Аниқ мақсадни белгилаш талабадан ва ўқитувчидан нима талаб этилаётганлигини аниқ англаб етишга ёрдам беради ва натижани баҳолашда қулайлик яратади. Бунда баъзан оғзаки эмас, балки ёзма тарзда вазифаларни бажариш имконияти берилади. Шундай қилиб, аниқлаштирилган мақсадли лойиҳалар янги педагогик технологияни жорий этишнинг дастлабки шартларидан бири беш босқичдан иборат. Аниқлаштирилган мақсадли технология аниқ иш вазифаларини белгилашни талаб этади. Бунда албатта Б. Блум такмономиясидан фойдаланиш зарурати юзага келади. Ўқув фаолиятининг самарали кечиши учун шахсда эркинлик, танлаш, ўз қобилятини кузата олиш имконияти юзага келиши зарур. Бу кўрсатиб ўтилган барча жиҳатлар педагогик технологияларни ўқув фаолиятида қўлланиши орқали эришилади.

Здоровый образ жизни и его компоненты

Понятие здорового образа жизни включает в себя рационально-организованный, физиологический, оптимальный труд, нравственно-гигиеническое воспитание, выполнение правил психогигиены, рационального питания и личной гигиены, активный двигательный режим и систематические занятия физической культурой, эффективное закаливание, отказ от вредных привычек. Здоровый образ жизни - это наука и искусство помогать людям изменить их образ жизни, для достижения состояния оптимального здоровья. Здоровый образ жизни - это единственный стиль жизни, способный обеспечить восстановление, сохранение и улучшение здоровья населения. Формирование этого стиля жизни у населения - важнейшая социальная технология государственного значения и масштаба.

По мнению исследователя, интегративный характер здорового образа жизни обусловлен его многоаспектностью. Наиболее существенными его аспектами является социально-политический, экономический, биологический, психологический, гигиенический, нравственный, духовно-культурный и др. Доказано, что внедрение здорового образа жизни в определенной мере зависит от того, насколько сильна и прочна нравственно - психологическая позиция человека, т.к. именно от неё зависит, поддается ли он алкоголизму, наркотикам и разврату и другим вредным привычкам.

Суммарно, негативное вышеназванное явление очень легко может привести к развитию стрессовых состояний, нервному напряжению, заболеваниям, тем самым, блокируя ЗОЖ человека. Отрицательное воздействие отмеченных факторов наиболее вредно в подростковом и юношеском возрасте, когда у них происходит интенсивное формирование характера, интересов, воли, здоровья. В свое время в «Каноне врачебной науки» Ибн Сино изложил законы здоровья, перечисляя внешние и внутренние силы и причины, влияющие на сохранение и укрепление здоровья. Он справедливо считал, что физические упражнения являются универсальным средством для сохранения и укрепления здоровья, а также профилактики и лечения различных заболеваний и предлагал их включать в режим человека на всех стадиях его развития с учетом состояния здоровья, телосложения, возрастных особенностей степени физической подготовленности, переносимости физических нагрузок, климатических условий и других факторов. Настоящая время значительная часть молодежи не получает достаточного образования в сфере физической культуры, у нее не формируется потребность в регулярных занятиях физическими упражнениями, массовым спортом. Уровень физической

подготовленности молодежи в целом не соответствует к развитию личности.

Чрезмерная учебная нагрузка, отсутствие четкого чередования умственного труда с отдыхом, физическим трудом, прогулками, недостаточно продолжительный сон и неоправданные нагрузки приводят студента к утомлению. Основным методом профилактики умственного утомления является соблюдение научно обоснованного режима нагрузки и отдыха. Для растущего организма нормирование умственного и физического труда, а также отдыха, в соответствии с возрастными анатомо-физиологическими особенностями особенно важно, так как переутомление может привести к возникновению различных отклонений в состоянии здоровья, в первую очередь, со стороны нервной системы.

Для сохранения на высоком уровне работоспособности и предупреждения утомления большое значение имеет рационально построенный режим учебного дня. Правильно организованный режим дня дисциплинирует учащихся, воспитывает у них такие качества, как организованность, умение планировать свою деятельность, подчинять свои желания требованиям жизни.

Н.Х. Назарова, МИКП-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалиётга жорий этишда таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг муҳим шарти сифатида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш муаммоси илгари сурилди. Миллий мерос ва умуминсоний кадриятлар, замонавий илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида эришилган ютуқларни таълим тизимида татбиқ этиш асосида малакали кадрларни тайёрлашнинг мукамал тизимини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида қайд этиб ўтилган¹. Кадрлар тайёрлаш тизимининг мазмуни – мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, юқори даражадаги касбий кўникма ва малакаларга эга мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларни замонавий педагогик технологиялар билан таништириш, юксак маънавий-ахлоқий сифатлари шаклланишини таъминлашдан иборат. Бунга эса фақатгина узлуксиз таълим тизимини доимий такомиллаштириб бориш орқалигина эришиш мумкин.

¹ Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т.: «Шарк» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1997.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» малакали кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Мазкур тарихий ҳужжатда ўз ифодасини топган кадрлар тайёрлаш миллий модели баркамол шахс ва малакали мутахассисни шакллантириш жараёнининг мазмунини илмий жиҳатдан асослаш билан бирга унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳукукий, психологик, педагогик ва бошқа асосларини ёритиб беради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мавжуд шароитда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнида ечими ижобий таъминланиши зарур бўлган вазифалар кўрсатиб берилган. Ушбу вазифалар сирасига қуйидагилар киради: узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, уларнинг мавқеини ошириш, ахлоқий-маънавий тарбиялашнинг самарали шакл ва усуллари ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш, таълим жараёнининг сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш, ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида қўлга киритилган ютуқ ва тажрибалари билан танишиш, уларнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштириш, таълим сифатининг жаҳон таълими стандартларига тўла жавоб бера олишини таъминлашдан иборат. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш саналади. Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида намоён бўлади. Узлуксиз таълим тизимида илғор педагогик ва инновацион технологияларнинг ишлаб чиқарувчиси бўлган фан ҳамда шахс ўртасидаги муносабатлар бевосита кадрлар тайёрлаш тизими доирасида амалга оширилади.

Бўлажак мутахассислар қиёфасида баркамол шахс ва малакали мутахассис кадрларга хос бўлган сифатлар ўз аксини топа олиши зарур. Мазкур сифатларнинг намоён бўлиши бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражасини тавсифлайди. Олий ўқув юртларида тайёрланаётган кадрлар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар малакавий тавсифномалар асосида аниқ ёритиб берилади. Малакавий тавсифнома меъёрий ҳужжат саналиб, унда муайян йўналишда тайёрланаётган мутахассис кадрнинг шахси ва улар томонидан амалга оширувчи фаолият мазмунига қўйиладиган умумий талабларни акс эттиради. Олий ўқув юртларининг амалий фаолиятида асос сифатида фойдаланиб келинаётган малакавий тавсифномалар бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлигини аввалдан ташхислаш ҳамда у томонидан ўзлаштирилувчи назарий ва амалий билимлар даражасини башоратлаш имконини беради. Шахснинг эркин ривожланишини таъминлаш таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш

асосида рўй беради. Таълим ижтимоий тизим сифатида, бўлажак мутахассисларнинг шахсий қизиқишлари, ҳаётий мақсадларини ривожлантирувчи, эркин, индивидуал таълимни ташкил этиш учун шароит яратади. Бу ҳолат зарур даражада талабаларга билимлар беришни йўлга қўйиш билан таъминланади. Ушбу жараёнда шахснинг индивидуаллиги ва такрорланмаслигини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Демак, шахсни, унинг ривожланишининг ҳамма босқичларида кузатиб бориш зарур. Шахснинг ривожланиши – таълимнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, у индивидуал хусусиятлар негизида қарор топади. Ҳар бир талабанинг ўз ривожланиш, шахсий йўлини танлаш ҳукуқини тан олиш (ўқишнинг мослаштирилган ва вариатив шакли, метод ва воситалари билан) лозим.

Шундай қилиб, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида янги кадриятлар шаклланади. Турли фаолият йўналишларида ўзини идрок этиш, ўзини намоён этиш учун зарур шароитларни яратиш масадга мувофиқ. Бу йўлда амалга оширилувчи тўғри йўл педагогикада ҳамкорлик, ўзаро алоқалар, ўз хиссасини қўшиш ва ўзаро ёрдамдан иборатдир. Хусусан, зарур вазиятлар яратишда ҳамкорликда фаолият юритиш тамойили – демократия, ишонч, бир-бирини тушунишга амал қилиб ва индивидуал қизиқишларни қабул қилади. Таълимни инсонпарварлаштириш, мутахассис кадрнинг қобилияти ва истеъдодини очиқ беришга қаратилади.

М.Тошхўжаева, МИКП-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Ҳаётга нисбатан ахлоқий муносабатни шакллантириш зарурати

Ҳаётий воқеликни тўғри қабул қилиш, ҳаётнинг кадрига етиш, ундан оқилона фойдаланиш, эзгу ният ва эзгу ишларга ўз вақтини ҳамда куч-қувватини бағишлаш каби масалалар бевосита ахлоқий тарбия жараёнида ҳал бўлиши керак бўлган муаммолардан биридир. Агар диний тарбияга мурожаат этадиган бўлсак - ҳаётий воқеликни, у қандай тусда бўлмасин инсон уни миннатдорлик ва шукроналик билан қабул қилиши зарур эканлиги уқтирилади ва ҳар қандай ҳаётий вазиятларда инсонни сабр-тоқатли бўлишга чақиради. Ҳаётга нисбатан ношукурлик ва жаҳолат ҳиссларини ҳосил бўлишини қоралайди. Умуман олганда диний тарбия ҳаётга муносабатнинг асосий йўналишларини кўрсатишга ҳаракат қилади ва инсонга бу борада тўғри позицияни танлашига ёрдам беради. Аммо биз оилада бу масалага жуда кам эътибор қаратамиз, фарзандларимизга ҳаётга нисбатан бўлган муносабатнинг мураккаб қирраларини ва ҳаётий қонуниятларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб бера олмаймиз. Натижада, ҳар бир шахсда бу муносабат ўз ҳолича, йўналтирилмаган ҳолда вужудга келади. Ҳаётга нисбатан нотўғри муносабатнинг шаклланиши эса ўз ўрнида инсоннинг ахлоқий муносабатларига, ўзига ва бошқа одамларга

бўлган муносабатида, ўзи бажараётган фаолиятга нисбатан бўлган муносабатига салбий таъсир этади. Ахлоқий ҳис-туйғуларни ва ахлоқий эътиқодни тарбиялаш жараёнида катта тўсиқ сифатида майдонга чиқади.

Машҳур психолог Виктор Франклинг илмий тадқиқотлари шуни кўрсатдики, фан-техниканинг жадал ривожланиши ва инсон психикасига таъсири «Экзистенциальный вакуум», яъни ички бўшлиқ ҳолатини келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатда инсонни ички дунёсида қандайдир бўшлиқнинг ҳосил бўлиши, ҳаётга қизиқиш ва интилишнинг сусайиши, эҳтиёжларнинг мазмунини йўқолиши кузатилади. Инсон ўзини кучсиз, лаёқатсиз ва ҳеч кимга кераксиздек сезади. Бундай психологик ҳолат инсонда ҳаётнинг мазмунини йўқолганлигидан ёки ҳаёт мазмунини топа олмаганлигидан келиб чиқади. Ҳаётини воқеликни ўзи мазмунсиз ва беҳуда кўринади. В.Франклинг тадқиқотлари (Вена тиббиёт университетининг талабаларини ўрганиш давомида) «экзистенциал бўшлиқ» ҳолатини кенг тарқалиб бораётганлигини кўрсатди. Бу ҳолат австриялик, ғарбий германиялик ва швейцариялик талабалар орасида ўрганилганда, уларнинг 40 фоизи ўз ҳаёт тажрибаларида ўз бошларидан ана шундай ҳолатни кечирганликларини ва ундан қандай қилиб чиқиб кетишни билмаганликларини айтганлар. Америкалик талабалар орасида эса «экзистенциал бўшлиқ» ҳолати мавжуд бўлган талабалар сони 81 фоизни ташкил этган. Бу тадқиқотлардан В.Франкл шундай хулоса қилади, «Экзистенциал бўшлиқ ҳукмронлик қилаётган бу ривожланиш босқичида таълим жараёнида фақат анъана ва билимларни ёш авлодга етказиш билан овора бўлиш кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Таълим жараёнида талабаларда ҳаётга нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш, ҳаётини мазмунни топа олиш малакасини ҳосил қилиш ўта жиддий масала бўлиб қолди»¹. В.Франкл назарияси (логотерапия ва экзистенциал анализ) моҳиятига кўра фалсафий, психологик ва тиббий қарашларни ўз ичига олиб инсон шахсида вужудга келувчи аномал ўзгаришларни коррекциялаш, нормал ва патологик ҳолатларни аниқлашдек вазифани ҳал қилишда аҳамиятлидир. Унинг таълимоти уч қисмдан иборат: биринчи - ҳаётини мазмунни топишга интилиш, иккинчи ҳаёт мазмуни ҳақидаги таълимот, учинчи – виждон эркинлиги ҳақидаги таълимот. Айнан мана шу экзистен-циал бўшлиқ ҳолати инсонда кейинчалик неврозларни келиб чиқишига асос солади ва инсон ҳаётини издан чиқишига олиб келади.

Ҳаёт тушунчаси жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Ҳаётини қонуният-ларнинг турли-туманлиги ҳамда барчаси ўз ўрнига эга эканлигини инсоният тобора англаб бормоқда. Албатта, илм-фан ҳали ҳаётини қонуниятларни барчасини ўрганиб бўлгани йўқ, чунки бу узок муддатли ва шу билан бир қаторда доимий ривожланишни талаб этувчи мураккаб, узлуксиз жараёндир. Инсоният ҳаёт ҳақида, унинг қонуниятлари

¹Франкл В. Человек в поисках смысла.- М.: Прогресс, 1990.-С. 308-309.

ҳақида қанчалик кўпроқ билимга эришиб борса, унинг олдида шунчалик кўпроқ номаълум бўлган, ҳали ўрганилмаган ҳолатлар пайдо бўлади.

Биз ҳаёт қонуниятларини ўрганиб борган сари ҳали ўрганиб, тушуниб етмаган ҳаётӣ қонуниятларни ҳам кўплигини эътиборда тутишимиз керак бўлади. Шунга қарамасдан биз фарзандларимизда ҳаётга нисбатан тўғри муносабатни тарбиялашда ҳозирда ўрганиб бўлинган қонуниятларга асосланишимиз мақсадга мувофиқ. Ҳаётӣ қонуниятларни ўрганиш талабаларни беҳуда адашишдан асрайди ва талабаларнинг кейинги ривожига, янги маънавий юксакликларга эришишига ёрдам беради. Чунки ҳар қандай ҳаётӣ қонуниятлар охир-оқибатда ахлоқийлик масаласига келиб тақалади. Ота-оналар ўз фарзандлари билан суҳбатлашар эканлар, уларда ҳаётга нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга ҳаракат қилишлари лозим. Кундалик ҳаётда биринчи галда амалий хатти-ҳаракатлари билан намуна кўрсатишлари талаб этилади. Бунинг учун ота-оналар аввалам бор ўз шахсларини камолоти устида тинмай меҳнат қилиши ва баракамоликка интилиши талаб этилади. Ота-оналар ўз фарзандларида турмушнинг ҳар қандай қийинчиликларини сабр-тоқат ва матонат билан енгиш, ҳаётӣ муаммоларнинг ечимини бафурча фикр юритиб топиш, ўз ҳаётини соғлом ҳаёт тарзи асосида режалаштириш каби хусусиятларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки, инсоннинг ҳаётга бўлган муносабати инсоннинг мураккаб ички дунёсини характерини белгилашда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади ва келажақда фарзандларимизнинг тақдирини белгилаб беради. Демак, ёшларни катта ҳаётга тайёрлашда бу масалага етарлича эътиборни қаратиш ва тизимли ёндошувни таъминлаш керак.

*О.М. Икромов,
МЭКТ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари

Меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг турмуш тарзини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқ. Республика меҳнат бозори шаклланиб барқарор ривожланишга эришиши ҳамда ҳақиқӣ меҳнат бозорига айланиши учун унинг таркибий ва ҳудудӣ ўзига хослиги, муайян суръатларда ўзгариб бориш хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Замонавий бандлик сиёсати иқтисодиётнинг бозор секторини ҳудудӣ меҳнат бозорларининг ривожланиши билан мувофиқ ҳолда бўлиши учун меҳнат фаоллигини ошириш ва мажбурий ишсиз бўлиб қолганларни ижтимоӣ суғурталаш тамойилларига асосланган ҳолда бандликнинг янгича шарт-шароитларига кўникириш, ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифнинг мувозанатига эришиш лозим.

Сўнгги йилларда меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш доирасида амалга оширилган ишлар объектив ва субъектив вазиятларнинг босими остида бандлик даражасини сақлаб туриш, ишсизлик кўламини қисқартириш ва ишсизларга ёрдам кўрсатишни ташкил қилишдан иборат. Иқтисодиёт тузилишини қайта кўриш, ишчи кучининг ишлаб чиқаришдаги ички захираларидан халос бўлиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, меҳнат салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасига кўра, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарнинг роли бекиёс. Масалан, Япония ва Италия давлатларида жами банд аҳолининг тўртдан уч қисми, АҚШ ва Францияда ярмидан ортиғи, Буюк Британия ва Германияда эса ярмига яқини кичик ва ўрта фирмаларда банд. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда ҳар 1000 та аҳолига ўртача 45 та кичик ва ўрта корхона тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда – 74,2, Италияда – 68, Японияда – 49,6, Англияда – 46, Германияда – 37, Францияда – 35га тенг. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2007 йилда 14 тани ташкил этди. Умуман олганда, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ўсишида аҳоли бандлигини оширишда кичик ва ўрта корхоналарнинг ўрни ниҳоятда катта. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, 2007 йилда аҳоли бандлигининг асосий ўсиши иқтисодиётнинг нодавлат сектори томонидан таъминланди, бунинг натижасида унинг умумий ишловчилар сонидagi улуши 2003 йилдаги 76,8 %дан 2007 йилда 77,2 %га ошди. Республикада меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг сифат кўрсаткичларини ошириш, ишсизликни олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу муаммоларни бартараф этишнинг янги усуллари ҳаётга татбиқ этилиши давр талаби бўлиб қолмоқда.

Бизнингча, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- аҳолининг умумий маълумот олиш даражаси, шундан олий маълумотли шахсларнинг улуши ортиши керак;

- фаол бандлик сиёсати юритилган тақдирда ишсизларни қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, кишиларнинг давомий ишсизлик ҳолати муддатлари қисқариши лозим;

- бандликнинг “уйдан чиқмасдан” компьютер технологиялари ва тегишли алоқа воситаларига асосланган иш ўрнига эга бўлиш борасидаги улуши ортиши керак;

- маҳаллий хомашё ҳисобига янги саноат тармоқларини ташкил этиш ёки халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришнинг хилма-хил тармоқларини ривожлантириш асосида янги иш жойларини ташкил қилиб, ортқча меҳнат ёшидаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини маълум даражада ҳал қилиш лозим.

Инновацион технологиялар – таълим самарадорлигига эришиш омили сифатида

Ҳозирги кунда таълим ва тарбия ишларини педагогик технологиялар асосида олиб бориш бу педагогик жараёни ихтиёрий тузиш ва уни амалга ошириш ҳал қилувчи ўзгартиришларга олиб келинишини билдиради. Шунингдек, бу орқали таълим жараёнида олдинга қўйилган таълим мақсадларига эришиш ва кўрсатилган вақт мобайнида ижобий натижани олиш мумкин бўлади. Педагогик технологияларга асосланган таълим анъанавий таълимдан ушбу жиҳатлари билан фарқланади.

Концептуал асосига кўра:

1. Шахсга йўналтирилган, таълимга асосланган. Таълим оловчи шахси таълим жараёнининг марказий фигурасига айланади. Муносабатларнинг инсонпарварлиги ва демократлашуви, ўқишга мажбурлашдан воз кечиш амалга ошади.

2. Ўқитишга дифференциялашган ёндашув: таълим оловчининг умуман интеллектуал ривожланиш доираси ва уни, ушбу предметни, мавзунини ўзлаштиришни, унинг қобилиятлари ва сифатларини ҳисобга олиш.

3. Ўқиш фаолияти – билимларни мустақил эгаллаш ва таълим оловчи томонидан ўзлаштирилган билимларни қўллаш: хусусияти бўйича муаммоли-изланувчан, ижодий аҳамият касб этади.

4. Таълим ва тарбиянинг бир бутунлиги, шахс маданиятини ривожлантиришга йўналтириш юзага келади.

Таълим оловчининг тутган йўли ва вазифасида ушбулар намоён бўлади:

1. Таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектига айланади, мустақил равишда билиш фаолиятини олиб боради.

2. Билим – шахсий муаммоларни ечиш воситаси сифатида қабул қилинади.

3. Таълим оловчининг хато қилишга ҳаққи бор, чунки у хатоларда бирор билимни ўрганади.

Таълим берувчининг тутган йўли ва вазифасида ушбулар намоён бўлади: у таълим оловчиларнинг мустақил, фаол билиш фаолиятида ташкилотчиси, уларнинг компетентли маслаҳатчиси ва ёрдамчиси ролини бажаради; фақатгина таълим оловчилар билим, малака ва кўникмалари назоратини таъминлаб берибгина қолмай, балки кутилаётган камчиликларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш мақсадида қай даражада ўрганганликларини аниқлаб беради.

Таълим бериш ва ўқитиш усуллари: муаммоли вазиятларни ишлаб чиқиш, фаол билим орттиришга, ижодий-тадқиқот фаолиятларига асосланган, муаммоларни излашда ва уларни ечишга йўналтирилган, олган билимларини амалиётда қўллашда таълимнинг фаол усуллари бўлади. Таълим бериш воситалари: таълимнинг анаънавий воситалари билан биргаликда – ахборот технологиялари. Ўқув материаллар таълим олувчилар томонидан асосан билимларни мустақил излашда фойдаланилади. Таълим бериш шакллари: Сухбат, полилог, мунозара, ҳамкорлик ва ўзаро таълимга асосланган жамоавий, жамоа ва гуруҳлар шаклида фаолият турларини ташкиллаштиришга қаратилади.

Демак, анъанавий таълимдан фарқли равишда инновацион технологиялар асосида олиб бориладиган таълим, таълим олувчининг фаоллигига, унинг интеллектуал ривожланишига, мустақил ўқув фаолиятига қаратилган экан, 21-асрнинг ёш авлоди айнан шундай таълим орқали ўзини ривожлантириши керак экан.

Ю. Мирзабаева,
МИКП-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Касб таълими муассасаларида замонавий педагогик технологияларни қўллаш истиқболлари

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқувчиларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мультимедиалардан фойдалана билиши муҳимдир. Бу эса ўқувчиларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади. Замонавий педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва услубий асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади.

Таҳлилларимизча, мавжуд педагогика фанида дарс жараёнига оид берилган маълумотларда эътибор кўпроқ янги билимларни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва натижасини ҳисобга олишга қаратилган. Билим беришда талабанинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаси етарлича ҳисобга олинмаган. Дарс режасида аввал ўтилган мавзунини якунлаб, янги мавзуга боғлаш таклиф этилган. Лекин шу янги ўтилаётган мавзу бўйича ўқувчи-

талабанинг билимини аниқлаш, мавзуга хос бўладиган дастлабки маълумотларни бериш етарлича амалга оширилмаган.

Педагогик технология ўқувчи-талабаларнинг ўрганилаётган соҳа бўйича билимларни эсга тушириш, жонлантириш янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади, деб кўрсатади. Билимлар ва тайёргарликни аниқлаш талабани фаоллаштириш ва билим ўзлаштиришга ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзуни ўрганишга киришишда эркин суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа шаклларда жонлантириш мумкин. Замонавий педагогик технология олий ва ўрта махсус таълим амалиётида уч даражада қўлланилади: умумий педагогик, хусусий услубий ва локал (модуль) даражада.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган учта даражаси бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади. Ўзбекистонда педагогик технология масалалари, асосан таълим доирасида ўрганилмоқда.

Таълим технологияси деб, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш, янгилаш йўли билан маълумот мазмунини ва моделлаштириш даражалари – ўқув материали, ўқув предметига педагогик ишлов бериш, ўрганиладиган мавзуни ўқувчи-талабаларнинг реал билиш имкониятларига мослаштириш, таълим натижасини қабул қилинган эталон даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар, таълимнинг ташкилий шакллари тушунамиз. Таълим технологияси ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг ҳозирги етакчи принципи (субординация)ни чегаралайди, унда координация ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришнинг етакчи тамойилга айланади. Координация таълимни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишнинг бош тамойилига айланганда ўқувчи-талаба таълим жараёнининг ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли субъектига айланади, таълим жараёнини ўқитувчи ва ўқувчи биргаликда амалга оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқиётган ўқувчиларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли даражада. Замонавий педагогик технология педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради. Аввало, замонавий педагогик технология нимани англатади?

1. Замонавий педагогик технология ўқув-тарбия жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум бир педагогик тизим мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради.

2. Бугунги кунга келиб, фан-техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси нихоятда кенгайиб борапти, янги технологиялар кириб келмоқда. Сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, аудиовизуалли, аудиал воситалар ҳам мавжуд бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантирди.

Шундай қилиб, яқин келажакда республикамиздаги мавжуд барча ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида дастурли машиналар билан етарли даражада таъминлаш муаммоси пайдо бўлади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади.

*Н.Н. Латыпов, гр. МИКП-01,
Науч. руков. Голиш Л.В. к.п.н. доц., ТГЭУ*

Комбинированная технология обучения

Новые образовательные технологии существенно меняют как форму образовательной услуги (взаимодействие студента и преподавателя, содержание обучения), так и характер экономических отношений в системе открытого образования. Меняется и организационная основа обучения. Например, обучение индивидуума может базироваться на его самостоятельной работе при учебно-методической поддержке и лекционно-консультативной помощи преподавателей данного вуза. В то же время, как уже было сказано, возможна организация его обучения через систему региональных бизнес - партнеров и филиалов головного вуза. В этом случае целевыми группами являются лица, заинтересованные, во-первых, в получении образования именно в головном вузе, во-вторых, в Интернет - обучении, но при этом не имеющие дома компьютера, в - третьих, в очном консультировании. Тогда наиболее разумным вариантом является комбинирование форм обучения. В очном обучении могут эффективно проводиться занятия в сетевых классах, с использованием ресурсов Интернет и различных программных продуктов, а если при помощи новых телекоммуникационных технологий, применяемых для интерактивного контакта в учебном процессе, можно войти в каждый дом, трудно такое обучение назвать в полном смысле заочно.

Студенты и преподаватели в ДО общаются в интерактивном режиме, например, с помощью видеоконференции, даже видят друг друга, при этом расстояние между ними может быть огромным. Специалисты считают, что процессы, происходящие в системе образования, не носят

антагонического характера, а виртуальные и классические формы обучения не являются взаимоисключающими. Виртуализация формата «студенческого сообщества» и инициирование стандартного поведенческого комплекса «традиционного студента» - одно из важных требований, предъявляемых к системе открытого образования.

Исследование эволюционных процессов, происходящих в системах образования ведущих стран мирового сообщества, и анализ опыта работы российских вузов в новых технологических средах позволили идеологам ДО сделать два основных вывода. Во - первых, рассматривать дистанционные технологии получения образования как естественный эволюционный этап развития системы образования (от классического университета до виртуаль-ного, от книжной библиотеки до электронной и т.д.). Во - вторых, предпо-ложить, что многообразие различных образовательных технологий в их оптимальном сочетании способно обеспечить максимальную эффективность (образовательную - для потребителя образовательных услуг, экономическую - для их производителя). Отсюда - акцент на комбинированное или смешанное (blended) обучения. Данный термин введен в обиход в России специалистом, основоположником в сфере открытого образования, ректором МЭСИ, академиком В.П. Тихомировым. Концепция комбинированного обучения предполагает, что в современных условиях обучающийся должен оптимально и в совокупности использовать все возможности, предоставляемые как классическим обучением, так и новыми образовательными технологиями. Кроме того, современная классическое обучение, на чем акцентирует внимание профессор В.П.Тихомиров, должно быть буквально «пропитано» новыми образовательными технологиями и базироваться на широком использовании в образовательном процессе прикладного программного обеспечения.

Очевидно, что эта идея чрезвычайно современна и рациональна для нас. Доминирование обучения в новых технологических средах делает актуальной проблему цены образовательной программы в случае ее платности. Действительно, ДО значительно дешевле, нежели программа получения образования в очной форме. Значительный упор в системе ДО делается на самообразование обучающегося. Это соответствует мерам Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан по сокращению очных часов вузовских образовательных программ с целью активизации самостоятельной работы студентов, их подготовки к трудовой деятельности в условиях мгновенного устаревания информации требующих практически перманентного повышения квалификации.

Применение новых информационных технологий в образовании - процесс не новый и нашедший свое отражение в литературе. Его интенсификация

фикация, наблюдающаяся последние годы, выражается в применении пакетов прикладных программ в процессе очного изучения ряда статистических, математических, экономических дисциплин, бухгалтерского учета («1С» и др.) с одной стороны, и развитии ДО, с другой стороны. Первое увеличивает практическую значимость образовательного процесса и как следствие, усиливает конкурентоспособность выпускника на рынке труда. Отсюда положительный имидж вуза у работодателей, что находит отражение в рейтингах и других публикациях СМИ, а это, в свою очередь, обеспечивает позитивную известность вуза для абитуриентов и их родителей. Усиливается конкурентоспособность самого вуза на рынке образовательных услуг, увеличивается приток абитуриентов, в том числе, на платное отделение.

Второе является предметом дискуссий, изучения, исследования, однако очевидно, что ДО развивает рынок образовательных услуг в силу проникновения на удаленные территории, где существуют свои учебные заведения вынужденные благодаря «нашествию» дистанционных конкурентов продумывать и заботиться об усилении собственных позиций на рынке образовательных услуг. Да и увеличение «объема продаж» образовательных услуг вуза в дистанционной форме, не влекущее за собой «уменьшение запасов» таковых, на прямую свидетельствуют об экономической эффективности деятельности вуза такого рода¹.

Мы обратимся к теме неизученной и, следовательно, ждущей своего обсуждения - теме комбинированного обучения. Как уже было указано такое обучение предполагает интеграцию форм и технологий очного и дистанционного образования. Критериев интеграции может быть, по меньшей мере, два. Первый - по содержанию образовательной программы, второй - по формам проведения учебных занятий. Интеграция по содержанию на практике также может осуществляться двояко. Во - первых, отдельные дисциплины образовательной программы могут быть изучены обучающимся в новой программно - телекоммуникационной среде самостоятельно, или при участии преподавателя в режимах on или off - line. Во - вторых, это могут быть некоторые фрагменты учебных дисциплин. Интеграция по форме проведения занятий означает, что, предположим, лекционные занятия проходят в новых средах, а практические - преподавателем в очной форме. И наоборот.

Для организации данной технологии обучения надо создать нормативно - правовую базу, переобучать преподавателей, создать обучающие программы. Кроме того, надо создать центр апробации и внедрения экспериментальных образовательных технологий.

¹ Лукошенко Л.С. Высшее учебное заведение на рынке образовательных услуг: Актуальные проблемы управления. Монография. М.: Маркет ДС, 2003.

Корхоналар рентабеллиги

Бозор иқтисодиёти амалдаги хўжалик механизмларини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Узоқ йиллардан буён анъана сифатида кундалик турмуш тарзимизга сингиб кетган иқтисодий тушунчалардан воз кечиш ва уларни ўрнига янгиларини киритишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мустақил ҳукуқий шахс мақомига эга бўлган субъектлар хўжалик маблағига ва пулда ифодаланган шу маблағлар манбаига эга. Бу бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларида ўз ифодасини топади. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия балансининг актив қисмида моддий ҳолатдаги хўжалик маблағлари асосий ва айланма маблағлар, капитал қўйилмалар билан биргаликда “номоддий фаоллар” ҳам ифодаланган бўлади.

Бунга муаллифлик ҳукуқи, патентлар, “ноу-хау”, савдо маркаси, рухсатнома каби категориялар қиймати киради. Булар моддий бўлмаса-да корхонага маълум миқдорда фойда келтиради. Аммо буларнинг корхонанинг маблағлари ёки ресурслари деб аташ мумкин эмас, чунки улар таъкидлаганидек номоддийдир, уларни маблағлар ёки ресурслар таркибига ҳам киритиб бўлмайди.

Эндиликда корхона бухгалтерия балансида моддий активлик билан биргаликда номоддий фаоллар ҳам ифодаланган. Шу туфайли уларни олдинги режали иқтисодиётдагидек корхонанинг моддий маблағи деб аташ мумкин эмас. Бу активлар йиғиндисини бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий потенциали (салоҳияти) деб аташ мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз. Чунки корхона фаолиятида иқтисодий жараёнлар содир бўлишининг асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий фаоллар ва жонли меҳнат иштирок этади. Буларнинг мажмуи корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ташкил қилади деб айтиш мумкин. Бу иқтисодий салоҳият хўжалик фаолияти жараёнида корхонага маълум даражада фойда келтириши лозим.

Аммо бу категориянинг иқтисодий моҳияти ва мазмунини ўрганиш, унинг миқдорини, ҳолатини, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш масаласи ҳамон муаммолигича қолмоқда. Бу борада иқтисодий адабиётларда турли фикрлар айтилмоқда. Биз кенг мунозара қилиш мумкин бўлган олимлар фикрига тўхталиб ўтирмай, корхонанинг иқтисодий салоҳияти рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларга таъсир қилувчи омиллар хусусида ўз тавсияларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Иқтисодий салоҳият самарадорлигини таҳлил қилганда бир қанча кўрсаткичлар билан биргаликда унинг рентабеллигига алоҳида аҳамият берилади. Чунки бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда ушбу кўрсаткичнинг муҳимлигини исботлаш зарурият деб ўйлаймиз. Иқтисодий салоҳият рентабеллиги фойданинг (Φ) иқтисодий салоҳиятнинг умумий қийматига (I_c), унинг жорий харажатларига ($I_{сжх}$) келтирилган харажатларига ($I_{слх}$) нисбати сифатида аниқлаш мумкин.

Иқтисодий салоҳиятнинг келтирилган харажатлари миқдори қуйидагилардан таркиб топади: асосий воситаларнинг шу ҳисобот йилидаги келтирилган қиймати ($A_{вкк}$). Айланма маблағнинг қиймати ($A_{йм}$) (ҳаммасини келтирилган харажатлар таркибига қўшиш мумкин), номоддий активларнинг келтирилган қиймати ($H_{фкк}$) ва меҳнатга тўланган ҳақ (M_x).

Бу ерда корхона иқтисодий салоҳияти келтирилган харажатлар рентабеллигини аниқлашда натижа кўрсаткичи сифатида фойда суммаси олинди. Таҳлил жараёнида натижа сифатида юқорида таъкидланганидек, бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу корхона учун қайси кўрсаткичнинг муҳимлигига боғлиқ. Бу иқтисодий салоҳиятнинг тўлиқ қиймати, келтирилган қиймати ва ундан фойдаланилганлик учун қилинган жорий харажатлар суммалари ва уларга таъсир этувчи омиллар каби кўрсаткичлар ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими самарадорликнинг бу йўл билан амалга оширилиши кўп харажат талаб қилмай давлат, корхона ва меҳнат жамоасидаги ҳар бир ходим манфаатларининг муштараклигини ва уйғунлигини таъминлайди.

Ш. Шоисмоилов,
МИКП-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Масофавий таълимнинг ўзига хос афзалликлари

Масофавий ўқитишнинг технологик усуллари бўлиши мультимедиа ва Интернет воситаларидан кенг фойдаланиш йўлида айрим объектив муаммолар ҳам мавжуд. Булардан энг асосийси, ўқувчилар учун керак бўлган ўқув материаллари, қонунлари ва бошқа кўрсатмаларини қўлланма қилиб, компьютер дастурларини ишлаб чиқишдир. Фикримизча, замонавий компьютер технологияларидан ўқувчиларга таълим бериш ва қайта тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланиш, келажакда етук ва юқори малакали мутахассисларни камол топтиради.

Масофавий ўқитиш янги ва анча илғор бўлган ўқитиш шаклидир. Бу усулни турли хил ўқув муассасаларига, хусусан иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳаларга татбиқи талаба ва ўқитувчиларнинг дунёнинг илҳор илмий мактабларининг юқори сифатли ўқув-услубий ишланмалари, замонавий ва сўнгги ахборотларидан, қаерда бўлишидан қатъий назар тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини беради.

Масофавий ўқитишнинг анъанавий ўқитиш шаклларида қуйидаги хусусиятларини фарқлаш мумкин:

Эгилувчанлик. Ўзига қулай вақтда, жойда ва шароитда ўқитиш имкониятини беради.

Модуллик. Ўқув курсига боғлиқ бўлмаган ҳолатда шахсий ҳамда гуруҳ талабига жавоб берадиган ўқув режасини амалга оширади.

Қуршов. Бир вақтда кўп иштирокчиларга ўқув ахбороти бўйича мурожаат қилиш. Тармоқ ёрдамида ўзаро ахборот алмашувини тўғри ташкил этиш.

Тежамкорлик. Ўқув майдонлари, техник воситалари, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш, ўқув ахборотларини тўпланган ва бир хилликка келтирилган ҳолда ифодалаш ҳамда уларга эришилган мутахассисларни тайёрлаш харажатларни камайтириш.

Технологиклик. Таълим бериш жараёнида инсонни жаҳон индустриал фазога киритишга имкон берадиган янги эришилган ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш.

Ижтимоий тенг ҳуқуқликлик. Ўқитувчининг турар жойидан, саломатлиги, моддий таъминланганлигидан келиб чиқиб мустақил таълим учун тенг имконият.

Байналминаллик. Таълим хизматлари бозорида эришилган ютуқларнинг экспорти ва импорти.

Масофавий ўқитиш ўқитувчининг вазифаларини кенгайтиради ва янгилайди. Ўқитилиётган курсларни доимо такомиллаштириш, ижодий активлигини ошириш ва малакасини, киритилган янгилик ва инновацияларга мос билим жараёнини мувофиқлаштириши зарур.

Масофавий ўқитиш талабага ижобий таъсир этади. Ўз-ўзини ташкил этишда, билим олишга интилишда, компьютер техникаси билан ўзаро ишлаш ва мустақил масъулиятли вазифаларни ҳал қилшда уни ижодий ва тафаккур салоҳиятини ўстиради.

Масофавий ўқитиш қуйидаги ижтимоий аҳамиятли масалаларни ечишга таъсир этиши лозим:

- таълим хизматларида аҳолининг эҳтиёжини амалга ошириш;
- мутахассислар билан давлат эҳтиёжларини қондириш;
- аҳолини ижтимоий ва профессионал ҳаракатчанлигини ошириш;
- тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллиги, ўзлигини англаши атроф тўғрисидаги билимларни кенгайтириш;
- давлатимизнинг олий мактабларида йиғилган билимлар ҳамда кадрларнинг моддий салоҳиятни сақлаш ва кўпайтириш;
- Россия МДХ, бутун жаҳон ҳамжамияти чегарасида таълим фазосининг ҳар бир нуктасида нострификацияланган таълим олиш имкониятини таъминлашни ўз ичига олган яхлит таълим фазосини ривожлантириш;
- геосиёсий масалаларни ечиш.

Модернизация развития образования Республики Узбекистан

Модернизация образования Республики Узбекистан осуществляется на основе принятых Закона «Об образовании», Национальной программы по подготовке кадров, Государственной общенациональной программы развития школьного образования на 2004-2009 годы. Данные документы являются системой концептуальных идей и взглядов на стратегию и основные направления развития образования в первой четверти XXI столетия.

Реформы образования, прежде всего, направлены на обеспечение гуманистического, демократического, светского характера обучения и воспитания, непрерывности и преемственности всех уровней образования. Естественно, основной целью всех реформ в области экономики, политики является человек. Именно поэтому дело образования, дело воспитания нового поколения, способного осуществить идею национального возрождения, будет оставаться делом государства, одной из самых приоритетных его задач, отмечает И. Каримов.

В Узбекистане основой для решения данной проблемы является Национальная модель подготовки кадров. Она включает следующие основные компоненты: личность является главным субъектом и объектом системы подготовки кадров, потребитель и производитель образовательных услуг; государство и общество – гаранты подготовки и востребованности кадров, осуществляющих регулирование деятельности и контроль за функционированием системы образования и подготовки кадров, непрерывное образование – основа подготовки квалифицированных конкурентоспособных кадров, включающая в себе все виды образования, государственные образовательные стандарты, структуру и среду функционирования: наука – производитель и потребитель высококвалифицированных специалистов, разработчик передовых педагогических и информационных технологий: производство – основной заказчик, определяющий потребность в кадрах, а также требования к качеству и уровню их подготовленности, участник финансирования и материально-технического обеспечения системы подготовки кадров.

Сегодня создаются всевозможные формы переобучения и повышения квалификации кадров, позволяющие поддержать профессиональные знания на уровне современной науки и техники. В таком контексте непрерывное образование выступает гарантом развития познавательных способностей, формирования самостоятельного творческого мышления подготовки высококвалифицированных специалистов, создает

необходимые условия формирования творческой, социально активной, духовно богатой личности и опережающей подготовки высококвалифицированных конкурентоспособных кадров. Основными принципами развития непрерывного образования являются:

- приоритетность образования – первоочередной характер его развития, престижность знания, образованности и высокого интеллекта;
- демократизация образования – расширение самостоятельности учебных заведений в выборе методов обучения и воспитания, переход к государственно-общественной системе управления образованием;
- гуманизация образования – раскрытие способностей человека и удовлетворение его разнообразных образовательных потребностей, обеспечение приоритетности национальных и общечеловеческих ценностей, гармонизация отношений личности, общества и окружающей среды;
- гуманитаризация образования – формирование у обучающихся эстетически богатого мировоззрения, высокой духовности, культуры и творческого мышления;
- национальная направленность образования, заключающаяся в его органичном единстве с национальной историей, народными традициями и обычаями, сохранении и обогащении культуры народов Узбекистана, уважения к истории и культуре других народов;
- неразрывность обучения и воспитания;
- выявление одаренной молодежи, создание ей условий для получения знаний, навыков и умений на самом высоком уровне, развитие их таланта.

У.Т. Тураханов, гр. МИО-01, ТГЭУ

Назначение и особенности средств электронного документооборота в фирме

Средства управления документами обеспечивают процесс создания документов, контроля их версий, управления доступом к ним и их распространением в корпоративных сетях, а также осуществляют контроль над потоками документов в организации. Документы могут храниться в специальных хранилищах, в базах данных или в виде обычных файлов. Современное понятие документа включает документы, созданные с помощью офисных приложений, мультимедиа данные и иные документы.

Несколько лет назад системы управления документами в основном предназначались для использования малыми группами пользователей, работающих в небольших компаниях. В последнее время, с появлением территориально распределенных предприятий, с началом интенсивного обмена данными между компаниями и благодаря использованию Web как одного из средств ведения бизнеса, ситуация несколько изменилась.

Современные системы документооборота обычно применяют распределенную архитектуру управления документами, и в этом случае они должны обладать масштабностью, надежностью, поддержкой распределенного управления документами и обращения к ним с помощью как общедоступных приложений, например, офисных приложений и Web-браузеров, так и мобильных устройств, а также средствами защиты данных от несанкционированного доступа и средствами интеграции с другими приложениями, например, со средствами коллективной работы, системами управления предприятием, средствами управления информационным наполнением Web-сайтов, корпоративными порталами. Нередко перечисленные категории приложений обладают собственными встроенными средствами документооборота либо средствами, позволяющими создавать приложения для управления документами. Иногда производители перечисленных категорий программного обеспечения создают средства документооборота в качестве дополнения к ним (например, подобные дополнения существуют для Novell GroupWise).

При этом сами средства документооборота могут различаться функциональностью и ориентированностью на конкретные виды задач: одни из них предназначены для реализации только делопроизводства (в этом случае они обеспечивают работу с электронными версиями документов и их свойствами в соответствии со стандартами делопроизводства, принятыми в данной стране), другие — для управления бизнес-процессами (иногда в конкретной предметной области), третьи — для управления потоками работ и данных, а четвертые просто обеспечивают корпоративную инфраструктуру для создания документов, совместной работы над ними и публикации их внутри компании. Есть продукты, совмещающие несколько перечисленных функций. Кроме того, в ряде литературных источников к средствам документооборота относят также средства управления информационным наполнением Web-сайтов и порталы. Иными словами, рынок подобных продуктов весьма многообразен.

Согласно предсказаниям ведущих аналитических компаний, таких как IDC и Gartner Group, в ближайшее время значительную долю рынка могут занять средства документооборота, входящие в качестве составной части в инфраструктурные решения, например в средства обмена сообщениями и коллективной работы (такие как продукты IBM, Microsoft, Novell), просто за счет более низкой совокупной стоимости владения, обусловленной отсутствием необходимости внедрения отдельных приложений для управления документами. При этом наиболее часто будут применяться корпоративные системы управления документами и средства документооборота, входящие в состав порталов и средств управления информационным наполнением.

Обсудив, что представляют собой современные средства документооборота и какими они бывают, рассмотрим наиболее распространенные из них.

Наиболее популярные средства документооборота:

- Documentum 4i (documentum);
- Lotus domino.doc 3.5 и другие решения на базе lotus domino/notes;
- Docs open (hummingbird);
- Решения с применением sharepoint portal server, content management server и exchange (microsoft);
- другие решения.

Для современного офиса характерно оперирование большими объемами информации. При этом от скорости доступа к необходимым данным и документам, от возможностей их анализа и обработки зависит эффективность бизнеса предприятия. Именно поэтому IT-менеджеры многих компаний стремятся внедрять системы документооборота, чтобы повысить производительность труда сотрудников. Внедрение системы документооборота обычно сопровождается анализом и реорганизацией бизнес-процессов предприятия, созданием модели управления им, а также выбором собственно средств документооборота, удовлетворяющих потребностям данной компании. Именно о них и пойдет речь в статье.

Выбор средств документооборота на данный момент достаточно велик и разнообразен, и практически любая компания, нуждающаяся в подобных средствах, может выбрать и внедрить продукт, максимально удовлетворяющий ее потребностям.

*С. Хусанова,
МИКП-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Педагог шахсида мулоқотчанликни шакллантириш – долзарб муаммо сифатида

Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган. Таълим ва тарбияга катта эътибор қаратилишининг сабаби ҳам баркамол шахсни камол топтиришга асосланади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да: “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан илмий узлуксиз таълим бериш орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутди”, - деб таъкидланади.

Бу эса тарбиячи-ўқитувчи шахсидан ўз касбини эгаллашида, касбий малакаларни таркиб топтиришда катта тайёргарликни талаб этади. Президент И.А. Каримов ўз нутқларида ёшларга катта ишонч билдириб,

Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида эканлигини таъкидлар экан, аввало ёшларни шундай ишончга жавоб бера оладиган инсонлар қилиб етиштириш ўқитувчи ва тарбиячиларнинг фидокорона меҳнати билан боғлиқлигини назарда тутди. Жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда тарбиячи шахсининг ўрни бекиёс бўлиб, бунда айниқса унинг мулоқот маданиятининг даражаси алоҳида аҳамият касб этади.

И.А. Каримов Олий Мажлис 9-сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзуидаги нутқида жамиятимизда таълим-тарбия бериш тизими, янгиланиш жараёни талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги сабабларидан бири сифатида тарбиячи омилини айтиб ўтади: “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий таълим бериш уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз”. Таълим-тарбия тизимини ўзгартиришда асосий муаммо сифатида тарбиячи шахсига эътибор қаратилади.

“Мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”, – деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарвар бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз, учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айтилган вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайдир”, - деган эдилар Президентимиз И.А. Каримов. Дарҳақиқат, юрт келажаги ёшларни ҳар томонлама камолга етказиш учун уларда имон, эътиқод, инсоний сифатларни шакллантириш ва юксалтиришда тарбиячи-ўқитувчи-устозларнинг таъсири жуда муҳимдир. Тарбиячидан замонавий таълим-тарбия элементларини талаб этишдан аввал, шу тарбиячи муаллим, мураббийни билимга эриштириш масаласи туради. Демак, ҳозирги кунда жамиятимиз аъзолари орасида 60 %дан ортиқроғини ёшлар ташкил этар экан, шу ёшларни ҳар томонлама баркамол шакллантиришда ўзига хос маънавий, ахлоқий, тарбиявий усулларни қўллаш муҳимдир. Бу эса ўз навбатида тарбиячи, ўқитувчи, устозлар зиммасига жуда улкан вазифаларни юклайди, яъни уларни касбий хусусиятларида мулоқотчанликни шакллантириш, мулоқот маданиятига эришиш, профессионал билимдонлик малакаларини юксалтириш ишини такомиллаштириш талаб этилади.

Биз мазкур муаммога доир илмий тадқиқот ишларини ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, шу нарсани англадикки, ҳозирги пайтда шахсининг маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол қилиш учун тарбиячи шахсига нисбатан бир қатор талаблар қўйилар экан. Шунинг учун ёш авлодни исталган талаб даражасида камолга етказиш учун энг

аввало тарбиячи шахсининг мулоқот маданиятини шакллантириш вазифаси турар экан.

Бугунги кунда республикамизда педагог, тарбиячилар тайёрлаш муаммоси бўйича кўплаб олимлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ушбу муаммони ижтимоий-педагогик томондан ўрганиш Ҳ.Абдукаримов, Ю.А.Ахроров, М.О.Ашуров, К.Д.Ушинский, М.М.Лисина, В.А.Артемов, А.А.Леонтьев, Н.Е.Шуркова, Ш.Қурбонов, Ж.Ҳасанбоев, Э.Сейтхалилов, Р.Ахлиддинов, М.Қуронов каби педагог олимлар томонидан, ижтимоий-психологик моҳиятини Н.И.Новиков, В.Власенко, Э.Ғозиев, В.М.Каримова, В.Н.Мясищев, Л.М.Фридман, З.Нишонава каби психолог олимлар ўз илмий йўналишларида ўрганиб тадқиқ этганликларини кузатдик.

Чет эл олимларидан эса Ж. Бернал, Дж. Брунер, Э. Видиман, Жозеф Туссен Райно, В. Альфардит ва бошқалар ушбу муаммога тарихий жиҳатдан ёндашганлар ва таҳлил қилганлар. Уларнинг ишлари ҳал этилаётган муаммо нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали кечиши учун таълим-тарбия олиб борадиган тарбиячи, ўқитувчи шахсининг педагогик маҳорати, хусусан унинг мулоқот маданиятини шакллантириш масаласи муҳимдир. Бу борада республикамизда бевосита тарбиячи мутахассислар тайёрлашга бағишланган илмий тадқиқот ишлари етарли даражада тадқиқ этилган бўлса-да, лекин уларда мулоқот маданиятини шакллантириш масалалари махсус илмий тадқиқ этилмаганлиги кузатилади. Шунга кўра, ҳозирги таълим-тарбия ислохотлари шароитида тарбиячи мутахассисларни тайёрлашга доир илмий тадқиқот ишларини яратиш зарурати юзага келди. Айниқса, бу борада тарбиячи шахсида мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси янада катта аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи-назардан биз танлаган тадқиқот мавзуси ўта долзарб ҳисобланади.

*Х. Сатторов,
МИКП-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Педагогик технологиянинг мустақил фикрлашни шакллантиришдаги ўрни

Таълим жараёнининг самараси шахсда эркин ва мустақил тарзда ўз фикрини баён эта олиш кўникмаларини шакллантиришда кўринади. Бугунги кунда педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитишдир. Ўзаро

алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак.

Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни талаб этади. Чунки педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай педагогик технология кутилган самарани бермайди ва педагогик жараёнда ҳамкорлик, ғамхўрлик, таълим олувчилар шахсини ҳурмат қилиш ва эъзозлаш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод билан шуғулланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратади.

Бошқача айтганда, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти таълим жараёнига тизимли ёндашув саналади ва қуйидаги дарс турлари тавсия этилади: мавзули, умумлаштирувчи маъруза дарслар; билимларни мустаҳкамловчи, янги билимларни мустақил эгаллашга мўлжалланган семинар дарслар; яқка тартибдаги ва кичик гуруҳларга мўлжалланган модулли дарслар; муаммоли дарслар, дидактик ўйинли дарслар; мавзули, эркин фикрлашга асосланган мунозара дарслари. Бу дарсларда эса аклий ҳужум, кластер, елпигич, бумеранг, Вен диаграммаси, эссе, синквейн, ФСМУ каби 30 хилдан ортиқ ўқитиш технологияларини қўллаш зарурдир.

Демак, замонавий педагогик технология – тизимли ёндошувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усуллар мажмуидир. Мана шу усулларни ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнида қўллаш ўқитувчи (педагог)ларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши зарур. Шундагина жамиятимиз узлуксиз таълимда фаолият кўрсатаётган ходимлар олдида қўяётган ижтимоий буюртмани бажара олишига эришиши мумкин.

Шу боисдан ҳам таълим жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятлари самараси ва талабалар фаоллигини оширишнинг асосий йўли сифатида педагогик технологияларни қўллаш усулларини ўргатишга катта эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун турли даражада семинар-тренинг дарслари ташкил этиш, дарсларни олиб боришга республика миқёсида педагогик технология назарияси ва амалиётини пухта биладиган мутахассислар таклиф этиш ва натижада ўқув жараёнида педагогик технологияни қўллаш имкониятини ўргатадиган бир қатор услубий қўлланмалар яратиш, энг асосийси таълимга фаол қўллаш самара бериши шубҳасиздир.

Педагогик амалиётда қўлланиладиган педагогик ва психологик усуллар турличадир. Усулларни қайси бири, қандай шарт билан

қўлланилишига кўра талабаларнинг мустақил фикрлашига чорлаши, фикрни тўлиқ асослаш, мунозара маданиятини оширишга қаратилганлиги боис ҳам самаралидир. Чунки талаба шахсининг ўз фикрини баён эта олиши қобилияти, нутқи, ўзини кўрсата олиши, аудиторияда чиқиш қила олиши каби жиҳатлар кўзга ташланади. Бу томонлар эса талаба шахсининг келгусидаги меҳнат фаолиятида маълум даражада акс этади.

Педагогик технология асосида ўтказилган дарсларнинг аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Монологик дарсда кўтарилаётган муаммога нисбатан тингловчиларда тахминан бир хил нейтрал нуқтаи назар ёки мавқе кузатилса ҳамда маърузачининггина фикрлари ишончли ва асосли деб қабул қилиниши, тингловчининг бунда шахсий фикри паст даражада идрок этилиши мумкин. Бунда эса кўтарилаётган мавзу моҳиятига етиб бориш, тушуниш, англаш ва керак бўлса янги фикрлар билан тўлдириш имконияти юзага келади.

2. Гуруҳ шароитидаги мунозарада қарама-қарши ёки монанд фикрларнинг борлигини ҳис этиш, шахсда ушбу фикрларга нисбатан анча фаол муносабатни шакллантиради. Яъни, билдирилган фикрга нисбатан ишонч ёки эътироз ҳолатини ўйлаб олиш имконияти юзага келади.

3. Мунозарада қатнашиш шахснинг фикр доирасини кенгайтиради, хотирасида ўрнашади, ўзини аудиторияда намоён эта олишига имкон беради.

Бу келтирилган афзалликлар талабаларнинг янги, мустақил фикрга келиши, турли вазиятларни илмий ва амалий таҳлил эта олишига чорлайди. Зеро, Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Бизнинг олдимизда озод фуқаро шахсининг маънавиятини, бошқача айтганда, озод, ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ҳодисаларга ўзининг мустақил фикр ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини Ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди».

*Бабаходжаева К.Г., гр. МИО-10
Мусалиев А.А. доц., ТГЭУ*

Промышленный подход к созданию веб-представительств

Существенной особенностью современных процессов глобализации является устойчивый рост масштабов применения новых информационных технологий в жизни общества. Особая роль в этом процессе принадлежит глобальной сети Интернет, которая уже активно используется в Республике Узбекистан во всех сферах национальной экономики.

Создание Интернета - глобальной и одновременно децентрализованной иерархической информационной сети, ускорило

процессы глобализации. Всемирная сеть Интернет полностью отвечает всем критериям мира без границ. Интернет можно определить как институт рыночной экономики, способствующий сокращению транзакционных, а также организационно-плановых издержек, развитию социального потенциала и глобализации экономики. Это глобальная информационная система, позволяющая передавать текстовую, видео-, аудио-, графическую и цифровую информацию на неограниченное количество терминалов в режиме реального времени.

Сегодня все большее число компаний начинают использовать Интернет для обмена информацией и оптимизации работы с клиентами. Самой распространенной формой присутствия в сети является создание сайта, или как его обычно называют, представительства. Сейчас его наличие считается не просто атрибутом имиджа. Фирменный сайт становится вполне функциональным элементом. Хорошо структурированная информация позволяет партнерам и клиентам получить развернутое представление о предприятии и его деятельности.

Потребитель получает из рекламно-коммерческих и деловых изданий множество полезных веб-адресов. Располагая доступом в Интернет, он, как правило, обращается к сайту для получения дополнительной информации о фирме, ее товарах и услугах. Потребитель узнает цены, скачивает прайс-лист, отправляет запрос, а в некоторых случаях и сразу заказывает товар.

Такой способ передачи сообщений потенциальным клиентам эффективнее обычных средств коммуникации: почты, телефона, факса. С помощью таких обязательных элементов, как интерфейс или навигация, клиент может самостоятельно выбрать необходимую для изучения информацию. Сайт является отличным дополнением к рекламной кампании, обеспечивая возможность обратной связи и интерактивной работы с данными. Для того, чтобы фирменный сайт стал средством продвижения и продажи товаров и услуг, он должен обладать системой управления контентом (Content Management System, CMS). Главной функциональностью сайта можно считать управление содержанием, а также существование интерактивных модулей, которые позволяют взаимодействовать и обмениваться информацией с посетителями сайта. Важной особенностью является также наличие контроля и анализа за посещаемостью, управлением рекламой, а также наличие системы заказов.

При выборе подходящего решения фирма должна исходить из соотношения цены с функциональными возможностями. Компромисс между доступным уровнем затрат и необходимой функциональностью может быть достигнут при промышленном подходе изготовления сайта. При этом снижается себестоимость создания сайта и его поддержки, что позволяет даже небольшой фирме создать представительство с хорошей функциональностью.

Можно выделить четыре важных этапа освоения интернет-пространства предприятиями.

1. Создание статичных фирменных веб-страниц с жестко структурированным содержанием, обеспечивающих только односторонний поток информации. Этот процесс был похож на распространение рекламно-информационных материалов, только с помощью новой технологии.

2. Появление интерактивных веб-сайтов. При этом пришли в движение информационные потоки между страницами. Активно использовалась электронная почта, функция "вопрос-ответ". Навигация по сайту усложнялась.

3. Использование веб-сайта в качестве нового канала продвижения товаров и услуг. Интерактивная связь покупателей и продавцов обеспечивала новые сведения о клиентах. Менялись временные и пространственные рамки торговли. В любой точке Земли, где был Интернет, покупатель мог просматривать каталоги магазинов, описание продуктов, делать закупки, пользуясь веб-пространством.

4. Переход к использованию веб-технологий на всем протяжении ценовой цепочки. Это означало, прежде всего, наличие электронных платежей и развитие технологии доставки электронных продуктов по сети.

Новичок в Интернете часто выбирает самый дешевый вариант - визитную карточку. Но и она не должна быть статичной. Для полноценного общения с потребителем требуется регулярное обновление информации. Если интерфейс обеспечивает работу с баннерной рекламой, то он позволяет владельцу сайта размещать рекламу партнеров и стать участником бесплатных систем обмена рекламной информацией. Необходим также аналогичный инструмент для работы со знаками рейтинговых, поисковых систем и каталогов.

Ниже приведен основной список функциональных возможностей, которыми можно управлять посредством встроенного интерфейса: управление структурой; редактирование содержания; интерактивные страницы (формы запроса, доски объявлений, форумы, гостевые книги, голосования); статистика посещений; управление рекламой; оптимизация под поисковые машины; управление дизайном.

Промышленный подход к созданию веб-представительств становится одной из важнейших тенденций развития сферы проектирования сайтов и виртуальных офисов.

Ўзбекистон минтақаларида кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида минтақаларда ҳар томонлама етук ва билимли кадрларга юқори эҳтиёж маҳаллий бошқарув органлари, корхона ва ташкилотларнинг кадрларга нисбатан қўллаётган талаблари ошиб бориши, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва уларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. «Кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади» деган машҳур ишлар республикада бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва жамиятни демократлаштириш шароитларида янгича, долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу нуқтаи назардан Республикада ва унинг минтақаларида кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва бошқариш тизимини сифат жиҳатдан кучайтириш жуда муҳимдир.

Шу юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорининг кучга кириши ва ижроси юзасидан қилинаётган ишлар айниқса таҳсинга лойиқдир.

Маҳаллий кадрларни бошқариш тизимининг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиб чиқаётганда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу муаммоларнинг ечими исталган даражада амалга оширилаяпти. Биринчидан, давлат маҳаллий кадрларни бошқариш бўйича шундай назарий асосларини яратиши керакки, у кадрларнинг барча мавжуд имкониятларни юзага чиқариш имкониятини бериши керак. Ушбу нуқтаи назарий асослари пойдеворида инсон фаолиятида юзага келувчи жараёнларнинг объектив таҳлили ётиши керак. Бунда мақсад ягона бўлиши керак, яъни маҳаллий кадрларнинг етишиб чиқишини максимал даражада таъминлаш ва улардан жамиятнинг динамик ривожланишида унумли фойдаланиш.

Иккинчидан мукамал тарзда шаклланган, аниқ ва мустаҳкам ҳуқуқий базага эга, давлат томонидан тартибга солиб турилувчи маҳаллий меҳнат бозори зарур. Минтақаларда маҳаллий кадрлар сиёсатини белгилашда маҳаллий кадрлар сиёсати ва маҳаллий кадрлар билан ишлаш тушунчаларини фарқлаш керак. Маҳаллий кадрлар сиёсати – бу минтақада маҳаллий кадрлар билан ишлаш стратегияси ва тактикасини белгилашдир, маҳаллий кадрлар билан ишлаш эса маҳаллий кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг амалиётда қўлланилувчи механизмлар, усуллар ва технологиялар йиғиндисидир. Минтақанинг маҳаллий кадрлар сиёсатини қуйидагилар белгилаб беради:

- минтақа иқтисодиётидаги устувор йўналишлар;

– минтақанинг, маҳаллий кадрлари сиёсатини ишлаб чиқишнинг иқтисодий ислох қилишнинг таркибий қисми сифатидаги объектив эҳтиёж;

– минтақанинг маҳаллий кадрлар сиёсатини ривожлантириш стратегия ва мақсадлари;

– давлат, минтақа ва корхона кадрлар сиёсатининг ўзаро муносабати;

– минтақа маҳаллий кадрлар сиёсатининг шаклланиши жараёни ташкилий – бошқарув характеридаги комплекс стратегик ва жорий операцияларни ҳамда мувофиқ принциплар асосида ишлаб чиқилган алоҳида дастурлар йиғиндисини ўзида намоён қилади;

– давлат ва минтақалар миёсидаги ижтимоий иқтисодий ривожланиш мақсадларининг бир-бирига мувофиқлиги ва ҳ.к.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, самарали маҳаллий кадрлар сиёсатини шакллантиришда ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам эътиборга олиш керак. Ғарб давлатларида меҳнат бозорини тартибга солиш уч миқёсда амалга оширилади: Давлат, ҳудудий ва корхона миқёсида. Кўпгина ғарб давлатларида маҳаллий кадрларнинг бандлиги, уларнинг қайта тайёргарлиги билан шуғулланувчи махсус марказий органлар мавжуд бўлиб, улар бандлик соҳасидаги жараёнларни тартибга солувчи қонунлар чиқариш билан ҳам шуғулланадилар. Масалан, Франция ва Швецарияда кадрларнинг бандлиги бўйича амалий масалаларни ҳал қилишда давлат монополияси ўрнатилган. Америкача бандлик сиёсати эса кадрларни ўзлари учун фаол равишда иш излашга мажбур қилади.

Маҳаллий кадрлар сиёсатидаги яна муҳим бир жиҳат кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришдир. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки ўқитишнинг ўзигина кадрларнинг бандлиги ошишига сабаб бўлмайди.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб республикаимиз минтақаларида маҳаллий кадрлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз:

– минтақанинг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун комплекс дастурлар ишлаб чиқиш;

– маҳаллий кадрларни тайёрлашда таълим муассасалари ва жойлардаги маҳаллий бошқарув органлари ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

– кадрларнинг бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб беришлари учун, уларнинг малакасини оширишга йўналтирилган тренингларни тайёрлаш;

– мавжуд маҳаллий кадрларни бошқариш тизимини инновациялар киритиш орқали янада такомиллаштириш;

- маҳаллий кадрларни ишга жойлаштиришда фақат сонигагина эмас, балки сифат кўрсаткичларига ҳам эътиборни қаратиш;
- кадрларни ишга жойлаштиришда қоғозбозликка йўл қўйишларнинг олдини олиш ва бу масалага жиддий ёндашиш муҳимдир.

Н. Бекматова,
МЭКТ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Персонални бошқариш тизимини такомиллаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида илмий асосда ва тўғри ташкил этилган меҳнатгина мамлакат иқтисодиётида ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллардан бирига айланиши мавзунинг долзарблигини ифодалайди. Ходимлар меҳнатини оқилона ташкил этиш йўллари жорий этиш муассасаларда инсон ресурслари ва иш вақтидан самарали фойдаланиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорини ошириш, пировард натижада меҳнат самарадорлиги ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши кадрларни бошқариш соҳасида туб ўзгаришлар қилинишини талаб этади. Маълумки, корхона ва ташкилотлар самарали ишлашини унда мавжуд бўлган ходимлар таъминлайди. Шу жиҳатдан ҳозирги вақтда малакали ва ишбилармон ходимларни шакллантиришга эришиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

Кейинги ўн йилликларда тадқиқотчилар ва маъмуриятчи — амалиётчилар персонални бошқаришга ёндашув қисқа муддатли самара бериши ҳақидаги фикрларнинг асоссизлигини англаб етдилар, чунки барқарор персонал таркибига эга бўлмаслик меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этиб, фирма нуфузига зарар етказди ва бу билан узок истиқболга мўлжалланган иқтисодий салоҳият самарадорлигини пасайтириб юборди. Эндиликда кадрларни бошқариш соҳасида асосий эътибор уларни ривожлантиришга (биринчи навбатда, тўғри танлаш, тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳисобига) қаратилмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлиги даражасини кўтаради ва бу орқали бошқарув жараёнини иқтисодий жиҳатдан самарали қилади.

Корхона ва ташкилотда мавжуд бўлган ҳам жисмоний, ҳам инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга қуйидаги йўллар билан эришилади:

- ташкилий тузилишни такомиллаштириш, бошқариш даражаларини камайтириш, бошқарувнинг ўрта бўгинини қисқартириш;
- қарорлар қабул қилиш жараёнини иложи борича қуйи даражагача ихчамлаштириш;

- вазирларнинг бир қисмини воситачилар, хомашё етказиб берувчилар, маслаҳатчиларга топшириш;
- ҳар бир иш ўрнида меҳнатнинг сермазмунлик даражасини ошириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида меҳнат жараёнларини автоматлаштириш; ишлаб чиқаришда ва ноишлаб чиқариш соҳасида иш кучини тежаш;
- юқори маъмурият ва корпорация тузилмаларида иш билан банд бўлган персонални бирмунча қисқартириш;
- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, маҳоратини ошириш дастурларини инвестициялаш ва ҳоказолар.

Персонални бошқариш вазифалари у ёки бу бошқарув жараёни доирасида одамларни бошқариш тадбирларидан фарқ қилиб, бошқаришнинг муайян функционал мустақил жараёнларидан иборат. Уларнинг мақсадли йўналиши ишлаб чиқариш ташкилоти умумий стратегиясининг таркибий қисми бўлган ижтимоий стратегия билан белгилаб берилган.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин, корхоналар персоналини шакллантириш таъминот тизимини ишлаб чиқаришни талаб этадики, бу тизим айти вақтда кечадиган бир қатор босқичларни камраб олиши керак; тайёргарлик босқичи – касбга йўналтириш, касб танлаш, дастлабки касб тайёргарлиги; тақсимлаш босқичи – кадрларни қабул қилиш ва жой-жойига қўйиш; мослашиш босқичи – ижтимоий-психологик тузилишни шакллантириш – шахслараро алоқаларни йўлга қўйиш – ижтимоий-психологик мослашиш, ижтимоий-иқтисодий тузилишни шакллантириш – касбий жиҳатдан мослашиш ва ҳоказо.

*М.А. Абидов,
МЭКТ-01 гуруҳ талабаси, МЭКТ*

Ўзбекистон меҳнат бозорини такомиллаштиришда демографик тенденциялар

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида янги демографик ҳолат юзага келди, унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- она ва бола саломатлигининг яхшиланишига омил ҳисобланган туғилиш даражасининг пасайиши;
- оналар ва болалар ўлимининг сезиларли даражада пасайиши;
- аҳоли яшаш давомийлигининг доимий равишда ўсиши;
- сўнгги йилларда ҳажми барқарорлашаётган ва қисқараётган республика аҳолисининг доимий чиқиб кетиш оқими;
- қишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқариши ва ижтимоий-маиший инфратузилманинг ривожланиши натижасида туб аҳоли

урбанизациялашувининг ўсиши билан урбанизация умумий даражасининг пасайиши.

Яқин келажакда, фикримизча, Ўзбекистондаги демографик ҳолатнинг ривожланиши қуйидаги йўналишлар билан белгиланади: аҳоли туғилиш даражасининг ҳозирги ҳолатда барқарорлашуви ва унинг келгусида бирмунча ўсиши; республикадан миграция оқимининг янада қисқариши; мамлакат аҳолиси сонининг мутлақ ўсиши кўрсаткичларининг аста-секин ошиб бориши; урбанизация даражасининг барқарорлашуви ва унинг аста-секин ўсиб бориши; аҳоли яшаш давомийлигининг янада узайиши; оналар ва болалар ўлимининг доимий пасайиб бориши.

Умуммиллий миқёсда иш ўринларини яратиш ва аҳоли рационал бандлигини таъминлаш вазифаларини ҳал қилиш учун яқин йилларда қуйидаги асосий йўналишларда қуйидагилар ҳал қилиниши зарур:

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси янги объектларини ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш.
2. Амалдаги иш ўринларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, касбни ўзгартириш, корхоналарни техник қайта эгаллаш ва реконструкциялаш ҳисобига бандликни ошириш.
3. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида бандликнинг ўсиши.
4. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш.
5. Дехқон ва фермер хўжаликларида бандликнинг ўсиши.
6. Ижтимоий ва бозор инфратузилмасида бандликнинг ошиши.
7. Аҳолининг меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва бошқалар.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни фаол ривожлантириш ҳисобига бандлик даражасини ошириш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилган: маҳаллий хомашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, рақобатбардош халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган, айниқса қишлоқ жойларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг корхоналари жадал ривожланишини таъминлаш; аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш соҳасида, кўпроқ, қишлоқ жойларида, бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари ва аҳоли маблағларини жалб қилган ҳолда 68,4 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш; айниқса кам таъминланган оилалар учун уларга гаровсиз асосда ўзини ўзи бошқарувчи идоралар томонидан қайтариш кафолати остида микрокредитлар бериш йўли билан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш; ҳар бир вилоят марказларида лизинг компанияларини яратиш, йирик туман марказларида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига технологик ускуналарни тақдим этишга ихтисослаштирилган, ўз мижозларини кичик механизация воситалари, ускуналар ва бошқа мураккаб бўлмаган қурилмалар, шуниндек транспорт воситалари билан таъминловчи филиаллари ва бўлинмаларини яратиш; тадбиркорларга ўз ишини ташкил

этиш ва ривожлантиришда ёрдам кўрсатувчи, бозорлардаги ҳолат бўйича ахборот берувчи маслаҳат марказлари тармоғини яратиш; бандликка таъсир этувчи фонддан ва бошқа бюджетдан ташқари фондлардан молиялаштириладиган кичик ва ўрта корхоналарни чет эл фирмалари иштирокида ривожлантириш, бу ишлаб чиқаришни республиканинг чекка қишлоқларига жойлаштириш; кичик бизнес инновацион фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни юқори технологияларга жалб қилиш; хусусий тадбиркорларга микрокредитлар бериш тажрибасини кенгайтириш; касб-хунар коллежлари томонидан амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш тизимига кўшимча равишда кичик бизнес субъектлари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантиришни тугаллаш.

Ўзбекистонда самарали фаолият юритаётган меҳнат бозори тизими ривожланиши жараёнида бандлик соҳасини кенгайтиришнинг мураккаб муаммолари пайдо бўлмоқда. Оддийгина янги иш ўринларини яратиш билан молиявий маблағларнинг чегараланганлиги туфайли ушбу муаммоларни ҳал этиб бўлмайди, барча босқичларда иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини ислоҳ қилмасдан меҳнат бозорининг самарали амал қилишига эришиб бўлмайди.

Ўзбекистонда янги иш ўринлари жорий қилинишини кўпайтириш зарурати мамлакатдаги демографик жараёнларнинг ривожланиши хусусиятлари сабабли шубҳа остига олиниши мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқариш соҳасида ва инфратузилмада янги объектлар яратилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган концерн, ассоциация, корпорация, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа молиявий институтларни фаоллаштириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини ошириш зарур. Шу билан бирга, давлат идоралари аҳоли ва кичик инвесторларнинг янги келажаги порлоқ корхоналар яратиш учун ўз маблағлари ва жамғармаларини қўйишга рағбатлантирувчи механизмни янада ривожлантиришни таъминлашлари лозим. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, мавжуд корхоналарни техник қайта қуrolлаш, реконструкция қилиш ва янгилаш орқали мавжуд иш ўринларидаги бандликни сезиларли даражада кўпайтириш имконияти бор.

Ф.А. Хамраев,
МЭКТ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Халқаро меҳнат бозори

Бугунги кунга келиб меҳнат бозори жуда ҳам кенг қамровли тушунчалардан бири бўлиб қолиб энг глобал муаммолар ҳам шу тушунчанинг ичидадир. Мисол тариқасида оладиган бўлсак ишсизлик,

миграция, бандлик, демография муаммолари шулар жумласидандир. Ҳозирда бу муаммолар билан асосан жаҳон миқёсида БМТ таркибидаги ташкилотлардан бири Халқаро Меҳнат Ташкилоти шуғулланмоқда.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти – энг кекса ва энг йирик халқаро ташкилотлардан бири. Версал сулҳ шартномасига мувофиқ Миллатлар Лигаси ҳузурида автоном ташкилот сифатида вужудга келган, бу ташкилот 1946 йилдан эътиборан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастлабки ихтисослаштирилган муассасаси бўлди. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, глобаллаштириш шароитида моддий ресурсларнинг мамлакатларaro тақсимланишига мос равишда меҳнат ресурслари тақсимланганлиги сабабли жаҳон меҳнат бозори тез ривожланади. Меҳнат бозорида келгиндилар таклифи тез ўсади, нарх арзонлигидан унга таклиф ҳам ортади. Маълумотларга кўра, 2000 йилда Жаҳонда ишсизлар сони 80 млн. дан зиёд бўлган. Халқаро меҳнат бозори кенгайиши ривожланган мамлакатларда ўзга миллат диаспораси ўсишига олиб келади. Масалан, 2002 йилда АҚШдаги хитойликлар 15 млн. бўлган. Ишсизлик ва миграция даражаси, айниқса яқин йиллар давомида кўпайишининг асосий омили бўлиб ўтган баъзи кичик тўқнашув (уруш)лар, яъни АҚШ даги 11 сентябрь воқеалари 150000 киши ишсиз қолишига, Афғонистон, Ироқ, Ливан, Косова воқелари натижасида мигрантлар сонининг кескин кўпайиб кетишига сабаб бўлган. 2007 йил Жаҳон меҳнат бозорида аҳоли сони 6706993152 киши, ҳар 1000 кишига туғилиганлар сони 20,18 ўлганлар сони 8,23 кишини, меҳнат ресурслари 3131000000 кишини ташкил этган. Ишсизлик даражаси ҳам 190 млн. дан ошиб кетган. Ҳозирда бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича ХМТ ёрдамида мамлакатларда сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

*Ж. Абидов, гр. МИО-21,
И.Е. Жуковская, ст.преп., ТГЭУ*

Совершенствование электронной торговли вино-водочной продукцией на базе программного продукта 1С: торговля

В Узбекистане 2009 г. был объявлен Годом благоустройства села. И это не случайно, ведь в нашей стране важное внимание уделяется развитию сельскохозяйственного производства. Так, в 2008 г. в Узбекистане на авансирование производства важнейших видов сельскохозяйственной продукции было направлено около 1 трлн. сумов, в том числе производство хлопка - 800 млрд. (\$569 млн.), зерна - 200 млрд. сумов (\$142 млн.). В 2009 г. на эти цели будет направлено 1,2 трлн. сумов (\$854 млн.).

Пищевая промышленность Узбекистана располагает обширной ресурсной базой, основу которой составляет продукция земледелия и животноводства. По валовому производству растительного масла

республика входит в число 20 мировых производителей, выпуская в основном хлопковое масло (десятая часть мирового производства). Узбекистан является одним из крупнейших в мире производителей томатной пасты, изюма, сухофруктов, которые обладают уникальными вкусовыми качествами. В целом, удельный вес продукции пищевой промышленности в общем промышленном производстве составляет 9,3%, темпы роста производства составляют в среднем 116% за последние 4 года. Всего в сфере пищевой промышленности действуют порядка 4,4 тыс. промышленных предприятий.

Одним из важнейших направлений в пищевой промышленности является переработка плодоовощной продукции. Узбекистан издавна славится непревзойденными по вкусу и аромату яблоками, персиками и грушами, черешней и сливой, айвой и виноградом. В нашей стране произрастают такие ценные субтропические культуры, как: инжир, гранат, хурма. Наш край богат большим разнообразием сортов дынь и арбузов. Особенно интенсивно за последние 20 лет развивалось в республике овощеводство, бахчеводство, садоводство и виноградарство. В настоящее время в республике ежегодно производится более 2 млн. т. продукции садоводства и виноградарства, около 7 млн. т. овощебахчевых культур и картофеля.

Винная промышленность в Узбекистане ежегодно производит более 5 млн. дал винной продукции (в 2007 - 5,6 млн. дал, или 127% к уровню прошлого года). В отрасли действуют 11 совместных предприятий и одно иностранное предприятие, среди которых можно выделить узбекско-американское СП Sun Wine (марочные и игристые вина, безалкогольные напитки), узбекско-американское СП Zarkent Agro Invest (красные и белые сухие вина, виноматериалы), узбекско-британское СП Adas Agro Invest (виноматериалы, красные и белые сухие вина, концентрированные виноградные соки).

Предприятия осуществляют продажу вин как традиционными способами, так и с помощью стандартного пакета 1С: Предприятие, который позволяет усовершенствовать все виды операций при осуществлении электронной торговли. Данный комплекс производит: учет и групповую печать любых видов сканированных документов (справка ГТД, справка А, гигиенический сертификат, сертификат соответствия и т. п.) в привязке к отдельным номенклатурным позициям, либо к партиям товаров.

Совершенствование электронной торговли служит не только процветанию предприятия, но и вносит свой вклад развитие экономики нашей страны.

Талаба ёшлардан иборат бўлган оилалардаги муаммоли вазиятлар

Маълумки, оилада киши ҳаёт фаолиятининг барча жабҳалари: ижтимоий-иқтисодий тарихий, иқтисодий ва ғоявий, шахсий томонлари акс этади. Буни ҳамиша ёдда тутган ҳолда барча ёшларни, талабаларни оилавий ҳаётга ҳар жиҳатдан тайёрлаб бориш зарур. Ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлиги доимий равишда уларнинг жинсий тарбиялаш масаласида намоён бўлса-да, аммо бу билан чекланиб қолиш етарли эмас. Эндиликда диққат-эътиборни нафақат жинсий тарбияга, балки оилавий муносабатлар психологиясига ҳам қаратиш лозим бўлиб бормоқда. Аниқроғи, жинслараро муносабатларнинг ижтимоий-руҳий жиҳатлари хусусидаги таълим ёшлар учун ниҳоятда муҳим эканлигини турмушдаги муаммолар тақозо этилмоқда.

Халқимизнинг урф-одатларига кўра ўзбек хонадонидаги барча йигит ва қизларни ота-она ўспиринлик даврига етгач яхши ниятлар билан янги оилага узатади ёки уйлантиради. Ҳар бир хонадон эгаси шоду хуррамлик бахшида эта оладиган ҳаёт орзусида бўлади ва бу орзу умрини чулғаб олишини истайди. Айниқса, бундай ҳолат ёш оила қурган йигит-қизларга хос. Улар учун тўйдан кейинги кунлар ҳамиша доимий байрамдек кўринади. Икки қалбнинг бирга бўлиш қувончи, анъаналарни сақлаган ҳолда ҳар куни бўлиб турадиган меҳмондорчиликлар, ўйин-кулгу ва сайр-саёҳатлар байрам руҳини бежиз ифодаламаса-да, ойлар, кунлар ўтиши эса ҳаётда нафақат шодиёна кунлар балки кундалик турмуш ташвишлари ҳам мавжудлигини эслатиб ўтади.

Ёш келин-куёвлар ҳаётида дуч келадиган катта муаммолардан бири - кундалик ишлар ҳисобланади. Сабаби, ёшларнинг хўжалик ишлари юритишида ҳали етарли тажриба ва малакаларининг йўқлигидадир. Сўнгги кунларда кўпгина ота-оналар ўз фарзандларини ақлий, жисмоний ва дид жиҳатдан баркамол бўлиб шаклланишларига имкон қадар зўр бериб тарбиялашга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо шулар қаторида меҳнат тарбияси мавжуд эканлигини унутиб, унга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, агар меҳнат тарбияси суёт шаклланар экан, қолган барча ақлий, жисмоний, маънавий тарбиялар аҳамияти ҳам паст даражада бўлиши кутилади. Кишининг доимо келадиган кундалик ишлари ҳам меҳнат тарбиясининг бир кўринишидир. Оилада ёшларнинг хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, уй-рўзғор ишларининг барча кўникма ва малакаларига ҳамда тажрибаларига эга бўлишлари зарур. Айниқса, янги оила қурган ва ота-оналаридан алоҳида яшайдиган келин-куёвлар ҳаётида тез-тез кўзга ташланиб туради. Ёшлар қилаётган ишларини "ўхшатиб" бажаришни истайдилар, лекин бажараётган ишлари ҳамиша ҳам дарров унақолмайди.

Истакларнинг доимо рўёбга чиқавермаслиги уларнинг руҳиятида зўриқишларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ҳолат оиланинг барча аъзолари ўртасида муносабатларнинг таранглашувига олиб келиб, мулоқотларда кескин намоён бўла бошлайди ва ўз навбатида таълим олиш жараёнларида ўзига ишончсизликни келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

*С.Ш. Акбарова,
МИКП-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Талаба ёшларни маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолиятида педагогиканинг ўрни

Маънавияти юксак бўлган инсонгина ўзининг имкониятини аниқ чамалаб ҳаётдаги ўрнини ҳатосиз белгилаб оладиган, ўз миллатининг тарихий тажрибаларини умумлаштириб ҳаётий хулосалар чиқара оладиган, дунёвий тафаккур қила оладиган, ўзининг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини топган ҳолда келажагини аниқ тасаввур қила оладиган бўлиши керак.

Бугунги кунда ўзбек халқи ўзининг маънавиятини оширишга бўлган эътиборини кучайтирмоқда. Муайян халқнинг маънавияти деганда, ўзининг тарихини чуқур ўрганиб, ундан сабоқ олиши, табиий муҳитнинг таъсири, буюк аждодларининг ўғитларини ёдда сақлаб, она тили ёрдамида дунёни ўзига хос тарзда идрок этиш даражасини тушуниш мумкин. Шу сабабли ҳозирги кунда талаба – ёшлар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, яъни талабани Ватанига содиқ, юксак эътиқодли ва замонавий билимли қилиб тарбиялашга барча имкониятлар яратилмоқда.

Бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ этишдек долзарб вазифалардан бири талаба-ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини билишлари ва улардан билим олиш йўлида тўғри ва тўла фойдаланишларига ўргатишдир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда педагогика фани ва унинг замонавий усуллари билан бири бўлган илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Педагогик технология талабалар қай тарзда, қандай усуллар билан ўқитилса натижа самарали бўлади, деган саволга жавоб беради. Унинг асосий мақсади ўқув жараёнининг самарасини ошириш, юқори даражани кафолатлашдир. Педагогик технология муайян тизимга эга бўлиб, унда компонентларнинг кетма-кетлиги, ўзаро боғлиқлиги сақланади, натижада таълим жараёнини режалаштириш, таҳлил қилиш, натижалаш, тузатиш, ўзгартириш имкониятлари мавжуд бўлади. Бунда таълимдан кутилган натижага эришилади, вақт тежаланилади. Бу эса педагогика ва педагогик технологияни таълим ва тарбиядаги самарадорлигини кўрсатади.

Педагогикани қўллаган ҳолда талаба ёшларда имон – эътиқод, меҳр – шафқат, ватарпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик, мурувват, сабр – тоқат, саҳийлик, миллий ғурур каби фазилатларга эга бўлган, яъни ҳар томонлама камолга етган баркамол инсонни шакллантириш керак. Демак, педагогика асосида баркамол инсон учун зарур бўлган куйидаги хусусиятларни шакллантиришга эришиш лозим: ижобий фазилатлар моҳиятини тўғри тушуниш ҳамда таҳлил қилиб, муносабат билдира олиш; жамоада яшаш, меҳнат қилиш малакаларини ошириш; баркамол инсонни тасаввур этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш усуллариини излаш.

Талабалар қалбини одоб-ахлоқ нурлари билан ёритмоқчи бўлган педагог чуқур билим, юксак маҳорат ва тарбиячилик санъатини эгалламоғи учун:

- маънавий-тарбиявий ишларни ташкил қилишда педагогиканинг назарий ва амалий асослари ҳақида билимга эга бўлиши;

- оммавий ахборот воситалари материаллари билан танишиши, билиши ва улардан керакли жойда унумли фойдалана олиши;

- таълим тўғрисидаги ахборотлар, янги педагогик технологиялардан воқиф бўлиши;

- инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятларидан хабардор бўлиши ва унга амал қилиши;

- маънавий – тарбиявий тадбирларни ривожлантиришда талаба ёшларнинг руҳияти, қизиқиши, жамоадаги ижобий ва салбий сифатларининг мавжудлиги даражасига эътибор бериши;

- маҳалла ва жамиятчиликнинг ижобий таъсирини кучайтирувчи тадбирларни жорий этиши.

Юқорида келтирилганларга асосланиб педагогика ҳақи равишда табиатнинг олий маҳсули бўлган инсоннинг маънавий-амалий шаклланиш ва унинг шахс сифатида ривожланиш қонуниятларини ҳамда мутахассислик асосларини ўргатувчи устувор фанлардан биридир деб айтиш мумкин.

Г.Р. Закирова,
МИКП-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Талабаларда иқтисодий дунёқарашни шакллантиришда фойдаланиладиган ахборот воситаларининг роли

Ҳозирги замон таълим тизимининг энг муҳим хусусиятлари ўқув жараёнини замонавий техника ва технолгиялар билан боғлашдан иборат деб ҳисобланади. Бу борада ўқув жараёнида олинган билимларни ўзлаштириш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, назорат қилиш каби дарс элементлари ҳам замонавийлашиб бормоқда. Таълим жараёни ноанъанавий

Ўқитиш усули орқали амалга оширишга интилоқдамиз. Замонавий технологиялар деганда биз ахборот, ахборот – коммуникация технологиялари, инновация ва компьютер технологияларини тушунамиз. Бу технологиялардан фойдаланиш талабаларни мустақил тайёрланиш, изланишга ундайди.

Шундай экан, ўқитувчи-педагогнинг ўзи бу технологиялардан нафақат тўғри, балки бундай технология имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Талабага ҳар бир ўтилган мавзу юзасидан бериладиган топшириқларни бажариши учун ўқитувчи-педагог қўшимча материаллар, адабиётлар рўйхатидан ташқари мустақил изланиш учун Интернет тармоғидаги маълумотлардан фойдаланишни тавсия қилади. Агар талабага тўғри, тушунарли ва тўлиқ кўрсатмалар берилсагина топшириқни вақтида бажариш ҳамда кўп маълумотларга эга бўлган талаба, яъни яхши қуролланган талаба фанга қизиқиши ошиб боради.

Масалан, “Иқтисодий назария” фанидан топшириқ сифатида Карл Маркснинг “Капитал” асари ҳақида мустақил ўрганиши берилди. Топшириқни бажариш учун адабиётлар рўйхати кўрсатилади. Албатта, ҳар бир талаба кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Интернетдан фойдаланишни афзал кўради ва ўз навбатида ўқитувчи-педагогдан қаердан, яъни қайси сайтлардан фойдаланиш афзаллигини сўрайди. Агар бу вазиятда ўқитувчи-педагогнинг ўзи айнан шу топшириқни бажариб, Интернетдан фойдаланиб, маълумотлар йиғган бўлса, тўғри кўрсатмалар, тавсиялар бера олади. Акс ҳолда аниқ тавсияларсиз талаба бир-икки топшириқни бажаришга ундаб, ишининг унумли тарафига эришолмай қизиқиши йўқолишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли бу вазиятда ўқитувчи-педагогнинг тавсиялари катта роль ўйнайди. Юқорида айтиб ўтилган технологиялардан тўғри фойдаланиш учун эса бу технологиянинг ишлаш принципини билиш ҳамда узлуксиз равишда малакасини ошириш лозим.

Ахборот технологиялари фан сифатида ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, тақдим этиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш усуллариини ўрганса, қўллаш воситаси сифатида у бирор объект, жараён ёки ҳодиса ҳолати ҳақида янги, долзарб, ҳаққоний ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш услублар жамланмасидан фойдаланиш жараёни тушунилади. Компьютер технологиялари ҳар бир талабани объектив баҳолаш, тестлардан ўтказиш, тўғри ечилган натижаларни рағбатлантириш орқали ҳар бир талабада қизиқиш, ўқишга мотивацияни оширишда катта роль ўйнайди. Шунингдек, ўқув манбаларини тақдим этиш имкониятини кенгайтириб беради, масалан, турли мультимедали электрон китоблар, дарсликлар ва электрон кутубхоналарни яратиш имконини беради.

Шундай экан, жаҳон талабларига мос замонавий ўқув жараёнини ташкил қилишда янги технологиялардан фойдаланиши, талабга берилган

топшириқларни мустақил бажариши учун керакли тавсиялар бериш ўқитувчи-педагогнинг ролини оширади ва ўзига яраша катта талабалар қўйилади. Бу технологиялардан фойдаланишни ўқитувчи-педагогнинг ўзи билиши, бажарган бўлиши лозим. Фақат шундагина талабаларга тўғри йўл, кўрсатмалар ҳамда тавсиялар бериши мумкин.

*А. Ашуров,
МИКП-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Таълим жараёнида муомаланинг аҳамияти ва роли

Юртимизда маорифга ниҳоятда катта эътибор берилаётганлиги қувончли ҳол. Зеро, ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, замонавий билимлар асосида ўзбекона маънавиятни сингдириш, давлат сиёсатини, иқтисодиётини чуқур англаган ҳамда Ватани ва халқи учун садоқатли шахсларни шакллантириш каби масъулиятли вазифани амалга ошириш маориф ва маърифат зиммасидадир. Бу масъулиятли ва шарафли вазифани эса ўқитувчилар бажаради.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлик фаолияти шахслараро муносабатларнинг бир кўриниши тарзида шакллантирувчи, шаклланувчи сифатида ўз ифодасини топади. Шакллантириш жараёнида устознинг билим-савияси ҳам бойиб боради, тажриба тўплайди, ўқувчи эса ҳар томонлама камол топади. Бу жараён муносабатларнинг таркибий қисми бўлган муаммони қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Ўргатишга ва ўрганишга интилиш табиатан шахслар эҳтиёжидан келиб чиқади. Психологларнинг таъкидлашича, шахснинг шаклланишидаги ўзлигини англаш, борлиққа муносабат, дунёқараш, характер ҳислатлари муомала жараёнида рўёбга чиқади.

Муомала боланинг ақлий, руҳий, ҳиссий ва жисмоний тараққиётини таъминлайди. Муомаланинг илк кўриниши оилада, боғчада ўйин фаолияти заминида шаклланади. Боланинг муомала дунёсида мактабга қадам қўйиши, лицей, коллеж, олий ўқув юртига, спорт соҳасига, тўгаракка қатнашуви инқилобий ўзгариш ясайди, десак муболаға бўлмайди. Муомала фаолиятининг турли жабҳаларида, оилада, мактабда, кўчада, иш жойида, сайрда, меҳмонда, анжуман ва байрамларда тусланиб, турланиб, янгича қиёфаларни ўзида акс эттиради ҳамда жойга, вазиятга, вақтга қараб ўзгаради.

Янги ўзгаришлар руҳиятга, қисматга, маънавиятга, ҳамкорлик фаолиятига, билишга ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Оиладаги муомала эркин, жиловланмаган, тарқоқ йўналишда шаклланса, мактабда тартибга қоидага тушурилади, ўқув юрти ва иш жойларида муомала жиддий қонунлаштирилади.

Бинобарин, таълим-тарбия муомаласи ўзига хос хусусиятларга эга. Булар: а) ўқитувчи муомаласи нутқ, қиёфа билан ифодаланади. Нутқ товуш, сўз, тугал фикр, гап асосида ифодаланади. Товушларнинг эркин, ёқимли талаффуз қилиниши муомаланинг сифатли бўлишининг илк омили бўлса, сўз бойлиги уларнинг ўз ўрнида керагини танлаш, фикрнинг осон ҳамда тез изҳор этилишини таъминлайди. Нутқдаги мантикий тузумдан ўринли фойдаланиш муомалани кўзланган мақсадга қийинчиликсиз етиш имконини яратади. Муомала пайтидаги инсон қиёфаси, истараси, гавда ҳаракатлари идрок этишни равшанлаштиради, муносабатга фойз киритади; б) муомаланинг ёшга, жинсга, шароитга қараб ўзгариши, муомаладаги шерикка кўчиш, тақлид, ижодий ривожлантириш масаласи ҳам илмий изланишга лойиқ психологик ҳодисалардир; в) аниқловчи, шакллантирувчи тажрибаларда фойдаланиладиган саволлар, тест-анкета ва бошқа ўрганиш воситалари, биринчидан, муомаланинг кўлами, ахволи ҳақида маълумот тўплашга хизмат қилса, иккинчидан, муомаланинг бойишига йўл очади, учинчидан, ижодий ривожланишига имкон яратади. Ўрганиш жараёни бевосита ва бавосита усулини умумлаштириб, ўртача маромни топишга асосланади.

Х. Тураев,
ТДИУ магистри, ТДИУ

Таълимда психологик хизмат жорий этилишининг аҳамияти

Психологик хизмат таълим-тарбия тизимида муҳим жараён бўлиб бормокда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли Қарори асосида таълимнинг барча босқичларида психологик хизмат жорий этилди. Психологик хизмат аслида баркамол инсонни шакллантириш, таълим эҳтиёжларининг қондирилиши жараёнида ўқувчининг қобилиятлари, имкониятларини, ўзига хос индивидуал хусусиятларини ўрганиш, йўналтириш ва ривожлантириш каби муҳим вазифаларга қаратилган.

Таълим муассасаларида психологик хизматнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- а) психологик маърифат ва ташвиқот ишлари;
- в) психологик профилактика;
- в) психологик диагностика;
- г) психологик коррекция;
- д) психологик маслаҳатлар;
- е) касб-хунарга йўналтириш.

Психологик маърифат ва ташвиқот ишлари - таълим муассасини, таълим олувчиларни ва ота-оналарни психологик билимларни эгаллашга

жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини ошириш мақсадида турли машғулотлар, ўқувлар, маърузалар уюштиришга қаратилган бўлса, психологик профилактика - педагог ва ота-оналарда болаларнинг ҳар бир ёш давридаги психик тараққиёти ҳақидаги билимларни эгаллаш эҳтиёжларини таркиб топтириш билан бола шахси ва ақлий тараққиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оқимларнинг ўз вақтида олдини олишга қаратилган психологик тадбирлар ҳисобланади. Психологик диагностика эса шахсни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Психологик коррекция - шахс шаклланиши ва психик ривожланишида содир бўлган турли хил руҳий оғиш ва кечикишларни бартараф этиш, шахс ва жамоага фаол ижобий руҳий таъсир ўтказиш, шахслараро муносабатлардаги зиддият ва низоларни юмшатиш вазифаларини ўз ичига олади. Психологик маслаҳат - инсонларга шахсий, касбий ва ҳаётий муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериш бўлиб, у индивидуал, гуруҳий тарзда ўтказилади. Касб-ҳунарга йўналтириш ёшларнинг лаёқати, қизиқиши ва қобилиятларига мос касб-ҳунарни онгли тарзда танлашга тайёрлашдир.

Бу келтирилган йўналишларнинг узвий ва узлуксиз боғлиқлиги психологик хизмат мазмунининг яхлитлигини таъминлайди. Психологик хизмат. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилаётгани ҳаммамизга аён. Бу ислохотлар инсон омилига ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини бевосита тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан узвий боғлади. Бундан инсон ва унинг мукамаллиги хусусида қайғуриш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Инсон психологиясини билиш, ўз тараққиётини ва иқтидорини ташкил этишни билишни, ҳар қандай ёш даврда ҳам оптимал равишда ишга яроқлилиқни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлиқни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммосини илгари сурди. Шундай қилиб янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват билиш, шу билимлар захираси билан яқинлари ва тенгқурлари психик дунёсини билишни талаб этмоқда.

Таълимни бошқаришда таълим технологияларини қўллаш шартлари

Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг асосий мақсади таълим олувчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинуви асосан уч шаклда амалга оширилади: монолог, диалог, полилог. Монолог ўқитувчининг ўқувчи - талабалар қаршисига чиқиб нутқ сўзлаши, дарсни баён этишидир. Айни шу усул таълим-тарбия жараёнидаги асосий восита эканлиги тўғрисида онгимизга ўрнашиб қолган тасаввур мавжуд. Бу ҳолатда гапирувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ҳисобланади ва фақат ундангина фаоллик талаб қилинади. Лекин аудитория, яъни тингловчилар унга нисбатан анча пассив мавқеда бўладилар ва бу нарса маълумотнинг фақат кичик бир қисминигина идрок қилиш ва эслаб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи бу камчиликнинг олдини олиш учун аудиторияни фаоллаштиришнинг бошқа йўллари қидиришга мажбур бўлади. Диалог ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижобий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинувидан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди, бунда эса тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан унинг субъектига айланади. Шу боис диалогни ташкил этишдан аввал ўқитувчи аудиториянинг у ёки бу хусусда билимлар ва тасаввурларга эга бўлишини инобатда олиши зарур, акс ҳолда ўзаро мулоқот самарасиз ва мазмунсиз тортишувга айланиб кетиши мумкин. Полилог - гуруҳ ичидаги мунозарадир. У тингловчилар ёки ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ишлатилади.

Полилог жараёнида гуруҳ аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи эса ушбу жараённинг ташкилотчиси сифатида ўқувчилар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Лекин бу усул машғулотлар ёки мулоқот дарслари энди бошланган пайтда ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки полилог учун ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлаш тажрибасидан ташқари ёшларга ўша соҳа юзасидан маълум билимлар мажмуи ҳамда ҳамкорликда ишлаш тажрибаси зарур. Диалог ва полилог техникасини яхши эгаллаган муаллим мунозара ёки баҳсни самарали ташкил этишга лаёқатли бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мунозарани самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланиб боради, бунинг учун ўқитувчи умуман мунозара методикаларининг

моҳияти ва уни ташкил этиш йўллари илмий - амалий жиҳатдан билиши керак.

Баҳснинг самарали бўлиши энг аввало баҳслашувчиларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашувларига ҳамда мунозараларнинг эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли турларига ҳам боғлиқ. Чунки, ҳар бир ҳолат ва мунозара тури баҳс қатнашувчиларида ўзига хос руҳий тайёргарлик, масъулият ҳиссини келтириб чиқаради. Бундай мунозаралар турли шароитларда (масалан, синфда, талабалар аудиторияларида, иш ва табиий шароит хоналарида) ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мунозара шароитида бошловчининг роли, айниқса каттадир. Чунки у ҳар бир гуруҳдаги тортишувлар ва фикр алмашинувларга салбий таъсир этмаслиги керак. Ўқитувчи мунозарани бошлар экан, иштирокчилар онгига қуйидагиларни етказа олиши керак: бу мунозара ва машқ ҳар бир иштирокчига албатта фойдали бўлиши, бунда бир-бирига очик ва самимий муносабатда бўлиш лозимлиги, мунозара иштирокчиларнинг ўзаро тажрибаларини алмашиши учун қулай шароит эканлиги, агар бирор нарса тушунарли бўлмаса, уни сўрашдан тортинмаслик кераклиги кабилар.

Баҳс шаклида машғулот ўтказганда, қабул қилинадиган қарорларнинг аҳамияти ҳам катта. Қарорларнинг самарали бўлиши учун қуйидагиларни ёдда тутиш керак:

- машғулот бошланишидан олдин ўқитувчи таҳлил қилиниши лозим бўлган муаммони белгилайди ва унга қай тарзда муносабат билдирилиши лозимлигини тушунтиради;

- қисқа бўлса-да, бу муаммонинг олдинги дарсларга боғлиқлиги, уйга берилган вазифа, муҳокама қилинадиган масалага оид муҳим далиллар эса туширилади;

- баҳс қатнашчилари кичик гуруҳчаларга (4-5 киши) бўлиниб, машғулот охирида фикрлар умумлаштирилиши учун қоғозлар тахт қилиб қўйилади;

- гуруҳда ишлаш мобайнида билдирилган фикрларнинг афзал ва камчилик томонлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тарзда қарорлар шаклида баён этадилар.

Мунозара якунида эса гуруҳнинг вакиллари ўз гуруҳининг иши тўғрисида гапириб, уларни бошқаларники билан қиёслайди. Зарурат бўлса, ўқитувчи ҳар бир гуруҳнинг қарорларини ўзаро қиёслаб, саволларга жавоб беради, ноаниқроқ қарорларга ўз муносабатини билдиради.

Бу тарзда ўқув жараёнини ташкил этиш ўқув фаолиятининг самарали бўлишига, талабаларнинг фаол бўлишлари, ўзлари мустақил равишда билимларни ўзлаштиришларига олиб келади. Шунинг учун ўқув йилининг аввалида биринчи босқич талабалари билан махсус равишда педагогик технологияларга ўргатиш бўйича дарслар ташкил этилиши муҳимдир. Бунда талабалар ўқув жараёнида қўлланиладиган педагогик

технологиялар, ўқиш сифатини ошириш усулларида хабардор бўлиш билан бирга, мустақил ишлаш малакаларини шакллантира оладилар.

*Н.Т. Холиқов,
илмий тадқиқотчи, ЎзРес ДЖҚА*

Ўзбекистон демократиянинг замонавий босқичида

Маълумки, умргузаронлик қилаётган давримизнинг ўзига хос тенденциялари мамлакатлар, халқлар тараққиёти билан боғлиқ бўлган кўпгина асосларнинг жиддий такомиллаштирилиши баъзи эҳтиёжларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам давр муддаоси билан ҳамнафас бўлиш, унинг энг долзарб талабларини ўз вақтида қондира олиш имкониятларига эга бўлиш ҳар қандай жамиятнинг барқарор ва хавфсиз тараққий қилишининг муҳим шарти сифатида намоён бўлмоқда.

Ушбу умумижтимоий қонуният бевосита замонавий демократияни қарор топтириш, унинг муттасил равишда ривожланиб боришини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш вазифалари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Тажрибалар кўрсатиб турганидек, бугунги кунда, жамиятда демократияни жорий қилиш учун, унинг дастлабки институционал асосларини шакллантириб қўйишнинг ўзигина етарли эмас. Шунингдек, демократияга “ўтиш даври” аслида кўп поғонали ҳодиса бўлиб, кетма – кет келувчи босқичлар тизимидан ташкил топиши ҳолатига ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ эътибор бериш зарур бўлмоқда. Чунки, жамият демократлашувининг инсоният тараққиёти ҳозирги босқичидаги хусусиятлари демократияга ўтиш даврининг ҳар бир даражасини алоҳида олинган ҳолда концептуаллаштирилиши ва кейинги босқичга кўтарилишнинг асосий контурлари, йўналишларини юқори аниқликда назарий жиҳатдан ҳал қилинишини талаб этмоқда. Бундай ҳолат, жумладан замонавий демократияни қарор топтириш вазифалари, омиллари миқдорини ниҳоят даражада кенгайиб кетганлиги билан ҳам изоҳланади. Шу билан бир қаторда демократиянинг жамият миқёсида легитимлашуви, англаган қадриятга айланиши учун, унинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ кўп босқичли жараёнларни умумий демократлашувнинг таркибий қисми сифатида амалга ошириш зарурати бугунги куннинг энг етакчи хусусиятларидан биридир. Зероки, демократия жамиятни нафақат сиёсий балки, ижтимоий жиҳатдан ташкил қилинишининг ҳам энг асосий шакли, моделидир.

Илмий адабиётлар ва манбаларни таҳлил қилиш натижасида тўпланган маълумотлар шундан далолат бермоқдаки бугунги кунда демократия назарияси ва амалиёти такомиллашуви, замонавий демократиянинг концептуал асосларини мустаҳкамланишида халқ вакиллигининг замонавий ғояларини шакллантириш ва қарор топтириш

вазифаларини ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Яъни, бу ўринда асосий фикр демократиянинг етакчи устунларидан бири бўлган халқ вакиллиги институтининг фаолияти амалга оширилишида, сайловчилар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли равишда рўёбга чиқариш ва таъминлашнинг қўшимча механизмлари ҳамда тамойилларини шакллантириш устида бормоқда. Бунинг натижасида жамиятда мавжуд бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларини амалга оширишнинг демократик асослари ўзининг ишончли самарасини бера олади, ҳамда замонавий демократиянинг энг муҳим ўзаги бўлган ижтимоий адолатни кафолатли таъминлаш тизимининг ишлаши учун имкониятлар кўлами жиддий равишда кенгаяди.

Замонавий демократия асосларини жамият миқёсида қарор топтириш учун тажрибалар буни кўрсатаётганидек, бугунги кунда демократиянинг либерал хусусиятларига эътиборни кучайтириш орқали масалага ёндашиш тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Сабаби, демократия бағрида мавжуд бўлган либерал ғоялар, ҳозирги даврнинг энг талабчан мезонларидан келиб чиқиб хулоса қилинганда, демократиянинг имкониятларини замонавий талаблардан келиб чиқиб кенгайтириш ва сафарбар қилишнинг муҳим манбаси бўлиб хизмат қила олади. Замонавий демократия эса ўз моҳиятига кўра авваламбор айнан шахс, жамиятнинг манфаатлари устуворлиги тамойилларини юксак даражада институционаллашувини тақозо қилади. Бундай ҳолат бугунги кунда демократия амал қилишининг бош усули сифатида намоён бўлмоқда.

Демак, ҳозирги кунда демократик тараққиёт йўлини танлаган мамлакатлар, халқлар ҳаётида демократия тамойиллари чуқур ўрин олишини таъминлаш заминида бевосита замонавий демократиянинг давр талабларидан келиб чиқувчи хусусиятлари, тамойилларини қарор топтириш, яъни демократияни янада юксалтириши билан боғлиқ жараёнларни амалга оширишлик ётади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ўз истиклолининг дастлабки кунларидаёқ эркин демократик тараққиёт йўлини танлаб олган мамлакатимиз сиёсий – ижтимоий ҳаётининг замонавий босқичида вужудга келтирилган имкониятларга таянилган ҳолда демократик ислохотларни амалга оширишнинг том маънодаги янги босқичига ўтиш вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этиб турибди.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов хулоса қилганидек: “Бугунги кунда демократик ислохотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма – босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар албатта ўз мантикий якунига етказилади, деб

айтиш учун барча асосларимиз бор”¹. Жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш жараёнларининг ҳозирги янги босқичи, аввалги тараққиёт босқичларида тадрижий тарзда шакллантирилиб келинган демократия асосларининг нисбатан янада кенгайтирилган ва мустаҳкамланган ҳолатини ўзида намоён қилмоқда.

Демак, эндиликда жамиятимиз шу пайтга қадар амалга оширилган том маънодаги ўзгаришлар туфайли эришилган мустаҳкам ижобий натижаларга таянилган ҳолда замонавий демократия асосларини барқарор ривожлантириш, демократиянинг либерал қадриятларини юксак даражада кенгайтириш, унинг ижтимоий асосларини мустаҳкамлашдан иборат янги даврга кириб келмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, демократлашувнинг барқарор ривожланиб боровчи даврига ўтиш имкониятларининг дастлабки асослари ўтиш даврида шакллантирилади. Кейинги босқичда эса бевосита уни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омилларни кенгайтириб бориш вазифалари ҳал қилина бошланади. Демократияга ўтиш жараёнларининг етакчи натижаси жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократия ғояси ва манфаатлари атрофида жипслашуви ҳолатидан иборатдир. Бундай ҳолат ҳозирги замон демократия назариётчилари томонидан консолидациялашган демократия атамаси билан юритиб келинмоқда. Жумладан, транзитология йўналишида тадқиқот олиб боровчи мутахассислардан бири Г.О. Доннел таъкидлаганидек, “Демократлашув жараёни умумий тарзда олинганда бир эмас, балки кетма-кет юз боровчи икки ўтиш жараёнидан иборат: биринчиси, демократик ҳукуматнинг ўрнатилишига олиб келса; иккинчиси, демократиянинг қарор топиши ёки демократиянинг самарали, барқарор равишда амал қилишига олиб келади”². Бу ўринда асосий гап, демократиянинг жамият барча ижтимоий қатламлари орасида анланган заруратга айланиши устида бормоқда.

Демак, демократиянинг ижтимоий жипслашган даражаси, унинг барқарор тараққиёти учун барча шарт-шароитлар ва мунтазам кенгайиб боровчи имкониятлар яратилганлигидан далолат беради. Шу муносабат билан демократияга ўтиш даврининг юқори поғонасига эришган ҳар бир жамият учун барқарор демократлашув жараёнларининг узлуксиз равишда рўй бериши қандай шарт-шароитлар орқали таъминланади, демократия барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларнинг моҳияти нималардан иборат бўлиши мумкин, замонавий, давр талабларига жавоб бера оловчи барқарор ривожланадиган демократия асослари қандай чора-тадбирлар ҳисобига янгиланиб, такомиллаштирилиб борилади, деган саволлар табиий равишда долзарб аҳамият касб этиб боради. Чунки замон

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма – босқич барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. // Халқ сўзи, 2008 йил 6 декабрь.

² Қаранг: Политические институты на рубеже тысячелетий. –Дубна: 000 «Феникс»,2001,с.140.

талабларини ҳисобга олиш демократиянинг ҳавфсизлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашнинг етакчи шартларидан биридир.

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жамиятимизда барқарор, замонавий демократия асослари ривожланиши ва мустаҳкамланишига таъсир қилувчи, умргузаронлик қилаётган замонамиз хусусиятлари билан ҳамоҳанг бўлган янги омиллар моҳиятини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш, масаланинг кўпгина жиҳатларига назарий жиҳатдан ойдинлик киритиш ҳамда илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда жамиятимизда барқарор ривожланиб борувчи демократия таянчларини вужудга келиши ва тараққий этишига хизмат қилувчи, ҳозирга қадар ишга солинмаган куч ва имкониятларни сафарбар этиш билан боғлиқ илмий муаммоларни концептуаллаштириш зарурати, кўтарилаётган мавзунинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беришини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

**З. Мажидов, А. Сарибоев,
МИО-01 гуруҳи талабалари, ТДИУ**

Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш муаммолари

Ҳозирги иқтисодий глобаллашув шароитида республика иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти янада ошиб бормоқда. Кейинги беш йил давомида глобал Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони ва онлайн савдо айланмаси ҳажмининг кескин ошиб бориши кузатилмоқда. Баъзи мамлакатлар иқтисодиётида ахборот технологиялари ва хизматларидан тушадиган тушум сезиларли улушга эга бўлиб бораётгани электрон тижоратнинг аҳамиятини янада оширади. Республикада электрон тижоратни жорий қилиш борасидаги асосий тадбирлар аввало унинг ҳуқуқий базасини яратиш билан бошланди. 2004 йилда “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, шунингдек, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги тадбирларнинг ҳуқуқий асосини таъминлади.

Республикада охириги йилларда электрон тўлов карточкалари ва уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш тобора оммавийлашиб бормоқда. Бир неча юзлаб тижорат веб сайтлари яратилди ва ўнлаб дастурий таъминот воситалари (Software) ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолият юритмоқда. Жамиятимиз бу янгиликларни тез ўзлаштириб олаётгани, албатта жуда қувонарлидир. Бу йўналишларда бир қанча ютуқларга эришмоқдамиз, лекин шуни тан олиш керакки, ривожланган давлатлар бу борада биздан анча илгарилаб кетган.

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологияларида энг ривожланиб бораётган соҳа — электрон тижорат ҳисобланади.

Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш ташкилот ёки корхоналарнинг қайси соҳага ихтисослашганлиги, тури, ҳажми, ташқи ва ички алоқалари ҳамда маркетинг тадқиқотлари натижаларига кўра бир қанча муаммоларни юзага келтиради. Қуйида уларнинг баъзи бирлари келтирилган:

– энг асосий муаммолардан бири бу Ўзбекистондаги интернетдан фойдаланувчилар сонининг камлиги. Шунингдек, фойдаланувчиларнинг катта қисми тармоқда харид билан эмас, балки шунчаки унда кезиб юришни ёқтиришади.

– Ўзбекистондаги Интернетдан ўрта даражада фойдаланувчи Ўзбекистоннинг ўрта статистик аҳолисидан кескин фарқ қилади. Биринчи навбатда моддий ҳолати, таълим даражаси ва техник тайёргарлиги бўйича.

– кўплаб сайтларнинг бетартиблиги, ахборотнинг ҳаддан ташқари кўплиги доимий мижозларнинг эътиборини тортиш ва уни ушлаб қолишни қийинлаштиради.

Ўзбек интернет-сотувчилари учун қўшимча равишда қуйидаги хусусиятлар оиддир:

1. Барча ўзбек компаниялари тор доираларда хизмат кўрсатадилар. АҚШ тижорат сайтларида эса компаниялар 10 дан ортиқ категориядаги товарлар билан фаолият юритадилар.

2. Сайтларнинг ишлаш тезлиги ва улардан фойдаланишнинг қулайлик даражаси компанияда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот билан бевосита боғлиқдир.

3. Кўпчилик компаниялар (айниқса, китоб ва видео-махсулотларини сотувчи компаниялар) фаолиятлари хорижий мижозларга йўналтирилган.

Ажабланарли жиҳати шундаки, электрон тижорат Интернет тармоғи каби цивилизациянинг ажралмас бўлагига айланиб бўлди. У оддий-анъанавий савдо-сотик ўрнини боса олмайди, худди электрон ҳужжатлар қоғоз ҳужжатлар ўрнини боса олмагани каби, фақатгина бу иккиси ўзаро гармонияда ривожланиб бораверади.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда электрон тижоратнинг тараққий этиши аниқ. Замонавий бизнес Интернетдан фаол фойдаланмасдан ўз келажагини тасаввур ҳам қила олмайди ва Ўзбекистон компаниялари буни яхши тушунишади.

*А. Тўраев, МИО – 01 гуруҳ талабаси,
А.А. Обидов, доц., ТДИУ*

Электрон ўқитиш дастурлари ва уларнинг қўлланилиши

Олий ўқув юрти корпоратив тармоғи ахборот базасини яратишда ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг ўзаро чамбарчас боғланганлиги яққол кўринади. Олий ўқув юртида юз берадиган барча

ўзгаришлар, ҳисоботлар, ўқув жараёнига оид фактлар, рейтинглар ва бошқаларни ахборот майдонида акс эттириш имконияти мавжуд. Аслида ўқув даргоҳининг асосий вазифаси талабаларни ўқитиш, жамиятга билимдон кадрлар тайёрлаш ҳисобланади. Бу йўлда илғор компьютер технологияларини қўллаш замон талаби экан, ТДИУ корпоратив тармоғи ахборот базасини яратишда электрон дарслик, электрон қўлланма, бошқа электрон ўқув материалларининг самараси ва натижаси қуйидагилар билан тавсифланади. Персонал компьютернинг техник имкониятлари: ўқув жараёнини фаоллаштириш; ўқитишни индивидуаллаштириш; материаллар тақдимотининг кўргазмалилигини ошириш; назарий билимлардан амалий билимлар томон урғуни бериш; ўқувчиларда билимга қизиқишни уйғотиш.

Ҳар бир ўқувчи алоҳида компьютерда ўтириши ва бу компьютерда ўқитувчи билан суҳбат тарзида ишлаши ўқитишни фаоллаштиради. Анъанавий ўқитишда, мисол учун 20-30 % ўқувчи фаол бўлади, холос.

Суҳбат фаоллаштиришдан ташқари, ўқувчи билимини баҳолашда ҳам ҳаққоний ва қулай. Ўқитишдаги индивидуаллаштириш компьютер билан интерактив тарзда ишлаш, ишлаш ритми, паузаларни ўқувчи ўз характериға мослаб танлашини билдиради. Бироқ ҳар бир ўқувчининг билим даражаси, тайёргарлиги педагогик дастур воситаси (ПДВ) ёрдамида аниқланади. ПДВ бошланғич тест асосида ўқувчининг билим даражасини аниқлайди, шунга мослаб назарий материал тақдим этади, саволлар ва машқлар ҳамда «подсказка» («айтиб туриш») ва кўмак кўрсатади.

Персонал компьютерларнинг график имкониятлари компьютерда ўқитишни кўргазмали қилиш имконини беради. Чиндан ҳам ҳар бир ўқувчи иш ўрнида компьютер мониторида кино ёки видеоға олмай туриб ҳам, турли геометрик шакллар, реал объектларнинг аниқ тасвирлари, мультимедиа имкониятли материаллар статик (қотган) ҳолатдагимас, аксинча динамик (ҳаракатдаги) ҳолатда кўрсатилади.

Компьютер графикаси орқали визуал кўриш мумкин бўлмаган ҳодисаларни тасаввур қилдириш даражасига келинади. Мисол учун нисбийлик назарияси, сонли қаторлар қонуниятларини кўргазмали ифодалаш билан талабаларға етказса тушуниш осон бўлади.

Компьютер технологияси информатика билан боғлиқ бўлмаган фанларға ҳам қизиқишни оширади. Ўқув жараёнини компьютерға боғлаб янгича ташкил этиш дарс вақтида ўқувчининг машғулотға муносабатини ўзгартиради. Шу билан бирға компьютернинг нозик томонларидан фойдаланиб ўқувчилар феълини бошқариши ҳам мумкин. Мисол учун ўқитиш дастурида ўқувчининг билим олиш ҳаракатиға «айтиладиган» репликалар унинг кўнглини кўтариб рағбатлантиради. Бу репликалар албатта расмий бўлмай, юморға ўралган эмоционал атмосфераси билан ўзаро ҳамкорлик риштасини ҳосил қилгани дуруст саналади. Ўйинлар элементлари ҳам муҳим аҳамиятға эға. Масалан, компьютерда ўқитиш жараёнида баллар билан баҳолаб туриши ёки товуш ва томошабин

эффектлари, чапак чалиш, обоз бериш кабилар билан йўғрилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кўп муаллифлар ўқитиш дастурларини тўрт турга ажратади: қайтариш (тренировкали) ва назорат қилувчи; мурабийлик қилувчи; имитацияловчи ва моделаштирувчи; фикрлатувчи ўйинлар тарзида ишловчи.

Қайтариш дастурлари билим ва тажрибани мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бунда назарий материал ўрганилган деб тахмин қилинади. Мазкур дастур тасодифий кетма-кетликда ўқувчига саволлар ва машқлар беради ҳамда тўғри ёки хато ечилган масалалар ҳисобини беради. Тўғри бажарса рағбатлантирувчи «Ҳа, баракалла» типигаги реплика берилиши мумкин, хато ечилса, танбеҳсиз «Подсказка»дан кўмак кўрсатилсин.

Мурабийлик типигаги дастурлар ўқувчига билим олиши, ўрганиши учун назарий материал тақдим этади. Дастурдаги масала ва саволлар инсон - машина суҳбатини ташкил этиш ва таълим жараёнини бошқариш учун хизмат қилади. Мабодо ўқувчи томонидан хато жавоб берилса, назарий материални такроран ўрганиш учун дастур ортга “қайтиши” мумкин.

Мурабийлик дастурларини 60-йилларнинг дастурий ўқитиш воситаларининг тўғридан-тўғри ворислари дейиш мумкин. Бу тушунча хорижда дастурлаштирилган ўқитиш деб юритилади. Ҳозирда замонавий компьютер ёки автоматлаштирилган ўқитиш номи билан тавсифланади.

Ўзининг услубий тузилмасига кўра педагогик дастур воситалари (ПДВ), дастурлаштирилган услубни амалга киритган ҳолда, қуйидаги блоklarнинг мавжудлиги билан характерланади: йўналтирилган асосий фаолият (ЙАФ) блоки, ўзида матн-график кўринишида автоматлаштирилган курснинг маълум қисмини назарий асосларини сақлаши билан; ўқитишнинг бошқарув ЙАФини ўзлаштириш ҳолатини назорат этувчи- назорат диагностика блоки (НДБ); билимларни автоматлаштирилган назорат блоки – ўқувчилар билимини якуний баҳолаш блоки.

*И.И. Исраилов, Б.М. Холиқов, М.М. Исроилов,
МПМ-01 гуруҳ талабалари,
Илмий раҳбар: доц. Т.М. Зияев*

Глобаллашув шароитида қишлоқда мулкдорлар табақасини ривожлантиришнинг йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда (2008 йил 5 декабрь) Президентимиз томонидан 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинди ва бу маърузада қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг бир қанча асосий

йўналишлари белгилаб берилди. Шулардан бири-қишлоқда пайдо бўлаётган мулкрий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари-мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш деб таъкидланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб қишлоқ хўжалигини юксалтириш, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли қатламларининг яшаш шароити ва фаровонлигини яхшилашга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилда “Ер кодекси”, “Фермер хўжаликлари” тўғрисида, “Дехқон хўжаликлари” тўғрисида, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги ва шу каби бошқа қонунлар ва фармонларнинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигини, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

1999-2007 йиллар мобайнида ҳукуматимиз қарорлари асосан, паст рентабелли ва истиқболсиз 2102 та ширкат хўжаликлари тугатилиб улар негизда жами 158738 та фермер хўжаликлари тузилди. Агар 1998 йилда мамлакатимиз бўйича жами 23 минг фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, 2008 йил 1 октябрь ҳолатига кўра уларнинг сони 219976 тани ташкил этди. Республика бўйича 2008 йилда бошоқли доннинг 79,8 фоизи, пахта хомашёсининг 99,1 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. Республикада мавжуд фермер хўжаликларини оптималлаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарори 2008 йил октябрь-декабрь ойларида амалга оширилиши натижасида 2009 йил 1 январ ҳолатига кўра мамлакатимизда 105182 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва улар ихтиёрига берилган ер майдони 5,9 млн. гектарни ташкил қилади.

Мамлакатимизда 2005-2008 йилларда ҳар йили ўртача 3,7 млн. тоннадан ортиқ пахта, 6,2 млн. тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб олинди. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар етарли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги субъектларни қамраб олади, уларнинг ривожланиши учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратади ва шу орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хомашёга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондира боради. Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тизимидаги мулкдорлар синфи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи мустақил фермер хўжаликлари, майда товар ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари истиқболли қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги сифатида шаклланимоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 63 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Бугунги кунда республикаимизнинг кўпгина вилоятларида қишлоқ аҳолисининг улуши 70-80 фоизни ташкил этишини, бу кўрсаткич масалан, Қашқадарё вилоятида 74,4 %, Сурхондарё вилоятида 79,9 %, Жиззах вилоятида 68,9 %, Сирдарё вилоятида эса 68,6 %ни етганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ва тармоқларида меҳнат қилаётганларнинг деярли 40 фоизи қишлоқ хўжалигида банд

эканлиги ҳам қишлоқда ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш муҳим эканлигидан далолат беради.

Ўрта мулкдорлар қатлами тўғрисида қадим замонларданок ҳар хил қарашлар мавжуд бўлган. Мазкур масала хусусида биринчилардан бўлиб фикр юритган қадимги грек файласуфи Аристотель: “Қайси жамиятда ўрта қатлам (элемент) салмоқли бўлса, ўша жамият фаровон бўлади”, - деган хулосага келган. Мустақил Ўзбекистон Республикасида тараққий этган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг “Жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ”¹, - деб айтган фикрларидан келиб чиқадиган мантикий хулоса шуки, мамлакатимиз ижтимоий тузилишининг асосини ўрта мулкдорлар табақаси ташкил этиши керак. Мазкур қатлам мамлакатда миллий бойликнинг асосий қисмини яратади. Жаҳон тажрибаси ўрта мулкдорлар қатламини жамият тараққиётида тутган ўрни юқори эканлигини кўрсатади. Ҳозирги тараққий этган давлатларда ижтимоий, сиёсий-иқтисодий барқарорликнинг ва фуқаролар аҳиллигининг кафолати жамият аъзоларининг 50-60 фоизини ташкил этувчи ўрта табақа вакиллари эканлиги ҳам юқоридаги фикрларнинг исботи бўла олади.

Шундай экан қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини бундан кейин ҳам ривожлантириш зарур. Чунки, Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз кучи ва имкониятига суяниб ва таяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдорлар фермерлардир. Айни шу кишилар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил этади. Айнан шулар мамлакатимизни изчил ва барқарор ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдордир. Улар республикамиз олдида турган ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш ишига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида ислохотларни жадаллаштиришнинг устувор йўналишлари ва шу асосда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш асосида ўрта мулкдорлар табақасини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантириш;
- чорвачиликни ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш;
- деҳқон хўжаликларида томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш;
- касаначиликни янада ривожлантириш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Асарлар, 3-жилд, -Т.: “Ўзбекистон”, 1996., 355-бет.

- тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишни тезлаштириш;
- мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- қишлоқ жойларида инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш.

Ана шу тадбирлар амалга оширилиши натижасида мамалакатимизда ўрта мулкдорлар табақаси вужудга келиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига, жамият аъзоларини жипслаштиришга, улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга, миллий иқтисодиёт тараққиётини тезлаштиришга хизмат қилади.

Д. Джунаев, МЭС – 01 гуруҳи талабаси, ТДИУ

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозоридаги ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари ва муаммолари

Ҳаммамизга маълумки, суғурта фаолияти бозор иқтисодиёти молиявий инфратузилмасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, иқтисодиётнинг бир бутунликда барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, суғурта - молия тизимининг стратегик аҳамиятга эга соҳаси бўлиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда ҳамда иқтисодиётга салмоқли инвестицияларни киритишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, суғурта соҳасида ҳам чуқур ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги 618-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, суғурта, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришнинг яққол мисолидир.

Шу ўринда суғуртанинг моҳияти нимадан иборат эканлигига таъриф берсак. Суғурта бу маълум бир ҳодиса (суғурта ҳодисаси) рўй бериши билан тўланган суғурта бадалларидан ташкил топган пул жамғармаси ҳисобидан суғурта шартномасига асосан суғурта қопламасини (суғурта суммасини) тўлаб бериш йўли билан юридик ва жисмоний шахслар манфаатини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ суғурталовчилар ва суғурта брокерлари ўз фаолиятини махсус ваколатли давлат органи ҳисобланган Молия вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширадилар.

Ҳозирда Ўзбекистонда 27 та суғурта компанияси фаолият юритиб келмоқда. Ушбу суғурта компанияларидан 4 таси давлат улушига эга суғурта компаниялари ҳисобланади, булар “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ДАСК, “Кафолат” ДАСК ва “Мадад” СА. “Ўзбекинвест Ҳаёт” суғурта компанияси ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритади ва яна бир қайта суғурта фаолиятини амалга оширувчи “Трансиншуранс” суғурта компанияси мавжуд. Қолган 25 суғурта компанияси умумий суғурта соҳасида фаолият юритмоқда. Суғурта хизматларининг замонавий шакллари янада ривожлантириш ва суғурта фаолияти сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капитализация даражаси ва молиявий барқарорлигини орттириш, ҳамда суғуртани тартибга солиш услубларини такомиллаштириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618 сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу Президент Қарори асосида “Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини 2007-2010 йилларда янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш” Дастури ва Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Бундан ташқари, мазкур Президент Қарори асосида, мол-мулк суғуртаси ва ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича аҳоли ва корхоналарнинг тўлаган суғурта мукофотлари уларнинг даромад солиғи базасидан чиқарилиши белгиланди, бу билан шахсий суғуртани ва аввало жамғариб бориладиган суғурта турлари ривожланишига улкан асос яратиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618 сонли Қарори билан тасдиқланган “Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари тўғрисида”ги Низомда суғурта бозори учун янги суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятининг қонунчилик асослари яратилди ва суғурта воситачилари ҳисобланган суғурта брокерлари, қайта суғурталаш брокерлари ва суғурта агентлари фаолиятлари асослари такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига асосан суғурталовчининг устав капитали камида 90 % муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилиши керак. Шунингдек, суғурталовчиларнинг устав капиталининг минимал миқдорига бўлган талаблар оширилди, унга кўра умумий суғурта соҳаси учун - 500 минг АҚШ долларига эквивалент сумма; ҳаёт суғуртаси соҳаси учун - 750 минг АҚШ

долларига эквивалент сумма; мажбурий суғурта бўйича – 1,0 млн. АҚШ долларига эквивалент сумма; қайта суғурталаш учун - 3,0 млн. АҚШ долларига эквивалент сумма.

Ҳукуматимиз томонидан суғурта соҳасига катта эътибор берилмоқда. Буни мамлакат суғурта бозорининг ривожланиш кўрсаткичларидан кўриш мумкин.

2007 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда фаолият юритаётган суғурта компанияларининг жами низом жамғармаси 26,7 млрд. сўмни ва хорижий валютада 67,1 млн. АҚШ долл. ташкил этади. Таъкидлаш жоизки жами низом жамғармасининг сўмдаги қисми ўтган йилга нисбатан 1,5 баробар ошди. Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган суғурта компаниялари томонидан 2007 йилда барча суғурта турлари бўйича 72,0 млрд. сўм, суғурта мукофотлари йиғилган бўлиб, бу 2006 йилга нисбатан 44,7 %га кўпдир. Йиғилган суғурта мукофотларининг 95,3 %и ихтиёрий суғурта турларига тўғри келади, мажбурий суғурта турларининг улуши эса 4,7 %ни ташкил қилади. Мазкур ҳолат республикамизда ихтиёрий суғурта турларининг жадал ривожланаётганлигидан далолат беради. Суғурта бозори бўйича жами тўлаб берилган суғурта қопламаларининг ҳажми 7,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 14,5 %га кўпдир. 2007 йил якунларига кўра суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган инвестициялар миқдори 207,9 млрд. сўмдан ошган, бу кўрсаткич 2006 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 12,5 %га кўпдир.

*А. Ражапов, талаба,
А. Беркинова, ўқитувчиси, ТДИУ*

Ўзбекистон Республикасида электрон тўловлар тизимининг жорий қилиниши

Ўзбекистон Республикаси молиявий ва бошқа ташкилотлардан замонавий ҳисоблаш техникаси ва коммуникацион воситаларнинг қўлланиши ва татбиқ этилиши тўловлар тизимининг ривожланиши ва татбиқ қилиниши асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон банклари Вестерн – Юнион, Контакт, Анелик каби халқаро пулларни электрон жўнатиш банклари билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ўзбекистонда ривожланаётган тўловлар тизимларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: Ўзбекистон банклар тизимининг электрон тўловлар тизими; Пластик карточкалар тизимлари; Валюталарни алмаштириш электрон тизимлари; Электрон пуллар жўнатишлар; Интернет бўйича тўловлар; Электрон почталар орқали жўнатиш; Мобиль банкинг ва бошқалар. Электрон тўловлар тизимининг кенг қўлланиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ; тўловларнинг тезкорлиги; тўловларнинг оммавийлиги; шахсий пуллар ҳаракатининг пасайиши; тўловларни амалга

ошириш қулайлиги; пуллар оқимларининг мониторинг тезкорлиги; пуллар оқимининг назорат қилиш қулайлиги ҳисобот маълумотлари тезкор шаклланиши ва бошқалар.

Тўловлар тезкор амалга оширилиши туфайли вақт бирлигида тўловлар сони кўпайиб бормоқда. Электрон тўловлар тизимининг асосий мақсадларидан бири шахсий пулларнинг ҳаракатини камайтиришдир.

Барча электрон тўловлар тизимлари ҳисоблаш техникаси ва СУБДа дастурий таъминот асосида тезкор амалга оширилиши туфайли мониторингда пуллар оқимини кузатиш мумкин. Чунки электрон тўловлар тизимлари ҳисоблаш техникаси ва СУБД нинг дастурий таъминоти орқали бажарилади, реквизитлар мавжудлигида ҳисобот маълумотларини шакллантириш тезкор амалга оширилади.

Асосий функционал масалаларни таҳлил ва рўёбга чиқариш учун тўловлар тизимларини тузиш тамойиллари ва усулларини мисолларда кўриб чиқамиз:

1. Банк тизимининг электрон тўловлар тизимлари;
2. Пластик карталар тизимлари;
3. Мобиль банкинг тизимлари.

Банк тизимининг электрон тўловлар тизими банклараро нақд пулсиз ҳисоботлар учун мўлжалланган.

Тўлов тизимининг иштирокчилари қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг ҳисобот маркази, Ўзбекистон Республикаси банклари, “Банкларнинг филиаллари”, “Тўлов маркази”, банкларнинг мижозларидир.

Банк мижози – юридик ёки жисмоний шахс бўлиб банкнинг филиалида унинг счёти бор. Электрон тўловлар тизимида иштирок этиш учун банк Мижози шахсий солиқ рақами ва НИББД коди бўлиши лозим. СЭП талабига кўра банк мижози тўловчи ёки олувчи сифатида иштирок этиш мумкин. Ҳар бир банк учун СЭП ни ташкил қилиш учун марказий ҳисоб-китобда ягона корреспондентлик ҳисоб-китоб счёти очилади, унда мижозларнинг ёки банк филиалларининг тўловлар буюртмаларини банклараро ҳисоб-китоб бўйича тўлаш учун пулли жамғармалари сақланади. Ягона корреспондентлик ҳисоб-китоби Ҳисоб-китоб Марказида пассив аломати билан очилади (яъни, унда маблағлар қарзга олинганлар).

Ҳар бир банкнинг тўловлар марказида ягона корреспондентлик ҳисоб-китоби актив аломати билан (яъни, унда маблағлар фойдаланилган, Ҳисоб-китоб Марказида резервланган) белгиланган ўхшашлик ойнаси очилади. Бундан ташқари ҳар бир банкнинг Тўловлар Марказида банк филиалларининг локал корреспондентлик ҳисоб-китоблари пассив аломати билан очилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини инвестициялаш механизмини такомиллаштириш

Инвестиция фаолияти ҳар қандай тизимда ҳам мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланаётганлик даражасини ифода этади. Иқтисодиётни инвестициялашга жалб этилаётган маблағлар, хусусан, хорижий капиталининг салмоғига қараб мамлакатнинг иқтисодий қудратига баҳо бериш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан аграр тармоқни кенг тарзда тўғридан-тўғри инвестициялаш масаласи 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш, мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг тенг ҳуқуқли шароитда фаолият юритишини таъминлаш орқали мулкдорлар синфини шакллантириш масаласи тармоқда ислохотларни жадаллаштиришни талаб этади. Бу эса тармоқда, шунингдек инвестиция фаолиятини ҳам ривожлантириш орқали молиявий барқарорликка эришиш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабдан қишлоқ хўжалигининг истиқболли тараққиётини таъминлаш ва бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос аҳамиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришдан иборат. Деҳқон ва фермер хўжаликларини узоқ муддатли молиялаштиришда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳузуридаги махсус Жамғарма маблағлари ҳисобидан фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур муаммонинг амалий ҳал этилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

а) Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштиришни ихчамлаштириш ва соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳузуридаги махсус Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган ҳар бир вилоятда алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш;

б) Уюшма Жамғарма ҳисобидан бериладиган кредитларнинг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсмотини амалга ошириши ва фермер хўжаликларига бериладиган кредитлар муддатини 3 йилдан 5 йилгача узайтириш;

в) Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан мазкур хўжаликлар ўртасида "Энг яхши бизнес-режа" мавзусидаги танловнинг ҳар йили ўтказилишини ташкил этиш орқали унинг ғолибларини ҳар бир ҳудуд

бўйича алоҳида аниқлаш ва бу тадбир кўламини кенгайтириш ҳамда савиясини ошириб борган ҳолда танлов ғолибларини ҳар бир туман миқёсида аниқлаш ва уларга имтиёзли шартларда, гаров ёки суғурта таъминотисиз узоқ муддатли кредитлар бериш амалиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда давлатнинг марказлашган инвестициялари, асосан давлат Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётганлиги ва бевосита хусусий инвесторларни жалб қилишга эътибор қаратилмаётганлиги ҳам мазкур йўналишдаги илмий ечимларни кучайтириш талаб этилади.

Бунда давлат Инвестиция дастурига асосан хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда давлатнинг марказлашган инвестициялари қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, ирригация ишларини яхшилаш, айрим ҳудудлардаги сув хўжалиги тизимидаги муаммоларни бартараф этишга ва шу қабиларга йўналтирилаётганлиги, аммо хорижий инвестициялар фермер ва бошқа хўжаликлар ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш каби мақсадлар учун жалб қилишга, фермер хўжаликлари билан қўшма корхоналар шаклида тузилган субъектлар фаолиятини ривожлантиришга нисбатан паст эътибор қаратилаётганлигини кўриш мумкин.

Агар иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишга давлатнинг иқтисодий кўмагини такомиллаштириш ва шарт-шароитлар яратиш борасида муайян тадбирлар амалиётга жорий қилинаётган бир даврда қишлоқ хўжалиги тармоғининг назардан четда қолиши капитал сиғими қониқарсиз даражали тармоқ иқтисодиёт ривожланишига кескин таъсир этади.

Шунга асосланиб:

- қишлоқ хўжалигига хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ҳамда давлат бюджетидан сарфланаётган марказлаштирилган инвестицияларнинг тармоққа қаратилган йўналишларини қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инвестиция фаолиятини амалга оширишда тўғридан-тўғри иштирокини таъминлаш лозим;

- ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятининг ривожланишини таъминлашда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш зарур.

**Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда
макроиқтисодий мутаносиблик ва мувозанатни
таъминлаш аҳамияти**

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва миллий иқтисодиётда мутаносиблик ва мувозанатликни таъминлаш жараёнлари орқали таъминланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин соғлом рақобат муҳити яратиш бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий, муҳим шартларидан эканлиги белгилаб қўйилган. Товар бозорларида соғлом рақобат муҳитининг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юритишнинг самаралироқ усуллари ва янги технологияларни жорий этишга, товарларнинг сифатини ҳамда хизмат кўрсатиш даражасини доимий равишда ошириб бориш йўллариини излашга мажбур қилади, бу эса ўз навбатида нафақат алоҳида олинган корхона, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг молиявий барқарорлигини оширади. Шу билан бирга рақобат – истеъмолчиларга сифатли товарларни нисбатан арзон нархларда сотиб олиш имконини яратиб, уларнинг сотиб олиш қобилиятини янада оширади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт эркинлиги рақобат муҳити билан узвий боғлиқ. Иқтисодий эркинликнинг рақобат муҳитига таъсири орқали соғлом рақобат қоидаларининг нечоғлик амал қилаётганлигига баҳо бериш мумкин. Рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш нархлар эркинлигига, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги таъсирига, савдо валюта операцияларининг эркинлик даражаси ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ.

Рақобат бозорлар мавжудлиги, уларнинг амал қилиши даражасига боғлиқ бўлади. Савдо-сотиқ муносабатлари чекланган шароитда соғлом рақобат муҳити бўлиши мумкин эмас. Ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон бозорларида соғлом рақобат муҳитини барпо этишдаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кучлилиги;
- тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги;
- соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонлари бузилиши;
- мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги суистеъмол қилиш ҳолатлари;

- нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва саноат секторида нархларнинг кескин фарқланиши;

- контрабанда йўли билан мамалакатга товарлар кириб келиши;
- фаолият тури ва даромадларни яшириш ҳоллари мавжудлиги;
- соғлом пул муомаласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги;

- миллий валютани хориж валюталарига эркин алмаштириш имкониятлари чекланганлиги;

- субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмаганликлари;

- иқтисодий жиноятчилик ҳолатлари мавжудлиги.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш, уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш ва қайси муаммони биринчилардан бўлиб ҳал этиш муҳим эканлигини белгилаб олиш зарур. Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш борасида долзарб муаммолардан асосийси нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши ҳисобланади. Хусусан иқтисодиётнинг аграр ва саноат секторида нархларнинг кескин фарқланиши бўлса, иккинчиси соҳа ва тармоқларнинг рақобат курашида тенг иштироки учун тўсиқлар мавжудлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Н.О. Каюмова, ТГЭУ

Международный опыт финансирования образования

Кичик бизнес субъектлари фаолияти самарали бўлишида маркетинг комплекси элементларидан унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Йирик бизнесдан фарқли равишда кичик бизнеснинг мобил ҳаракатчанлиги истеъмолчилар талаби ўзгариши тенденциясига тез мослашиш имконини беради. Бу эса аҳоли фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини ушбу соҳада фаол иш юритишлари соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга асос бўлади. Ахборот коммуникация ва Интернет технологияларининг такомиллашиб бориши, уларнинг кўпчилик томонидан фойдаланилиши, электрон тижоратнинг ривожланишига олиб келди. Интернет тизими орқали савдо қилиш имконияти, тўловларни ўтказиш ва қабул қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар бу борада кичик бизнес субъектлари учун янги имкониятларни вужудга келтирмоқда.

Кичик бизнеснинг самарали фаолият юритишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида тегишли ҳаракат йўналиши белгиланган бизнес-режа кичик бизнес субъекти барқарор ривожланишининг асоси ҳисобланади. Бизнес режанинг ҳаётийлиги унинг маркетинг нуқтаи назаридан нечоғлик тўғри

эканлиги билан баҳоланади. Шу сабабли тадбиркорлар томонидан ўз бизнес режаларини тузишда фаолият йўналиши маркетинг нуқтаи назаридан асосланиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектларининг маркетингдан ўз хўжалик фаолиятида самарали фойдаланиши, уларни барқарор ривожланиши ва кўзлаган мақсадларига эришишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли бу борадаги ишларга ҳар бир тадбиркор жиддий эътибор қаратиши ва ўз фаолиятида фаол фойдаланиши лозим.

М.А. Новвотов, ММЮ-01 гуруҳи талабаси, ТДИУ

Инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредитини такомиллаштириш

Инвестицияларни молиялаштириш айрим манбаларнинг ўрни, кўп жиҳатдан, макроиктисодий мувозанат ҳамда ўсиш барқарорлиги, мулкчилик шаклларининг ривожланиш даражаси ва ўзаро нисбатлари, банк-молия тизимининг ривожланганлиги ва бошқалар билан белгиланади. Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилишда иқтисодиётнинг молия сектори ривожланишидаги объектив шарт-шароитларни, инвестиция қарорларини қабул қилишга аниқлик киритадиган ва таъсир кўрсатадиган молиявий воситачилик даражасини, улардан фойдаланиш воситалари ҳамда механизмларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Инвестицияларни молиялаштиришда банк кредити иштирокини мавҳум тарзда, иқтисодиётда жорий этилган ҳуқуқий меъёрлар ва ўтказилаётган инвестиция сиёсати, инвестиция фаоллиги даражаси, молиялаштиришда қўлланиладиган механизмлар, амалдаги солиққа тортиш талаблари, кафолатлар ва имтиёзлар тизими ва банк-молия инфратузилмасининг ривожланганлик даражасидан айри ҳолда баҳолаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларни молиялаштириш манбаи тарзида банк кредитининг роли, асосан, жамғармаларнинг ўсиш суръатлари, пул, валюта ҳамда капитал бозорларининг ҳолати билан аниқланади ва белгиланади. Молиявий воситачиликда рақобат муҳитининг мавжудлиги ва умуман Марказий банкнинг пул-кредит, фоиз сиёсати ва банк институтлари стратегияси аниқловчи омиллар сифатида қаралади. Банк кредити эвазига маблағ ажратишда эҳтимоли бўлган жами рисклар бир қадар тўлиқроқ ҳисобга олинади, уларни камайтириш йўллари белгиланади, кредитни қайтариш муддатлари, манбалари ва уларнинг фоизларини тўлаш чора-тадбирлари кўрилади.

Ссудаларнинг олдиндан белгиланган муддатларда қайтарилиши мажбурийлиги ва кредитнинг тўловлилиги асосий капиталга сафарбар

этиладиган инвестициялардан оқилона фойдаланишга кўмаклашади ва қарз воситаларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштириш масъулиятларини оширади. Иқтисодий асосланган ҳолда инвестицияларни кредитлашни ташкил қилиш, уларнинг самарадорлигини кўтаришда катта аҳамиятга эга. Биринчидан, кредитнинг иштироки капитал сарфларни иқтисодий субъектлар фаолиятининг пировард иқтисодий натижалари билан узвий боғланишини таъминлашга ёрдам беради ва ўз навбатида лойиҳавий қарорларининг энг тежамкор вариантларини танлашдан манфаатдорликни таъминлайди. Иккинчидан, қарзнинг асосий миқдорини ва у бўйича фоизларни қайтариш манбаи бўладиган фойдани ўстириш имкониятларини фаол излашни рағбатлантиради. Шу билан бирга лойиҳаларни молиялаштириш учун банк кредитларини бериш, рақобат муҳитини рағбатлантириш, хусусий банкларнинг ролини кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банкларнинг ролини кўтариши лозим. Уларни амалга ошириш инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредитининг ролини кенгайтиришга ёрдам беради.

Жаҳон амалиётида деярли барча мамлакатларда банкларнинг тижорат фаолияти, уларнинг актив операциялари ҳажмига нисбатан ўз маблағлари миқдориغا қараб давлат томонидан тартибга солинади.

Одатда, тартибга солиш аксарият ҳолатда у ёки бу давлатнинг умумий иқтисодий сиёсати билан белгиланади. Бизда, банклар ва кредит институтлари ўзларининг кредит сиёсатларини амалга оширишда, фикримизча, ўз фаолиятини замонавий талаблар даражасига олиб чиқиш мақсадларида акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хизмат сифатини ошириш, шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни амалга оширишлари зарурдир. Банкларнинг кредит сиёсати эса маблағлардан ҳаётий лойиҳаларни амалга оширишда самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши лозим. Бундай лойиҳаларни кредитлаш учун банклар узок муддатли депозитлардан иборат ресурсларга эга бўлишлари талаб этилади.

Ф.У. Умаров, ўқитувчи, ТДИУ

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришда илғор хорижий тажрибалар ва улардан фойдаланиш йўллари

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омили, иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига тез мослаша оладиган, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб қиладиган, меҳнат

унумдорлиги юқори бўлган хўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини изчил ривожлантириш натижасида аҳолини янги иш жойлари ва даромад манбаи билан таъминлаш, жойларда ташаббускорликни рағбатлантириш орқали аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Шу боис, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, ички бозорни нисбатан арзон ва сифатли зарурий товар ва хизматлар билан тўлдириш, янги ишчи ўринларини яратишга, шунингдек улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятига эга бўлган мажмуавий комплекс тузилма бўлиб, бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонуний асослаб қўйилган ҳамда тадбиркорлар имтиёзли суръатда кредит ресурслари имкониятларидан фойдаланадилар. Имтиёзли солиқ тўлаш имкониятларига эга, ишлаб чиқариш, молия, фан, бозор инфратузилмасидаги жами афзалликлар ва янгиликлардан, ўзларига манфаатли бўлган иқтисодий ўсишга кўмаклашувчи барча омиллардан фойдаланадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, бирор бир мамлакатда давлат кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир мақсадли ва қатъий иқтисодий сиёсат юритар экан, албатта ўз ҳудудида яшовчи аҳолининг иқтисодиётдаги тузилмаларининг ўзига хос хусусиятларини, менталитети ва шу каби бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиши зарур.

Масалан, Германияда давлат қишлоқ жойларида цехлар кўринишидаги кичик-кичик ишлаб чиқариш хўжаликларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича қарорлар қабул қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг маълум бир экин турига ёки ўсимликка ихтисосланмаганлиги, озик-овқат ва ноозик-овқат, истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилишига катта аҳамият бермоқда. Японияда эса кичик ва йирик кооперация тармоқларини шакллантириш, майда ва ўрта бизнес имкониятларини ривожлантириб, йирик корхоналар тизимини яратишга, ташқи бозорларда япон маҳсулотларининг, япон технологиясининг кадр-қимматини оширишга алоҳида эътибор берилган.

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда ҳам даставвал кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Қисқа муддатда Европа иқтисодиётининг асосий устунларидан бирига айланган Германияда

ўтказилган қатъий давлат сиёсати натижасида мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ривожлантирилди ва урушдан кейинги йиллар мобайнида кичик бизнес тараққиёти 10 %дан 65 %гача етди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон амалиётида ҳамда ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқламоқда. Кўпгина мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу нуқтаи назардан бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнес ва уни молиялаштириш юзасидан тажрибаларини атрофлича ўрганиш ва самарали усулларни миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш долзарб масаладир.

*М.С. Авлиханова,
ММНП-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда рақобатнинг ўрни

Ҳозирги ривожланаётган даврда рақобатбардошликни ошириш ҳамма мамлакатлар олдида кўндаланг турган масалалардан бири ҳисобланади. Миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли турмуш даражасини ошириш ва истеъмол учун сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда рақобат муҳитини шакллантириш сиёсатига асосланади. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти ҳақида: “Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир”¹, - деб таъкидлайди.

Барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартларидан бири рақобат муҳитини шакллантириш орқали миллий иқтисодиётимиз барқарорлигига, ишлаб чиқарувчилар сони ошиши, инвестиция фаолияти йўлга қўйилиши, жаҳон бозорига маҳсулотлар экспорткенгайтирилиши ва ниҳоят мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини туширишга эришишдир.

Иқтисодиётимизни ривожлантириш мақсадида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Юридик шахсларнинг даромадларига қўйиладиган солиқ ставкалари пасайтирилиши натижасида корхоналар молиявий ресурсларининг бир қисми ишлаб чиқаришни

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” -Т.:”Ўзбекистон”, 1999 й., 34-б.

ривожлантиришга қаратилди. Натижада асосий капиталга инвестициялар қўйилмаси 2007 йилги 122,9 % дан 2008 йилда 122,4 % га кўпайди. Аниқроғи, 2008 йилда 6,4 млрд. АҚШ долл. 2007 йилга нисбатан 28,3 % га кўпроқ бўлди.

Ташқи савдодаги ижобий ўзгаришлар ҳам мамлакатимиз ривожига ўз хиссасини қўшмай қолмайди. Сўнгги йилларда тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспорти ошиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти тушишини кузатишимиз мумкин. 2008 йилда нооziқ-овқат маҳсулотлари экспорти 71 %ни ташкил этди. Шунингдек, миллий бойлигимиз бўлган пахта экспорти 2003 йилдаги 20 %дан 2008 йилда 12 %га тушганини кўриш мумкин.

Корхоналарни бошқаришни яхшилаш ва рақобатбардошлик фаолияти ривожига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар қуйидагилар:

- корхона фойдасига белгиланадиган солиқ ставкаларининг юқорилиги;
- корхоналарда инвестиция миқдори пастлиги;
- инфляция;
- таълим даражасининг пастлиги;

Корхона рақобатбардошлигини оширишга қуйидаги таклифларни келтирамыз: мамлакатимизга киритилаётган инвестициялар салоҳиятини ошириш; жаҳон бозорига маҳсулот экспортини кенгайтириш; кучли маркетингни амалда татбиқ этиш; реклама фаолиятини кенгайтириш; монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш.

Шунингдек, Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек, “...корхона рақобатбардошлигини ошириш учун ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулотнинг таннаrxини пасайтириш керак”¹.

Мамлакатимизда рақобат муҳитини шакллантириш миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашда пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятини инновацион ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарида корпоратив тадбиркорликни ривожлантириш, монопол корхоналарни давлат томонидан тартибга солиш, интеллектуал ресурслардан оқилона фойдаланиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш орқали рақобат муҳитини шакллантиришимиз ва бу орқали аҳоли турмуш даражаси ошишига эришишимиз мумкин.

¹ Каримов И.А. “Дальнейшая модернизация и обновление страны-требование времени” Народное слово 2009 г. 14 февраль.

*К.Тўраева, ММО-02 гуруҳ талабаси,
Илмий раҳбар: Г.Г. Назарова, проф., ТДИУ*

**Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишида
Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари амалий тажрибаларини
қўллаш**

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида барча мамлакатлар халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга катта эътибор бермоқда. Бу республикаimizда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда ҳам, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимига чуқур интеграциялашувини ва барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларда ҳам кўзга ташланади. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида ташқи иқтисодий фаолият тизимини, хусусан унинг асосий шакли – ташқи савдони ривожлантириш ва янада эркинлаштириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатimizда барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминламоқда. Жумладан, 2007 йилда республикаimiz ЯИМ 9,5 фоизга ўсгани бунинг яққол далилидир. Шунингдек, ташқи иқтисодий кўрсаткичларimiz ҳам юқори суръатлар билан ўсмоқда. Ўтган йилда экспорт ҳажми 40,7 фоизга ортди ва импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди¹.

Республикаimizнинг жаҳон иқтисодиёти ва унда рўй бераётган жараёнларда фаол иштирок этиши иқтисодиётimizга қўшимча имкониятлар очиб беради, ташқи иқтисодий алоқаларнинг қайта қурилиши юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланишини тезлаштиради. Бу борада энг муҳим вазифалардан бири иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг хориж тажрибасидан, ислохотларнинг барча фойдали иқтисодий воситаларидан самарали фойдаланишдир.

Айниқса Осиё-Тинч океан минтақаси, хусусан Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётини ислоҳ қилиш тажрибасини ўрганиш биз учун катта аҳамиятга эга. Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси шундан далолат берадики, уларнинг кўпчилигида давлат янги муносабатларни шакллантиришда асосий ўринни эгаллайди. Айни ҳукумат ривожланиш стратегиясини ишлаб чиққан ва миллий режаларнинг бажарилишига эришган, экспортни турли-туман тадбирлар билан

¹ Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларimizнинг бош мақсадидир». «Халқ сўзи» газетаси, 2008 й. 9 феврал.

рағбатлантирган, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини хорижий рақобатдан кучли ҳимоя қилган, стратегик тармоқларни ривожлантирган.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари орасида Корея Республикаси ўзининг юқори иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари билан алоҳида ажралиб туради. Корея иқтисодий тараққиёт моделининг муҳим таркибий қисми ташқи савдо тизимини ривожлантириш бўлиб, бунда асосий эътибор экспорт стратегиясини амалга оширишга қаратилади. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида чеклашлар сиёсатини кенг кўламда ва фаол амалга ошириш давлатга қисқа муддатда муваффақият олиб келиши мумкин. Бу ютуқларни қуйидаги жиҳатлар билан боғлаш мумкин: миллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, бож, солиқ, йиғимлар ҳисобига бюджет даромади кўпайиши, иқтисодий хавфсизлик ва мудофаа қобилияти таъминланиши.

Бироқ ҳақиқатда эса, бу тактик устунликлар стратегик, яъни узок муддатли истиқболдан келиб чиқсак, қарама-қарши томонга ўзгаради. Давлатнинг тариф миқдорига кўпайтирилган импорт миқдорига тенг иқтисодий ютуғи истеъмолчилар томонидан давлат фойдасига трансферт тўлов ҳисобланади. Албатта, маблағларнинг бир қисми ижтимоий эҳтиёжлар (маошни ошириш, нафақалар тўлаш)га сарфланиши мумкин, бироқ уларнинг катта қисми бюрократик ўзбошимчалик ва маблағларнинг давлат ташкилотлари орқали ўтиши билан боғлиқ харажатлар туфайли қайтариб берилмайди.

*А. Курбонова, Н.Юлдашева, ММО-02 гуруҳ талабалари,
Халилов Х.Х., доц., ТДИУ*

Жаҳон ҳўжалиги глобаллашуви шароитида Ўзбекистон Республикасида демографик ва меҳнат бозорини ўрганиш масалалари

Маълумки, инсон ресурслари жаҳон иқтисодиёти ресурсларининг энг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Меҳнат ресурслари ва аҳолининг ижтимоий ҳаракатини, яъни уларнинг ижтимоий, иқтисодий, биологик ва географик омиллари билан боғлиқ бўлган бир қатор ривожланиш қонунларини, ижтимоий структурадаги ўзгаришлар динамикасини, аҳолининг жойлашуви ва кўпайишининг Аҳолишунослик (Демография) фани ўрганади.

XX аср ер шароитида аҳолисининг кескин ва тез ўсиш даври бўланлиги билан тавсифланади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда агар дунё аҳолиси тахминан неолит (янги тош асри) ва бронза (жез) даврларида (милoddан аввалги 2,5-3 минг йиллар илгари) тахминан 50 млн. киши атрофида бўлган бўлса, эраизмининг бошларига келиб 230 млн. кишига, XIX асрнинг 30-йилларида 1 млрд. кишига, XX асрининг 30-йилларида 2 млрд. кишига, 60-йилларда 3 млрд. кишига, 70-йилларда 4 млрд. кишига,

80-йилларда 5 млрд. кишига, 2000 йилга келиб 6,1 млрд. кишига етганлиги ва нихоят 2030 йилларга бориб 10 млрд. кишига, XXI асрнинг охириги йилларига бориб эса 10,5 млрд. кишига етиши башорат килинмоқда.

Дунё аҳолисини ўртача йиллик ўсиш даражаси ҳозирги кунда 80-82 млн. кишини ташкил этмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг абсолют ўсиш даражаси саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан юқорилигича қолмоқда. Мутахассисларнинг берган маълумотига кўра 1975-2000 йилларда кўпайиб бораётган умумаҳолининг 92 %и ривожланаётган мамлакатларга тўғри келиб, ушбу давлатларда ер шари аҳолисининг тахминин 80 %и яшамокда. Саноати ривожланган мамлакаларнинг кўпчилиги ҳозирда “Демографик етуклик” фазасига етган ҳолда, ривожланаётган мамлакатларда эса аҳолининг кўпайиши XXI асрнинг охириги йилларига бориб бир оз пасайиши кутилмоқда.

Жаҳон хўжалигида инсон ресурсларига баҳо беришда уларнинг профессионал (касбий) таркиби ва иш билан бандлик масалалари ҳам ҳисобга олинади. 60-70-йилларда саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолининг 30-45%и саноат ва қурилишда банд бўлган бўлса, кейинчалик бу муносабат нисбатан ўзгариб бориши билан боғлиқ ҳолда ушбу тармоқларда аҳоли сони кескин камайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Иқтисодий фаол аҳолининг пасайиши қишлоқ хўжалигида ҳам кузатилмоқда. Масалан, 90-йилларнинг бошида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли массаси тахминан Буюк Британия ва Бельгияда 3-4 %, Швеция ва ГФР да 6%, АҚШ да 4 % атрофида бўлган эди.

Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси 2007 йилда 27,1 млн. кишини ташкил қилиб, шу йили 408,0 минг киши ёки 1,5%га кўпайган. Республика аҳолисининг табиий ўсиши 463,7 минг кишини ташкил этиб, уларнинг 333,5 минги ёки 71,9 % и қишлоқ жойларига тўғри келган. 2007 йилда Республика аҳолисининг миграцион сальдоси минус кўринишига эга бўлиб, 55,7 минг кишини ташкил этган.

2007 йилда Ўзбекистонда туғилган болалар сони 603,7 минг кишини ташкил қилиб, 2006 йилга нисбатан 47,8 минг кишига (8,6% га) кўпайди. Туғилиш коэффиценти 20,9 промилледан 22,4 промиллега кўпайди¹.

2007 йилда туғилиш даражасининг ўсиши республикамизнинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг сезиларли ўсиш даражаси асосан Наманган (20,1 дан 22,2 промиллега), Фарғона (20,4 дан 23,4 промиллега), Андижон (20,1 дан 22,2 промиллега) влоятларида кузатилди. Туғилишнинг энг паст даражаси Тошкент шаҳрида сақланиб қолмоқда (17,9 промилле). 2007 йилда ўлганлар сони 2006 йилга нисбатан республикамизда 0,5 минг кишига ёки 0,4 %га ошди. Ўлим сонининг ортиши Самарқанд (4,8 дан 5,0 промиллега), Қашқадарё (4,1 дан 4,2

¹ Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси.

промиллега), Сурхондарё (4,2 дан 4,3 промиллега) ва Хоразм (4,7 дан 4,8 промиллега) вилоятларида кузатилди. Энг кўп ўлим Тошкент шаҳрида (7,9 промилле) сақланиб қолмоқда. Энг кам ўлим эса Сирдарё, (5,5 дан 5,2 промиллега), Тошкент (6,5 дан 6,4 промиллега) ва Наманган (4,8 дан 4,7 промиллега) вилоятларида кузатилган. Ўлганларнинг 58,7 %и қон айланиш тизими касалликларидан, 7,2%и нафас олиш органлари касалликларидан, 6,7 %и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш, шунингдек, жаррохлик операцияси пайтида вафот этган.

2007 йилда 1 ёшга тўлмай ўлган болалар сони 8,1 минг нафарни ташкил қилиб, гўдак болаларнинг ўлим коэффиценти 2006 йилдаги 14,5 промилледан 13,7 промиллега камайган. Жами 1 ёшга тўлмай ўлган болаларнинг 39,3% и нафас олиш органлари касалликларидан, 39,3%и перинатал (она қорнида бола тўғилишига қадар ҳалок бўлган болалар) даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 8,6% туғма аномалиялардан, 6,3% эса турли инфекция ва паразитли касалликлардан вафот этган.

2007 йилда Республикада 248,5 минг киши никоҳ рўйхатига олиниб, ажралишлар сони эса 18,1 минг кишини ташкил қилди. Ҳар минг аҳолига 9,2 никоҳ ва 0,7 ажралишлар тўғри келган (2006 йилда мос равишда 7,8 ва 0,6). Республикада статистик маълумотларга кўра, меҳнат ресурсларининг сони 2006 йилга нисбатан 2,6 фоизга кўпайиб, 10735,4 минг кишини ташкил қилган.

Ўзбекистонда иш билан банд аҳоли сони асосан, ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган аҳоли сонининг 3,0 %га, моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган аҳоли сонининг 2,4 %га кўпайиши ҳисобига рўй берди.

Банд бўлган аҳолининг асосий қисми моддий ишлаб чиқариш тармоқларига тўғри келиб, унинг 8,0%и савдо, умумий овқатланиш, сотиш ва тайёрлаш соҳаларига, 3,8%и қурилишга, 3,5%и транспорт ва алоқага, 3,1%и эса саноат тармоқларига тўғри келган. Нодавлат секторда банд бўлган меҳнат ресурслари 2006 йилда 77,6%ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 77,9%га ташкил этган эди.

2007 йилда Республикада меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 557,4 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2006 йилга нисбатан 165,9 минг кишига ёки 42,4%га кўпдир.

2007 йилда меҳнат бўлимларига мурожаат этган аҳолининг 74,5 %ни қишлоқ аҳолиси ташкил қилиб, унинг 0,8 %ни 16 дан 18 гача, 50,9 %ни 18 дан 30 ёшгача ва 47,0 %ни эса 30 дан 50-55 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этган.

2007 йилда Республикада 489,5 минг фуқароси (мурожаат этган аҳолининг 87,3 %и) ишга жойлаштирилди (бу 2006 йилги кўрсаткичдан 5,4 %га кўпдир).

Иш билан таъминланган аҳолининг асосий қисмини (52,2%ни) ёшлар ташкил қилган. Меҳнат бўлимларига мурожаат қилган республикада

аҳолисининг 88,5 %и иш билан таъминланиб, унинг 84,1%и хизматчилар, 88,1 %и ёшлар (16дан 30 ёшгача), 84,8 %и аёллар, 89,5 %и эркеклар, 84,6 %и қишлоқ жойларида яшовчи аҳолини ташкил этган.

2007 йилда Меҳнат бўлимларида рўйхатга олиниб, иш билан таъминланмаган фуқароларнинг умумий сони 27,4 минг кишини (2006 йилда 29,1 минг киши) ташкил қилган.

Меҳнат бўлимларида рўйхатга олиниб, иш билан таъминланмаган фуқароларнинг асосий қисми, яъни 3,1 минг киши (республика бўйича умумий рўйхатга олинган кишиларнинг 11,3 %и) Тошкент шаҳрига, 2,7 минг киши (9,9 %) Навоий вилоятига, 2,6 минг киши (9,6%) Қашқадарё вилоятига тўғри келган эди.

*З.А. Гулахмедов, гр. МУБ-01,
Научный руководитель: Д.С. Қосимова, проф., ТГЭУ*

Значение информационной и исследовательской системы в управлении маркетингом

Цель маркетинга - потребностей потребителей. А раз фирма собирается удовлетворять потребности, она должна иметь о них исчерпывающую информацию. Информационные ресурсы приобретают все большее и большее значение в деятельности фирмы.

Система маркетинговой информации (СМИ) – постоянно действующая система взаимосвязи людей, оборудования и методических приемов, предназначенная для сбора, классификации, анализа, оценки и распространения актуальной, своевременной и точной информации для использования ее распорядителями сферы маркетинга с целью совершенствования планирования, претворения в жизнь и контроля за исполнением маркетинговых мероприятий.

СМИ состоит из 4 вспомогательных подсистем: системы внутренней отчетности, системы сбора внешней текущей маркетинговой информации, системы маркетинговых исследований и системы анализа маркетинговой информации. У любой фирмы существует внутренняя отчетность, отражающая показатели текущего сбыта, суммы издержек, объемы материальных запасов, движения денежной наличности, данные о дебиторской и кредиторской задолженности. Применение ЭВМ позволяет создать системы, обеспечивающие информационное обслуживание всех подразделений. Система сбора внешней текущей маркетинговой информации - набор источников и методических приемов, посредством которых руководители получают повседневную информацию о событиях, происходящих в коммерческой сфере. Руководители собирают внешнюю текущую маркетинговую информацию, читая книги, газеты и специализированные издания, беседуя с клиентами, поставщиками,

дистрибьюторами, обмениваясь сведениями с другими управляющими и сотрудниками самой фирмы. Многие фирмы имеют специальные отделы сбора и распространения текущей маркетинговой информации.

Определенные ситуации надо изучать более подробно. В подобных ситуациях недостаточно текущей информации и нужно проводить специальное исследование. Маркетинговое исследование - систематическое определение круга данных, необходимых в связи с состоящей перед фирмой маркетинговой ситуацией, их сбор, анализ, отчет о результатах. Фирма может проводить исследование сама, а может заказать его у специализированных фирм. Вот наиболее типичные вопросы, решаемые в ходе маркетинговых исследований: изучение характера рынка; замеры потенциальных возможностей рынка; анализ распределения долей рынка между фирмами; анализ сбыта; изучение тенденций деловой активности; изучение товаров конкурентов; краткосрочное прогнозирование; изучение реакции на новый товар и его потенциала; долгосрочное прогнозирование; изучение политики цен.

Система анализа маркетинговой информации позволяет обрабатывать отобранную информацию и делать из нее соответствующие выводы. Обычно анализ производится по различным методикам статистической обработки информации.

Рассмотрим схему маркетингового исследования. Исследование состоит из 5 этапов:

1. Выявление проблем и формулирование целей исследования.
2. Отбор источников информации.
3. Сбор информации.
4. Анализ собранной информации.
5. Представление полученных результатов.

Чтобы исследование дало результат, оно должно быть посвящено достаточно узкой проблеме. Эту проблему надо поставить на первом этапе. Далее формулируются цели исследования. Цели могут быть поисковыми, описательными или экспериментальными.

На втором этапе необходимо определить вид информации, интересующей заказчика. Исследователь может собирать как первичные, так и вторичные данные. Первичные данные - информация, собранная впервые для какой-либо конкретной цели. Вторичные данные - уже существующие будучи ранее собраны для других целей. Исследование обычно начинается со сбора вторичных данных. Они обходятся дешевле и более доступны.

Результаты исследования должны представлены руководству в простой и ясной форме для принятия маркетинговых решений.

Маркетинг охватывает все этапы деятельности фирмы: от изучения потребностей рынка до анализа сбыта.

Сфера действия маркетинга в последнее время расширилась, включив в себя, помимо товаров, и ряд других самостоятельных единиц «рыночного хождения», а именно услуги, организации, отдельные лица, места и идеи.

Идеи маркетинга должны сыграть существенную роль в процессе возрождения экономики.

*Д. Байматова, МТД-01 гуруҳ талабаси,
А.Алиев, доц., ТДИУ*

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона органларининг асосий вазифалари

Мамлакатимиз иқтисодиёти тобора жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини, яъни миллий иқтисодиётни самарали, динамик ўсишини, ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини, турли таҳдид ва йўқотишлардан ҳимоя қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг божхона органлари муҳим ўрин тутати. Божхона органлари божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона тўловларини тартибга солиш орқали мамлакатга кириб келаётган товарлар миқдорига ва таркибига таъсир кўрсатади. Бунда товарларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий манфаатлари учун қай даражада муҳимлиги эътиборга олинади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ички бозорни, миллий ишлаб чиқарувчиларни хориж рақобатчиларидан ҳимоя қилиш;

- ташқи бозорларда миллий экспортчиларимизнинг товарлари рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг дискреминация қилиниши ва камситилишига йўл қўймаслик;

- ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдодан юқори фойда, иқтисодий самара олишга интилиш билан бир қаторда, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши, уларнинг ҳуқуқий асосларини жаҳон стандартлари талаблари асосида қайта кўриб чиқиш мамлакатимиз юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик

алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш имконини берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши ва қайта кўриб чиқилиши ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан асосий тартибга солишни тамойилларини белгилаб берди. Мазкур Қонуннинг 17-моддасига биноан ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- валюта сиёсати орқали тартибга солиш;
- солиқ сиёсати орқали тартибга солиш;
- тариф ва нотариф дастаклар орқали тартибга солиш;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;
- ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;
- олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;
- техникавий, фармокология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Республикада олиб борилаётган “Очиқ эшиклар сиёсати” – савдо иқтисодий алоқаларни эркин ва жадал ривожлантириб бориш, икки томонлама ва куп томонлама асосда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, рақобат ва ҳамкорлик ўртасидаги ҳақиқий мувозанатни таъминлаш, замонавий техника ва технологияларни республикага олиб кириладиган хорижий инвесторлар ва алоҳида мамлакатларга нисбатан қулай савдо тартибини шакллантириш, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий меъёрларга нисбатан устуворлигини тан олиш, ГАТТ/БСТ тамойиллари ва қоидаларига амал қилиш асосида ташқи савдо тартибини босқичма-босқич эркинлаштириш ва республиканинг мазкур ташкилотга интеграциялашиб боришини таъминлаш сингари бир қатор мақсадларга қаратилгандир. 2000-2007 йиллар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан миллий иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича фаол чора-тадбирларни амалга оширилади. Ҳозирги пайтда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг устувор йўналишларидан бири, республика ҳукумати томонидан ички валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлигидир. Хусусан, 2000-2007 йиллар давомида мазкур йўналишда қабул қилинган меъёрий актлар валютани тартибга солиш соҳасини янада эркинлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Кўпчилик мамлакатлар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқаро бозорларда айирбошлашни яхшилаш мақсадида уларни халқаро стандарт талабларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистонда ҳам ташқи савдо фаолиятини бошқаришда бир қатор иқтисодий дастаклардан фойдаланилади. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган товарлар ҳам республикада амал қиладиган техник, фармокологик, санитар, ветеринар, фитосанитар, экологик стандарт талабларига жавоб бериши лозим.

Юқорида қайд этилган стандарт ва талабларга жавоб бермайдиган, сертификатсиз, махсус белгисиз товарларни мамлакат ҳудудига олиб кириш тақиқланади. Республика ҳукумати импортни камайтиришга, саноатни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Хусусан, дон, гўшт, сут маҳсулотлари импортини камайтиришга қаратилган кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, сифатсиз маҳсулотларга эга бўлган нархи баланд ёки ноқонуний импорт қилинган маҳсулотларга эга бўлган импортерларни хориж валютасига эга бўлмасликларини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган.

Шу туфайли, сертификатланадиган товарлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ва мамлакатга сифатсиз маҳсулотлар олиб келинишига тўсқинлик қилиш зарурати туғилди. Шу туфайли, Вазирлар Маҳкамасининг “Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сон қарори қабул қилинди. Шу қарорга кўра, республика ички бозорини сифатсиз товарлардан ҳимоя қилиш мақсадида 2002 йилнинг 1 октябридан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан республикага олиб кириладиган барча турдаги истеъмол товарлари “Ўздавстандарт” томонидан берилган тегишли сертификатлар мавжуд бўлгандагина божхона расмийлаштирувидан ўтказилади.

М.М. Ташходжаев, ММНП-01 гуруҳ талабаси

Иқтисодий инқироз шароитида корхоналар бошқарувининг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришга услубий ёндашув

Жаҳон молиявий-иқтисодий шароитида корхоналар хўжалик фаолияти ечимини талаб қиладиган масалалар орасида ташқи ва ички муҳит ҳисобга олинган ҳолда корхона бошқарувининг самарали ташкилий тузилмасини шакллантириш муаммоси ажралиб туради. Ушбу инқирознинг салбий таъсири кучайиб борган сари қатор корхоналар, сотув бозорларида ҳамда рақобат муҳитида доимий ўзгариб тураётган ва кескинлашаётган вазиятга мос ҳаракат қилиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киришга эҳтиёж сезадилар.

Шуни таъкидлаш зарурки, маҳаллий корхоналарда бошқарувининг ташкилий тузилмасини шакллантириш жараёни менежментнинг илмий усуллари ва тамойилларига асосланган аниқ услубият ва услубга эмас, балки кўпроқ тажриба, стандарт ечимларга таянади.

Бундай ёндашув корхона бошқарув тизими самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган ходисалар ва тиклаб бўлмайдиган жараёнларга олиб келади.

Ташкилий тузилмани муқобиллаштириш тўғрисида гап юритишдан олдин, айнан нима такомиллаштирилаётганларни аниқлаш зарур. Корхона таркибий тузилмаси – бу унинг таркибий элементлари ва шу элементлар орасидаги алоқалар жамламасидир.

Корхона таркибий тузилмаси тўғрисидаги тасаввур ушбу таркибий тузилма қайдай нуқтаи назардан кўриб чиқиляётганлигига боғлиқ. Учта қарашни ажратиш мумкин:

- капитал бўйича таркибий тузилма – бизнес эгалари ва стратегик инвесторлар томонидан қараш;
- бошқарув бўйича таркибий тузилма – менежмент томонидан қараш;
- ички ўзаро ҳаракат бўйича таркибий тузилма – корхона ходимлари томонидан қараш.

Бирлаштирилган ҳолдаги ушбу уч қараш корхона таркибий тузилмаси тўғрисида етарлича тўла тасаввур беради. Улар мазмунига кўра ташкилий тузилманинг кетма-кет майдалаштирилган ҳолати ҳисобланади. Ҳар бир қараш тўғрисидаги маълумот корхона ҳужжатларида бўлади.

Жиддий қайта тузишлар талайгина бевосита ва билвосита харажатларни талаб қилади. Ушбу харажатлар ташкилий ўзгартиришлар давомида корхона тўла қувват билан ишламагани учун маълум миқдорда фойда олинмай қолиши билан боғлиқ. Шунинг учун, қайта ташкиллаштиришни амалга ошириш тўғрисида пировард қарорни қабул қилишдан олдин келгусида киритиладиган ўзгартиришларга умумий иқтисодий баҳони бериш зарур. Албатта, сарф миқдори тўғридан-тўғри узгартиришлар ҳажмига боғлиқ бўлади. Ташкилий ўзгартиришлар ҳажми ҳал қилинадиган масала билан белгиланади.

Мазмунига кўра, қайта ташкил этишга бўлган эҳтиёж корхона таркибий тузилмасини амалга ошган ёки амалга ошиши кўзланаётган ташқи ёки ички муҳитдаги ўзгартиришларга мувофиқлаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Корхона ташкилий тузилмасини такомиллаштириш жараёнини уч босқичдан иборат бўлган услуб бўйича амалга ошириш мумкин: 1) ташхис ўтказиш; 2) янги ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш; 3) зарурий қайта ўзгартиришларни амалга ошириш. Ҳар бир босқичда қатор ишлар бажарилади. Бунда, ўзгартиришлар ҳажмига қараб, кўрсатилган жараёнлар кетма-кетлиги бир неча марта қайта бажарилиши мумкин.

Ташкилий ташхис ўтказиш мақсади – бу корхона ташкилий тузилмасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва расмийлаштириш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари бирламчи таҳлил қилиш.

Одатда, қайта ташкиллаштириш жараёнини бошлаш пайтида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар маълум бўлади, аммо уларни келтириб чиқарган сабаблар аниқланмаган бўлади. Уларни аниқлаш учун қуйидаги воситалардан фойдаланилади:

- ташкилий тузилма ва штат жадвалини таҳлил қилиш. Бунда амалдаги корхонанинг бошқарув схемаси муқобиллиги ва ходимлари таркиби тадқиқ этилади;

- ташкилий-функционал моделини ўрганиб чиқиш. Бунинг натижасида бўлинмалар ва ходимлар бўйича вазифалар тақсимоли муқобиллиги тўғрисида хулосалар қилинади. Бунда бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлар таҳлил қилинади;

- ходимларни баҳолаш. Бунда ходимларнинг энг муҳим билимлари ва корхона томонидан қўйилган талабларга мувофиқлиги ўрганилади.

Ташхис ўтказиш натижасида ташкилий тузилмада аниқланган муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш тавсиялари расмийлаштирилган ҳужжат тайёрланади.

Янги ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш босқичининг вазифаси янги фаолият юритиш шароитига мувофиқ корхона мақсадли ҳолати моделини яратиш ҳисобланади. Ташкилий тузилманинг мақсадли ҳолати ташкилий тузилма, штат жадвали, ташкилий-функционал модели, ўзгартиришларни амалга ошириш, янги ташкилий тузилмани жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ёки ўзгартириш зарур бўлган ҳужжатлар лойиҳаларида ўз аксини топади.

Янги ташкилий тузилма лойиҳаси тасдиқлаш босқичидан ўтиши зарур. Бунда ишлаб чиқилган ҳужжатнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Ташкилий ўзгартиришларни амалга ошириш – бу жараённинг энг эътиборли босқичи. Чунки янги ташкилий тузилмани айнан саводли жорий этишга бутун тадбирнинг муваффақияти боғлиқ.

Юқорида баён этилган ёндашувга таянган ҳолда мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи «GREEN WORLD» қўшма корхонаси учун ишлаб чиқарадиган маҳсулоти бозорида рақобат кескинлашаётган муҳитга мос, фаолияти самарадорлигини оширишга имкон берадиган ташкилий тузилмасига зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

*М.З. Шахабудинова, ММНТ-21 гуруҳ талабаси,
Ғ.Х. Хожиахмедов, проф., ТДИУ*

“Сифат менеджменти” – замон талаби

Президентимиз Ислом Каримов “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир” номли асарларида 2007 йилда амалга ошириладган энг устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб ўтар эканлар, “биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий ютуқларимиз негизида ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари ҳисобидан эмас, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хомашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки, биринчи навбатда, рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда”, - деган эдилар.

Бундан кўриниб турибдики ҳозирги иқтисодий ислохотлар даврида юқори сифатлик, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларнинг асосий мақсад ва вазифаларига айланиши лозим. Юртбошимизнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиққан ҳолда, XXI аср ҳақиқатдан ҳам “Сифат асри” бўлиши кўриниб турибди. Бу масалада ҳукуматимизнинг 2004 йил 22 июлдаги қарорларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазилиги тизимидаги таълим даргоҳларида “Сифат менежменти” таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилган. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб “Маҳсулот турлари бўйича сифат менежменти” мутахассислигига талабалар қабул қилиниши режалаштирилган эди. Бу эса “Сифат менежменти” бўйича малакали кадрларни етиштириб бериш борасидаги дастлабки қадам бўлди. Шу ўринда республикада хизмат кўрсатган ихтирочи, техника фанлари доктори профессор Ф. Исматуллаевнинг “Халқ сўзи” газетасининг 2008 йил 10 январ сонидаги “Сифат – корхоналар мезони” номли мақолаларида халқаро стандартлар асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сони 145 тани ташкил этгани ва бу йўналишда “Ўздавстандарт” ташкилотининг ўзига хос амалий ишлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Охирги йилларда “Сифат менежменти”га бағишланган халқаро ва Республикамиз миқёсида ўтказилаётган анжуманлар ҳам бу йўналишни қанчалик устувор эканлигини кўрсатиб турибди. 2008 йил январ ойида И.С.О – 2001-2002 уюшмаси билан Ўзбекистон Савдо Саноат палатаси ва Германиянинг халқаро техникавий ҳамкорлик (GTZ) ташкилоти Тошкент шаҳрида ўқув семинар машғулотларини олиб борди. Бу анжуман иштирокчилари ўз

билим ва малакаларини ошириш билан бир қаторда ички аудит ва сифат менежменти тизими бўйича бериладиган халқаро сертификатлар ҳам олдилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида юқори сифатли маҳсулот ҳар қандай корхонанинг асосий муваффақиятларини белгиловчи омиллардан биридир, чунки, сифат иқтисодий самарадорлик ва рақобатбардошлик гаровидир. Рақобат кураши қанчалик авж олар экан корхона ва ташкилотларда бундай курашда ғалаба қозониш йўллари қидирилади.

Халқаро тажрибалардан шу нарса маълумки хорижий фирмалар, ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотларини керакли нархда, керакли жойда ва керакли истеъмолчиларга етказиб берадилар ва бу борада сифатга жиддий эътибор берилади.

Саноат, иқтисодиёт ва ижтимоий жиҳатлардан ривожланган давлатлар сифат ва рақобат соҳасида бой тажрибага эгалар. Шунинг учун ҳам хориж тажрибаларини тезроқ тарғиб қилишга малакали мутахассислар тайёрлаш лозим бўлади.

Республикамиз олий таълим муассасаларида 2008 йилдан ўқув режасига татбиқ этилаётган “Сифат менежменти” фани юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг илмий жиҳатларини янада мукаммаллаштиришга қаратилгандир. Сифатни бошқариш муаммолари қанчалик ҳаётий эканини Халқаро Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб қираётган давлатлар тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлган давлатларда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги технологияларни жорий қилиш, фан-техника ютуқларини амалиётга татбиқ этиш ва малакали кадрлар тайёрлашни амалга оширган. Сифатни бошқаришдаги комплекс усуллар ўзини нечоғли тўғри эканини амалда кўрсатди.

Юқоридаги тадбирлар ўз олдига маҳсулотнинг ҳаётий жараёнининг хомашё, лойиҳа, технология, ташиш-сақлашдан тортиб то утилизациягача бўлган барча поғоналарда назорат ўрнатишни тақозо этади. Бу тадбир ва талаблар ISO – 2001-2000 рақамли халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Бунинг учун замонавий, юқори савияга, малакага, ҳар томонлама етук, “Сифат менежменти” бўйича махсус билимга эга бўлган кадрлар керак бўлади. Юртимиз келажагини ишониб топширадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда уларни фикрлашга, атроф-муҳитга оқилона баҳо беришга ва доимо мукамалликка интилишга чақиришимиз лозим.

*О. Сайдахмедов, ММНП-01 гуруҳ талабаси,
Илмий раҳбар: Д. Қосимова, проф., ТДИУ*

Товар ишлаб чиқаришда маркетинг фаолиятини ташкил этиш

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда фирма ва корхоналарни ташқи иқтисодий муносабатларга жалб этиш, яъни экспортбоп маҳсулотларнинг ташқи бозорга мустақил равишда чиқишларини таъминлашда жаҳон амалиёти тажрибаларининг янги шакл ва услубларини қўллашни йўлга қўйиш, иқтисодий манфаатдорликка эътибор қаратиш маркетинг фаолиятининг асосий мақсадларидан бири бўлиши талаб этилади.

Корхона ва фирмаларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишдаги ҳуқуқлари мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни демократиялаш жараёнининг кўринишларидан биридир. Мамлакат экспорт базасини ривожлантириш, ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, халқаро иқтисодий интеграцияни ривожлантириш, техника-технологияларнинг энг замонавийларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ҳамда савдо-сотиқ муносабатларини ҳал этиш юзасидан маркетинг тадбирларини изчил ҳамда ўз вақтида олиб борилиши кўзланган натижаларни беради.

Маркетинг фаолиятига машҳур маркетинг олим Ф. Котлернинг таърифи қуйидагича: маркетинг концепцияси харидорлар эҳтиёжлари, товарлар сифати ва ассортименти, уларнинг реал сотиб олиш қобилиятларини баҳолашга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш ва тақсимлашни рақобатчилардан яхшироқ ва унумлироқ ташкил қилишдан иборат.

Масалан, мамлакатимиз мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик ҳудуд ҳисобланади. Бунга республикамизнинг табиий иқлим шароити имкон туғдиради. Ҳар йили 500 минг тоннадан ортиқ мева, 500 минг тоннага яқин узум етиштирилади. Сабзавот маҳсулотларининг асосий қисми қайта ишланмайди, яъни табиий ҳолда истеъмол қилинади. Узумнинг асосий қисми яъни, техник (нави) тўлиқ қайта ишланади. Шунингдек, ҳўраки узумнинг ҳам кўпгина навлари тезда ўз сифатини йўқотиши туфайли, уларнинг асосий қисми қуритилиб майиз қилинади.

Савдо корхоналари ва ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири, эркин иқтисодий рақобат шароитида кам сарф-харажатлар билан бозор талабларига мос товарлар ишлаб чиқариш ва унинг турларини кўпайтириб боришидан иборат. Бундай вазифани амалга ошириш янги товарлар ишлаб чиқариш асосида иш юритишни талаб этади. Янги товарларни қидириб топиш, уларни шакллантириш, товар шаклини асослаш, товар сифатини тарбитга солиш, бозордаги янги

товарни назорат қилиш товар сиёсатининг асосий вазифаларига киради. Янги товар ишлаб чиқариш ғоясини қидириб топиш ҳаммадан ҳам қийинроқ бўлади. Бундай ғоялар ўз-ўзидан эмас, балки доимий изланиш натижасида вужудга келади. Ишлаб чиқариш имкониятларини қидириш натижасида тардбиркорлар керакли маълумотларни доимий харидорлардан, савдо воситаларидан оладилар. Янги товар ишлаб чиқариш ғояси пайдо бўлгандан сўнг, унинг истиқболли эканлигини чуқур таҳлил қилиш, ҳаракатлари ва кутилаётган натижаларини баҳолаш жуда муҳимдир.

Янги товар ишлаб чиқаришга асосланган ҳар қандай ривожланиш стратегиясининг марказида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, диверсификация ва инновация мақсадлари ётади. Тез ўзгарувчан муҳитда корхона чиқараётган маҳсулотларини тўхтатишга қарор қилаётганда, ишлаб чиқарилаётган товарни модификациялаш ва янги товар ишлаб чиқаришда доимо ўз фаолияти тузилишини баҳолай олиши лозим. Бу қарорлар келгусида корхона фаолиятини давом эттиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган қайта ишланадиган мева-сабзавот маҳсулотлари ичида табиий шарбатлар кўп миқдорда мавжуд бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эгаллиги мижозлар эътиборини жалб этади:

- маҳсулотларнинг мавсумийлиги, яъни 2-3 ой ичида йиллик мева-сабзавотлар захирасини тайёрлаш;
- эҳтиёж талаб шарбатлар бозорини ва мижозларни ўзига жалб қилувчи идишларга қадоқлаш;
- маркетинг дастурида маҳсулотларни сотиш каналларини белгилаш, яъни турли меҳмонхоналар, ташкилотлар, ошхоналарнинг мева-шарбатларига бўлган талабларини аниқлаш;
- улар тез бузилувчан ва транспортда ташишга чидамсиз бўлганлиги учун деҳқон ва фермер хўжаликларида дастлабки ишлов берувчи ихчам цехларни ишлаб чиқарувчиларга яқин ҳудудларда жойлаштириш.

Истеъмол бозорларида эса, юқорида қайд этилган ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотларининг стратегик йўналишига тўғри баҳо бериш, талаб-эҳтиёжларни қондириш, кишиларнинг меҳнат қобилиятини оширишга муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа сифатида қараш тақозо этилади.

Яъни, талаб ва таклифнинг динамик мутаносиблигини ўстиришда истеъмол товарлари таклифининг барқарор ўсиши, сифат ва ассортиментнинг яхшиланишига эришишдан иборат бўлади. Халқ истеъмол товарлари бозори мунтазам ишлашининг муҳим шарт-қишлоқ хўжалиги, саноат ва озиқ-овқат моллари талаб ва таклифининг ушбу корхоналар томонидан маркетинг тадқиқоти ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқ саналади. Озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги хусусида сўз юритилганда, бозорга тааллуқли бўлган икки тамойилга эътибор қаратилиши лозим: яъни, тижорат, савдо-сотиқ тадбирларини амалга

оширишда маҳсулотлар объекти, маркетинг тамойилида эса, истеъмолчиларнинг асосий объект эканлигини эътибордан қочирмаслик талаб этилади.

Ишлаб чиқаришни давр талабларига монанд ривожлантириш тамойилига кўра, харидорлар арзон баҳоли товарларга ўч бўлади, демак, асосий эътибор маълум ички ва ташқи минтақа аҳолисининг сотиб олиш имкониятлари қай даражада эканлигини ўрганиш ҳам зарурат касб этади. Ушбу маҳсулотларни қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватларини оширишда янги технологиялар, техник материаллар сотиб олиниши тақозо этилади. Янги технология ва ускуналар маҳсулотлар сифатини яхшилади, чиқимлар миқдорини қисқартиради, унинг рақобатбардошлигини оширади, ички ва ташқи бозордаги имкониятларини кенгайтиради. Қишлоқ хўжалиги корхоналари маркетинг дастури эса, (ширкат хўжалиги, фермер ёки товар ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжалиги) ҳар бир маҳсулот бўйича ишлаб чиқаришни аниқ ва истикболли режалаштиришда асос бўлади.

Биринчидан, сифатли, янгича талабларга ва эстетик хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларнинг бутунлай янги турларини ишлаб чиқариш, масалан, мева-сабзавот мажмуасида унинг экологик тоза, янги, серҳосил навларини ишлаб чиқариш тақозо этилади.

Иккинчидан, истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларига асосан, маҳсулотларнинг янги турларини замонавийлаштириш.

Учинчидан, корхона фаолиятини замонавий илмий-техникага асосланган ҳолда ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини такомиллаштириб, янгилаб бориш.

Тўртинчидан, рухсат этилган патент ва лицензиялар асосида маҳсулотларнинг янги турларини яратиш, уларнинг ташқи кўринишларига янгича ёндашиш.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси тадбиркорлик фаолиятининг асосий босқичларидан бири - реализация жараёни бўлиб, унга асосан тайёр маҳсулот истеъмолчиларга жўнатилади ва шу вақтдан бошлаб сотилган, деб ҳисобланади. Бу жараёнга асосланиб, корхона даромад ва соф фойда суммасини аниқлайди, келгуси режаларини талаб ва таклиф нуқтаи назаридан тадқиқ этади:

Яъни, қайси маҳсулот турларига талаб катта эканлигига қараб ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаб олади. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти. Асосий эътибор мамлакатимиз учун анъанавий бўлган экспорт маҳсулотлари - пахта, ипак, қорақўл, мева-сабзавот консервалари кабиларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилмоқда. Янги технология ва ускуналарни четдан харид қилиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлайди, ишлаб чиқариш чиқимларини қисқартиради, маҳсулотнинг

рақобатбардошлигини кўтаради. Янги ишчи ўринлари вужудга келади, экспортга маҳсулот чиқариш ҳажми ортади. Бугунги кунда ушбу жиҳатларга, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда ва шу аснода янги турдаги ишлаб чиқариш ривожлантирилмоқда.

Ўтган даврда республика саноат корхоналарида 367 номда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳаллий ишлаб чиқаришни яратиш дастурини амалга оширишга катта эътибор берилди. Автомобиль саноати корхоналарда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқа соҳаларда маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишда сезиларли натижаларга эришилди. Хуллас, ушбу жиҳатларнинг ҳаммаси маркетинг фаолияти нуқтаи назаридан ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан татқиқ этилиши, бир-бирига узвий боғлиқ жараёнларни эса, умумлаштириш асосида ягона маркетинг концепцияси ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши энг самарали механизм тизими яратилишига асос бўлади.

***К. Исаева, 2-босқич магистратура талабаси,
Илмий раҳбар: И.Р. Назарова, доц., ТДИУ***

Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи савдо фаолияти

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли ва қарашлар концепциясига амал қилиб, иқтисодиётда туб институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш асосида мулкчилик муносабатлари қайта қурилмоқда, янги бозор механизмлари ва бозор инфратузилмаси шаклланимоқда. Иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнлари республиканинг XXI асрдаги ривожланишида янги талабларни келтириб чиқаради.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ташқи иқтисодий алоқалар муаммосига диққат-эътиборини қаратиб: “2005 йил биз ташқи савдони либераллаштиришда, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашув борасида янада салмоқли натижаларга эришдик. Бунда мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини божхона тарифлари орқали тартибга солишни янада такомиллаштириш, божхона тўловларини унификация қилиш, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш

бўйича кўрилган чора-тадбирлар катта роль ўйнади”¹, - деб таъкидлаган эди.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш ва тартибга солишда хорижий мамлакатлар амалиётининг ижобий жиҳатларини ва айрим ютуқларини республикамизда қўллаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ўн беш йил мобайнида кўп томонлама савдо тизимига киришга тайёрланган Хитой Халқ Республикаси (ХХР) тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини аниқловчи, шунингдек унинг дунёдаги иқтисодий таъсирини оширувчи принципиал муҳим ташқи омил – ХХРнинг 2001 йил ноябрда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиб кириши бўлиб, бу ўз навбатида хорижий шериклар учун Хитойга ўз маҳсулотини импорт қилишда божхона тўсиқлари ва чекловларини аста-секин бартараф этишга олиб келади. ХХРнинг ЖСТга аъзо бўлганидан сўнг иқтисодиёт ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлишининг асосий натижаси ташқи савдо ҳажмининг кескин ўсиши – 2001 йилдан 2007 йилгача беш бараварига ўсишга намоён бўлди. Бу кўрсаткич бўйича Хитой АҚШ, ЕИ ва Япониядан сўнг дунёда 4-ўринни эгаллади. Натижаларга кўра, Хитой нафақат жаҳон хўжалигига янада чуқур интеграциялашувни амалга оширишга қодир, балки ЖСТга аъзо бўлгандан сўнг дастлабки йиллардаёқ унинг очик жаҳон савдо тизимига кириши натижасида мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун маълум афзалликларга ҳам эга бўлди.

Хитой ислохотлари ва модернизациясининг иқтисодий жиҳати, унинг очиклик сиёсати ҳисобланади. Очиклик сиёсати энг аввало глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишни англатади. Хитойда ташқи савдо ислохоти ўтказилиб, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштириш бекор қилинди, божхона тўловларининг умумий даражаси мунтазам ва босқичма-босқич пасайтирилмоқда. Марказий банкнинг ва давлатнинг хорижий капитал қўйилмалари учун ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларнинг комплекс тизими ташкил этилди.

С. Орипов, ММБ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Давлат ташқи савдо сиёсатининг моҳияти

Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо сиёсати ҳукуматнинг умумиқтисодий йўналишининг муҳим таркибий қисми саналади, янада торроқ маънода эса экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби

¹ Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи 2006 й. 11 февраль

ва жуғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бюджет-солиқ фаолияти соҳаларидан биридир.

Ташқи савдо сиёсати хўжалик ривожланишининг ички жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун унинг бош вазифаси мамлакат ичкарисида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва миллий бойликни кўпайтириш учун зарур бўлган қулай ташқи иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш ҳисобланади.

XX аср мобайнида ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш тамойиллари ва унга ёндашувлар, ўз навбатида, хўжалик фаолиятининг бу соҳасини тартибга солиш амалиёти ҳам ўзгариб борди. Биринчи жаҳон урушигача (1914-1918 йй.) бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви деярли рад этилди. Иқтисодчилар ва сиёсатчилар орасида А. Смитнинг бозордаги «кўринмас қўл»нинг муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақидаги формуласига асосланувчи неоклассик мактаб тарафдорларининг қарашлари ҳукмрон бўлди. Кейинчалик, 30-40-йилларда ишлаб чиқариш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни илгари сурган Дж.М. Кейнс назарияси тарафдорларининг нуқтаи назарлари устуворлик қилди. 70-80-йилларга келиб М. Фридмен бошчилигидаги Чикаго мактабининг монетаристик тамойилларини ёқловчиларнинг мавқелари кўтарилди. М. Фридмен давлат томонидан иқтисодиётга ҳар томонлама, ташқи савдо сиёсатига эса муомала соҳаси орқали таъсир этиш механизмларидан фойдаланишни устувор деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда давлатлар ўртасида товар айирбошлаш амалиётида юқорида санаб ўтилган назарий фикрларнинг барча йўналишлари синтездан фойдаланилаётганлиги ҳақида гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакат ташқи савдоси ҳолатига таъсир кўрсатиш воситалари қаторига бирор-бир ҳукумат эга бўлган турли-туман макроиқтисодий дастаклар қиради.

Замонавий ташқи иқтисодий сиёсатда икки асосий тамойил: бир томондан давлатларнинг очиқ типдаги иқтисодиётга, яъни ташқи савдони эркинлаштиришга ўтиш, иккинчи томондан жаҳон бозоридан ажралганлик унсурларини сақлаб қолиш, яъни протекционистик чора-тадбирларни амалга ошириш тамойили мавжудлигини қайд этиб ўтиш керак.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, алоҳида олинган бир мамлакатда ташқи савдони тартибга солишнинг у ёки бу воситаларини танлаш мамлакатнинг ички иқтисодий вазияти ва жаҳон бозоридаги мавқеига, алоҳида вазиятларда эса бутун бир омиллар мажмуига боғлиқ, масалан: рақобат курашининг кескинлашиши. Валюта курсларининг беқарорлашуви. Тўлов балансларининг камомадлари. Ўтиш иқтисодиётидаги ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари кабилар.

Ташқи савдони тартибга солиш воситаларининг турлари доимий равишда кенгайиб бормокда, бу хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви ва ХИМнинг янги соҳалари, яъни ахборот айирбошлаш ёки сервис хизматлар иқтисодиёти кабиларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Ташқи савдони тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосий шартлар сифатида халқаро-ҳуқуқий актлар мажмуи ҳуқуқий майдонини шакллантириш, ташқи иқтисодий ахборотлар тизимини яратиш (бу айниқса, хорижий ҳамкорлар қидириш имконияти чегараланган унча катта бўлмаган компаниялар учун керак), шунингдек, ХИМ нинг ана шу соҳасида самарали ишлашга кодир кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш усулларини такомиллаштириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

А. Мирзаев, МТХ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнларнинг туризм ривожланишига ижобий ва салбий таъсирлари

Маълумки, жаҳон хўжалигида интеграцион бирлашмага қўшилувчи давлатлар иқтисодиёти ўзаро алоқаларни олиб борувчи ҳамкорларга хос умумий жараёнларни бошидан кечиради. Бу жараёнлар кўпчилик ҳолларда хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан халқаро туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатса-да, баъзи бир ҳолларда салбий жиҳатларга ҳам эга бўлади. Жаҳон иқтисодиётида халқаро туризм учун интеграциянинг ижобий томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- туризм бозори миқёсининг кенгайиши. Бунда таклифнинг кўпайиши муносабати билан капитал айланмасининг тезлиги ортади. Бу эса миллий туризм бозори чекланган кичик ва ўртача ривожланган баъзи – бир мамлакатлар учун катта аҳамият касб этади;

- интеграцион жараёнларда иштирок этувчи мамлакатлар ўзларининг миллий туризмида хизмат кўрсатиш сифатини ва туризм инфратузилмасини ривожлантиради;

- интеграцион блок аъзоси бўлган давлатлар гуруҳининг обрўи ошиши, ушбу давлатлар ташқи туризми учун яхши мавқега эга бўлишлигини таъминлайди;

- интеграцион блокларнинг иштирокчи мамлакатлар ахборот технологиялар бўйича айирбошлаш суръатлари тезлашиши, экспортда турмаҳсулотлар таннархини камайтириш, сифати ва рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради;

- интеграцион жараёнлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий (туристлар ҳаракатидаги) муаммоларни ҳал этиш имконини берувчи мамлакатлар ўртасидаги миграцион айланманинг кенгайишига олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнларнинг туризм ривожланишидаги салбий оқибатларини қуйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин:

– иқтисодиёти кучсизроқ, хизмат кўрсатиш соҳаси энди ривожланаётган мамлакатлардан (хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бориши керак бўлган меҳнат кучларининг) ресурслар иқтисодиёти кучли ҳамкорлар томон оқиб ўтиши;

– компаниялар (турфирмалар) ошкор бўлмаган ўзаро картел битимлари ва бирлашмалари натижасида йирик ТМКлар аҳамияти кучайишига олиб келади. Бу туризмда “соғлом” бозор рақобатининг чекланишига олиб келади.

Шундай қилиб, чоп этилган миллий ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг кўплаб асарларида шундай ҳолатлар кўринмоқдаки, интеграцион гуруҳда баъзи мамлакатлар иштирокининг ижобий ёки салбий томонларини баҳолаш жуда мураккаблигича қолмоқда. Иқтисодий интеграциядан ички бозори кичик, ресурсларга муҳтож, жаҳон ЯИМда кам улушга эга бўлган давлатлар кўпроқ иқтисодий самара олиши мумкин. Бундай ҳулосага асосан турли интеграцион ташкилот ва уюшмаларнинг (ЕИ, НАФТА, АСЕАН, Анд пакти давлатлари ва бошқалар), хусусан, ЕИнинг ривожланиш босқичларини чуқур иқтисодий ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида келинди. ЕИ мамлакатлари интеграцион жараёнларининг ривожланиши натижасида бу минтақа туризми жаҳонда энг ривожланган туристик ҳудудга айланди. Бу тажрибалардан ҳулоса қиладиган бўлсак интеграцион жараёнлар қандай кўринишда бўлмасин иқтисодий самарадорлиги юқори бўлади.

Ҳ. Жўраев, МКФ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Иқтисодиётга чел эл инвестицияларини жалб этиш масалалари

Президентимиз И.А. Каримов ҳозирги кун мамлакат иқтисодиётида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этишга қаратилганлигини айтиб, хорижий сармояларни жалб этмай туриб, айниқса етакчи тармоқларда хориж сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Дарҳақиқат, республика иқтисодиёти ва уни шакллантириш учун хориж инвестициялари сув ва ҳаводек зарурдир.

Хорижий инвестициялар тўғрисида сўз борар экан, бунда энг аввало инвестиция киритувчи томон ўрнида барча омилларни етарлича таҳлил

қилиб олиш керак бўлади: инвестиция киритилаётган мамлакат иқтисодиёти, табиий ва бошқа шарт-шароитлар, ресурслар билан таъминланганлик даражаси ва ҳоказо.

Хорижий инвестор ўз маблағини бошқа мамлакат иқтисодиётига жалб қилар экан, бунда бирламчи ҳал этилиши лозим бўлган масала-инвестиция киритилаётган мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шарт-шароитларнинг инвестиция муҳитига қай даражада таъсир кўрсатишини таҳлилдан қилишдир. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикамизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир. Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг тараққиёт даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи галда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда қўшма корхоналар тузишдан асосий мақсад эса қуйидаги кўринишдаги иқтисодий тангликлардан чиқиб кетиш ва республикамиздаги мавжуд хўжалик ва молиявий аҳволни барқарорлаштириш; фан-техника тараққиётининг ҳозирги замон талабига мос илмий билимларнинг, техника ва технологияларнинг кенг суръатда ёйилиши, бу эса ўз навбатида, ишчи-ҳодимларнинг касб ва малака маҳорати даражаси ошишига замин яратиш; янги очилган қўшма корхоналарда ишчи ўринларини яратиш, ишсизлик муаммосини нисбатан бартараф этишга кўмак бериш; давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириб, бюджет тақчиллигини олдини олишга эришиш; рақобатбардош бозор муносабатларини шакллантириш; монополиянинг олдини олиш ва бартараф қилиш; импорт товар ва хизматлар салмоғини камайтириб, экспорт салоҳиятини оширишдан иборат.

Ҳар қандай хорижий инвестор қўшма корхона ташкил қилишдан аввал бу тадбир ўзи учун қандай ва қанча иқтисодий самара беришини тахмин қилиб кўради. Агар инвестор ихтиёридаги бойлик бирламчи иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона

тузишга рози бўлмайди. Демак, хорижий инвесторлар учун бошқа давлатлардагига қиёслаганда шундай иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришимиз керакки, пировардида, улар ҳам, биз ҳам ижтимоий-иқтисодий самара олайлик. Бунинг учун биз, аввало қўшма корхоналар учун иқтисодий инфратузилмани такомиллаштиришимиз лозим.

М. Санаева, ММО-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Иқтисодий глобаллашув шароитида халқаро хизматлар савдосининг ривожланиши

Жаҳон хизмат бозори мамлакатлар ўртасида хизмат айирбошлаш соҳаси бўлиб, маблағ ва ишчи кучи бозорлари каби халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмидир. Мазкур бозорда инсон фаолиятининг энг муҳим соҳалари бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув каби соҳалардаги фаолият натижалари бўлган хизматлар алмашинади. Хизматларни бозорда сотиш шакллари хилма-хил: классик лицензион келишувлар ва янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган машина ҳамда асбоб-ускуналардан тортиб, компенсацион шартномалар тузишгача. Бозорнинг асосини жаҳон хўжалигининг улкан ва тез катталашаётган қисми бўлмиш хизматлар соҳаси ташкил қилади. Хизмат кўрсатиш ташқи савдонинг энг жадал қисмидан биридир. Хизматлар бозорининг вужудга келиши ва ривожланишига жаҳон товар бозорининг ривожланиши сабаб бўлди. Ташқи савдо ҳажмининг ошиши, товар ишлаб чиқарувчилар орасида кўпайган жиддий рақобатчилик товарни ташиб бериш, суғурталаш, банк ва молиявий хизматлар кўрсатиш билан бирга сотиш каби рақобатчилик шаклининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Илмий-техникавий инқилоб тобора тараққий этаётган бугунги кунда (консалтинг) маслаҳат, муҳандис курувчилик хизматлари, ноу-хаулар тобора каттароқ аҳамият касб этмоқда. Трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши, майда ва ўрта фирмаларнинг сиқиб чиқарилиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги янгиликлар банк ва инженерлик хизматларига жалб этишга сабаб бўлаяпти. Илмий-техникавий тараққиёт натижасида хизмат савдосини ташкил қилишда ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлди. Меҳнат талаб товарларнинг кўпайиши хизматлар савдосининг умумий ҳажмидаги ҳиссасини кўпайишига олиб келди. Хизмат кўрсатиш таркиби ҳам ўзгарди. Бунда саноат ва профессионал хизматлар улуши ортди. Хизматлар товарлар ташқи савдосига тобора кўпроқ таъсир кўрсатаёпти. Бугунги кунда барча хизматлар ҳажмининг $\frac{3}{4}$ қисми илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибаси билан боғлиқ хизматлар ҳисобига тўғри келади. Сўнгги вақтгача халқаро хизмат бозори майда ва ўрта фирмалардан иборат эди. Бугунги кунда эса Трансмиллий компаниялар хизмат ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи сифатида фаолият

юритишмоқда. Уларнинг тўғридан-тўғри сармояларининг 40 фоизи хизмат соҳасида жойлаштирилган. АҚШ Трансмиллий компанияларнинг хорижда кўрсатган хизматларининг умумий нархи, АҚШда умумий хизмат экспорти ҳажмидан икки баробар кўп. Ривожланаётган мамлакатлар ташқи хизмат савдосида манфий сальдога эга, бироқ улардан баъзилари йирик экспортчилардир. Масалан, Жанубий Корея - муҳандислик, маслаҳат хизмати ва қурилиш хизматлар; Мексика - сайёҳлик; Сингапур - молиявий хизматларни экспорт қилади. Халқаро туризмнинг урушдан кейинги амалиётида тез кўламларида парадорес ва таймшер ривожлана бошлади.

Парадорес (инг. parade - томошага чиқариб қўйиш) мамлакатнинг қадимги қалъа ва саройлар туристик меҳмонхоналар ва экскурсия мақсадларида фойдаланиш.

Таймшер (инг. time share - вақтни бўлиш) туристик бизнесда кўчмас мулкдан муайян вақт давомида пул бадалига мутаносиб равишда фойдаланиш имкони билан бирга эгалик қилишдир.

1971 йилда RSI (Records Condominiums International) глобал тизими яратилди, яъни бу деярли бутун жаҳондаги машҳур курортларнинг котеджларини узоқ муддатга ижарага олиш ва алмаштириш тизимидир.

Хорижий валюта. Кўпчилик саёҳатчилар хорижга кетаётганларида йўл чеклари ва ҳоказолари нақд пулга алмаштириш имкони бўлмайди. Шунинг учун банклар ҳар қандай хориж валюталарини сотади.

*Илхомова З.С.,
Г.Х. Рахимова, кат. ўқит., ТДИУ*

Инвестиция сиёсати

Замонавий шароитда мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича тадбирларни янада кучайтириш, минтакаларнинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифа ҳисобланади. “Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга”¹.

Дарҳақиқат, ички молия манбалари чекланган бир шароитда хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ёки аҳоли жамғармаларига таяниб иш кўриш узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлай олмайди. Бу эса ўз-ўзидан хорижий инвестицияларини жалб этиш масаласини устувор вазифалардан бирига айлантиради. Ўзбекистон Республикаси Президентимиз И.А. Каримов ушбу вазифанинг мамлакатимизнинг

¹ Каримов И. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -253 бет.

иқтисодий тараққиёти учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини қуйидагича таъкидлайди: "Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, ва энг муҳими, хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб, яъни банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда хорижий капиталнинг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш қийин"¹.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан юқори миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансин қўллаб-қувватлаш шунингдек импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, шунингдек алоҳида корхоналар фаолияти учун ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда ҳам муҳим ўрин тутadi. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар, буюртмачилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, шу билан бирга ишчиларнинг кўникмалари ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради.

Кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, миллий иқтисодиётнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бораси ички ҳамда экспорт бозорининг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, бозор ислохотларини амалга оширишдаги ютуқлар, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик каби кўплаб омиллар билан боғлиқ.

Инвестиция сиёсати ўрта муддатли истиқболда макороиқтисодий даражада қуйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтиради:

- асосий тармоқлар, шунингдек қўшимча қиймат яратувчи тармоқларнинг маҳсулотлари, хизматлар соҳасини сезиларли кенгайтириш ва кичик бизнеснинг динамик ривожланиш ҳисобига, иқтисодиётда саноат улушининг ўсишига хизмат қиладиган иқтисодий фаол таркибини қайта куриш;

- мавжуд корхона ва тармоқларни техник ва технологик модернизациялаш, янги юқори технологияли тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни яратиш, инновациялардан фаол фойдаланиш механизмларини жорий этиш ҳисобига мамлакат иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш;

¹ Каримов И.А., Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Тошкент, "Ўзбекистон", 2000, - 112 б.

- ички жамғармалардан инвестиция мақсадлари учун максимал даражада самарали фоидаланиш масқадида ЯИМда жамғармалар улушининг ўсишини рағбатлантириш;

- ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш ва модернизациялашга тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошираётган маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш.

Шундай қилиб, хорижий инвесторлар ва инвестициялар ўз фаолиятлари учун қонунчилик асослари яратилибгина қолмай, балки барқарор фаолият юритиш учун реал шарт-шароитлар мавжуд бўлган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланган, сиёсий хавф-хатарлар энг кам даражага келтирилган, миллатлараро ва фуқролараро нифоклар бўлмаган мамлакатгагина келади. Айнан жамиятдаги барқарорлик, иқтисодий-иқтисодий ислох қилиш ва хорижий инвесторларнинг кизиқиш билан фаолият юритишлари учун илғор қонунчилик асосини яратиш катта кўламдаги туб ўзгаришларни амалга ошириш, кенг инвестиция фаолияти учун асос бўла олади.

*Ш. Мадаминова, гр. МУБ-01,
Д.С. Косимова, профессор, ТГЭУ*

Иностранные инвестиции в экономике Узбекистана

Сегодня стало очевидно, что необходимым условием устойчивого развития республики является высокая инвестиционная активность, которая достигается за счет привлечения и эффективного использования внутренних и внешних ресурсов. Мировой опыт достаточно убедительно показывает, что привлечение и использование иностранных инвестиций способствуют развитию экономики и служат мощным стимулом социально-экономических реформ.

Мысль о том, что инвестиции являются двигателем экономики, обеспечивающим ее движение вперед, - это аксиома любой экономической теории. Каждое государство должно прилагать усилия для привлечения в первую очередь в сферу материального производства как отечественных, так и иностранных инвесторов. С этой целью разрабатывается и реализуется определенная инвестиционная политика, формируется соответствующий инвестиционный климат. Экономические реформы, последовательно осуществляемые в независимом Узбекистане, предполагают достижение рациональных отраслевых, воспроизводственных и территориальных пропорций, развитие интеграционных процессов, обеспечение экономического роста и др. Решение всей совокупности указанных проблем тесно связано с проведением соответствующей

инвестиционной политики, формированием действенной системы регулирования и поддержки инвестиционных процессов.

В осуществлении структурных преобразований экономики Узбекистана иностранные инвестиции играют чрезвычайно важную роль, поскольку производительные силы республики нуждаются в крупных капиталовложениях для модернизации и реконструкции, а внутренние источники финансирования инвестиций недостаточны. Поэтому привлечение в широких масштабах иностранных инвестиций преследует стратегические цели и является одним из важнейших направлений проводимой государственной политики.

Основная задача государства заключается в создании благоприятных условий для вложения капитала. Наша страна имеет все необходимое, чтобы привлечь значительные иностранные инвестиции:

- сформированную законодательную базу, определяющую правовое поле для предпринимательства, защиты частной собственности и конкуренции;
- созданную инфраструктуру поддержки инвестиционного процесса;
- политическую стабильность;
- выгодное географическое положение;
- богатые минерально-сырьевые ресурсы, а также потенциал развития агропромышленного сектора;
- квалифицированные трудовые ресурсы;
- достаточно емкий рынок сбыта.

Важным фактором инвестиционного климата является система финансово-экономических стимулов и льгот для иностранных инвесторов, которая сориентирована на увеличение прямых иностранных инвестиций в производственную сферу и, в особенности в отрасли и производства, обладающие большим экспортным потенциалом.

Зарубежный опыт наглядно свидетельствует, что при рыночной экономике инвестиции становятся важнейшим фактором не только реконструкции и обновления, но и создания новых производств и предприятий. Поэтому привлечение и использование зарубежного капитала в экономике Узбекистана представляются существенной закономерностью инвестиционного процесса на современном этапе. При этом привлечение иностранных инвестиций должно осуществляться на основе принципов социально-экономической эффективности, экологической и экономической безопасности, взаимовыгодности и поддержания приоритетности государственной структурной и производственной политики.

Опираясь на эти принципы, следует определить критерии правильного выбора оптимальных форм инвестиционной деятельности. К этим критериям относятся: сфера деятельности и вид продукции (наукоемкие, технически сложные и т.д.); масштабы проекта (мелкий, средний,

крупный); стратегическая цель привлечения (от импорта оборудования до использования производственно-управленческого опыта).

Изучение достоинств и недостатков существующих форм привлечения иностранных инвестиций показывает, что наиболее приемлемыми можно считать прямые инвестиции, так как они характеризуются наличием долговременных интересов инвестора в хозяйстве принимающей страны и обуславливают большую выгоду по сравнению с внешними займами.

В целях привлечения иностранных портфельных инвестиций в процесс приватизации следовало бы разработать принципы их валютной конвертации, а также выделять специальные группы приватизируемых предприятий для международных торгов, развивая первичный и вторичный рынки ценных бумаг, что обеспечит широкие возможности для приобретения иностранными инвесторами имущественных прав. Осуществление всего комплекса указанных мер будет способствовать привлечению иностранных инвестиций в экономику Республики Узбекистан.

Подводя итог сказанному, можно сделать однозначный вывод: осуществление рыночных реформ в Узбекистане, включая углубление процессов приватизации, достижение макроэкономической стабилизации и обеспечение устойчивого экономического роста, коренные структурные преобразования в национальном народнохозяйственном комплексе неразрывно связаны с проведением активной инвестиционной политики, значение которой еще более усилится при дальнейшем развитии выбранного пути.

3. Хамидов, гр. ММБ-21, ТГЭУ

Иностранные инвестиции и повышение привлекательности инвестиционного климата

Деятельность иностранных инвесторов в Узбекистане регулируется нормативными актами разного уровня. В действующее законодательство постоянно вносятся изменения и дополнения, которые улучшают существующие положения и условия деятельности иностранных инвесторов.

Проанализируем факторы инвестиционной привлекательности страны, необходимые иностранным инвесторам для оценки прибыльности вложения инвестиций. На развитие международной инвестиционной деятельности в целом влияют факторы политического, ресурсного, общего и глобального характера. Они формируют направления и пути международного инвестиционного взаимодействия. В более практическом плане важное значение имеют, прежде всего, потенциальные возможности той или другой страны принимать капитал в определенных масштабах и

формах, условия его использования с обеспечением достаточного для инвестора прибыли (дохода) при допустимом уровне риска.

Существуют различные определения инвестиционного климата. Инвестиционный потенциал (объективные, преимущественно количественные, условия инвестирования) и инвестиционный риск (преимущественно качественные политические, экономические и социальные характеристики принимающей страны относительно вероятности потери в ней инвестиции или доход от них) определяют инвестиционный климат страны.

Совокупность политических, социально-экономических, финансовых, организационно-правовых и географических факторов, имеющих в той или иной стране, привлекающих или отталкивающих инвесторов, принято называть ее инвестиционным климатом. Ранжирование стран мирового сообщества по индексу инвестиционного климата или обратному ему показателю - индексу риска характеризует относительную инвестиционную привлекательность страны и является своеобразным барометром для иностранных инвесторов.

Инвестиционный потенциал страны характеризуется совокупностью макроэкономических показателей (таких, как: темпы экономического роста, соотношение потребления и сбережений, пруда ссудного процента, норма прибыли, уровень и динамика инфляции, потребительский спрос населения), наличием и соотношением факторов производства, развитостью инфраструктуры и т.п. Традиционно проведение экспертно-аналитического оценивания инвестиционного климата связано с выводом интегрального показателя риска и соответствующим ранжированием стран путем определения, их инвестиционного рейтинга через анализ факторов их политической, экономической, социально-культурной, институциональной среды, ресурсов и инфраструктуры. Известнейшими авторитетными системами оценок инвестиционного климата являются рейтинги Institutional Investor, Euromoney и BERI.

Категория экономического роста является важнейшей характеристикой общественного производства при любых хозяйственных системах. В самом общем виде экономический рост означает количественное и качественное изменение результатов производства и его факторов (их производительности). Свое выражение экономический рост находит в увеличении потенциального и реального валового национального продукта (ВНП), в возрастании экономической мощи нации, страны, региона. Это увеличение можно измерить двумя взаимосвязанными показателями: ростом за определенный период времени реального ВНП или ростом ВНП на душу населения. В связи с этим статистическим показателем, отражающим экономический рост, является годовой темп роста ВНП в процентах.

Проблемы экономического роста занимают в настоящее время центральное место в экономических дискуссиях и обсуждениях, ведущихся представителями разных наций, народов и их правительств. Растущий объем реального производства позволяет в какой-то степени разрешить проблему, с которой сталкивается любая хозяйственная система: ограниченностью ресурсов при безграничности человеческих потребностей.

Ш. Баракаева, гр. ММБ-21, ТГЭУ

Конкуренция оптовых фирм на международном рынке.

Под экономической конкуренцией понимают соревнование экономических субъектов на рынке за предпочтение потребителей в целях получения наибольшей прибыли. Конкуренция является необходимым и важнейшим элементом рыночного механизма, но сам характер и формы ее различны на различных рынках и в различных рыночных ситуациях.

Так, если на рынок доставляется больше товаров, чем способны приобрести покупатели, то продавцы будут бороться за покупателя, снижая при этом цены. Если же на рынок будет доставлено меньше товаров, чем готовы приобрести покупатели, то последние будут соревноваться за продавца, способствуя тем самым росту цен.

Конкуренция, хотя и связана с определёнными издержками (усиливает социально-экономическую дифференциацию в обществе, обуславливает потери экономических ресурсов от потери побежденных и т.д.), вместе с тем обеспечивает немалый экономический эффект, стимулируя снижение цен, повышение качества и ассортимента выпускаемой продукции, внедрение научно-технических достижений и др.

Конкуренция является важнейшим элементом рыночной экономики и вместе с механизмом цен служит необходимым ее регулятором. Разумеется, для конкуренции требуется наличие на рынке множества производителей однородных товаров, причем каждый из этих производителей не мог бы выбросить на рынок такое количество товаров, которое бы заметно повлияло на установившуюся рыночную цену. Иными словами, свободный рынок должен исключить господство монополий и максимально способствовать конкуренции. Такую конкуренцию называют совершенной или свободной, хотя на реальном рынке она в действительности нигде не наблюдается. Это пример именно той идеализации, о которой говорилось во введении. На современном рынке все большую роль играют монополистические объединения, которые, пользуясь своим могуществом в производстве товаров, могут устанавливать на них более высокие, монопольные цены и тем самым препятствовать конкуренции и установлению равновесной цены. Теперь попытаемся понять, каким образом конкуренция может способствовать

возникновению порядка и равновесия между спросом и предложением товаров на рынке.

Говоря о достоинствах конкуренции и рынка в целом, не следует забывать об их негативных сторонах, а также, разумеется, о тех проблемах, которые они не могут решить по своей природе. Что касается первого, то ясно, что конкуренция иногда приводит к диспропорциям между спросом и предложением, замедлению технического прогресса, а следовательно, нерациональному использованию ограниченных ресурсов общества. Конкурирующие предприятия и фирмы ревниво охраняют секреты производства, ибо технические новшества и изобретения снижают издержки производства, а тем самым помогают победить в конкурентной борьбе. Относительно второго утверждения следует еще раз подчеркнуть, что конкуренция и рынок возникли не для решения таких социальных проблем, как обеспечение социальной справедливости и тем более равного распределения дохода, а исключительно для рационального управления экономикой путем использования ограниченных ресурсов общества. Рыночное управление применимо как к частной, так и к общественной собственности.

Р.Х. Карлибаева, И.Т. Данабаев, ТДИУ

Қўшма корхоналарни ташкил этиш - инвестициялар киритишнинг устувор йўналиши

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг барқарор ва босқичма-босқич ўсиб бораётганлиги, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши ортаётганлиги, яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар уларни бевосита қониқтираётганлигидан далолат беради. Бунини натижасида хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этилиб, улар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ҳолат янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлик даражаси ошиши, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари янада ривожланишига олиб келмоқда.

Қонунчилигимизга кўра хорижий инвестор мамлакатимизда қуйидаги кўринишда корхонада иштирок этиши ёки қўшма корхона ташкил этиши мумкин: қўшма (ҳамкорлик), МЧЖ, очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари, бутунлай хорижий корхона, бўлим ёки шуъба корхона кўринишида, Ўзбекистон Р қонунчилигида хилоф бўлмаган бошқа кўринишда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, стратегик муҳим роль ўйнайдиган тармоқларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги қўшма корхоналарни ташкил этишда асосий

омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз эса йилдан-йилга хомашё ва ресурслар экспортини камайтириб, уларни тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига олиб чиқиш суръатини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Бунинг натижасида кейинги йиллар мобайнида мамлакатимиз экспорт таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулот салмоғининг ўсиб бораётганлиги ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб кетаётганлигини аниқ рақамларда кўришимиз мумкин. Биргина мисол, 2008 йилда хомашё бўлмаган товарларнинг экспорт ҳажмидаги улуши 71 %дан кўпроқни ташкил этган бўлса, мамлакатимизнинг асосий экспорт хомашёларидан бири бўлган пахта толасининг экспорт ҳажмидаги улуши 2003 йилдаги 20 %дан 2008 йилда 12 %гача тушиб кетди. Шу бугунга келиб мамлакатимизда ташкил этилаётган қўшма корхоналарнинг салмоқли қисми асосан ёқилги энергетика, кимё, нефть ва газни қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил саноат, машинасозлик, металлургия, телекоммуникация, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатига тўғри келиб, улар ялпи ички маҳсулотимизнинг сезиларли қисмини ташкил этади. Буни натижасида инвестицияларнинг ўсиш суръати ва ЯИМ даги улуши ортиб бормоқда.

Қўшма корхоналарни ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини уларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари яратилганлиги ўзаро ҳамкорликни олиб боришга сабаб бўлмоқда. Бундан бизга мақсад қўшма корхоналар тажрибасини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланишдир. Давлатимизга 2008 йилда иқтисодиётимизни ривожлантириш учун турли қўшма корхоналар ташкил этиш ва хорижий инвестициялар жалб қилишдан 1 млрд. 700 млн АҚШ долл. миқдорида инвестиция киритилди. Бу кўрсаткич 2007 йил билан таққослаганда 46 %га ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек киритилган инвестицияларнинг 74 %ни тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади. Маълумки, тўғридан-тўғри инвестициялар асосан қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали йўналтирилади. Ҳозирги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардошликни ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш йўлида умумий қиймати 24 млрд. АҚШ долл.га тенг бўлган лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳанинг деярли 60%, яъни 13,5 млрд. АҚШ долл. қўшма корхоналар ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, шу билан бирга хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида инвестиция муҳити

Ҳар қандай мамлакат ўз иқтисодий ислохотларига эга. Бу иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан мақсад – ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш, жаҳон стандартига жавоб берадиган рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўладиган товар ва хизматлар яратиш ва фан-техника тараққиётини тез суръатлар билан ривожлантириш ҳамда халқ фаровонлиги, экология муаммоларини замонавий турмуш андозлари даражасида ҳал этишни таъминлай оладиган соғлом иқтисодиётни яратишдан иборат.

Бунга эришиш учун шундай механизмни ишлаб чиқиш керакки, у иқтисодий тизимнинг юқори даражада ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш соҳасига катта инвестиция оқимлари келиб тушишини таъминлайди. Инвестициялар иқтисодиётнинг олға ҳаракатини таъминловчи дивигатель эканлиги тўғрисидаги фикр ва ҳар қандай иқтисодий назариянинг аксиомасидир. Ҳар бир давлат биринчи навбатда моддий ишлаб чиқариш соҳасига мамлакат ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ҳаракат қилиши лозим. Ушбу мақсадда муайян инвестиция дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилади, тегишли инвестиция муҳити яратилади.

“Инвестиция муҳити” тушунчаси вазиятнинг қулайлик даражасини белгилаб беради, у ёки бу мамлакатда, хусусан, минтақа, тармоқ ва ҳар бир корхонада вужудга келиб, инвестицияларга нисбатан қўлланади ҳамда ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётнинг ривожланишига жалб этилиши мумкин. Бунда корхона, тармоқ ёки минтақа миқёсидаги инвестиция муҳити шунга ўхшаш бошқа тузилмалардаги инвестиция муҳити билан бир хил ёки унга ўхшаш бўлиши шарт эмас. Бироқ мамлакатда умумий инвестиция муҳити минтақа, тармоқ ва корхоналардаги инвестиция вазияти ва фаолликка сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ўсишга хизмат қилувчи инвестиция муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолашда асосий омиллар сифатида қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

- табиий ресурслар ва экологик аҳвол;
- ишчи кучининг сифати;
- инфратузилма объектларининг ривожланиш даражаси ва очиқлиги;
- сиёсий барқарорлик, форс-мажор ҳолатларнинг юзага келиш ва уларни олдиндан айтиб бериш имкониятлари;
- қонунчиликнинг, хусусан, иқтисодиётнинг эркинлашув даражаси тўлиқлиги, сифатлилиги ва амалийлиги;
- ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликка риоя этиш, хусусан, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

- солиқ тизими сифати ва солиқ юкламаси даражаси;
- молия-кредит институтларининг фаолияти сифати, хусусан, кредит олишнинг осонлик даражаси;

Ўзбекистонда инвестиция муҳити аввало жамиятдаги сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, соғлом иқтисодий ривожланиш, давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари ва нодавлат секторининг ўсиши, ўтказилаётган ислохотларнинг босқичма-босқичлиги, табиий ресурслар ва республика аҳолисининг меҳнатсеварлиги билан тўлдирувчи бозор инфратузилмасининг шаклланишини тасифлайди. Инвестиция муҳити, шунингдек инвестицияларнинг давлат томонидан кафолатланишидан ташқари инвесторларнинг, айниқса хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатлар ҳисобига ҳам таъминланади.

Шу жиҳатдан “Хусусий мулк тўғрисида” ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги, “Чет эл инвесторларини ҳимоя қилиш ва уларга кафолат бериш тўғрисида” ги, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида” ги, “Хусусий корхоналар тўғрисида” ги ва бошқа қонунларни эсга олиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри чет эл инвесторларини жалб қилишни рағбатлантириш тўғрисида” ги фармони инвестиция фаолиятининг ўсишига янги куч бағшида қилди. Юқорида эътироф этиб ўтилган дастурлар натижасини Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сони ортиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Биргина 2005 йилнинг ўзидаёқ фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 215 тага кўпайди, бу эса хорижий инвестициялар оқимининг табора ортишидан далолат беради. Бундан ташқари 2006 йил якуни бўйича жалб қилинган инвестицияларининг миқдори 11,4 % га ошди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда инвестицияларнинг жалб қилиш учун яхши инвестиция муҳити яратилган. Фақатгина иқтисодиётимизни ривожлантириш учун жалб қилинган инвестициялардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

А. Асқаров, Г. Турсунова,
МТХ-01 гуруҳ талабалари, ТДИУ

Миллий туризмда нархларни тоифаларга ажратиш

Хизмат кўрсатиш соҳасига ва товар муомаласи шаклига кўра нархлар қуйидаги турларга бўлинади. *Чиқариш нархи* – турмаҳсулот ишлаб чиқарувчи туристик ташкилотларни ўз харидорларига аҳолидан ташқарида

ҳисоб – китоб қиладиган нарх. Бу нарх ҳар иккала томоннинг келишуви билан ёки нарх белгиловчилар томонидан тайинланади.

Кўтара нарх – туроператорлар томонидан ҳар хил фаолият тури билан шуғулланадиган турагентлар ва бошқа тадбиркорларга берадиган нархдир.

Турмахсулот ишлаб чиқарувчилар (туроператорлар) ҳар хил савиядаги нархларни бир турдаги турмахсулот бўйича келишиш ҳуқуқига эга, бунга турмахсулот етказиб бериш, пул тўлаш, бозор номенклатураси, мавсумий талаб кабилар таъсир кўрсатади.

Кўтара устамаларнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, улар кўтара савдо турташкилотларининг (сарф харажатларини қоплаш) турмахсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш, маълум ўлчамдаги даромад бунёд этиш, қиймат солиғи ва бошқа бюджетга тушмайдиган фойдалар бўйича сарф – харажатларни қоплашдан иборатдир. Давлат ёки нарх белгиловчи идоралар қарори асосида нарх белгилашда маълум чеклашишларни ички бозор бўйича ўтказиш мумкин.

Шартномавий нарх – шартнома асосида сотувчи ва сотиб олувчи турмахсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи ёки ўртада турувчи ўртасидаги ўрнатилган нарх.

Чакана нарх – нарх бўйича чакана савдо турташкилотлари турмахсулотни туристларга сотади. У чекланган ва эркин бўлиши мумкин. Чекланган чакана нарх - нарх белгиловчи идоралар орқали ўрнатилди. Эркин нарх турли турташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чекланади, уни чиқариш нархи асосида ва савдо ҳамда чиқарувчи бўғин қўшимчасини қўшиш билан белгиланади.

Савдо устамаси – сотиш, қўшимчаси бўлиб, турташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан туристларга турмахсулот сотилишида ўрнатилади. Унинг вазифаси турмахсулотларни чаканалаб сотиш билан боғлиқ харажатлар ва бу операциялардан даромад олишни таъминлашдан иборат.

Махсус турдаги нархлар – булар чекланган нархлар деб аталади. Улар янги турмахсулот турининг ҳамда гуруҳлаб ва кўплаб ишлаб чиқарилувчи турмахсулот муомаласи учун ишлатилади. Чекланган нархлар ўзларининг энг юқори йўл қўйиладиган савиясини ифодалайди.

Маълумот берувчи нархлар – бу нархлар махсус маълумотномаларда, шартномалар тузиш мақсадида берилувчи нархлардир.

Эркин нархлар – давлат идоралари томонидан чекланмайдиган нархлардир. Тартибга солинувчи нархлар нарх савиясини белгиловчи асосий ўлчамлар давлат бошқарув идоралари томонидан берилган ҳуқуқлар асосида белгиланади.

Белгиланган (расмий, мустаҳкам) нархлар – ҳокимият томонидан ўрнатилган ва маълум йўл қўйилган вақт бирлигида ишловчи ўзгармас нархлар.

Талаб нархи – истеъмолчи меҳнат маҳсулини сотиб олишга рози бўлган нарх.

Таклиф нархлари шундай нархки, улар билан ишлаб чиқарувчилар ёки мулк эгалари ўз маҳсулотини сотишга тайёрдирлар.

Мувозанат нархлари - талаб нархини таклиф нархига тенглигини акс эттиради. Нархларнинг турли-туманлиги товар муомаласининг барча истеъмолчига мўлжалланган томонларини акс эттиради.

Ж. Хамраев, 2-босқич магистранти
Илмий раҳбар: Б.К. Тўхлиев, и.ф.н., доц., ТДИУ

Модернизация қилиш ва янгилаш шароитида мамлакатда хорижий инвестицияларнинг роли

Республикаимизнинг мустақиллик даврига қадар хорижий сармояларни Ўзбекистонга жалб этиш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишга етарлича эътибор берилмаган эди. Табиийки, мустақилликка эришган мамлакатимиз раҳбарияти иқтисодийтимизни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан бири бўлган айнан шу масалани ҳал этишга жиддий муносабат билан ёндашди.

Шу билан бирга, бугунги кунда миллий иқтисодийтни модернизациялаш йўлига қадам қўйган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларини янада жадаллаштириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштириш давлатимиз раҳбарияти томонидан устувор вазифаларнинг қўйилишига сабаб шуки, корхона ва компанияларимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ички бозорни юқори сифатли товарлар билан бойитиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўп жиҳатдан самарали ташкил этилган инвестиция фаолиятига боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги ижобий тамойилларнинг дастлабки асослари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ шакллантирила бошланди. Турли мулк шакллари ривожлантириш ва инвестиция муҳитини тартибга солувчи механизмларни ишлаб чиқиш хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити яратилишига олиб келди.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодий ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 млрд. АҚШ долл. миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлди, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди. Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб

чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўнатирилганини таъкидлаш даркор.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 млрд. 700 млн. АҚШ долл. миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоизга кўп демакдир, энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди.

Жаҳон инқирози давом этаётганига қарамай, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 млрд. 800 млн. долл.га кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Шуни мамнуят билан таъкидламоқчиманки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди¹.

Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 284 та корхона ишламоқда. Бу ерда Ўзбекистоннинг қатор йирик компаниялари ваколатхоналари очилган. Улар орасида "ЎзДЕУавто", "Совпластитал" корхоналари, Навоий кон-металлургия комбинати, "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон авиация савдо уйи", "Ўзбеккимёмаш" ва "Фотон-Р" савдо уйлари ва бошқалар бор. Иқтисодий ҳамкорликни фаол йўлга қўйиш жараёнида бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва ахборот кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Янги жамоат тузилмаси -

"Иқтисодий мулоқот" Ўзбекистон-Россия ҳамжамияти - икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бу соҳада самарали ахборот алмашувини йўлга қўйишга ёрдам беради.

*И.Б. Шарипов,
ММРТ-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига трансформациялашуви шароитида хизматлар соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Хизматлар соҳаси савдо ва транспорт соҳасидан тортиб молиялаштириш, суғурта, туризм, қурилиш, турли турдаги воситачиликни ўз ичига қамраб олади.

Хизматлар иқтисодиётда ҳар доим муҳим ўрин тутган. Айрим хизматларнинг роли ишлаб чиқариш, тақсимот жараёнларига, айирбошлаш ва такрор ишлаб чиқариш тизимини узилишларсиз таъминловчи моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмол қилиш соҳалари билан боғлиқдир. Бошқа хизматлар эса иш кучининг ривожланишини таъминлаш, таълим ва маданий-технологик даражани ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва меҳнат қobiliятини ривожлантириш, ҳордиқ чиқаришни таъминлаш билан боғлиқдир. Кейинги йиллар давомида хизматлар соҳасида ишловчилар сони маълум бир сабабларга кўра ўсиб борди. Бу сабаблар қаторига ишлаб чиқаришдаги такомиллаштиришлар натижасида кўплаб товарларни кам ишчи кучи билан ишлаб чиқарилишини киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорни товарлар билан тўйиниши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Жамият иқтисодий жиҳатдан канча кучсиз бўлса, унинг хўжалик фаолияти шунчалик устун даражада буюмлашган бойликларни ишлаб чиқариш билан чеклана боради.

Мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмийлик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

- хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги салмоғини ошириш;

- замонавий сифатли турли-туман хизмат турлари билан ички истеъмол бозорини тўйинтириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг сонини 2006-2010 йилларда 1,6 баробарга ошириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш ҳисобига аҳоли даромадларини ошириш.

Кейинги йилларда хизматлар соҳаси республика иқтисодий ривожланишининг муҳим омилига айланиб бормоқда. 2007 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 43,0%ни ташкил қилди. 2008 йилда эса хизматларнинг ЯИМдаги улуши 45,3%га етди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг тез суръатлар билан ўсиши аҳоли талабларининг ортиши, ҳудудлараро тафовут ва ижтимоий инфратузилма ривожланиш суръатларининг ўсиши билан бевосита боғлиқ. Пуллик хизматлар таркибида уй-жой-коммунал хизматлари ҳамда алоқа ва маиший хизматлар улуши ортиб бормоқда. Пуллик хизматлар кўрсатиш Андижон, Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида нисбатан тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ушбу вилоятларда пуллик хизматларнинг тез суръатлар билан ўсиши: аҳолининг хизматларга бўлган талабининг ортиши; - хизматлар соҳасида бандликнинг кенгайиши; хизматлар соҳасида рақобат ва хусусий секторнинг ривожланиши; хизматлар соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ҳудудий ва мақсадли дастурларнинг самарали амалга оширилиши билан узвий боғлиқ.

*У. Назарова, 2 курс магистратура талабси,
Илмий раҳбар: Назарова Г.Г. проф., ТДИУ*

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш жараёнлари

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш кўп жиҳатдан мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида ташқи савдони ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан биридир. Ташқи савдони ривожлантириш учун эса экспорт салоҳиятини ошириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти экспортни кўпайтиришни иқтисодий дастурнинг устувор жиҳатларидан бири деб таърифлайди. Экспортнинг кўпайиши юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган технология ускуналари, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун ўз манбаларимизни шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида «Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ташқи иқтисодий кўрсаткичларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда. Юртимизда 2007 йили экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 40,7 фоизга ортиб, импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Бу ўз навбатида йил якунлари бўйича ташқи савдо айланмасида 3,5 миллиард доллардан ортиқ миқдорда ижобий салдога эришиш ва олтин-валюта захираларимизни 1,5 баробар кўпайтириш имконини берди», - деб таъкидлаган эди¹.

«Ўтган давр мобайнида экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажми катта суръатлар билан ортиб, бугунги кунда 38 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Булар қаторига, авваламбор, машина ва асбоб-ускуналар, нефть-кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар, пахта толасидан тайёрланган ип-калава ва газлама, трикотаж ва озиқ-овқат товарлари, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, қурилиш материаллари қиради.

Йил давомида машина ва асбоб-ускуналар, электротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баробар, кимё саноати маҳсулотлари 1,6 баробар, фармацевтика маҳсулотлари 1,5 баробар, тўқимачилик маҳсулотлари 1,2 баробар, қурилиш материаллари 2 баробар, мева-сабзавот маҳсулотлари эса 1,6 баробар ошди.

Хизматлар, айниқса, транспорт ва телекоммуникация хизматлари экспорти юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ташқи савдо юқларини ташиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги транспорт йўлакларини очиш, республикамиз транзит салоҳиятини кескин кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди». Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари ичида ўз экспорт салоҳиятига эга. Шунинг таъкидлаш жоизки, халқаро савдо ташқи иқтисодий фаолиятни барча қолган шакл ва турларининг бошланғич, мувофиқлаштирувчи ва кўпайтирувчи негизи ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг хорижий сармояни жалб этишдек шаклининг самарадорлиги ҳам унинг даражасига боғлиқдир. Савдодаги қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган ва бошқа чеклашлар инвестиция жараёнларида акс этади

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. Тошкент. 2008 й. 8 февраль.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсати механизмлари ва жараёнлари

Замонавий жаҳон хўжалиги мамлакатларининг аксарияти учун иқтисодиётнинг ривожланиши, унга хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини талаб этади. Сўнгги 10-20 йил ичида жаҳон иқтисодиётида кескин иқтисодий ўсиш темплари билан ўзини намойиш этаётган давлатларнинг муваффақияти бевосита инвестиция жараёнларига боғлиқдир. Хитой, Ҳиндистон, Таиланд, Жанубий Корея, Чили ва Бразилия сингари давлатларда жорий этилган янги инвестиция сиёсатлари, инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар инвестиция оқимларининг кириб келишига асосий туртки бўлди, десак адашмаган бўламиз.

Самарали инвестиция сиёсати, авваламбор, ички талаблар билан бир қаторда ташқи, яъни халқаро талаб ва шартларга, айниқса глобаллашувга мувофиқ олиб борилмоғи лозим. Сўнгги йиллардаги умумжаҳон молиявий инқирози сингари улкан ва глобал миқёсдаги ўзгаришларнинг содир бўлиш хавфи келгусида миллий иқтисодиётлар учун тахмин қилиниши қийин бўлган рискларни туғдириши табиий. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, глобаллашув шароитида давлат инвестиция сиёсатининг асосий мақсади - миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат бўлиши лозим.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун сув ва ҳаводек зарур бўлган инвестициялар, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда уларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиб, мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб келган.

Бу борада қўйилган илк қадам 1992 йилда инвестиция тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши бўлди. 1998 йил 30 апрелда эса “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги янги Қонун кучга киритилди. Бу қонунларда инвестицияларни жалб этиш механизмлари, уларга хизмат кўрсатиш тартиби, инвесторлар учун яратилган қулай шароитлар ўз аксини топган.

Инвестиция жараёни учун барпо этилган ҳуқуқий асослар ва қулай шарт-шароитларга таянган ҳолда давлатимиз томонидан иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш жараёни жадал тус олди. Энг аввало, иқтисодиётнинг таянч тармоқлари бўлмиш – ёқилғи энергетикаси, машинасозлик, тоғ-кон саноати, оғир саноат ва кимё саноати каби соҳаларга хорижий инвестициялар жалб қилинди.

Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон

мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида сўзлаган нуткида шундай дейди: “Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилди. Натижада мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиарддан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этди.”

Маҳаллий ва хорижий инвестициялар ёрдамида Зарафшон Нью-Монд заводи ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация қилинди, автомобиль заводлари “ЎзДЭУАвто” ва “СамКочАвто” тўлиқ ишга туширилди.

Мустақиллигимизнинг кейинги йилларида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам инвестициялар жалб қилина борди. Енгил саноат корхоналари, айниқса тўқимачилик комбинатлари, пахта, жун ва терини қайта ишлаш корхоналари, шу билан бирга озиқ-овқат саноати ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари хорижий инвесторлар учун ўз сармояларини инвестиция қилиш объектига айланиб қолди. Бунинг натижасида мамлакатимизда хорижий корхона, ташкилот ва ваколатхоналари ҳамда кўпгина қўшма корхоналар ташкил этилди. 2005 йилга келиб, қўшма корхоналар сони 2000 тага етди.

Сўнгги йилларга келиб иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олмоқда. 2006 йилдаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур йилда жалб этилган инвестицияларнинг 34,6% - анъанавий соҳалар, яъни ёқилғи энергетикаси, кимё ва металлургия саноатлари ва машинасозлик тармоқларига, 17,8% - қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, тамоман янги соҳа бўлган ахборот технологиялар ва телекоммуникация тизимларини ривожлантиришга жами инвестицияларнинг 15,3% йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган маърузасидан шундай сўзлар жой олган: “Бугунги кунда фаолият юритаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда”.

Бу сўзлар 2007 йил 20 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ўз амалий

тасдиғини топган. Қарорда хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги ўрнини янада ошириш ва хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар очиб бериш кўзда тутилган. Хусусан, инвесторларга бир қанча солиқ имтиёзлари ва валюта мажбурий сотувидан озод қилиш, кўп вақтдан бери фаолият кўрсатмаётган объектларга инвестиция қилишда мазкур объектларни “ноль” харид нархида реализация қилиниши каби янги имкониятлар таклиф этилган.

Статистик маълумотларга мурожаат қилсак, 2007 йилнинг биринчи ярмида жами 2 631,2 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 40,2% ортиқдир. Иқтисодиётда инвестиция ҳажмининг кўпайиши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир эта бошлади. 2007 йил январдан июн ойига қадар давлат ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,3% га, ялпи экспорт ҳажми 39% га, импорт ҳажми эса 9,5% га ўсди. Ўз навбатида, давлат савдо баланси 1 656,5 млн. АҚШ долларлик мусбат сальдога эга бўлди, бу эса 2006 йилнинг шу даврига қараганда 2,3 баравар кўп эканлигини билдиради.

Ҳар йили ҳукуматимиз томонидан энг йирик ва муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз ичига оладиган йиллик инвестиция дастурлари ишлаб чиқилмоқда. 2006 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 13 лойиҳа амалга оширилган бўлиб, улар бўйича жами маҳсулот экспорти 80 млн. АҚШ долл.дан ортиқ суммани ташкил этди. 2007 йилги Инвестиция дастур доирасида жами 80 лойиҳа бўйича 1 млрд. АҚШ долл.дан ортиқ хорижий инвестиция ўзлаштирилиши мўлжалланган.

Мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этишда бугунги кунда дуч келинаётган муаммолардан энг асосийси хорижий давлатлар инвесторларининг мамлакатдаги инвестиция иқлими билан тўлиқ таниш бўлмаганликларидир, яъни давлатимиз томонидан таклиф этилаётган имтиёзлар, очиб берилган имкониятлардан тегишли шахсларнинг умуман беҳабарлигидир. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2007 йилнинг февраль ойида “Ўзинфоинвест” хорижий инвестицияларни ахборотли (информацион) таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш Агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг асосий вазифаси Ўзбекистондаги инвестиция иқлими, яратилган қулайликлар, имтиёзлар ва имкониятларни Интернет тармоқлари орқали, турли кўргазма, семинарлар ва бошқа замонавий воситалар орқали жаҳон оммасига танитишдан иборат.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, иқтисодий ўсишнинг асосий ричаги бўлган инвестицияларни жалб этиш биз учун жуда ҳаётий масаладир. Бу билан тараққий этиш учун мамлакатнинг бор имкониятларини ишга солиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча тармоқлари билан бир қаторда, инвестицияларни

давлат равнақи учун хизмат қиладиган малакали кадрларни тайёрлаш учун йўналтириши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ж.И. Хўжаев

Ўрта Осиё минтақасида бизнесни юритиш шароитлари

Ҳар бир минтақанинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар орасида шу минтақада жойлашган давлатларда бизнесни юритиш учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мавжудлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик хорижий инвесторлар бирор бир минтақага ўз инвестицияларини киритишдан олдин шу минтақадаги бизнес иқлими билан танишиб чиқади.

Маълумки, бир қанча халқаро ташкилотлар ҳамда тадқиқот муассасалари жаҳон хўжалигининг кўпгина давлатларида мавжуд бўлган шароитларни тадқиқ этиб боради ва шунингдек ушбу маълумотларни жаҳон оммасига тақдим этади. Мана яқинда Жаҳон банки ва IFC (Халқаро Молия Корпорацияси) нинг “Бизнесни юритиш - 2008” номли ҳисоботи чоп этилди. Бу ҳисоботда дунёнинг 178 давлатида бизнесни юритиш учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар баҳоланган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўрта Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари ишбилармонлар учун қулай имкониятлар яратишда Шарқий Осиё мамлакатларидан олдинда эканлиги маълум бўлди. Бу ҳудудлардаги баъзи давлатлар эса ўз кўрсаткичлари билан бир қанча Ғарбий Европа давлатларини ҳам ортда қолдирганлар. Бундай яхши натижаларга эришилганлигининг асосий сабаби ушбу давлатларда бизнес фаолиятини юритиш шароитларининг ҳуқуқий-меъёрий асосларига ижобий таъсир этувчи фаол иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилганлигидир. Сўнгги йилларда Ўрта Осиё ва Шарқий Европа давлатларида ушбу соҳага доир жами 59 та ислохот амалга оширилган бўлиб, уларнинг 52 таси ижобий ва 7 таси салбий деб баҳоланмоқда.

Мисол учун, *Озарбайжонда* янги корхона ташкил этиш учун сарфланадиган вақт 52 кундан 30 кунга қисқартирилди. Шунингдек, компаниялар даромадидан олинадиган солиқ ставкаси камайтирилди. *Қирғизистонда* ҳам компаниялар даромадидан олинадиган солиқ камайтирилди, ижтимоий таъминот бўйича тўловлар умуман олиб ташланди, нафақа ажратмалари ҳам қисқартирилди, шунингдек қўшимча қиймат солиғи ҳам 14% гача камайтирилди. *Ўзбекистонда* ҳам компаниялар даромадидан олинадиган солиқ миқдори 10% гача қисқартирди. Шу билан бирга, нотариал тўловларни камайтириш йўли билан мулкчилик ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш харажатлари анча камайтирилди. Ундан ташқари, *Ўзбекистонда* янги корхонани ташкил

этиш тартиби анча соддалаштирилди ҳамда хусусий корхоналарни мустақил равишда бартараф этишнинг янги тартиби ишлаб чиқилди.

Ўтказилган ислохотларнинг сонига кўра, илғор ислохотчи давлатларни аниқлашда эътиборга олинаётган ўнта кўрсаткичдан асосий учтаси ва ундан ортиғи бўйича талабларга жавоб бера оладиган 21та давлатдан ташкил топган рўйхатда Ўрта Осиё давлатларидан фақатгина Ўзбекистоннинг борлиги эътиборга моликдир. Ўзбекистонда янги корхонани рўйхатдан ўтказиш, мулкчилик ҳуқуқлари, солиқ тўловлари ва корхонани тугатишга доир бир қанча ислохотлар амалга оширганлиги унинг юқори баҳоланишига сабаб бўлди, десак адашмаймиз. Арманистон, Болгария, Хитой, Греция, Миср, Грузия ва Саудия Арабистони каби илғор давлатлар ҳам ушбу рўйхатдан жой олган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўрта Осиё минтақасида бизнесни ташкил этиш ва юритиш шароитлари тобора яхшиланиб бормоқда. Бу жараёнда мамлакатимиз ўзининг янги ислохотлари ва ишбилармонлар учун ташкил этилган имкониятлари билан пешқадамлик қилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг минтақа тараққиётида “локомотив”лик вазифасини ўтиб бораётганлигидан далолат беради.

*Х.А. Ҳамроев,
ММО-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан замонавий ташқи иқтисодий муносабатларини олиб бориш хусусиятлари ва тамойиллари

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимига фаол жалб этилиши, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларнинг ўрнатиши ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизимини тубдан қайта қуришни талаб этади. Бундай зарурат, албатта, юзага келган қуйидаги икки ҳолат билан боғлиқ эди:

Биринчидан, Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида мустақил сиёсат ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга маъсул бўлган махсус ташкилотлар тузиш тақозо этилади.

Иккинчидан, республикада миллий иқтисодиёни тубдан қайта қуриш жараёни бошланиши туфайли ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчиларнинг сони кенгайди, уларга турли (савдо, сармоялар, банк ва бошқалар) ташқи иқтисодий битимларни тузишда кенгроқ ҳуқуқлар берилади ҳамда шу соҳада шартнома, битимларни фақат давлат идоралари (Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Миллий банк) эмас, балки мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган (хусусий ширкат, хиссадорлик, хорижий ва бпшқалар) турли бирлашмалар, ташкилотлар, корхоналар ҳам тузиши мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда республикада юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизими шаклланимоқда ва унинг таркибига кирган ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришмоқда ҳамда асосий вазифалар аниқланмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- республика миллий манфаатларига жавоб берувчи ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини таъминловчи ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг қонуний асосларини ўрнатиш;

- мулкчилик кўринишининг турли шаклларида қабъий назар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча иштирокчилари учун энг юқори самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолияти ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- миллий иқтисодиётни муваффақиятли ислоҳ этиш учун ташқи иқтисодий омилдан тўлиқ фойдаланиш.

Бугунги кунга келиб ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш қуйидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланиш стратегиясини белгилайди, унинг меъёрий асосини ишлаб чиқади ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ҳаракатига умумий қабилликни ва улар устидан назоратни амалга оширади.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ягона ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, халқаро иштирокчиларнинг барча иштирокчилари, яъни давлат, ширкат, пайчилик, жамоат, хусусий ташкилотлар фаолиятини назорат қилишни таъминлайди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг давлат усуллари ишлаб чиқади ва қўллайди (божхона тарифлари, экспорт квоталари, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга рухсат ва бошқалар);

- вазирликка тақдим этилган рўйхатга мос келувчи маҳсулотлар бўйича экспорт-импорт операцияларини ўтказди;

- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тузиладиган ташқи иқтисодий шартнома ва келишувларни текширишни амалга оширади;

- “Инновация”, “Ўзпгроимпекс”, “Интерсервис”, “Ўзташқитранс”, “Ўзэкспомарказ” – Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимидаги йирик хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо ва иқтисодий ташкилотлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш ташкилотларининг шартли тузилиши:

- Ўзбекистон Республикаси Президент ва Олий Мажлиси аппарати.
- Вазирлар Маҳкамаси.
- Тармоқ ташкилотлари.
- Функционал ташкилотлар.
- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
- Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки.
- Давлат истикболини белгилаш ва статистика қўмитаси.
- Давлат кимё саноати концерни.
- Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги.
- Молия вазирлиги.
- Давлат металлургия саноати концерни.
- Ташқи ишлар вазирлиги.
- Марказий банк.
- “Ўзбексавдо” уюшмаси.
- Давлат божхона қўмитаси.
- Давлат солиқ қўмитаси.

“Ўздонмахсулот”, Ўзсайёҳ Миллий туризм компанияси, Меҳнат вазирлиги, Ўзавтотранс, Ўзсайёҳ қурилиши, Давлат фан ва техника қўмитаси ва бошқалар.

Ўзбекистон темир йўллари, “Узулгуржибиржа савдо” акциядорлик уюшмаси, Ўзбекистон ҳаво йўллари, Узбекинвест Давлат суғурта компанияси, “Дори-дармон” Давлат акциядорлик уюшмаси ва бошқалар.

**У.Ю. Ходжаниязов, ММО-01 гуруҳ талабаси,
А.Б. Нурмуҳаммедов, ММО-02 гуруҳ талабаси, ТДИУ**

Ўтиш даврида Ўзбекистонда замонавий ташқи савдо сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти

Жаҳон цивилизацияси ривожланиши алоҳида олинган давлатларни халқаро хўжалик алоқалари тизимида мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ягона жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Жаҳондаги барча мамлатлар умумий иқтисодий қонунлар асосида ривожланади, улар халқаро муносабатлар соҳасида устувор саналади.

Эҳтиёжларнинг доимо мураккаблашиб борадиган таркиби, ресурсларнинг жуда камлиги ва олисдалиги нафақат алоҳида олинган давлат ичидаги ҳудудлар ўртасида, балки турли давлатлар ва жаҳон

минтақалари ўртасида ҳам янада самаралироқ айирбошлаш воситаларини талаб этади.

Жаҳоннинг турли минтақаларида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг ўсиши ўртасида номутаносиблик кузатилади, бу ҳам халқаро айирбошлашни кенгайтириш заруратини юзага келтиради. Ушбу жараёнлар янги бозорларни (товарлар, хизматлар, меҳнат, ахборот, молия ва бошқа бозорларни) ривожлантиришга, хомашё олиб кириш, технология ва ахборотларни айирбошлаш, илмий-техникавай, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа турдаги ташқи иқтисодий алоқаларга имкон яратади.

Ўзбекистон кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқаларини муваффақият билан ривожлантирмоқдалар, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда, халқаро ишлаб чиқариш бутун чоралар билан кенгайтирмоқда ва чуқурлаштирмоқда. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ушбу шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир натижаларининг таҳлили ва халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш истикболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи иқтисодий фаолият тушунчаларининг мазмуни тўғрисидаги аниқ тасаввурларга асосланиши керак.

Ташқи иқтисодий алоқалар – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятининг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизими.

Давлат субъектлари дейилганда, улар зиммасига давлат томонидан юкланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тасарруф этувчилари назарда тутилади. Булар ўзини-ўзи бошқарадиган ҳудудлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар (акциядорлик жамиятлари, давлат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва ҳоказолар)дир. Бинобарин, ташқи иқтисодий алоқалар – аниқ бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиши орқали фан ва ишлиб чиқариш, савдо, инвестиция ва бошқа хил муносабатлари йиғиндиси. Ташқи иқтисодий фаолият эса ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир.

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқариш ва фанни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналмилаллаштириш жараёнидан объектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши билан белгиланади.

Халқаро меҳнат тақсимоотининг иқтисодий мазмуни биргаликдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларида ифодаланади, буларда турли

мамлакатларнинг корхоналари муайян товарлар ёки хизматларни тайёрлашга ихтисослашади, сўнгра уларни айирбошлаш жараёни амалга оширилади. Товар айирбошлаш пулли ёки пулсиз асосда амалга оширилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда айирбошлаш биринчи ҳолат бўйича юз беради, яъни хориждан маҳсулот оладиган тараф унинг эгасига барча харажатларни тўлайди. Турли хил тухфалар, инсонпарварлик ёрдами, ишларни мувофиқлаштириш, умумий қарорларни муҳокама ва қабул қилиш, тажриба алмашиш, стандартларнинг халқаро миқёсида бирхиллаштирилиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир чоратadbирлар ва бошқалар айирбошлашнинг пулсиз турларига киради.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари турли соҳаларда: ташқи савдо, фаолиятнинг илмий-техника, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта-молия ва кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, меҳнат ресурсларини олиб ўтишда ўз ифодасини топади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ана шу барча турларини қуйидаги шаклларга бирлаштириш мумкин: савдо (товарлар айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш), қўшма тадбиркорлик, ҳамкорликнинг бошқа турлари. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида айниқса кенг тарқалган.

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи савдога асосланади, чунки бундай фаолият туфайли мамлакатлар ўз ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконига эга бўлади.

Савдо – макроиқтисодий жараённинг асосий кўринишларидан бири бўлиб, сотиш ва сотиб олиш йўли билан товарларнинг айирбошланиши ҳисобланади. Бунда ички ва ташқи савдони бир-биридан фарқлаш мумкин.

Ташқи савдо – бирор давлатнинг бошқа давлатлар билан савдоси ҳисобланиб, олиб кириш тўлови(импорт) ва олиб чиқиш тўлови(экспорт)дан иборат.

Савдо эксклюзив ва интенсив бўлиши мумкин. Эксклюзив савдо маҳсулотнинг келажагини таъминлашга ҳаракат қилади ва таклиф оддий бўлмаслиги учун уни чеклашга интилади. Интенсив савдо бозорда маҳсулот таъминотини кенгайтириш сиёсати ҳисобланади. Бундай маҳсулот бозор тузулмасининг ўртасида ёки пастида жойлашган бўлади. У ўртача сифатга, ўртача ёки паст баҳога, кам савдо (наценка)сига, кўп ишлаб чиқариш ҳажмига ва бозорга интенсив йўналтиришга эга бўлади.

*Ў. Жалолов, К. Марасулов,
С. Мамаражабов, ММО-01 гуруҳ талабалари, ТДИУ*

Франчайзинг ташқи савдо фаолиятининг махсус шакли сифатида

Франчайзинг – бирор компания томонидан бошқа бир мустақил шахс ёки компанияга ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш ҳуқуқини бериш

орқали бизнеснинг ташкил этилиши. Франчайзор – ўз савдо белгиси, ноу-хау ва операция тизимидан фойдаланишга лицензия ёки ҳуқуқ берган компания. Франчайзи – франчайзордан бизнесни ташкил этишдаги билим ва ёрдам олиш имкониятини сотиб олувчи ҳамда франчайзор савдо белгиси, ноу-хау ва иш юритиш тизимидан фойдаланиш учун тўлов (роялт)ни амалга оширувчи киши ёки компания.

Франчайзи маҳсулот ёки хизматларни сотишда франчайзор томонидан ўрнатилган бизнес юритишнинг маълум қонун-қоидаларига амал қилишга мажбур. Ушбу қоидаларга риоя этиш эвазига франчайзи компания номи, обрўси, маҳсулот ва хизматлари, маркетинг технологияси, экспертизаси ва қўллаб-қувватлаш механизмидан фойдаланишга розиликни қўлга киритади. Франшиза – франчайзор томонидан франчайзига сотилаётган барча бизнес-тизим. Бу бошқача қилиб франчайзинг пакети деб ҳам аталади. Франшизани тақдим этишнинг энг кенг тарқалган 2 усули мавжуд:

1) Тўғридан-тўғри франчайзинг. Бунда франчайзор франшизани маҳаллий тадбиркорга бевосита сотади. Ушбу усул франчайзор ва франчайзи ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлашнинг энг яхши йўлидир. Агар улар орасидаги географик масофа катта бўлса, маҳаллий даражада қўллаб-қувватлашнинг қийинлиги ва маҳаллий халқ хусусиятларини ҳам инобатга олиш кераклиги, ушбу усулнинг камчилиги сифатида юзага чиқади.

2) Мастер франшиза. Ушбу муносабат халқаро франчайзор ўз франчайзинг тизимини бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб ягона франчайзи воситасида ривожлантириш мақсадида махсус ҳуқуқларни сотганда вужудга келади. Ўша франчайзи ўз мамлакатада бошқаларга франшизани таклиф қилади ва сотади, шундай қилиб, у ўз мамлакатада франчайзорга айланади.

Франчайзинг шартномаси бўйича франчайзор ва франчайзи бири-бирига нисбатан бир қатор мажбуриятларга эга. Унга кўра франчайзорнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- франчайзинг тизими билан боғлиқ бўлган барча тўловларни ўрнатиш;

- бизнес юритиш билан бўлган ва техник ахборотларни тақдим этиш;

- барча низом ва қоидаларни ҳужжатлаштириш ;

- тизимдаги барча франчайзилар маҳсулот ва хизматларининг сифатини назорат қилиш;

- франчайзини доимий қўллаб-қувватлаб туриш;

- йирик хомашё етказиб берувчилар билан имтиёзли шартномалар тузишга ёрдам бериш;

- франчайзига белгилаб берилган ҳудуд ҳимоясини таъминлаш;

– ажралиш ва шартномани давом эттириш шартларини белглаш.
Франчайзинг шартномаси бўйича франчайзининг мажбуриятлари:

- дастлабки бадални тўлаш;
- хизматлар тўловини кўрсатилган вақтда амалга ошириш;
- франшиза билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;
- савдо белгисидан шартномада келишлган шаклда фойдаланиш;
- франчайзор ўрнатган ишлаб чиқариш стандартларига риоя қилиш;
- франчайзинг дастуридаги барча талабларга амал қилиш.

Франчайзининг тизимининг франчайзор ва франчайзи учун ижобий ва салбий томонлари бор. Қуйида уларни санаб ўтамыз.

Франчайзингнинг франчайзор учун ижобий томонлари:

1) Франчайзинг бизнесни кенгайтириш учун қўшимча маблағ олиб келади. Компания ўз фаолиятини янада ривожлантирмоқчи бўлса, қўшимча маблағ талаб этилади. Ривожланиш дастури учун зарур фондлар франчайзингдан тушадиган маблағлар ёрдамида ташкил этилиши мумкин.

2) Франчайзи франчайзор томондан тақдим этилаётган ёрдам хизматлари учун қўшимча тўловни амалга ошириб боради. Барча ишлаётган франчайзилар ойма-ой мана шу тўловни амалга оширади.

3) Франчайзинг янги бозорда тез кенгайиб бориш ва мавжуд бозорда ўз обрўини мустаҳкамлаб олиш имкониятини беради. Айнан франчайзи янги бозорга франчайзор номини олиб киради.

4) Франчайзинг истеъмолчиларга маҳсулот ва хизматлар ҳақида кўпроқ билиш имкониятини яратади. Франчайзор франчайзини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борадиган чора-тадбирлари орқали ҳам франчайзига қўшимча хизмат кўрсатади, ҳам ўз маҳсулотининг кўпроқ танилишига эришади.

5) Франчайзинг тизимининг муваффақияти янги бизнес-концепцияларининг ташкил топишидир. Франчайзинг компанияларининг муваффақияти кўп жиҳатдан бизнес-концепцияларнинг тўғри ва фойдалилигига боғлиқ. Франчайзор ўз бизнес-концепцияларини ривожлантириб боради ва франчайзига ўз фаолияти мисолида исботлаб, кўрсатиб беради.

Франчайзининг ижобий томонлари:

1) Франшиза муҳимлиги юзасидан барча материаллар ва қўшимча хизматлар франчайзор томонидан тақдим этилади.

2) Франчайзи ўз бизнесининг мустақил эгаси бўлиб қолган ҳолда франчайзордан малакавий кўрсатмалар ва ёрдам олади. Бу эса унга бошқа корхоналар йўл қўйиши мумкин бўлган хатолардан қочишга ёрдам беради.

3) Франчайзинг – бизнес бошланғич босқичидаги муаммолар деярли безовта қилмайди, чунки унга ўз франчайзори тажрибаси ёрдам беради.

4) Франчайзи янги соҳада шунчаки ишлаб юрган ҳолда бизнеснинг малакали мутахассисига айланиш имкониятга эга.

5) Франчайзинг доимий ёрдамни англатади. Франчайзинг бизнеси очилгандан кейин ҳам франчайзи франчайзордан бизнес юритиш ва маркетинг масалалари бўйича малакавий хизматлар олишда давом этади.

6) Франчайзинг франчайзор обрўи ва савдо белгисидан фойдаланиш имконини беради. Франчайзи бундай имкониятни франшиза билан бирга сотиб олади, бошқа тадбиркорлар бундай имкониятга эга эмаслар, франчайзи эса ўз франчайзорининг машхур номидан фойдалана олади.

7) Франчайзинг бизнес юртишнинг ҳудудий чегараларини аниқ белгилаб қўяди. Франчайзи ушбу ҳудудда ўз бизнесини самарали ривожлантириши мумкин.

Франчайзинг тизимининг франчайзор учун салбий томонлари қуйидагилардан иборат:

1) Франчайзи тизим қоидаларга риоя қилмай қўйганда у билан муносабатларни тугатишнинг иложи йўқлиги. Франчайзинг шартномасида франчайзини ҳимоя қиливчи қатор моддалар мавжуд бўлиб, улар франчайзор франчайзини барча ҳуқуқлардан маҳрум қила олмаслигини назарда тутади.

2) Франчайзи франчайзорнинг қўл остидаги ишчи ҳисобланмайди, у ўз бизнесининг мустақил эгаси. Франчайзи бизнесидаги битим ёки келишувларни назорат қилишда франчайзор учун қийинчиликлар туғилиши мумкин.

3) Ёмон ишлаётган франчайзилар франчайзор компанияга таъсир этади. Бирор франчайзи ёмон ишласа у бутун франчайзинг тизимида салбий таъсир этиши мумкин.

4) Бадалнинг тўланмай қолиши ёки кечиктирилиши. Франчайзор тақдим этилган хизматлар учун тўлов бадалини ҳар бир франчайзининг умумий сотиш суммасидан маълум фоиз асосида белгилайди. Франчайзи сотувнинг умумий суммаси ҳақидаги ҳисоботда суммани яшриш ёки пасайтириб кўрсатишга ҳаракат қилиши мумкин.

5) Муваффақиятли ишлаётган франчайзининг тизимдан чиқиб кетиши. Франчайзи франчайзор билан тузилган шартномани бекор қилиб, хусусий бизнесини очишни хоҳлаб қолиши мумкин. Бу эса франчайзор учун тўғридан-тўғри рақибни юзага келтиради.

Франчайзининг учун салбий томонлари:

1) Франчайзи франчайзинг тизими қоидаларига риоя этишга мажбур. У ўз таклифларини критиши мумкин, бироқ у тизимни ўзгартира олмайди.

2) Франчайзининг франчайзинг тизимидаги ташаббуслари эркинлиги чекланган. У франчайзинг шартномасидаги кундалик бизнес операцияларига даҳлдор бўлган қоидаларга амал қилиши керак. Унинг

чекланишларига иш вақти, ҳудуд чегараси, таклиф қилинаётган маҳсулот ва хизматлар ассортименти кабилар тегишли бўлиши мумкин.

3) Бутун франчайзи тизимида ўзаро ҳамкорликнинг белгилаб қўйилганлиги. Ҳар бир франчайзи бизнесда ўртоқ ҳисобланади, улар бир-бирлари билан рақобатчи бўла олмайди.

4) Франчайзор томонидан қўллаб-қувватлашнинг сусайиши ёки тўхтаб қолиши. Франчайзи шартнома кучга киришидан олдин франчайзор томонидан кўмак даражасини аниқлаб олиш керак.

5) Франчайзорнинг молиявий барқарор эмаслиги. Франчайзи франчайзор молиявий ҳолатини яхшилаб ўрганиб чиқиши лозим. Франчайзор банкротлик эълон қилса, франшиза сотиб юборилиши ёки барбод бўлиши мумкин.

*Ф.А. Саидназаров,
ММО-03 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

**Экспорт – импорт операцияларини амалга ошириш
механизмини соддалаштириш орқали ташқи савдони
ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси**

Жаҳон миқёсида хўжалик алоқаларининг диверсификацияси, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши маҳсулот ассортиментининг кўпайиши, ҳамда меҳнат тақсимоти ва трансмиллий ҳамкорлик (корпорация) чуқурлашуви натижасида ҳозирда жаҳон савдосида гуркираб ўсиш кузатилмоқда. Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан воситачилар ва истеъмолчиларга етказиш йўллари уларнинг қаердалигидан қатъий назар, янада самаралироқ бўлиб бормоқда.

Бундай шароитда ташқи иқтисодий фаолиятга тўсиқлар ва харажатларига жиддий эътибор берилиши табиий, зеро, ҳукуматлар иқтисодий сиёсатининг муваффақияти ҳамда алоҳида давлатнинг ҳам, жаҳон хўжалигининг ҳам иқтисодий ўсиш суръати мазкур тўсиқ ва харажатлар ҳажмига бевосита боғлиқ. Франсуа, ван Мейль ва ван Тонгрэн (Francois, van Meijl and van Tongren) ларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, ташқи савдо операцияларини амалга ошириш харажатларини бир ярим фоизга қисқартириш жаҳондаги барча давлатлар иқтисодий фаровонлигини 78 млрд. АҚШ долл.га оширади. Уолкентхорст ва Ясуи (Walkenhorst and Yasui, 2003) тадқиқоти натижаларига кўра эса, ташқи савдо харажатларининг бир фоизга қисқартириш жаҳон фаровонлигининг 70 млрд АҚШ долл.га ошишига олиб келади.

Осиё-Тинч океани Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ОТИХ) (АРЕС, 1999) ҳисоботида кўра, савдога кўмаклашишга қаратилган чоратadbирлар натижасида Осиё-Тинч океани минтақасида савдо харажатларининг қисқариши миқдори саноати ривожланган давлатларнинг импорт нархларининг 1 %га, қолган ривожланаётган давлатларнинг

импорт нархларининг 20 %га тенг. Шунингдек, мазкур ҳисоботда савдога кўмаклашиш чора-тадбирлари шу минтақа давлатлари маҳсулотлари экспортининг кўшимча 3,3 %га ортиши ҳисоблаб чиқилган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат ташқи савдо сиёсатини такомиллаштиришнинг муҳим элементи – ташқи савдо тартибини эркинлаштириш билан бирга ташқи савдо муомалаларини соддалаштиришдир. Бундан асосий мақсад – давлатнинг ташқи иқтисодий фаолият устидан назоратини таъминлаш билан бир вақтда ортиқча ҳукукий ва бюрократик тўсиқлари туфайли келиб чиқадиган халқаро савдо операцияларини амалга оширишдаги мураккабликни камайтиришдир. Бунда ташқи савдо процедураларига нафақат ташқи савдо битимини тузиш ва амалга ошириш билан бевосита боғлиқ операциялар, балки божхона назорати, божхона тўловларини тўлаш, халқаро тўловларни амалга ошириш, юклар транспортировкasi ва бошқа процедуралари ҳам кирази.

Ташқи савдога кўмаклашиш бўйича ўтказилаётган ислохотлар доирасидаги таклиф этилаётган чора-тадбирлар халқаро савдо битимлари бўйича процедураларни соддалаштириш, уларни амалга ошириш учун зарур вақт ва харажатларни қисқартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ташқи савдо процедураларини уйғунлаштириш (гармонизация) ва соддалаштириш Жаҳон Божхона Ташкилоти (WCO) ишлаб чиққан Киото Конвенцияси – божхона процедураларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш бўйича халқаро конвенция (1973) муҳим аҳамиятга эга. 1999 йилдан бошлаб, WCO барча аъзо давлатлар божхона ташкилотлари фаолиятида мазкур конвенцияга амал қилишни мажбурий қилиб белгилади, ҳолбуки, шу йилгача фақат тавсия хусусиятига эга эди.

Умуман охириги 10 йил мобайнида жаҳоннинг кўплаб давлатлари томонидан ташқи савдонинг тариф тўсиқларини кескин қисқартириш бўйича олиб борган чора-тадбирлари ташқи иқтисодий фаолиятни самарали амалга ошириш учун етарли эмаслигидан Киото Конвенциясини қабул қилиш зарурати туғилди. Давлатлар божхона чегараларида ушланиб қолиш, унчалик тушунарсиз кўпинча ортиқчаси билан талаб қилинадиган ҳужжатлар давлат томонидан тасдиқланган автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш тизими йўқлиги туфайли тадбиркорлар катта харажат қилишларига тўғри келмоқда.

Бу ҳужжатлар кўп ҳолларда бож тарифлари камайтирилишидан олинадиган фойдадан ҳам ортиб кетмоқда. Масалан, ушбу соҳада олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ЕИХТ давлатларида экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг транзакция харажатлари савдо қилинаётган маҳсулотлар қийматининг 2 % идан 15 %гача ташкил этади. Ташқи савдо операцияларини тартибга солиш тизими ЕИХТ давлатларига нисбатан камроқ ривожланган давлатларда эса бу харажатлар янада кўпроқ бўлиши турган гап.

Ҳозирда кўплаб давлатлар (ЕИ, Россия, Украина ва Ўзбекистон (гарчи Ўзбекистон бу Конвенцияга ҳали қўшилмаган бўлса-да)да Киото Конвенциясидаги қоидаларни амалга ошириш билан боғлиқ процедуралар узлуксиз қайта кўриб чиқилмоқда.

Бунинг учун эса, қоидага кўра, қуйидаги дастаклардан фойдаланилади:

- бир қатор божхона бошқаруви ҳужжатларини ягона ҳужжатда бирлаштириш (масалан, ЕИнинг Ягона бошқарув ҳужжати, халқаро кемалар қатнови Палатаси Коносаменти)

- бошхонадаги расмийлаштиришни компютерлаштириш;

- биргаликдаги “ягона ойна” тамойлини ишлаб чиқиш.

Бундай ислохотларни ўтказишдан яхшигина фойда кўрилишини кўплаб тадқиқотлар ҳам исботламоқда. Масалан, Янги Зеландияда қоғозсиз божхона назоратининг мультимедиали тизимини татбиқ этиш божхона процедураларидан ўтиш вақтини 10 кундан 12 минутгача қискартириш имконини берди. (WTO, 2003) Коста-Рикада эса 1994 йилда “ягона ойна” тамойили электрон декларация қилиш тизими ва автоматлаштирилган хатарни бошқариш механизмига ўтиш божхона текшируви вақтининг 6 кундан 25 минутгача камайишига олиб келди.

У.М.Тоиров, ассистенти, ТДИУ

Экспорт салоҳиятини ошириш барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида республикада экспортга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга ошириш ва экспортчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда ривожланган давлатлар, айниқса, Шарқий Осиёдаги тезкор тараққий этаётган мамлакатлар ташқи савдо сиёсати тажрибаларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш масаласи, республикада ўтиш иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш, жаҳон амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида ташқи савдони тартибга солиш усуллари янада такомиллаштириш зарурлигини талаб қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторига кирувчи ГФР, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Италия, Корея республикаси, Туркия ҳамда Хитой давлатлари билан ўзаро савдо-сотик алоқаларини жадал олиб бормоқда. Бундан ташқари дунёнинг 78 мамлакатига ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Экспорт товарлари

таркибининг кўп қисмини олдин хомашё маҳсулотлари эгаллаган бўлса, ҳозирда эса тайёр маҳсулотлар эгалламоқда.

Импорт таркибидаги халқ истеъмоли товарлари 2 баробар қисқарди. Ёнилғи мойлаш маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликлар импорти қисқарди. Бунга сабаб, импорт ўрнини босувчи товарларнинг ўзимизда ишлаб чиқарила бошлаганидир. Ҳозирда мамлакатимизда импорт қилинадиган товарларнинг 74 %ини ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳлар ва мини заводлар ташкил қилмоқда.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар ташқи савдо тартиби ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мақсадли иқтисодий ривожланиш стратегияларини амалга оширишни тақозо этади. Хусусан, республикамиз экспорт салоҳиятини юксалтириш ва мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ташқи савдо давлат томонидан қандай усуллар орқали тартибга солиши зарурлиги тўғрисидаги саволлар бугунги кунда турли мушоҳадаларга сабаб бўлмоқда. Умуман, Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган ижтимоий иқтисодий ривожланиш стратегияларининг аниқ мақсад ва вазифалари, унинг келажаги билан боғлиқ масалалар тезкор ечимни талаб қилади.

Маълумки, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида экспортга ёки импорт ўрнини босишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг олдиндан белгилаб олиниши долзарб масала ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар қандай иқтисодиётда экспорт соҳасида кўриладиган фойда импорт ўрнини босишга нисбатан бир неча баробар ортиқдир¹.

Ташқи ривожланишининг ҳар хил кўринишларига эга бўлган 40 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг Жаҳон банки экспертлари томонидан статистик таҳлил қилиниши ҳам, 1963-1985 йиллар мобайнида узоқ муддатга мўлжалланган импорт ўрнини босишга қаратилган иқтисодий сиёсат ўртача 1,6 %га иқтисодий ўсишни таъминлаган бўлса, ҳозирги кунда, экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш стратегияси ўртача 6,0 – 7,0 %ни таъминлаганлигидан далолат беради².

Айнан шу сабабли, кўпчилик мамлакатлар ўз экспортчиларини у ёки бу шаклларда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Бу дунё бозорида рақобат кураши кескин тус олаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий моҳияти шу билан изоҳланадики, бозор иқтисодиёти шароитида давлат “бозор” бажара олмайдиган бир қатор вазифалар учун маъсул ҳисобланади. Бу тизим ўз ичига қуйидаги чора тadbирларни қамраб олади:

¹ Рубинская Э.Т. Управление внешнеэкономической деятельностью. –М.: Контур, 1998.-с 7

² Сборник статей Проекта «Экспорт плодовоовощной продукции дехканских и фермерских хозяйств в Узбекистане: достигнутые результаты перспективы развития». Республиканская научно-практическая конференция 28-29 марта 2002 года. – Т.: ТГЭУ, 2002.

- экспортни давлат томонидан имтиёзли кредитлаш ва берилган кредитларни ҳар хил сиёсий таваккалчиликлар, урушлар, инқилоблар, табиий офатларга қарши суғурталаш;
- устувор экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш;
- махсус ташкил этилган фондлар доирасида экспортга мўлжалланган устувор лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш жараёнини давлат томонидан молиялаштириш;
- экспорт қилувчиларни маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий чора тадбирлар орқали қўллаб-қувватлаш;
- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларида капитал қўйилмаларни узоқ муддатли жойлаштириш;
- экспорт қилувчи корхоналарнинг ички ва ташқи баҳолари ўсиши натижасида юзага келадиган иқтисодий таваккалчиликлардан ҳимоялаш.

Ривожланган мамлакатларда амал қиладиган бундай тизимлар ташқи бозорларни забт этишга қаратилган давлат сиёситининг принципиал моҳиятини белгилайди ва жаҳон бозорлари ҳолатидан келиб чиққан ҳолда доимий такомиллаштириб борилади. Мазкур мамлакатларда экспортни рағбатлантириш тизимларини такомиллаштириб боришнинг асосий мақсади экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш янги шакллариини вужудга келтириш, қатъий рақобат шароитида иқтисодий жихатдан бевосита қўллаб-қувватлашни талаб этадиган тармоқ корхоналарини ташқи иқтисодий соҳага фаол жалб этиш орқали мамлакат экспорт негизини ривожлантиришдан иборатдир.

*Г. Хамидова, 2 курс магистри,
Илмий раҳбар: Н.О. Каюмова, доц., ТДИУ*

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг макроиқтисодиётдаги аҳамияти

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши - қайси мамлакатда бўлмасин макро ҳамда микроиқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Макроиқтисодий сиёсатда, яъни иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш тизимида, пул муомаласи ва эмиссиясида, товарлар ва хизмат кўрсатиш турларининг экспорт ва импортида, ташқи тўлов баланси ҳолатига, олтин-валюта захиралари миқдори, хорижий капитал қўйилмаларининг миқдорлари, валюта курсининг ҳаракати ва ташқи савдо ва тўлов механизмларини ташкил этишда ўз таъсир доирасини кўрсатади. Бу таъсир доираси дастурларида ўзгарувчан иқтисодий дастаклар, масалан: ички кредитлар, давлат секторидаги бюджет дефицити, халқаро резервлар ва ташқи қарзларни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолият юритиши учун энг муҳим омилларидан бири ҳудуд ташкил этилган мамлакатда сиёсий барқарорлик

бўлиб ҳисобланади. Ундан сўнг эса хорижлик инвесторлар ва молия олийгоҳлари ҳисобланган Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки ҳисобланади. Чунки бу икки молия олийгоҳи халқаро ҳамжамиятдаги молия ва валюта алоқаларининг ялпи миқдорини бошқариб боради ва давлатлардаги тўлов балансларининг дефицитларини ўз кредитлари орқали қоплайди. Шунинг учун бу икки халқаро молия олийгоҳларининг аъзолари учун тўлов баланси дефицитлари деган ибора кам қўлланилади.

Бу икки олийгоҳ билан ўзаро алоқадорликда тузилмаган эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш бирмунча қийинроқ кечади. Бундай тажрибани Хитой Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятида кузатиш мумкин, чунки 1989 йилда мамлакатда бошлаган ўта қийин сиёсий ва иқтисодий шароитлардаги миллий қонунчиликдаги реформалар эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятида ўз аксини топа олмади.

Маҳаллий компанияларнинг эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият юритиши таъқиқланганлиги ва сиёсий беқарорлик бошланганлиги сабабли хорижий инвесторларнинг кириб келиши сусайганлиги ва халқаро кредитлар берувчи олийгоҳлар Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки билан ўзаро алоқаларнинг мустаҳкам эмаслиги эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда миллиард доллар капиталга эгалик қилувчи кишилар сони 1000 кишини, ўн миллиондан юқори капиталга эгалик қилувчилар сони эса бир неча миллион кишини ташкил этаркан. Лекин бундай маблағларга эгалик қилувчи давлатлар сони эса 250дан сал камроқни ташкил этади. Ҳар қандай кичик давлат йирик мамлакатдан рақобатбардошлиги, ўз миллий валютасига эгалик қилиши ва макроиқтисодий барқарорлиги билан фарқ қилади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши макроиқтисодиётда қандай аҳамиятга эга бўлади ва бу иқтисодиё самарадорликни қайси усуллар билан аниқлаш лозим деган саволга жавоб топмоқчи бўлсак, бюджетнинг асосий даромади тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва бу фаолият давомида тадбиркорлар тўлайдиган солиқлардан ташкил топади.

Тадбиркорлар фаолияти даромадларининг йиғиндиси – ялпи миллий даромаднинг маҳсулотлар йиғиндиси таркиб топган қисми ҳисобланиб, бу даромад қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Y = C + G + I + X \quad (1.1).$$

Бу ерда:

Y – тадбиркорлар даромади йиғиндиси;

$C - G$ – ҳукумат ва хўжаликларнинг харажатлари;

I – инвестицияларнинг йиғиндиси;
 X – ташқи иқтисодий фаолият қолдиғи.

Ташқи иқтисодий фаолият қолдиғини аниқлаш эса қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$X = E - M \quad (1.2).$$

бу ерда,

E – экспорт қилинган товарлар (хизматлар) мажмуаси;

M – импорт қилинган товарлар (хизматлар) йиғиндиси.

Ташқи иқтисодий фаолият қолдиғи мусбат ёки манфий бўлиши мумкин. Агар $E > M$ бўлса, яъни экспорт қилинган маҳсулотлар миқдори – импорт қилинган маҳсулотлар миқдоридан юқори бўлса, қолдиқ мусбат ёки $E < M$ бўлса, яъни экспорт қилинган маҳсулотлар миқдоридан кичик бўлса қолдиқ манфий бўлади.

Тадбиркорлар фаолиятининг даромадларини аниқлаш формуласидан (1.1) кўриниб турибдики, ялпи миллий даромаднинг ортиши учун инвестицияларнинг кириб келиши ва ташқи иқтисодий фаолият қолдиғининг мусбат даражаси (формула 1.2) муҳим омиллардан ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши эса – Республика иқтисодиётига инвестициялар оқимининг кўпайиши ва оқибатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ортиб бориши билан ташқи иқтисодий фаолият мусбат даражасининг кўтарилишига таъсир кўрсатади.

Мирзаева К.Х., МУА-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

«Тўхтаниёз-Ота» фермер хўжалиги

«Тўхтаниёз-Ота» фермер хўжалиги Тошкент тумани Келес шаҳрининг Саноат масканида жойлашган бўлиб, у 1993 йил «То'хтаниёз-ота» хусусий кичик корхонаси сифатида фаолият юрита бошлаган. Хусусий кичик корхона асосан маҳаллий аҳолининг чорва молларини сўйиш хизмати ва паррандачилик фаолиятини олиб борган. 2000 йил 30 май куни Тошкент тумани Хокимининг 305-сонли Қарорига мувофиқ «Тўхтаниёз-Ота» фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда халқимиз дастурхонига сифатли, халол маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида 2002 йил АТ Пахтабанкдан кредит олиб, Италиянинг «VERIPACK» компаниясининг сосискаларини вакуум қадоқлаш бўйича замонавий ускуналарини олиб келиб ўрнатиб, Республикамизда биринчи бўлиб сосискаларни вакуум қадоқлашни йўлга қўйди.

2003 йилнинг иккинчи ярмида фермер хўжаликнинг гўштга бўлган талабини қондириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Тошкент тумани собиқ Собир Раҳимов ширкат хўжалигидаги бир

ташландиқ фермани олиб, капитал таъминлаб, бир вақтнинг ўзида 400 бош қора молни бўрдоқига боқиш мумкин бўлган, ҳамма шароитлари мавжуд бўлган чорва фермасига айлантирди.

Фермер хўжаликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Европанинг «Polyclip Sistem», «Tipper Tie Technopack», «Vegam Maschinenbau», «Laska», «Shaller Lebensmitteltechnik», «Multivac», «Bizerba», «Seydelmann», «Karpowich», «Veripack», «Handtmann», «Maja» каби илғор компанияларнинг асбоб-ускуналарида ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилаётган колбаса, сосиска маҳсулотларимиз харидорлилиги, аъло сифатлилиги, рақобатбардошлиги билан нафақат Ўзбекистоннинг ички бозорида, балки хорижлик истеъмолчиларда ҳам яхши таассурот қолдирди. Бунга мисол тариқасида 2003 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтган ривожланаётган мамлакатлар анжуманида қатнашиб, «Олтин» медаль билан, 2004 йил АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида «Платина» медали билан тақдирланган ҳамда шу йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «UzFOOD» кўргазмасида қатнашиб, «Ўзбекистонда энг кўзга кўринган маҳсулот» совринига сазовор бўлган.

2003 йил фермер хўжалиги раҳбари Тўхтаниязов Мухтор Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда аҳолининг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда сифатли, рақобатбардош макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Россиянинг илғор «ТЕКО» компаниясидан замонавий макарон ишлаб чиқариш линияси харид қилиниб, ишга туширилди ва 10 турдан ортиқ макарон маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик танловининг 2006 йил республика босқичида қатнашиб, «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси «MATIZ» автомашинаси ҳамда фахрли диплом билан тақдирланган.

2006-2007 ҳамда 2008 йил якуни бўйича «#1 choice of the year 2006» (2006 йилнинг I даражали маҳсулоти (выбор года)), «#1 choice of the year 2007» (2007 йилнинг I даражали маҳсулоти (выбор года)) ҳамда «#1 choice of the year 2008» (2008 йилнинг I даражали маҳсулоти (выбор года)) совринларига муносиб кўрилди.

2007 йилда ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми ҳамда турини кўпайтириш мақсадида Россиянинг «УПМАШ» ва «ТЕКО» компанияларининг ускуналари АТ Пахтабанкнинг кредити эвазига олиб келиниб, ишга туширилди.

Фермер хўжалигида жами бўлиб, 50 га яқин ишчи ва ходимлар меҳнат қилиб келмоқдалар. Уларнинг меҳнатларидан унумли фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар тўлиқ яратилган. Уларнинг икки маротаба

иссиқ овқат, ҳар мавсумга яраша махсус кийим-бош, поябзаллар билан тўлиқ таъминланганлар.

Ҳозирги кунга келиб фермер хўжалиги паррандачилик, бўрдоқчилик гўштни қайта ишлаш, яъни колбаса, сосиска маҳсулотлари ҳамда 10 турдан ортиқ сифатли макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Ж.Р. Шаймардонов,
магистратура талабаси, ТДИУ

Ўзбекистонда мева-сабзавотларни қайта ишлаб чиқариш ва қадоқлаш имкониятлари (Навоий вилояти мисолида)

Ўрта Осиё қадимдан гўзал табиати, ҳайвонот дунёси ва ўсимлик дунёси билан бутун дунёга машҳурдир. Айниқса, бу ўлканинг шифобахш моддаларга бой ғайритабиий таъмга эга мева ва сабзавотларини айтмайсизми? Ўрта Осиё минтақасида Ўзбекистон деган бир жаннатмакон ўлка борки, юқорида тилга олинган бебаҳо неъматларнинг энг саралари шу юртда етиштирилади. Қува анори, Каттақурғон кишмиши, Наманган олмаси, Учқора майизи, Самарқанд анжири, Олтиариқ бодринги-ю узумини ким эшитмаган дейсиз?

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили 5-6 млн. тонна атрофида мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон иттифоқдош республикаларнинг мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган талабининг 55-60 %ини қондирган.

Навоий вилоятида мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш борасида диққатга сазовор ишлар олиб борилмоқда. Аввалам бор, Навоий вилояти деганда кўз ўнгимизда бепоён Қизилқум чўллари ва катта саноат шаҳри гавдаланади. Лекин бу юртда ўз меҳнати ва меҳрини сарфлаб турли кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган бобо деҳқонлар ҳам бор.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек; “Ислоҳот-ислоҳот учун эмас балки, ислоҳот – инсон учун мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтаришга қаратилгандир”. Навоий вилоятида Президентимиз таъкидлаганидек, ислоҳот – инсон учун бобо деҳқоннинг турмуш фаровонлигини кўтаришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Вилоятда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш борасида эътиборли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 9 январда “Мева-сабзавотлик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3709 сонли фармони шунингдек, Навоий вилоят ҳокимининг мазкур соҳасини ривожлантириш борасидаги 2006 йил 16 январдаги 6-сонли қарорлари вилоятда ушбу маҳсулотларни етиштириш

ҳажмини кескин ошишига олиб келди. Ўз узумлари ва Учқора майизлари билан машҳур бўлган вилоятнинг Хатирчи туманида ислохотларнинг самараси сифатида 475 минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлган замонавий майизни қайта ишловчи “Қоракишмиш тасмачи” агрофирмаси ташкил этилди.

Бундан ташқари Хатирчи ширинлик шуъба корхонаси Буюк Британиянинг “ВА Интернационал” фирмаси ўртасида 450 млн. сўмлик экспорт шартномаси имзолади. Вилоятда 2006 йилнинг октябрь ойида 113561 тонна мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирилиб унинг 60 тоннаси экспортга чиқарилди. Маҳсулотларнинг асосий харидорлари Россия ва Қозоғистон ҳисобланади. Аммо вилоятдаги мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар минтақада етиштирилаётган маҳсулотларнинг ўндан бирини ҳам қайта ишлай олмайди.

Навоий вилоятида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни кўзда тутиб, мамлакатимиз тадбиркорлари, шунингдек хорижий инвесторларни мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш саноатига инвестиция киритишлари учун бой инвестиция муҳити ва савдо шароити мавжуд. Юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Мамлакатимиз миқёсидаги Президентимизнинг қуйидаги қарор ва фармонлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги 2008 йил 2 декабрдаги фармони. Бу фармонда асосий эътибор мамлакатдаги мавжуд хомашёдан фойдаланган ҳолда рақобатбардош экспорт товарларини ишлаб чиқаришдир.

2. 2005 йил 11 апрелда эълон қилинган “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорида хорижий инвесторлар учун 3 йилдан 7 йилгача солиқ имтиёзлари жорий этилган.

3. 2006 йил 9 январда эълон қилинган “Мева-сабзавотчилик соҳасида иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида янги ташкил этилган узумчилик ва боғдорчилик фермер хўжаликлари, агрофирмалар учун 3 йлдан 5 йилгача солиқ имтиёзлари, шунингдек уларни экспортга чиқаришда бир қатор енгилликлар белгилаб қўйилган.

4. Вилоятнинг катта саноат шаҳарлари ва улар аҳолисининг юқори даромадлилигини назарда тутиб, ушбу маҳсулотлардан тайёрланган шарбат, мураббо, қоқи ва консерваларга ички эҳтиёжнинг катталиги.

5. Мамлакатимиз қонун ҳужжатларида экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маҳсулотларини экспортга чиқарадиган корхоналар учун солиқ ставкаси 50 %гача пасайтирилиши белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Агар биз мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни кўпроқ барпо этсак, бўш ётган ерлар ўзлаштирилиб, ҳар бир экилган мевали дарахт вилоят шаҳарларининг асосий муаммоси ҳаводаги зарарли моддаларни тозалашда ёрдам беради.

Ш.Х. Баева, МКФ 02 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида мулкни хусусийлаштириш, иқтисодиётда кўп укладли иқтисоднинг яратилиши, ишлаб чиқаришни бозор талабига биноан қайтадан ташкил этиш, иқтисодиётни бошқаришни турли иқтисодий усуллар ёрдамида олиб бориш, аҳолининг турли-туман товар ва хизматларга бўлган талабини таъминлаш кабилар тадбиркорлик корхоналарининг ташкил этилиши ва нодавлат секторини ривожлантириш заминидан юз беради.

Иқтисодиётда тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг шаклланиши йирик корхоналарни айрим харажатлардан холос этиб, кўп ҳолларда йирик корхоналарда қўлланиладиган янги техника ва технологияларнинг кичик корхоналарда қўлланилиши кўпроқ самарадорлик келтиради. Тадбиркорлик ва хусусий корхоналар жамият учун бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ янги товарларни етказиб беради ҳамда истеъмолчиларнинг талабини кенгроқ ўрганиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб боради.

Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, 2009 йилнинг устувор йўналишларидан бири – хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳаси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ривожлантириш ҳисобланади. Кичик бизнеснинг ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқироzi даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради. 2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, ҳозирги шароитда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда рақобатчи фирмалар маҳсулотлари сифати, нархи ҳам тахминан бир хил бўлган шароитда ўз рақибидан ўзиб кетиш учун ундан

кўпроқ маълумотга эга бўлиши лозим. Республикада тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий омиллар маълум вақт ҳамда махсус билимлар, тадбиркорлик асослари, хорижий ва мамлакатимиз тажрибаларини теран ва изчил ўрганишни талаб қилади.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар муҳим ижтимоий- иқтисодий феномен-тадбиркорлик ва хусусий бизнесга янгича назар билан қарашга мажбур қилади, бу фаолият учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилишича, тадбиркорлик фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишларига йўналтирилган, ўз номи билан, ўз таваккалчилиги ва ашёвий масъуллиги ёки юридик шахс номидан ва унинг ашёвий масъуллиги асосида амалга ошириладиган ташаббусли, мустақил фаолиятдир.

Аҳоли бандлиги ва турмуш даражасида сифат ўзгаришларини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар соҳаси ва касаначиликни изчил ривожлантириш давом этмоқда. Кичик бизнес саноат ишлаб чиқариши ҳажми 21,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 2007 йилдаги 45,7 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизгача, ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши эса тегишли равишда 42,5 дан 45,3 фоизгача ўсди. Ўтган йилда қарийб 661 мингта, шу жумладан касаначилик ҳисобига 97,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳоли реал даромадларининг 23 фоизга ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорлик ва хусусий бизнесни моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида амалга ошириш мумкин. Бундай ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўплаб объектив ва субъектив омиллар, шарт-шароитларга боғлиқ. Хусусий мулкка муносабат, товар-пул ёки бозор муносабатлари ва ҳуқуқий-ҳўжалик муносабатлари энг муҳим иқтисодий омиллар ҳисобланади. Бу муносабатлар қанчалик кенгайса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий самараси ҳам шунчалик кўпроқ бўлади.

Фермер хўжаликлари ривожланиши – тараққиёт омили

Мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган қишлоқ хўжалиги ва агробизнес соҳасида олиб борилаётган ислохотлар эътиборлидир. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа ҳисобланади. 2008 йилдаги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, қишлоқ хўжалигида 4,5% га ўсишга эришилиб, 3 млн. 400 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 млн. 330 минг тонна ғалла, шу жумладан 6 млн. 145 минг тонна буғдой етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг барчаси бозор муносабатлари ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун, фермер хўжаликлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, уларга ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш зарур.

Ҳозирги даврда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши аграр ислохотларни амалга оширилишининг энг самарали шакли ҳисобланади. Чунки мулкдорнинг мулкка, хўжалик фаолияти самарасига бўлган муносабати ўзгариб бормоқда. Энди, биринчи навбатда ўз манфаати, келажагини кўзлаш асосидаги фаолият самараси бутун иқтисодиёт самарадорлиги ошишига олиб келади.

Аҳолининг иш билан бандлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлигининг бош омили ҳисобланади. Республикаимизнинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси бандлигини таъминлашда фермер хўжаликларининг ҳиссаси йил сайин ортиб бормоқда.

Фермер хўжаликларининг янада самарали фаолият юритишини қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашни янада рағбатлантириш;
- моддий-техникавий негизини модернизация қилишни қўллаб-қувватлаш;
- тегишли жойларда фермерларга ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этиш;
- фермер хўжаликларининг ташқи бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш;
- фермер хўжаликларида Интернет орқали савдо қилиш имкониятини ташкил этиш борасида замонавий жиҳозланган марказлар

фаолятини йўлга қўйиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш.

Юқорида айтиб ўтилган чораларнинг амалага оширилиши республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ривожига учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

*Б.А. Шермухамедов, асп.,
О.А. Шермухамедов, соиск., ТГЭУ*

Анализ рисков в таможенном деле

Анализ рисков в таможенном деле – это мероприятие, позволяющее организовать эффективный, централизованный и единообразный таможенный контроль на всей территории, привести его к сравнимым результатам. «Анализ рисков» применительно к таможенной сфере является первой частью трехступенчатого процесса, включающего еще проведение досмотров и оценку результатов контроля. Целью анализа являются создание условий для того, чтобы большая часть товаропотока беспрепятственно пересекала границы, в то же время обеспечить уплату таможенных платежей, обеспечение интересов участников ВЭД (торгово-политические мероприятия, защита потребителя, защита культурного наследия и окружающей среды), обеспечение соблюдения налогового законодательства и предписаний в области статистики.

На основе проведенных анализов, нами выделены следующие этапы проведения анализа риска:

- выявление области риска (Например, группа или тип участников ВЭД, состав, область деятельности, репутация, платежеспособность).
- исследование рисков (Предусматривается конечная цель. Например: контрабанда, уклонение от таможенного контроля, нарушение запретов и ограничений, неполная уплата пошлин и налогов),
- установление индикаторов риска (Они бывают следующих типов: индикаторы риска, относящиеся к товарам – количество товара, таможенная стоимость, страна происхождения, товарная классификация и , индикаторы риска, относящиеся к участникам ВЭД),
- оценка риска (Предусматривается вероятность совершения правонарушения или преступления).

Анализ и управление рисками основывается на информации. На начальном этапе информация представляет собой необработанные данные, еще не подвергавшиеся анализу. После того как информация будет проанализирована в целях установления тенденций, или в случае если она была добыта специфическим образом – проверена и использована в определенной ситуации, она называется сведениями. Изучение проблем управления и анализа рисками говорит о необходимом

совершенствовании, нововведении в работе таможенных органов. И таким нововведением может явиться эффективное использование информационных систем. Это объясняется тем, что с помощью информационных систем становится возможным осуществлять анализы риска и более правильно и оперативно принимать решения. Информационная система управления рисками представляет собой метод по улучшению таможенного контроля. Его цель заключается в том, чтобы в интересах более высокой эффективности работы таможенной службы проводить контроль в тех случаях, когда угроза возникновения нарушений или контрабанды является выше среднего.

Максимальное использование информационных технологий является одним из важнейших направлений использования методик анализа рисков в интегрированной таможенной системе. Функциональные задачи программного продукта должны быть общими как для таких макротехнологических объектов, как таможня или региональное таможенное управление, так и для таможенного поста или специальных аналитических групп.

При этом необходимо учитывать следующие требования:

- точное протоколирование операций по анализу риска;
- информация должна поступать в режиме реального времени;
- дальнейшее таможенное оформление должно разрешаться только после принятия согласованного решения.
- использование нормативно-справочной информации, поддерживаемой комплексной автоматизированной системы;
- обеспечение групповой обработки данных;
- обеспечение доступа к сети и к базам данных аналитической группы при таможенном комитете и других подразделений таможенного органа;
- организация доступа к программному продукту на основе персональных паролей;
- редактирование, изменение и пополнение информации;
- поиск по критериям риска (страна, товар, юридическое лицо и т.д.);
- настройка пользователем полей для вывода на печать и сохранение операций.

А сведения по таможне предлагаем классифицировать следующим образом:

- оперативные сведения (ориентировки) – информация, на основании которой необходимо немедленное вмешательство без ее дополнительных проверок и дальнейшего расследования;
- тактические сведения – проанализированная информация для обеспечения мер по контролю, планированию и проведению оперативно-розыскных мероприятий, относящаяся к товаропотокам, средствам

доставки и участникам ВЭД (перевозчикам, владельцам складов временного хранения, организациям);

- стратегические сведения – структурированная информация о методах и общих тенденциях, размещенная в специальных базах данных.

Важнейшее место в указанных видах сведений занимают оперативные ориентировки. Фактический анализ риска представляет собой развитие анализа оперативной обстановки с учетом динамически меняющихся факторов и воздействием на них. Факторами риска для проведения анализа могут являться:

- данные о юридических и физических лицах, совершивших правонарушения при перемещении товаров через таможенную границу Узбекистана;

- таможенное законодательство и таможенные документы;
- география грузопотоков;
- товары (не типичный для страны-экспортера груз, определенная товарная группа товаров, несезонный товар и т.п.);
- транспортные средства, контейнеры;
- недавно образованная фирма-отправитель / получатель;
- таможенная стоимость и страна отправления, с которой связано наибольшее количество нарушений.

С. Айтиева, МТД-01 гуруҳи талабаси, ТДИУ

Бож тарифи ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг асосий воситаси

Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишда жаҳон амалиётида кўп қўлланиладиган усуллардан бири таъриф усулидир. Тариф усулининг асосини бож тарифи, яъни божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига асосан бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкалари тўплами ташкил этади.

Ихтиёрий мамлакатнинг бож тарифи божхона божларининг аниқ ставкаларидан иборатдир. Божхона божи – товарларни импорт ёки экспорт қилишда божхона органлари томонидан ундириладиган ва экспорт ёки импортни шароитини белгиловчи тўланиши лозим бўлган тўловдир.

Божхона божлари моҳиятига кўра, уч асосий вазифани бажаради:

- Фискал, бу вазифа ҳам импорт ва ҳам экспорт божларига тегишлидир. Чунки бу божлар давлат бюджетини тўлдириш манбаларидан биридир.

- Протексинистик (ҳимоя), бу вазифа фақат импорт божларига тааллуқлидир. Чунки улар ёрдамида давлат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилади.

- Баланслаштирувчи, яъни мамлакат ички бозоридаги нархи жаҳон бозоридаги нархлардан паст бўлган товарларнинг мамлакат ҳудудидан экспорт қилинишининг олдини олиш. Бу вазифа экспорт божларига тегишлидир.

Божхона божлари ундириш тартибига кўра: биринчиси, адволат – бу бож тури божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари божхона қийматидаги фоизда ҳисобланади. Одатда бундай божлар бир товар гуруҳига мансуб бўлган ҳар хил сифат кўрсаткичларига эга товарларга нисбатан қўлланилади. Адволат божларнинг шу гуруҳга мансуб бошқа бож турларидан фарқлантирувчи кучли томони шундаки, божга тортиладиган товар нархининг тебранишидан қатъий назар, адволат бож ички бозорни бир даражада ҳимоя қилади. Фақат давлат бюджетига тушаётган даромад миқдори ўзгариши мумкин.

Адволат божнинг камчилик томони шундан иборатки, бу бож товарнинг божхона қийматини ҳисоблашни тақозо этади. Товарнинг қиймати турли иқтисодий ва маъмурий омиллар таъсирида ўзгариб туришини ҳисобга оладиган бўлсак, адволат божни қўллаш баҳолашнинг субъективлиги билан боғлиқдир.

Божни ундирилиш тартибига кўра иккинчи тури – хос божлардир. Бу бож қийматини божга тортиладиган товарни бирлигидан белгиланган катталиқда ҳисобланади. Бу белгига кўра божни яна бир тури, юқорида келтирилган иккала бож турини ўзида мужассамлаштирилган аралаш бождир.

Жаҳон хўжалиги амалиётида қўлланиладиган ундирилиш объектига кўра белгига асосан синфланадиган яна бир гуруҳи – импорт ва экспорт ва транзит божларидир. Импорт божлари импорт товарларига, уларни мамлакат ички бозорида эркин алмашувига чиқарганда қўлланилади. Бу бож жаҳондаги барча давлатлар ўртасида томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хориж рақобатчиларидан ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

Экспорт божлари экспорт товарларига, уларни божхона чегарасидан ташқарига чиқаришда қўлланилади. Бу божлар мамлакатлар томонидан жуда ҳам кам ҳолларда қўлланилади.

Транзит божлари шу давлат ҳудудидан транзит сифатида олиб кетилаётган товарларга нисбатан қўлланилади. Бу амалиётда жуда кам учрайди, асосан савдо уруши воситаси сифатида қўлланилади.

Характерига кўра божхона божлари:

1. Мавсумий, фаслий характерга эга бўлган маҳсулотларни асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро савдони тезкор равишда тартибга солишда қўлланиладиган божларга. Одатда бундай божларни қўлланилиш муддати бир йилда бир неча ойдан ошмайди ва уларни қўллаш даврида бож тарифини мавсумий божларга тортиладиган товарлар бўйича таъсири тўхтатилади.

2. Агарда бундай товарларни ишлаб чиқариб, ташкил жараёнларида бевосита ва билвосита субсидиялардан фойдаланилган бўлса, компенсация божлари эса шундай импорт товарларига нисбатан қўлланилади.

Импорт тарифини ҳар бир давлат иқтисодиётига таъсири турлича бўлиб, уни таъсир даражаси ҳар бир давлатнинг дунё хўжалигидаги иқтисодий салмоғига боғлиқ.

2009 йилги иқтисодий дастуримизнинг энг муҳим устувор йўналиши – бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнларини давом эттиради.

Навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир – бири билан чамбарчас боғлиқ кенг қўламли чора – тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб – қувватлашдан иборат.

Давлат халқаро иқтисодиётда кичик давлат дейилади, агарда у томонидан импорт товарларига бўлган талаб ўзгариши дунё миқёсида уларнинг баҳоси ўзгаришига олиб келмаса.

Агар давлат томонидан импорт товарларига бўлган талабни ўзгариши дунё миқёсида баҳони ўзгаришига олиб келса, давлат катта ҳисобланади.

Дунёдаги кўпгина давлатлар халқаро иқтисодиёт нуктаи назаридан кичик давлатлар ҳисобланади, чунончи улар томонидан импорт товарларига бўлган талабни ўзгариши учун дунё миқёсидаги баҳоларини ўзгаришига олиб келинади.

Моделнинг қуйидаги 3 – босқичи мавжуд: товар давлат ҳудудида ишлаб чиқарилади ва шу ҳудудда истеъмол қилинади, яъни ташқи савдо фаолияти бошлангунга қадар, импорт тарифи киритилгандан сўнг эркин савдо шароитида яъни четдан товарлар импорти ҳеч қандай тўсиқлар билан чегараланмайди.

Барча мамлакатлар каби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари ҳам республикамизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди ва ана шу ишни амалга оширишда бир қатор воситалардан фойдаланилади. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишда, жаҳон амалиётида кўп қўлланиладиган усуллардан бири тариф усулидир. Тариф усулининг асосини бож тарифи, яъни божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси таойиллари ва қоидаларига асосан бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкалари тўплами ташкил этади.

Божхона тўловлари тизимида божхона божининг тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг юзинчи моддасига кўра това ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

- бож;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- лицензия берганлик учун йиғим;
- божхона расмийлаштирувчи бўйича мутахассис малака аттеста берганлик учун йиғим;
- божхона расмийлаштирувчи учун божхона йиғими;
- товарларни сайлаганлик учун божхона йиғими;
- товарларни божхона кузатувчига олганлик учун божхона йиғими;
- дастлабки қарорни қабул қилинганлик учун ҳақ.

Божхона тўловларидан божхона божи ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда қўлланиладиган иқтисодий усуллар асосини ташкил этадиган бож тарифини таркибий қисмидир.

Божхона божлари, моҳиятига кўра, учта асосий вазифани бажаради:

- фискаль, яъни давлат бюджетини даромад қисмини тўлдириш;
- протекционистик, яъни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хориж рақобатчиларидан ҳимоя қилиш;
- баланслаштирувчи, яъни мамлакат ички бозоридаги миллий товар ва хорижий товарларга бўлган талаб ва таклифни тенглаштириш.

Жаҳоннинг бир қатор иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларининг кўп йиллик тажрибалари кўрсатадики, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришда божхона божларидан фойдаланиш бирлигидан, миллий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан оқсоқроқ бўлган соҳаларини ҳимоя қилиш, иккинчидан тенг рақобат муҳитида импортни легаллаштириш ва шу билан бир қаторда давлат бюджетини тўлдириш вазифаларини бажаради.

Бу вазифаларнинг барчасини бир вақтда самарали бажариш учун белгиланаётган бож ставкалари, божга тортиладиган товарларни ички ва ташқи бозорлардаги нархлари ўртасидаги фарқлар асосида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари бож ставкалари сони ва ставкалар қиймати, ички ва ташқи шароитларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш мамлакатнинг ташқи савдо айланмасини миқдорини ошириш, айниқса уни таркибига кирувчи экспорт миқдорини ошириш имконини беради.

Бу эса ўз навбатида мамлакат тўлов баланси ошишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида божлар, энг аввало импорт божларини белгилашда уларни товар ва товарлар гуруҳи бўйича дифференциаллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 февраль 2009 йилдаги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: "... Ташқи бозорда конъюнктурани ёмонлашувига қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, айти вақтда товар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдо балансида ижобий сальдо ҳажми сезиларли даражада ўсди... Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш..." имконияти яратилди.

М.С. Авлиханова, ММНП-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув муаммолари

Ҳозирда чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган даврда аввал учрамаган ёки эътибордан четда қолган ҳолатлар ва ҳодисалар кўзга ташланмоқда. Ана шулар жумласига корпоратив корхоналар, корпоратив маданият, трансмиллий корпорациялар, молия-саноат гуруҳлари ва уларни ифодалайдиган тушунчаларни назарда тутиш мумкин. Интеграциялашув шароитида корхоналар хўжалик юритиш амалиётида корпоратив бошқарувнинг кенг тарқалганлиги муайян мамлакатнинг очиқлик ва ривожланиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Самарали фаолият юритаётган компаниялар, қўшма ва ҳиссадорлик корхоналарисиз мамлакат турмуш фаровонлигини ошириш ва қўшимча ишчи ўринларини ҳосил қилиш учун шароит яратиш қийиндир. Давлат учун инвестициялар жалб қила оладиган, ишчи ўринлари ва моддий бойликларни ярата оладиган, пухта ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, бошқарув савияси яхши бўлган корхоналар керак. Шунинг учун, вертикал ёки горизонтал корпоратив бошқаруви тизимлари миллий иқтисодиётни ривожланиши учун зарур шарт-шароит бўлиб қолмоқда.

Корпоратив бошқарув бозор шароитида ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан ўз мақсадига эришиш ва фойда олишга

қаратилган, корпорация фаолиятида профессионал даражада амалга ошириладиган раҳбарликдир. Корпоратив бошқарув муаммоси пайдо бўлишининг асосий иқтисодий сабаби мулкка эгалик қилиш, уни бевосита бошқаришдан бегоналаштирилишидир. Бундай ажратиш натижасида, корхона фаолиятида бевосита бошқарувчи ёлланма раҳбарлар роли табиий равишда ортиб боради. Ижроия органлари ҳар доим ҳам корхонани самарали бошқаравермайди. Акциядорлар томонидан корхона фаолияти устидан лозим назоратнинг йўқлиги сабабли рўй берадиган тежамсизлик, фонд бозорида корхона акцияларининг ўта қадрсизланиши, ҳаттоки банкротлик ҳолатини келтириб чиқаради.

Корпоратив бошқарувнинг самарали моделини қуришга қуйидагилар ҳалақит бермоқда:

- компаниялардаги корпоратив бошқарув мавжуд схемаларининг деярли ривожланмаганлиги. Амалдаги қонунчилик негизи керакли корпоратив бошқарув тизимини қуришга имкон берса ҳам, у фақат унинг қурилиши учун қарас вазифасини ўтайди;

- корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этишга масъул шахсларнинг зарур малакага эга эмаслиги. Корпоратив бошқарувнинг асосий муаммолари қонунчилик сифатидан кўра, кўпроқ корпоратив муносабатларнинг узок даврдаги амалиётининг йўқлиги билан боғлиқ бўлиб, корпоратив ҳулқ анъаналари энди шаклланмоқда.

Яхши корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади корпоратив фаолиятнинг самарадорлиги, молия бозорлари ва иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини ошириш, унинг натижаси турмуш фаровонлигини ошириш ва қўшимча иш ўринларини ҳосил қилиш мезонларига қараб баҳоланиши керак. Яхши корпоратив бошқарув алоҳида компания ва халқаро миқёсда бутун иқтисодиётнинг самарали фаолиятига эришишнинг зарурий, бироқ етарли бўлмаган шартидир. Корпоратив бошқарувнинг барқарор ўсиши учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

1. Маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш, инвесторларга уларнинг инвестициялари бошқарилуви хавфсиз, самарали, бошқариш тизими эса равшан ва мувофиқ ҳисоб юритилишига имкон бериши хусусида қарорларнинг таъминланиши .

2. Рақобатбардош ва самарали фаолият юритувчи компания ва корхоналарни ташкил этиш.

3. Корпорацияни бошқариш ишониб топширилган шахсларнинг фаолияти самарадорлигини кучайтириш.

4. Чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни қўллаб-қувватлаш.

Юқорида таъкидланганидек, корпоратив бошқарувнинг лозим даражадаги тизимини қуриш муаммоси асосий мотивация масаласига тақалади — томонларнинг манфаатлари қандай ҳисобга олинганлиги

масаласи инвестиция жозибадорлиги ҳамда ривожланиш стратегияси муаммоларидан узилган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Агар фаолият юритишда ижобий натижа олинган бўлса, у каерга йўналтирилиши керак? дивидендларгами, компанияни ривожлантиришгами ёки компания персоналини рағбатлантиришгами, деган саволларга бериладиган жавоб фундаментал аҳамиятга эгадир.

М.О. Амонов,
магистратура талабаси, ТДИУ

Инвестиция муҳити: мақсад ва муддаолар

Инвестиция муҳити объектив категория бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради. Инвестиция муҳитига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: сиёсий омиллар; иқтисодий омиллар; ижтимоий омиллар.

Мамлакатда хорижий инвесторлар билан бевосита иш олиб бориш мақсадида аввало, миллий корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари кенг омма ва салоҳиятли инвесторлар учун шаффоф (кўринарли) бўлишига, миллий корхоналар молиявий ҳисоботлари тўғрисида ахборотлар бериб борадиган ҳолис ахборот агентлиги ташкил этилишига эришиш. Бунда, инвестиция муҳитини шакллантиришдан ҳар иккала томоннинг ҳам мақсадли манфаатлари мавжуд.

Ривожланган мамлакат сармоядорларнинг ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига сармоя солишдан асосий манфаатлари қуйидагилар:

- табиий бойликлардан фойдаланиш имконини олиш;
- янги бозорлар кашф этиб, миллий иқтисодиётга кириб бориш;
- малакали ишчи ресурсларига кам харажат сарф қилиб, юқори иқтисодий самара бериш;
- дунё бозорида рақобатга бардош берадиган товарларнинг янги турларини яратиш учун илмий изланиш ва техник янгиликлар натижасидан фойдаланиш;
- иқтисодий ва молиявий имтиёзларга эга бўлиш.

Ривожланаётган мамлакатлар эса хорижий сармоядорларини жалб қилишдан асосий стратегик мақсадлари эса қуйидагилардир:

- хорижий замонавий техника ва технологиядан фойдаланиш;
- ички жамғармани қўшимча молиявий манбалар билан тўлдириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун хорижий бошқарув тажрибасидан фойдаланиш;
- импортни қисқартириш ҳисобига валютани тежаш;
- асосан тайёр саноат маҳсулотлари ҳисобига экспортни кенгайтириш;
- маҳаллий иқтисодиётни мувозанатлаштиришга эришиш.

Ҳар қандай иқтисодиётда янги инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш бу фан-техника тараққиётини юксалтириш, ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон стандартлари талабига мос келтириш, янги иш ўринларини яратиш билан бир қаторда фанли иш ўринлари яратилади, провардида ҳудуд, минтақа ва мамлакат миқёсда аҳоли турмуш тарзи ўсишига олиб келади.

Шундай экан, республиканинг ҳам марказий, ҳам минтақа бошқаруви даражасида хорижий капитални жалб қилишни янада такомиллаштиришга доир махсус дастур тайёрлаш ва шу йўналиш билан боғлиқ аниқ мақсадни кўзлаган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юқорида белгиланган масалаларнинг тез орада амалга ошишини таъминлайди.

*Ш.С. Муслимова,
ММНП-01 гуруҳи талабаси, ТДИУ*

Ишлаб чиқариш корхоналарини ташкилий бошқариш тизимини такомиллаштириш

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал ўзгаришларни амалга оширишни, ҳамда бошқаришнинг тегишли тузилмасини яратишни талаб этмоқда. Шу сабабли иқтисодий ислохотларнинг илк босқичларидаёқ республикамізда бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ушбу соҳага тегишли тажриба бўлмаганлиги сабабли бозор иқтисодиёти бошқарувида жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бошқарув соҳасида тегишли ўзгартиришлар киритилди, бошқарув бўғинларининг вазифалари ўзгарди ҳамда янги органлар тузилди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимида бошқаришни изчил, босқичма-босқич ташкил этиш модели қабул қилинди. Бошқарув тизимини ислоҳ этиш жараёни бир қанча босқичларни ўз ичига олиб, унинг ҳар бир бошқарув бўғини такомиллаштирилмоқда. Ўтказилаётган ислохотлар доирасида бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вазифалари ва таркибини қайта кўриб чиқиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда бошқарув тизими самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш, ҳамда бошқарув аппаратида сарфланаётган асоссиз харажатларни қисқартиришга қаратилган қатъий фаолиятга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, менежментни ташкил этиш, бозор механизмларини ташкил этишнинг ягона андозаси йўқ, ҳар бир корхона ташқи омиллар ҳамда ички хўжалик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўзига мос менежмент дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Дарҳақиқат, у ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида катта

истикболга эга, шу сабабли, менежментга жиддий муносабат зарур, унинг назарий асосларини хориж мамлакатларидаги бу борада тўпланган амалий тажрибаларни теранроқ ўрганишга тўғри келади.

Бу муносабатларнинг энг муҳимлари: менежментни қўллаш билан боғлиқ масалаларни комплекс равишда ўрганиш, маҳсулот ассортиментини режалаштириш, талабни ва савдога рағбат берувчи тадбирларни шакллантириш, савдо ва тақсимот, маркетинг фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш.

Бошқарув менежменти корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг муайян тафаккур тарзидан иборат эканлиги ва унинг ўзига хос томонлари шундан иборатки, корхона бозор йўналишида фаолият олиб боради, яъни анъанавий бўлиб қолган ишлаб чиқариш талабларига мослашишидан бозор талабларига мослашишга ўтади. Бу эса бошқарув соҳасида қарорлар қабул қилиш тарзини кўп жиҳатдан ўзгартириб юборади.

"Ташкятекстил" қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг таҳлилидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин, корхонада маҳсулот сотишдан тушадиган соф тушум йилдан-йилга ортиб бормоқда, шу билан бир қаторда маҳсулот таннархи ҳам ортган, чунки хомашё ва материаллар, меҳнатга тўланадиган иш ҳақи ва электр-энергия харажатлари ошган. Корхонада ўрнатилган машина ва дастгоҳлар 20 ва ундан кўп йил ишлаганлари сабабли, ўз қийматларини маҳсулот таннарихига ўтказилган.

Бозор иқтисодиёти ва хорижий инвесторлар учун яратилган шароитларда, қўшма корхоналарнинг бошқариш тизимини самарали ташкил этиш хусусиятлари ўрганилди ва қуйидагилар хулоса сифатида эътироф этилди:

- бошқарувга янгича ёндашиш ва янги техника технологияларнинг жорий этилиши, бозорда рўй берадиган ўзгаришларга "ҳозир жавоб" бўлиш, ҳамда маҳсулот ассортиментини кенг доирада ишлаб чиқаришга замин яратиши яққол кўзга ташланиб турибди;

- қўшма корхоналар барпо этилиши менежментни тўғри ва самарали ташкил этилиши, янги иш жойларининг яратилиши, мамлакатимизга инновацияларни кириб келиши ва жаҳон стандартларининг юртимизда татбиқ этилишини тақозо этади;

- тўқимачилик саноатига инвестицияларни жалб этиш ва янги қўшма корхоналар барпо этиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилиши, малакали етук кадрларнинг мавжудлиги ва корхонада фойда олиш даражаси юқори суръатларда ўз аксини топмоқда.

Амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқот натижалари, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри, хусусий

инвестицияларни жалб этиш ишларини янада жадалроқ олиб бориш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиш даражасини кучайтириш лозимлик таклифини олдинга сурмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитларига ўтишнинг асосий шартларидан бири - мулкчиликнинг турли хил шакллигидир. Давлат тасарруфидаги мулкнинг хусусийлаштирилиши, унинг ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа мулки, хусусий мулкка айлантирилиши билан бир қаторда янги шахсий мулк, пудратчилик, хорижий мулк, қўшма корхоналар мулкларининг яратилиши, рақобатнинг пайдо бўлиши, талаб ва таклифнинг янги босқичга чиқиши, замонавий бошқарув услублари ва тамойиллари қарор топиши, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолиятига жавобгар бўлишлари, ҳамда менежментни тўғри ва самарали ташкил этишларини тақозо этади.

*О. Сайдахмедов, С. Сафаров,
ММНП 01 гуруҳ талабалари,
Қосимова Д., проф., ТДИУ*

Ишлаб чиқаришнинг экологик харажатларини камайтириш маҳсулот табиий харажатлари сиғимини камайтиришнинг зарурий шартидир

Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланадиган табиий ресурсларни камайтириш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларга тўхталиб ўтамиз. Маълумки, ижтимоий меҳнат самарадорлиги жуда кўп омилларнинг, жумладан, табиий шароитлар билан ўзаро чамбарчас алоқаси билан аниқланади.

Табиий шароитларнинг меҳнат унумдорлиги ўсишига таъсир этиши шубҳасиздир; улар маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат харажатларининг ўсишига ёки камайишига таъсир ўтказади. Табиат қонунлари ҳақидаги билимларга имкон даражасида асосланган техник даражанинг ўсишида, табиий шароит кам самарали бўлиб боради. Бугунги кунда ишлаб чиқариш табиий шароитларининг ёмонлашуви меҳнат унумдорлигининг ўсишига жиддий таъсири сезилмоқда, шунингдек, атроф-муҳитнинг саноат чиқиндилари билан зарарланиши инсон саломатлигига, бино ва иншоотларга, ўсимлик ва хайвонот дунёсига, миллий бойликнинг деярли барча элементларига салбий таъсир кўрсатиб, катта моддий йўқотишларга сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда маҳсулот учун сарфланаётган меҳнат харажатлари нафақат техника тараққиёти таъсирида ўсмоқда, балки экологик ҳолатларнинг ўзига хослиги, яъни қиммат хомашё ишлатилиши ва

экотехника (табиатни муҳофаза қилиш воситаларининг ишлаб чиқилиши) нинг қўлланилиши ишлаб чиқаришнинг қимматлашувига олиб келмоқда.

Илмий-техника инқилоби авж олган сайин қайта тикланмайдиган ресурсларнинг тугаб бориши ва қайта тикланадиган ресурсларнинг сифат жиҳатидан ёмонлашуви кузатилмоқда. Шу сабабли кейинги вақтларда кон қидирув ишлари, хомашё ва энергия ресурсларини ташиш билан боғлиқ харажатларнинг сезиларли даражада ўсиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга меҳнат сарфининг кўпайишига таъсир этмасдан қолмади.

Саноатда сунъий хомашёларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши, табиий ресурслар етишмаслиги ўрнини қоплаши билан бирга табиатда чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши, жумладан, табиий муҳит таъсирида йўқолмайдиган (зарарсизланмайдиган) чиқиндиларнинг тупланишига сабаб бўлмоқда. Бу чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишининг олдини олиш фақат уларни ёкиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бироқ ёниш натижасида ҳосил бўладиган чиқинди газлар атмосфера ҳавосининг янада ифлосланишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, сув ва ҳавони тиклаш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва уларни йўқотиш бўйича яратилган қимматбаҳо иншоотлар ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг ажралмас қисмига айланди. Табиат ресурсларини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми сифатида қўшимча равишда жонли ва моддий меҳнат харажатларини талаб қилади. Тозалаш иншоотларини яратиш ва қўллаш, ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотнинг қимматлашувига олиб келади. Оқава сув ва газ(ҳаво) чиқиндиларидан зарурий маҳсулотларни ажратиб олиш ҳамма вақт уларни махсус ишлаб чиқаришга нисбатан қимматга тушади ва қўшимча меҳнат сарфларининг ўсишига олиб келади. Бу кабилар маҳсулотнинг фонд ва материал сиғимини камайтиришга ва асосийси жонли меҳнатнинг самарасини оширишга бўлган талабни кучайтиради.

Бундай ҳолатларда, маҳсулот таннархига кирувчи шартли экологик қўшимчани қисқартириш йўллари излаш зарурати пайдо бўлади.

"Ишлаб чиқаришнинг экологик харажатлари" деган тушунча мавжуд бўлиб, у миқдорий жиҳатдан табиий муҳитни қайта тиклаш, ундан оқилона фойдаланиш ва ҳимоя қилиш учун зарур бўлган харажатларнинг умумий йиғиндисини ифода этади. Ишлаб чиқаришдаги экологик харажатларнинг ўсиш тенденциясига, жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири қонуният асосида амалга ошиши каби қарашлар мавжуд.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнларининг ривожланиши қарама-қаршидир. Бир томондан фан ва техниканинг жадал ривожланиши инсонга табиат офатларига боғлиқлигини камайтирса, иккинчи томондан атроф-муҳит

шароитларининг ёмонлашуви меҳнат унумдорлиги ва ижтимоий ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишига қарши таъсир этади.

Маҳсулот таннархи таркибида экологик харажатларнинг ортиб бораётган ҳозирги пайтда ва келажакда ҳам шу йўналиш давом этадиган бўлса, жамият тараққиёти боши берк кўчага кириб қолиши шубҳасиздир.

Ҳақиқатан ҳам илмий-техникавий тараққиётнинг ҳозирги босқичида, экологик мувозанатни сақлаб туриш учун сарфланаётган сармоя қўйилмаларнинг миқдори вақт сайин ошиб бормоқда ва экологик мақсадлар учун сарфланаётган харажатларнинг ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда. Аммо жамият ва табиатнинг ўзаро мақбул таъсири ҳақида гапирганда, ишлаб чиқаришда экологик харажатларни камайтириш, яъни табиатдан номақбул фойдаланишнинг ўсишини таъкидлаш лозим.

Жамият иқтисодий муносабатларнинг тараққиётини онгли ва режали равишда ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга зарарли таъсири ва маҳсулот таннархи таркибида унинг келтирган зарарини тиклаш харажатларини камайтиришга эришиш учун йўналтирмоғи лозим. Ишлаб чиқаришнинг экологик харажатларини қисқартириш учун шундай иқтисодий муносабатларни юзага келтириш керакки, токи табиий тизимнинг ўзи табиий ресурсларни қайта тиклаш функциясини амалга оширишга қодир бўлсин. Атроф-муҳитни зарарлантирувчи тармоқдан бири кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати бўлиб, айниқса бу тармоқда, экологик тоза технологияларни жорий этиш зарурати пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда бу тармоқда экологик масалаларни ҳал этишнинг бир-биридан фарқ қиладиган икки йўналиши ажратилади.

Биринчи йўналиш - чиқиндиларни тозалаш технологиясини яратишдир. Корхоналарда бундай чиқиндиларни зарарсизлантирувчи ва қайта ишловчи махсус қурилмаларнинг яратилиши, асосий маҳсулотларнинг қимматлашувига олиб келади. Бу йўл иқтисодий жиҳатдан кам самарали бўлишига қарамадан ҳозирги пайтда кенг тарқалгандир. Бу усулда энергия ва материал сиғимининг сезиларли ўсиши ҳисобигагина экологик муаммони ҳал этиш мумкин. Бундан ташқари тозалаш иншоотларининг қурилиши катта ер майдонларини эгаллайди ва қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни йўқотиш бўйича янги муаммоларни келтириб чиқаради.

Иккинчи йўналиш - ишлаб чиқаришга чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияни жорий этиш билан экологик муаммоларни ҳал этишдан иборат. Шартли тоза технология (эски, тозалаш потокларига эга) бўйича олинган маҳсулот таннархи, чиқиндисиз технологияда олинган маҳсулот таннархига нисбатан ҳамма вақт юқори бўлади. Чиқиндиларни тозалаш ва зарарсизлантириш тизимига зарурати бўлмаган технология экологик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда икки йўналиш иқтисодий ва экологик йўналиш асосий деб қаралиши мумкин. Агар юқори иқтисодий самарага кам харажатлар қилинган ҳолда эришилса, экологик муҳит тозаллигига эса қўшимча харажатлар сарф қилиш орқалигина эришилади. Бу йўналишларнинг иккаласида ҳам бирёқламалик мавжуддир. Аммо ушбу бир ёқламалик (иқтисодий фойда олиш нуқтаи назаридан) ни абсолют деб бўлмайди, чунки шундай ҳолатлар бўладики, бунда экологик талаблар иқтисодий талабга нисбатан юқори туради ва бу ҳолларда атроф-муҳитнинг яшаш учун яроқлилигини сақлаш учун харажатни оширишга тўғри келади. Иқтисодий харажатларни чеклаш принципи келажакда катта йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Кам чиқиндили технология ишлаб чиқаришнинг экологик сарфларини камайтирган ҳолда, табиий моддаларнинг фойдаланиш коэффициенти оширади. Кам чиқиндили ишлаб чиқариш технологияси атроф-муҳитни зарарланишдан ҳимоя қилиш бўйича кўпгина муаммоларни ҳал этади. Моддаларнинг (хомашё, материал) занжирли айланма технологиясининг яратилиши - бу жамият ва табиатнинг ўзаро таъсир жараёнида катта бурилиш ясади.

Табиат қонунлари билан инсон фаолиятининг номуносивалиги, ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада қимматлашувига сабаб бўлади, шунингдек экологик тоза муҳитни таъминлаш учун асосий ишлаб чиқаришга қўшимча меҳнат, моддий ва молиявий харажатлар қилиниши талаб этилади. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилсагина, ишлаб чиқаришда экологик харажатларнинг улушини камайтиришга ва шу аснода ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришилади. Бунинг учун ишлаб чиқаришга нафақат юқори иқтисодий самара берувчи, балки атроф-муҳитнинг ифлосланмаслигини таъминловчи чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни жорий этиш иқтисодий юксалиш ва фаровон турмуш тарзининг гаровидир.

*С. Тожибоев,
МТД- 01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш омили

Контрабанда сўзи, италянча *contrabando* (яъни *contra* - қарши ва *bando* – давлат фармони) сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу турли хил товар ва бойликларни божхона назоратидан яширинча равишда давлат чегараларидан олиб ўтишни англатади. Кўплаб мамлакатларда жиноятчиликнинг бу тури энг хавфли жиноий фаолиятлардан саналади. Контрабанда ўз табиатига кўра, гиёҳванд моддаларни тарқатиш, террорчилик, қотиллик, йўқолиб кетаётган ноёб ҳайвонлар савдоси каби

жирканч жинойтлар содир этилишининг сабабчиси, яъни уларнинг асосий буюртмачиси бўлади.

Божхона қоидаларини бузилиши деганда, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 129-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қоидаларига айбли ғайриқонуний риоя этмаслик тушунилади.

Божхона кодексини 129-моддасига асосан божхона қоидаларини бузилиши – Божхона кодекси, «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикасининг божхона ишига оид бошқа қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланган божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийтчиликларидан ўтказиш тартибига, божхона тўловларини тўлаш тартибига риоя этмаслик, божхона имтиёзлари бериш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқига зид тусдаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидир. Энди «Контрабанда жинойти» нималигини ўрганиб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодекси 246-моддасига кўра, контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ - дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш.

Демак, контрабанда жинойти божхона чегараларидан ҳар қандай мол-мулкни эмас, қуйидаги ашёларни ғайриқонуний ўтказиш билан боғлиқ:

- 1) кучли таъсир қилувчи заҳарлар;
- 2) заҳарловчи моддалар;
- 3) радиоактив материаллар;
- 4) портловчи моддалар;
- 5) портлатиш қурилмалари;
- 6) қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дорилар;
- 7) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар;
- 8) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар.

Контрабанда жинойти:

- божхона назоратини четлаб ўтиш;
- божхона назоратидан яшириб ўтказиш;

- божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб ўтказиш;
- декларациясиз ўтказиш;
- бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказиш орқали содир этилади.

Контрабанда жиноятининг объекти – Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибни бузиш, яъни кучли таъсир этувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини олиб кириш ва олиб чиқиш.

Объектив томондан жиноят Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан контрабанда буюмларини ўтказиш ёки ўтказишга суиқасд қилиш орқали содир этилади.

Субъектив томондан контрабанда жинояти қасддан содир этилади. Контрабанда жиноятининг субъекти – 15 ёшга тўлган ақли етук бўлган жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, хориж фуқароси ёки фуқаролиги йўқ шахс бўлиши мумкин. Жиноят содир этилиш вақтида тугалланган ҳисобланади (масалан, хуфия жойларга беркитиш, божхона назорати бўлмаган жойлардан божхона чегарасидан ўтишга ҳаракат).

Контрабанда буюмлари. Божхона ходими контрабанда буюмлари, уларнинг турлари ва хусусиятлари ҳақида мукаммал илмий маълумотларга эга бўлиши, уларни аниқлашнинг замонавий усул ва воситаларини яхши билиши лозим. Контрабанда буюмлари бир неча гуруҳларга бўлиниб, қуйидаги тартибда таҳлил қилинган:

- гиёҳвандлик воситалари;
- қурол-яроғлар, шу жумладан оммавий қирғин қуроллари;
- диний ақидапарастлик ва экстремизм материаллари.

*А.А. Агламов,
МТД- 01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Мамлакатимизда контрабанда ва божхона ишига оид қонунлар бузилишига қарши курашнинг аҳамияти

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат олдидаги устувор вазифалардан биридир. Республикамиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона органларининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Булар, хусусан, контрабанда ва божхона қоидаларининг бузилишига қарши кураш мисолида намоён бўлади.

2008 йил давомида ДБК томонидан республикамиз ҳудудига ноқонуний равишда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган товарларни олиб кирилишига қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар таҳлили, ушбу йўналишда ўтказилаётган тадбирларга қарамасдан, ички бозорларда контрабанда йўллари билан олиб кирилган товарлар камаймаётганидан далолат бермоқда. Республикамиз ички бозорларида катта миқдорларда контрабанда товарларини мавжудлигининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

– республикамизнинг қўшни давлатлар билан чегараларининг асосий қисми техник-муҳандислик жиҳатидан заиф жиҳозланганлиги;

– чегара аҳоли пунктларида аҳолининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва иш билан таъминланмаганлиги оқибатидаги ҳуқуқий онгининг пастлиги;

– ДБК, ДЧХҚҚ, ИИВ томонидан республикамизга товарларни ноқонуний йўллар билан олиб кирилиши ва уларга чек қўйиш ҳамда ички бозорларни текшириш борасида ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги;

– маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш идоралари томонидан чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида олиб борилаётган профилактик ҳамда тушунтириш ишларида ҳаракатсизликка йўл қўйилиши;

– Ўзбекистон Республикасига товарларни импорти учун белгиланган божхона ставкаларининг юқорилиги.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, охириги вақтларда мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан товарларнинг вақтинча сақлаш жойлари “яма” лар кўпайиб бормоқда.

Ҳуқуқбузарлар ва жиной гуруҳ аъзолари томонидан вақтинча сақлаш жойлари “яма” лар сифатида кўпинча чегараолди ҳудудларда жойлашган аҳоли хонадонлари, ташкилотларнинг бўш қолган омборлари ва бошқа хизмат биноларидан фойдаланиб келинмоқда.

Маълумотларга кўра, шунингдек жиной ва маъмурий ишларнинг иш материаллари товарларни вақтинча сақлаш жойлари “яма” ларнинг аксарият қисми Тошкент вилоятининг чегараолди яшаш нуқталарида жойлашганлигини кўрсатмоқда.

“М-34” ва “М-39” автойўлларида яқин жойлашган Сирдарё вилоятининг қишлоқларида, Наманган, Андижон вилоятларида “яма” лар мавжуд.

Шунингдек, бундай “яма”лар Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги чегараолди ҳудудларда, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги аҳоли яшаш пунктларида, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги қишлоқларида мавжуддир.

Бундан ташқари, кўрсатиш лозимки, тезкор тадбирлар ўтказилиши давомида ҳуқуқбузарлар ва уларнинг тарафдорлари томонидан божхона

ходимларининг қонуний ҳаракатларига тўсқинлик қилиш ва қаршилик кўрсатиш ҳамда оқибатда божхона ходимларига тан жароҳатлар етказиш кўп учраб туриши кузатилмоқда.

Худудий тизимларининг тезкор-хизмат фаолияти аҳволини яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Ўзбекистон Давлат чегарасида техник муҳандислик тадбирларни амалга оширилишини тезлаштириш;

- чегара худудларида профилактик тадбирлар ўтказилишига маҳаллий ҳукумат ва ўз-ўзини бошқариш идораларининг масъулиятини ошириш;

- импорт божларининг ставкаларини оптималлаштириш;

- контрабанда ва БҚБга қарши курашиш йўналишида фаолият кўрсатаётган божхона идораларининг ходимларини ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

- божхона ходимларини қонуний ҳаракатларига ҳуқуқбузарлар томонидан тўсқинлик қилинишини ва қаршилик кўрсатишларига чек қўйиш мақсадида контрабанда ва БҚБга қарши курашиш бошқармаси қошида тезкор ҳаракат қилувчи махсус отряд тузиш;

- ҳуқуқбузарлар томонидан чегарадан товарларни ноқонуний олиб ўтишда фойдаланилган транспорт воситаларини, уларнинг юридик жиҳатдан бевосита чегарадан олиб ўтган шахсга тегишли эмаслиги баҳонасида эгаларига қайтариб бериш суд амалиёти бекор қилиш.

Ҳозирги кунда замонавий ахборот технологияларини божхона тизимда самарали қўлланилиши божхона масканларидан ўтиладиган барча товар ва хизматларнинг сони, ҳажми, тури, вақти ва ҳ. к. ларни қисқа вақт ичида божхона бошқармаларига, уларда ДБҚга юқори тезликда узатишни таъминлайди ва шу маълумотлар асосида қанчадан – қанча товарлар кириб келиниши ва чиқиб кетилиши, ҳамда қонунбузарликларнинг сони ортган ёки камайгани ҳақидаги маълумотлар асосида ҳисоботлар таҳлил қилинади ва шу борада бу жараёнларни ўтишини юқори даражада ташкил этиш учун янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Буларни қаторига интернет орқали маълумотларни узатиш, электрон почталардан фойдаланиш, электрон декларациялаш ва бошқалар киради. Мисол учун электрон декларациялаш декларантнинг божхона инспектори билан бевосита мулоқот қилиш заруратини бартараф этади. ТИФ иштирокчиси божхона постидан юзлаб чақирим олисда компьютер олдида ўтириб, ахборотни ишлаш тармоғига уланиб, божхона декларациясини тўлдириши, унга электрон рақамли имзо қўйиши, бошқа зарур маълумотларни киритиши ва барча ахборотни ўз хабари сифатида худудий божхона бошқармасига юбориши мумкин. Рақамли имзонинг мавжудлиги ушбу маълумотлар юридик кучга эгаллигини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда жаҳон хўжалигига интеграциялашув шароитида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда контрабанда ва божхона қоидабузарликларига қарши кураш, хусусан наркотик ва психотроп моддалар, курул-яроғ ва маданий ёдгорликларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, терроризмга қарши кураш энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада, биринчи навбатда терроризмни молиявий қўллаб-қувватлаб келаётган контрабанда ва наркобизнесни илдизларини қирқиб ташлаш лозим.

*Б.Х. Латипов, Б.А. Шермухамедов,
студенты гр. МТД-01, ТГЭУ*

Методологические аспекты учета риска в таможенном деле

На настоящий момент для оценки уровня недостоверного декларирования товаров в таможенной службе Узбекистана используется так называемый метод «зеркальной» статистики, который заключается в проведении сопоставительного анализа внешнеторговых товарных потоков Узбекистана по данным таможенной статистики внешней торговли Узбекистана и статистики внешней торговли стран ее торговых партнеров. Однако не следует однозначно утверждать, что расхождения в данных таможенной статистики внешней торговли и статистики стран торговых партнеров являются величиной риска, так как помимо субъективных факторов существует ряд объективных причин, способствующих такого рода расхождениям.

К ним следует отнести следующие методологические особенности учета товаров.

В то время как ООН рекомендует использовать общую систему учета данных (хотя ООН и не утверждает, что общая система учета является лучшей), некоторые страны используют специальную систему учета:

- несовпадение в методике определения статистической стоимости (условия поставки товара FOB и CIF, национальное законодательство);
- использование различных способов перевода в валюту учета;
- различия в периодах включения данных, относящихся к одной и той же сделке, в статистику экспорта и импорта торговых партнеров;
- различия в определении страны партнера;
- различия в товарных классификациях.

Не все перечисленные причины методологических расхождений легко нормализуемы. Нормализация величин расхождений, объясняемых методологическими причинами, усложняется высокой детализацией

рисков недостоверного декларирования товаров (товар – страна, страна – товар).

Для определения уровня методологического порога расхождений нами предлагаются два варианта расчета методологического порога расхождений:

- путем расчета и нормирования каждой возможной методологической причины для конкретного товара из конкретной страны,
 - путем усреднения уровня методологических расхождений для конкретного товара и всех стран за пять лет («пятилетняя средняя»).
- Анализ показал, что наиболее точным и обоснованным вариантом безо всякого сомнения является первый вариант.

Анализ, проведенный нами показал, что основной недостаток этого варианта является невозможность прямого арифметического расчета некоторых методологических причин (например, учет внешнеторговых потоков «третьих» стран, объемы которых для некоторых стран и товаров достаточно существенны).

Это во многом ставит под сомнение целостность величины методологического порога недостоверного декларирования товаров, которая в свою очередь, определяет величину самого риска недостоверного декларирования товаров.

В целях «ухода» от невозможности расчета всех методологических причин нами предлагается метод «пятилетней средней» оценки методологического порога расхождений.

Этот метод базируется на предположении того, что для определенного товара, импортируемого из определенной страны-экспортера в Узбекистан, должны наблюдаться расхождения в данных с другими странами, которые также содержат методологическую составляющую, величину которой можно адаптировать к национальному импорту этого товара именно из этой страны-экспортера.

Конечным результатом является разработка соответствующей процедуры контроля, например: отбор товара для дополнительной проверки документов, определяющих его происхождение), конкретных технологий контроля, исходя из имеющихся ресурсов по кадрам, технике, программному обеспечению и т.д.

Далее контроль концентрируется в так называемых «областях риска», где совершение правонарушений наиболее вероятно. Степень значимости того или иного риска, частота возможности совершения определенной группы правонарушений определяются исходя из данных таможенной статистики, с учетом сложившейся на данный момент экономической ситуации страны. Немаловажным моментом является разработка программного продукта и грамотное, удобное и эффективное составление общего вида окон-меню в программе. Окно программы может

содержать три функциональные строки в меню: действия; реестры; сведения о программе.

Методика анализа рисков требует улучшения или создания новых информационных баз данных на локальном уровне отдельных подразделений таможни.

*Ж. Холмирзаев, МТД-01 гурух талабаси,
Алиев А., доц., ТДИУ*

Миллий тариф тартибини юмшатиш мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш омилидир

Ҳар бир мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган ташқи иқтисодий фаолиятини яъни ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнини, ўзгарувчан ички ва ташқи шароитларга мунтазам мослашиб бориши учун, уни давлат томонидан тартибга солиниши катта аҳамиятга эга. Чунки ташқи иқтисодий фаолият, яъни ташқи савдо, халқаро меҳнат тақсимооти, капитални халқаро миграцияси халқаро валюта молия ва кредит муносабатлари бир томондан мамлакатларга ўз табиий бойликларидан, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятини яратса, иккинчи томондан у орқали миллий иқтисодиётга интеграциялашуви жадаллашади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан кейинги йилларда миллий тариф тартибини юмшатиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-183-сон қарорига асосан импорт товарларига нисбатан қўлланиладиган божхона божларини ва акциз солиғи ставкаларини 302 та товар позициялари бўйича оптималлаштирилди. Бунда амалда бўлган бож тарифи ставкасини ўрта арифметик қиймати ҳозирги кунда 14,6 %ни ташкил этади. Халқаро валюта фондини классификациясига кўра, Ўзбекистон Республикасининг тариф тартиби “нисбатан очик” тартиблар қаторига киради (ўрта арифметик ставкаси 10 % дан 15 % гача бўлиши лозим).

Таққослаш учун Ҳиндистоннинг бож тарифини ўрта арифметик қиймати 32,0 % ни, Покистонники 20,4 % ни, Мексиканики 16,5 % ни, Россия Федерацияси бож тарифининг ўрта арифметик қиймати 14 % ни ташкил этади, Кореяники 13,8 %, Болгарияники 12,42 %, Украинаники 10,54 %, Хитой Халқ Республикаси бож тарифининг ўртача арифметик қиймати 10,4% ни ташкил қилади. Ваҳоланки, бу мамлакатларнинг кўпчилиги жаҳон савдо ташкилотининг аъзоларидир. Ўзбекистон

Республикасида ҳозирги кунда солиққа тортиш тизимида қўлланилаётган имтиёзлар ҳам мамлакат тариф тартибини юмшатишга қаратилган.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида инвестиция дастурлари бўйича олиб келинаётган технологик асбоб-ускуналар ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашёлар импортига божхона тўловларидан қонунчиликда белгиланган тартибда 4 трлн. 427,7 млрд сўм миқдорида имтиёзлар берилди. Бу 2007 йилга нисбатан 2 трлн. 221,3 млрд. сўмга кўпдир.

Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 13 феврал 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қилинган маърузада таъкидланганидек: ... ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувиغا қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21.4 % га ошди, айти вақтда товар ва хизматлар экспорти 28,7 % га ортди. Натижада ташқи савдо балансида ижобий сальдо ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

О.А. Шермухамедов, магистрант ТГЭУ

Риски в таможенной службе

Определение рисков в таможенной службе заключается в том, что риск – это возможные нарушения таможенного законодательства в процессе таможенного контроля при выпуске товаров (а также налогового, валютного или иных видов законодательства в сфере таможенного дела). При этом неблагоприятные исходы при таможенных рисках это - выпуск партии товаров при наличии нарушений законодательства (при этом ущерб наносится интересам государства) или необоснованная задержка товаров (в этом случае потери несут предприниматели).

Тогда общий ущерб от неблагоприятных исходов, будет представлять собой сумму потерь предпринимателей и государства, может быть выражен в денежной форме. Так, потери государства складываются из недопоступлений таможенных платежей в бюджет страны по причине недостоверного декларирования товаров, необоснованного возврата НДС участникам внешнеэкономической деятельности, потерь отечественных производителей при занижении цен на импортные товары.

Потери импортеров и экспортеров складываются из издержек в результате порчи товаров и увеличения срока их реализации. Вероятности неблагоприятных исходов оцениваются эмпирически как отношения

числа выявленных неблагоприятных исходов таможенного контроля к общему числу партий, прошедших таможенное оформление и контроль.

Целью управления таможенными рисками является минимизация вероятных суммарных потерь от неверных решений при осуществлении таможенного контроля. Для количественной определенности этой характеристики следует учитывать и вероятность наступления риска и возможный ущерб при неблагоприятном исходе.

В качестве формализованного критерия при управлении рисками можно принять минимизацию математического ожидания суммарного ущерба по всем рассматриваемым рискам.

В рамках таможенной системы трудно управлять значениями цены риска, (потери от неверных решений могут изменяться только в результате изменения ставок пошлин, тарифов и налогового законодательства, что вне компетенции таможенной службы).

Поэтому возможный ущерб при неблагоприятном исходе принимаются в качестве параметров целевой функции и остаются неизменными в рамках существующей правовой и нормативной базы государственного регулирования внешней торговли. Однако вероятность неблагоприятного исхода управляема в рамках таможенной системы: ее можно уменьшать посредством разработки новых процедур таможенного контроля, увеличения его глубины и расширения сферы охвата.

В настоящее время оценка рисков осуществляется на основе всей имеющейся у таможенных органов информации о результатах таможенного контроля и выявленных случаях нарушения законодательства Узбекистана с привлечением, по возможности, информации из других источников (данных службы государственной статистики, информации стран - торговых партнеров).

Анализ показал, что при таможенном оформлении товаров наибольший удельный вес занимают риски, связанные с недостоверным декларированием сведений о товаре, а именно: недостоверное декларирование стоимости или количества товаров, умышленное использование несоответствующего описанию товара кода, недостоверное декларирование страны происхождения товаров (для импортируемых товаров).

Традиционно, риски недостоверного декларирования в товарном разрезе в таможенной службе Республики Узбекистан (РУз), оценивались на основе сопоставления данных об экспорте и импорте стран - торговых партнеров. Помимо этого, частично использовался и другой способ - косвенная оценка экспорта и импорта на основе балансовых отношений. Каждый из этих методов обладает определенными достоинствами и недостатками, что не позволяет рассматривать любой из них в отдельности как полноценный методологический подход к выявлению и оценке рассматриваемых рисков.

Значительной проблемой, также, является отсутствие необходимых статистических данных на текущий период из-за существенного «отставания» фактической статистики во времени.

Так, например, проведение реального сопоставления данных таможенной статистики внешней торговли со странами торговыми партнерами возможно лишь на промежутке времени отстающего от сегодняшнего дня как минимум на 5-6 месяцев.

В то же время, при принятии решений по таможенному контролю необходимо учитывать и ближайшую перспективу направлений и масштабов недостоверного декларирования, т.е. необходим прогноз показателей рисков в товарном разрезе с упреждением как минимум до 1 года.

Таким образом, исходя из практических потребностей, необходим комплексный прикладной инструментарий, включающий в себя методы обобщенной оценки различными способами существующих рисков недостоверного декларирования и многовариантного прогнозирования сложившейся ситуации, что невозможно реализовать без использования методов вероятностного оценивания и эконометрического моделирования.

Б.Р. Юлдошев, МТД- 01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона органларининг роли

Ўзбекистон Республикасида божхона ишини ривожлантиришдан асосий мақсад ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо фаолиятини фаоллаштириш ва мамлакат иқтисодиётига инвестициялар оқимининг кўпайишига энг қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларга самарали қулайликлар яратиш зарурати божхона органлари олдида божхона ишини ривожлантиришга янгича ёндашиш масаласини қўйди. Чегарада божхона текширувларини амалга ошириш муолажаларини қайтадан қараб чиқиш, чегарада маъмурий ишларни амалга оширишни соддалаштириш ва қисқартириш, шу билан бирга, республика ҳудудида импорт операцияларининг тўлақонли аналитик текширувдан ўтказилишини таъминлаш, божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказиш ишларини тўлиқ автоматлаштириш, божхона хизматларини компьютерлаштириш амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий жиҳатлари бўлиб ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил божхона иши учун бурилиш йили бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон

¹ “Божхона иши асослари” Ў.Комилов таҳрири остида, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998 йил.

Республикаси Давлат божхона кўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815-сонли фармони чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси фаолиятини ҳуқуқий асослари «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» «Давлат божхона хизмати тўғрисида» 1997 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси тўғрисидаги низом билан белгиланади. Божхона органлари ўз фаолияти даврида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига, халқаро шартномаларга амал қилади. Давлат божхона кўмитаси ўз ваколатлари доирасида ягона божхона сиёсати ўтказилиши, божхона ишлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, Давлат божхона кўмитаси органлари тизимини самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Божхона органлари қонунчиликка мувофиқ ўз фаолиятини жойлардаги давлат органларидан мустақил равишда амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 374-сонли 30 июль 1997 йилдаги қарорига асосан Давлат божхона кўмитасининг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланган:

1. Республикамизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва белгиланган ваколатлар доирасида унинг хавфсизлигини таъминлаш.
2. Республикамизда божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш.
3. Божхона қонунларига риоя қилиш устидан назорат ўтказиш.
4. Республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш.
5. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалардан келиб чиқувчи божхона ишига оид мажбуриятларини таъминлаш.
6. Божхона божлари, солиқлар ва бож тўловларини ундириш.
7. Контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши кураш.
8. Махсус божхона статистикасини олиб бориш.
9. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтадиган товар ва транспорт воситалари устидан божхона текширувини таъминлаш ва қонунларда кўрсатилган бошқа вазифалар.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш орқали божхона органлари давлат иқтисодиётини ривожлантиришга, хусусан миллий ишлаб чиқарувчиларни, хорижий рақобатчиларидан ҳимоя қилиш, аҳолини саломатлигига зарар келтирувчи товар-моддий бойликларни кириб келишини олдини олишга хизмат қилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда божхона органларининг вазифаларини иккита гуруҳга бўлиш мумкин: протекционистик ва фискал. Божхона органлари давлат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича вазифаларни божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товар моддий-бойликлардан белгиланган миқдордаги божхона

тўловларини ундириш орқали амалга оширади, хусусан Ўзбекистон Республикаси божхона кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товар моддий бойликларидан тўққиз турдаги божхона тўловлари ундирилади.

Божхона тўловларининг биринчи тури - божхона божи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида» ги қонуннинг 2-моддасига асосан бож тарифи деб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига асосан ундириладиган бож ставкаларининг тўпламига айтилади. Ўз навбатида бож тарифи қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Протекционистик (ички ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш);

2. Фискал (Давлат бюджетини даромад қисмини маблағ билан тўлдириш);

3. Мувозанатлаштирувчи вазифаси.

Мувозанатлаштирувчи вазифаси бу шундан иборатки, бунда иқтисодий алоқа қиладиган мамлакат божхона тўловларини ҳисоблашда факатгина иқтисодий ҳисоб-китоблар эмас, балки мамлакатлар ўртасидаги сиёсий мувозанат ҳам ҳисобга олинади.

Р. Абдуллаев, МТД-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ

Жаҳон иқтисодий муносабатлари глобаллашуви шароитида бож тарифини ўрни ва аҳамияти

Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда давлатнинг бу функцияларидан қайси биридан фойдаланиш мамлакатнинг ташқи савдо сиёсатининг асосий йўналишлари билан белгиланади. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни моҳияти шундаки, давлат тартибга солиш дастаклари ёрдамида миллий иқтисодиётни манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг фаоллигини оширади, халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида халқаро иқтисодий алоқаларни қонунийлигини таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда давлатнинг бир қатор функциялари намоён бўлади. Булар рағбатлантириш, чеклаш ва таъқиқлаш, назорат қилиш, мувофиқлаштирувчи функцияларидир. Шу билан бирга бож - тарифида божлар мамлакат иқтисодий ривожланишнинг даражаси, товарга ишлов бериш даражаси ва бошқа омиллар билан белгиланади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик паст бўлса, бож ставкалари шунчалик юқори бўлади, чунки улар ёрдамида етарлича ривожланмаган тармоқлар хаддан ташқари кучли хорижий рақобатидан ҳимоя қилинади. Масалан Австрияда божлар

Швецариядагидан деярли уч барабар юқори божлар 50 % ва ундан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда белгиланади. Божлар деярли барча мамлакатларда юқори, ўрта ва паст божларга бўлинади, шунингдек бож тўламасдан олиб келиш ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикасида кўпроқ энг қулайлик бериш тартибидан фойдаланадиган мамлакатлар учун қўлланиладиган божларнинг ўрта ставкалари татбиқ этилмокда. Баъзи мамлакатлар, масалан Европа Иттифоки аъзолари Ўзбекистон Республикасига анча имтиёзли божхона тарифлари тартибини қўллайдилар, яъни преференция берадилар. Преференция бир давлат томонидан бошқасига ҳамкорлик асосида ёки бир томонлама тартибда, учинчи мамлакатларга татбиқ этмасдан тақдим этиладиган махсус имтиёзлар. Улар кўпинча божлардан чегирмалар кўринишда қўлланилади. Божхона имтиёзларини олиш учун мамлакат божхона органларига мазкур товар тулиқ Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилганини тасдиқлайдиган махсус ҳужжат – товарнинг келиб чиқиш сертификатини тақдим этиш зарур. Бунда Ўзбекистон корхоналарида жиддий равишда қайта ишланган товарлар учун махсус мезонлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида бож тарифи қўллаш мақсадларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасига товарлар, яъни ҳар қандай ҳаракатланувчи мол мулк, шу жумладан иссиқлик, электр энергиялари ва бошқа хил энергияларни олиб киришнинг товар таркибини оқилоналаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб чиқилиши ва олиб кирилиши;

- валюта даромадлари ва харажатларининг оқилона нисбатини қўллаб қувватлаш;

- Ўзбекистон Республикасида товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш таркибида илғор ўзгаришлар учун шарт-шароитлар яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини хориж рақобатларининг ноҳуш таъсиридан ҳимоя қилиш;

- Ўзбекистон республикасини жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялаш учун шарт-шароитларини таъминлаш.

Бож ставкалари ягона ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товарларни олиб ўтадиган шахслар, битим турлари ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгармайди. Мамлакатимизда бож ставкаларининг қуйидаги турлари қўлланилади: адвалор; хос; аралаш ставкалари.

Кўрсатилган алоҳида турдаги божлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари ташаббуси билан ўтказиладиган текширув натижаларига биноан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро имтиёзли тартиб

асосида савдо қилувчи иқтисоди паст ривожланган ва ривожланаётган давлатлардан келиб чиққан маҳсулотларни аниқлаш «Имтиёзларнинг умумий тизими доирасида тариф имтиёзлари билан ривожланаётган давлатлардан келиб чиққан маҳсулотларни аниқлашнинг соддалаштирилган қоидалари ҳақида»ги битим бўйича олиб борилади.

Юқоридаги қоидаларга кўра қуйидаги ҳолатларда маҳсулот тариф имтиёзли тартиби қўлланиладиган давлатлардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади:

- а) маҳсулот тўлиғича ушбу давлатда ишлаб чиқилган бўлса;
- б) хомашёси, ярим фабрикатлар бошқа давлатлардан олинган бўлсада, охирги ишлаб чиқариш мазкур давлатда яқунланган бўлса ёки бошқа давлатлардан олинган тайёр маҳсулот етарли даражада қайта критерийсига мос келса.

Маҳсулот имтиёзли тартибдан фойдаланувчи давлатда қайта ишланган деб ҳисобланиши учун:

- а) маҳсулотнинг дастлабки баҳоси экспорт қилинаётган қайта ишланган маҳсулот баҳосининг 50 фоизидан ошмаса;

- б) ушбу тартибдан фойдаланувчи бир неча давлатларда қайта ишланган бўлсада, унинг дастлабки баҳоси жорий баҳонинг 50 фоизидан ошмаган миқдорини ташкил этса.

- в) маҳсулот ушбу тартибдаги давлатлардан бирида ишлаб чиқарилган бўлса ва шу турдаги давлатларда қайта ишланган бўлса. «а» ва «б» пунктларда кўрсатилган маҳсулотлар баҳоси унинг келиб чиққан экспортчи давлатдаги баҳоси билан белгиланади.

Экспорт қилинган маҳсулотларнинг баҳоси ФОВ баҳолари асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро имтиёзли тартибда савдо қилувчи давлатларга нисбатан қўлланиладиган «маҳсулот тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган давлат» тушунчасининг «маҳсулот келиб чиққан давлат» тушунчасидан нисбатан фарқ қилишига эътибор бериш керак бўлади.

Ишлаб чиқариш хусусияти билан бирга бевосита сотиб олиш ва жўнатиш қоидаларига тўлиқ риоя этилиши керак. Агар импортчи имтиёзли тартиб қўлланиладиган давлатда регистрация қилинган фирмдан сотиб олган маҳсулот бевосита сотиб олинган ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри жўнатиш шартлари маҳсулотнинг Ўзбекистон ҳудудига тўғри келиб тушишини аниқлатади. Шу билан бирга бу шартларга географик, транспорт, техник ва иқтисодий сабабларга кўра бир ёки бир неча давлатлар ўтиши ва мунтазам божхона назоратида бўлиши киради.

Маҳсулотнинг имтиёзли тартибдаги ривожланаётган давлатлардан келиб чиққанлигини тасдиқловчи яна бир муҳим шарт маҳсулот ҳақидаги «А» формадаги декларация-сертификат шаклидаги гувоҳнома ҳисобланади.

Бу турдаги сертификат маҳсулот билан бирга юборилувчи ҳужжатлар билан биргаликда ёки маҳсулотни етказиб берилган кундан кейин 1 йилдан кўп бўлмаган муддатда такдим қилиниши керак. Маҳсулотнинг амалдаги миқдори билан сертификатда кўрсатилган миқдор ўртасидаги фарқдан ($\pm$) 5 фоиздан ошмаслиги керак.

Иқтисоди нисбатан паст ривожланган ва ривожланаётган давлатлардан келиб чиққан маҳсулотларга нисбатан мўлжалланган импорт бож фоизлари (асос божлардан 2 баробар кам) ушбу давлатлар томонидан «Имтиёзларнинг умумий тизими доирасида тариф имтиёзлари билан ривожланаётган давлатлардан келиб чиққан маҳсулотларни аниқлашнинг соддалаштирилган қоидалари ҳақида»ги битим шартлари ўз вақтида тўлиқ бажарилгандагина қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро мақбул тартибда савдо қилувчи давлатлардан келиб чиққан маҳсулотларга нисбатан қўлланиладиган импорт бож фоизлари (асос бож фоизлари) тариф имтиёзларидан ҳоли ҳолатда белгиланади. Божхона тарифининг 2 баробар кўпайтирилган асос божлари Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро мақбул тартиб ёки имтиёзли тартибда савдо қилувчи давлатлар рўйхатида кўрсатилмаган давлатларга нисбатан ёки маҳсулотнинг келиб чиқиш жойи аниқ бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Божхона ҳужжатлаштириш ишлари вақтида келиб чиқиши аниқ белгиланмаган маҳсулотларга нисбатан ҳам ўзаро мақбул тартиб ёки имтиёзли тартиб қўлланилиши мумкин, фақат бундай ҳолатда кейинчалик уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги аниқ ҳужжат талаб қилиб олинади. Импортёр божхона идораларига юқорида кўрсатилган ҳужжатларни такдим қилишининг энг узоқ муддати - 1 йил; бу муддатдан сўнг маҳсулотларга нисбатан қўлланилган бож фоизлари бўйича раддиялар қабул қилинмайди.

*У. Мирзаев,
МТД-01 гуруҳ талабаси, ТДИУ*

Товарнинг божхона қийматини ҳисоблаш ва божхона тўловларини ундиришнинг аҳамияти

Республикамызда олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат натижасида божхона органи фаолиятида ҳам бир қатор ютуқларга эришилди. 2007 – 2008 йиллар мобайнида бир қатор тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ўзининг мазмун моҳиятига кўра, мамлакатимиз раҳбариятининг инқилобий қарорлари бўлиб, шубҳасиз, бизни ғоятда қувонтиради. Айтиш жоизки бож тарифини қўллашнинг асосида божхона қийматини аниқлаш ётади.

Божхона қиймати – унинг негизида бож ва бошқа бож тўловлари ундириладиган товар қийматидир. Масалан, экспорт қиладиган мамлакатда товар 100 доллар туради, унинг ҳисобварақда кўрсатилган импорт нархи эса – 80 доллар, унинг импорт қилинаётган мамлакат бозоридаги нархи эса 150 долларни ташкил этади. Божни қайси нархдан ундириш лозим деган муаммо пайдо бўлади. Агар ундириладиган бож миқдорини энг кўп даражада кўпайтиришга амал қилинадиган бўлса, 150 долларлик нархни асос қилиб олиш ва ундан бож ундириш лозим бўлади. Агар импорт қилувчининг манфаатларидан келиб чиқилладиган бўлса, бож ҳисобварақда кўрсатилган товар нархидан келиб чиқиб белгиланади. Ушбу ҳолда декларацияда турли нархларни кўрсатишда ҳамда божхона маъмурларининг хатти – ҳаракатларида эркинлик учун кенг имкониятлар очилади. Шу сабабли товарлар таснифланиши халқаро қоидаларини бирхиллаштириш жараёни билан биргаликда товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг халқаро тизими ҳам ишлаб чиқилди. Бундай тизим 1950 йилда қабул қилинган ва ўшандан бошлаб 120 дан ортиқ мамлакатда амал қилинаётган божхона қиймати тўғрисидаги Брюссель конвенцияси билан деярли бир вақтда кучга кирди.

Бироқ, 1970 йиллар охирларида ГАТТ доирасида ўтказилган кўп томонлама савдо музокаралари натижасида (бу “Токио раунди” деб аталади) божни ҳисоблаш учун товар нархини белгилашнинг янада такомиллашган халқаро тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим беш – олти йил давомида ишлаб чиқилди. Бунда товарнинг божхона нархини белгилашга асос қилиб олинладиган принциплар тўғрисидаги масала атрофида кескин мунозаралар юзага келди. 1979 йил 12 апрелда бошқа кодекслар билан биргаликда божхона баҳолаши тўғрисида низом қабул қилинди. Унинг расмий номи – “ГАТТ нинг 7 – моддасини қўллаш тўғрисида келишув” деб аталади. Ҳозирги вақтда ушбу ҳужжат билан назарда тутилган бож нархини ҳисоблаш чиқишнинг халқаро тизими АҚШ, Япония, Европанинг барча мамлакатларида ва бир қанча ривожланаётган мамлакатларда қўлланилади.

Божхона қиймати – замонавий божхона – тариф тизимларининг ғоятда муҳим жиҳати ҳисобланади, бироқ, шунингдек у фискал манфаатлар йўлида божни ҳисоблаш ва миллий саноат тармоқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш воситаси сифатида ҳам муҳимдир. Божхона қиймати божхона статистикаси, лицензиялаш ва квоталаш бўйича келишувлар, товарлар импортида ва преференциал тизимлардан фойдаланишда ушлаб қолинладиган солиқлар ва акцизлар каби ташқи савдонинг муҳим омиллари сирасига киради.

Бугунги кунда давлат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Бунинг қанчалик зарурлигини ҳатто бизнинг мамлакатимизга четдан олиб келиб сотадиган ёзув-чизув қуроллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу товарларнинг 90 фоизи республикага

олиб келинади. Албатта, мамлакатимизда хорижникидан қолишмайдиган сифатга эга ана шундай махсулотлар ишлаб чиқарилиши муҳим ва зарурдир. Ҳаммамиз ҳам шундай бўлишини хоҳлаймиз.

Бироқ ҳозирча уларга бўлган эҳтиёжни ўз ишлаб чиқарувчиларимиз қоплай олмайдиган ёзув-чизув қуролларига талаб мавжуд экан, ички бозорни импорт ҳисобига тўлдиришга тўғри келади. Айни шу сабабли бугунги кунда уларни олиб киришда божхона тўловларининг жуда катта миқдордалиги бизни ташвишга солмай қўймайди. Чунончи, ТИФ ТН кодига боғлиқ ҳолда божхона божлари 10, 20, 30 %ни ташкил этади. Бунга акциз солиғи 15 %, ҚҚС 20 % ҳам қўшилади.

Бундан ташқари, транспорт харажатлари ҳам мавжуд (шартли равишда 10 % деб оламиз).

Хуллас, баъзи бир ҳисоб-китобларни қиламиз.

Акцизсиз товар: $10 + 20 + 10 = 40$

$20 + 20 + 10 = 50$

$30 + 20 + 10 = 60$.

Божхона тўловлари ўртача 50 фоизни ташкил этади.

Акцизли товар: $10 + 15 + 20 + 10 = 55$

$20 + 15 + 20 + 10 = 65$

$30 + 15 + 20 + 10 = 75$.

Ўртача 65 фоиз бўлади.

Ҳисоб-китоб божхона тўловлари товар қийматининг 50-65 фоизини ташкил этишини кўрсатапти. Товарни қонуний йўл билан олиб кириб, тадбиркор 1 сўм учун 50-65 тийин божхона тўлови тўлайди. Фойда олиш учун у ўз устамасини ҳам қўяди. Натижада бир сўмга сотиб олинган қонуний товар 2 сўмга сотилади.

Хулоса қилиб айтиш зарурки, ҳозирги кунда бож тўловларини ундириш орқали давлат бюджетини тўлдириб бориш ҳамда товарни божхона қийматини ҳисоблаш ва божхона тўловларини ундиришнинг ўрни ва аҳамияти жуда ҳам каттадир. Бу борада амалга оширалаётган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг ривожланишига ёрдам бериб ижобий таъсир кўрсатади.

***Б. Турабоев, А. Абдукадыров,
МТД-01 гуруҳ талабалари, ТДИУ***

Ўзбекистон Республикаси божхона иши соҳасида Халқаро Ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш

Маълумки, юртбошимиз Ислом Каримов олға сурган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили бажаришнинг иқтисодиёт соҳасидаги стратегик вазифаларидан бири “Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” дастурида қуйидагича қайд этилган: “Тўртинчидан, мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш, унинг халқаро

меҳнат тақсимоотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини янада кучайтириш. Бу Ватанимизнинг дунё бозоридаги ўрни ва нуфузини, фуқароларимизнинг ўз юрти иқтисодий саллоҳияти ва қудрати билан фахрланиш туйғусини юксалтириш демакдир”¹.

Бу тамойилларнинг деярли ҳаммаси халқаро иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, маънавий-иҷтимоий жараёнлар билан, бинобарин, божхона тизими билан ҳам бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Шунинг учун мустақил Ўзбекистон Республикасининг божхона хизматини ташкил этиш ва бошқариш базасини божхона соҳасидаги халқаро конвенциялар ва бошқа халқаро меъёрларга яқинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 28 июлда Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши таъсис этган конвенцияга қўшилди ва ҳозирги пайтда у божхона хизматига оид 15 та халқаро конвенцияга аъзодир. Бундан ташқари 1995 йил июнида мамлакатимиз шу ташкилотнинг сиёсий комиссияси таркибига сайланди. Ўзбекистон бу органнинг 24 аъзосидан бири сифатида тан олинди, бу эса мамлакатда иқтисодий ва иҷтимоий ислохотлар қандай амалга оширилаётганини жаҳон даражасида ёритиш, божхона иши хизматини янада такомиллаштириб, жаҳон стандартлари даражасига кўтарилиш мақсадида Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ)га аъзо бўлган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш имкониятини берди. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Жаҳон божхона ташкилотининг молия қўмитаси таркибига кирди.

Маълумки, Европа иқтисодий ҳамкорлик қўмитасига кирадиган 13 давлат 1947 йилда Тарифлар ва савдо бўйича бош битим (ГААТ) тамойилларига асосланган битта ёки бир неча Европа давлатлараро божхона иттифоқини тузиш тўғрисидаги масалани ўрганадиган ишчи гуруҳини тузишга келишиб олди. Натижада бир йилдан кейин иккита қўмита - иқтисодий ва божхона қўмиталари ташкил этилди. Охиргиси эса Божхона ҳамкорлиги кенгаши (БҲК) тузилишига замин бўлди. Уни таъсис этиш тўғрисидаги конвенция 1950 йил 15 декабрда Брюсселда имзоланди.

Вақт ўтиши билан БҲК га, Европа мамлакатларидан ташқари, жаҳондаги бошқа мамлакатлар ҳам қўшила бошлади. 1983 йилда бўлиб ўтган Кенгашнинг навбатдаги сессиясида 1952 йил 26 январда Кенгашнинг биринчи сессияси чақирилган кун эканлигини унутмаслиги учун бу кунни “Жаҳон божхона ходимлари кун”,- деб белгилади. Ҳозирги вақтда 160 дан ортиқ давлат мазкур Кенгашга аъзо. 1994 йилнинг июн ойида бўлиб ўтган Кенгаш сессияси иштирокчиларининг таклифи билан кенгашнинг ишчи номи - Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) кенг таомилига кирди.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: “Ўзбекистон”, 32-б

Таркибига 24 мамлакатни олувчи Сиёсий комиссия икки йил муддатга сайланувчи Жаҳон божхона ташкилотининг етакчи органи ҳисобланади. У ташкилотнинг ўзини, унинг таркибини ривожлантириш масалалари, жаҳон даражасида божхона ишининг сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Сиёсий комиссия томонидан сессияда қабул қилинган қарорлар ЖБТ Кенгашига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Маълумки, Жаҳон божхона ташкилоти ҳукуматлараро мустақил ташкилот бўлиб, унинг вазифаси савдо жараёнини тартибга солувчи қоидаларга амал қилиниши устидан назорат соҳасида божхона маъмуриятининг самарадорлигини ошириш, жамиятни ҳимоя қилиш ва божхона тўловларини тўла-тўқис ундириш масалаларини ҳал қилишдан иборатдир. Юқорида қайд этилганлардан ташқари миллий божхоналар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади, божхона тизимида дахлдор бўлган техник жиҳатлар ва иқтисодий омилларни ўрганади ҳамда турли конвенциялар лойиҳаларини ишлаб чиқади, шунингдек божхона ишлари ва таомилларини тартибга солишга дахлдор ахборотларни жўнатиш каби ишлар билан шуғулланади. Жаҳон божхона ташкилотининг котибияти Бельгия пойтахти Брюсселда жойлашган. Унинг ходимлари 140 кишидан иборат бўлиб, улар орасида Жаҳон божхона ташкилотига аъзо мамлакатлар божхона маъмуриятининг 68 вакили бор.

Ўзбекистон Республикасини Жаҳон божхона ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги республикамиз божхона хизмати фаолияти базасини божхона соҳасидаги халқаро конвенциялар ва бошқа халқаро меъёрларга яқинлаштириш имкониятини берди. Хусусан, Киото конвенциясининг стандартлари ва тавсияларини амалиётда қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятини енгиллаштириш, божхона муаммоларини ечиш ва миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш каби масалаларни ҳал этишга эришган ҳолда, БСТнинг талабларига жавоб беришни таъминлайди. Халқаро савдо жараёнларини енгиллаштириш қуйидаги чоралар билан амалга оширилиши белгиланган:

- нотариф тўсиқларни бартараф этиш;
- халқаро савдо операцияларини енгиллаштириш билан бирга ташқи савдо самарадорлигини ошириш;
- моддий харажатлар ва вақт сарфини камайтириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона бошқарувига кетадиган харажатларни пасайишини таъминлайди.

Мамлакатимизда халқаро алоқалар тобора ривожланиб борар экан, бу божхона фаолиятини замон талабларига жавоб бера оладиган даражада мукамал йўлга қўйилишини талаб этади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятчилиги, шунингдек, тараққий этган мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий мавқеи кундан-кунга ошиши, республикамиз ташқи иқтисодий алоқалари янада ривожланиб

бораётганлиги Давлат божхона қўмитаси зиммасига янгидан-янги вазифаларни юкламоқда. Шунинг учун Давлат божхона қўмитаси Осиё тараққиёт ва тикланиш банки билан ҳамкорликда чегара божхона масканларини божхона назорати ўтказилишига оид замонавий техник жиҳозлар билан таъминлаш масалалари юзасидан самарали музокаралар олиб боришга эришди яъни хужжат ва расмийликларни мувофиқлаштириш ва соддалаштириш, минтақавий чегара ўтиш жойларида муштарак тадбирлар ўтказиш, транзит ривожланиши, Шарқий ва Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлигининг стратегик ҳаракат ва режалари, божхона хизматида маълумот ва коммуникацион технологиялар ҳамда миллий интеллектуал тизимлар ва ҳоказолар. Ўтган 17 йил давомида божхона соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ва изчил ислохотлар самараси ўлароқ, бугун жаҳон тажрибаларига жавоб бера оладиган божхона хизмати шаклланди деб ишонч билан айтишимиз мумкин.

*Д.А. Ахмедова,
магистратура талабаси, ТДИУ*

Касаначилик уй меҳнати ва оилавий тадбиркорлик ривожи

